# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ АКАДЕМИЯСИНИНГ АХБОРОТНОМАСИ

*2010 йилдан нашр этила бошлаган*

*Йилда тўрт марта чиқади*

## 2021 йил, 2 (49)-сон

**Бош муҳаррир**

**Хатамов Рустам Абдуганиевич,** Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси бошлиғи.

**Масъул муҳаррир**

**Зиёдуллаев Музаффар Зиёдуллаевич,** ИИВ Академияси бошлиғининг ўринбосари, юридик фанлар доктори, профессор.

**Масъул котиб**

**Эргашев Бахтиёр Қосимович,** ИИВ Академияси Таҳририят-ноширлик бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи.

**Таҳрир ҳайъат аъзолари**

**Турсунов Ахтам Саломович,** ИИВ Академияси ҳуқуқбузарликлар профилактикаси кафедраси профессори, юридик фанлар доктори, профессор;

**Исмаилов Исамиддин,** ИИВ Академияси жамоат тартиби ва хавфсизликни таъминлаш кафедраси бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор;

**Абдурасулова Қумриниса Раимкуловна**, ИИВ Академияси криминология кафедраси профессори, юридик фанлар доктори, профессор;

**Раджабова Мавжуда Абдуллаевна,** ИИВ Академияси жиноят-процессуал ҳуқуқи кафедраси профессори, юридик фанлар доктори, профессор;

**Камалов Ойбек Ахматович,** ИИВ Академияси сиртқи таълим факультети бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор;

**Хамдамов Абдували Ахмедович,** ИИВ Академияси тезкор-қидирув фаолияти кафедраси профессори, юридик фанлар доктори, профессор;

**Пулатов Бахтиёр Халилович,** Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси академиясининг профессори, юридик фанлар доктори, профессор;

**Кабилов Шариф Рахимович**, ИИВ Академияси криминология кафедраси профессори, иқтисод фанлари номзоди, профессор;

**Бердиқулов Сирожжон Насипқулович**, ИИВ Академияси жиноят-процессуал ҳуқуқи кафедраси профессори, фалсафа фанлари доктори, профессор;

**Нигматов Руфтулло Олимджонович,** Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университетининг ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича проректори, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент;

**Қодиров Умиджон Абдимуратович**, ИИВ Академияси Илмий-тадқиқот ишларини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи, юридик фанлар номзоди, доцент.

**Ушбу сон муҳаррирлари**
И. В. Солохина, М. Э. Султонова,
И. И. Ҳувайтов, А. М. Курганов

**Дизайнер ва саҳифаловчи** М. Р. Ўринов

**Таъсисчи**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Ахборотнома Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йил 18 июнда қайд этилган. Оммавий ахборот воситаси давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома № 0568.

Ахборотнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган (ОАК Раёсатининг 2013 йил 30 декабрдаги 201/3-сон қарори).

**Таҳририят манзили**:

100197, Тошкент шаҳри, Интизор кўчаси, 68.
Тел.: 71-265-23-56, 71-265-23-59.
http://akadmvd.uz/category/vestnik-akademii
e-mail: axbakad@inbox.uz

Оригинал-макет Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг Таҳририят-ноширлик бўлимида тайёрланди.

Мақолалар ҳар қандай усулда тўлиқ ёки қисман кўчириб босилганида «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Таҳририят хатлар муаллифлари билан ёзишмайди. Қўлёзмаларга тақриз берилмайди ва улар қайтарилмайди.

Муаллиф мақолада келтирилган далил ва маълумотлар учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

Бичими 60×84 1/8. Нашр табағи 22,0. Офсет усулида босилди. Адади 300 нусха. «Better Print» МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Уста Ширин 1-тор кўчаси, 254-уй.

Баҳоси келишилган нархда.
Босишга рухсат этилди 30.07.2021.

Буюртма № ISSN 2181-4872

© Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2021.

# ВЕСТНИК АКАДЕМИИ МВД РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

*Издается с 2010 года*

*Выходит четыре раза в год*

**2021 год, № 2 (49)**

**Главный редактор**

**Хатамов Рустам Абдуганиевич,** начальник Академии МВД Республики Узбекистан

**Ответственный редактор**

**Зиёдуллаев Музаффар Зиёдуллаевич,** первый заместитель начальника Академии МВД Республики Узбекистан, доктор юридических наук, профессор

**Ответственный секретарь**

**Эргашев Бахтиёр Косимович,** исполняющий обязанности начальника Редакционно-издательского отдела Академии МВД

**Редакционная коллегия**

**Турсунов Ахтам Саломович,** профессор кафедры профилактики правонарушений Академии МВД, доктор юридических наук;

**Исмаилов Исамиддин,** начальник кафедры обеспечения общественного порядка и безопасности Академии МВД, доктор юридических наук, профессор;

**Абдурасулова Кумриниса Раимкуловна,** профессор кафедры криминологии Академии МВД, доктор юридических наук;

**Раджабова Мавжуда Абдуллаевна,** профессор кафедры уголовно-процессуального права Академии МВД, доктор юридических наук;

**Камалов Ойбек Ахматович,** начальник факультета заочного обучения Академии МВД, доктор юридических наук, профессор;

**Хамдамов Абдували Ахмедович,** профессор кафедры оперативно-розыской деятельности Академии МВД, доктор юридических наук;

**Пулатов Бахтиёр Халилович,** профессор Академии Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан, доктор юридических наук;

**Кабилов Шариф Рахимович,** профессор кафедры криминологии Академии МВД, кандидат экономических наук;

**Бердикулов Сирожжон Насипкулович,** профессор кафедры уголовно-процессуального права Академии МВД, доктор философских наук;

**Нигматов Руфтулло Олимджонович,** проректор по учебной и воспитательной работе Университета журналистики и массовых коммуникаций Узбекистана, доктор философских наук, доцент;

**Кодиров Умиджон Абдимуратович,** начальник отдела координации научно-исследовательской работы Академии МВД, кандидат юридических наук, доцент.

**Редакторы номера**

И. В. Солохина, М. Э. Султонова,
И. И. Хувайтов, А. М. Курганов

**Дизайн и верстка** М. Р. Уринов

**Учредитель**

Академия МВД Республики Узбекистан

Вестник зарегистрирован Узбекским агентством по печати и информации 18 июня 2009 г. Свидетельство о регистрации средства массовой информации № 0568.

Вестник включен в перечень научных изданий, рекомендованных Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан для публикации основных научных результатов диссертаций (Решение Президиума ВАК №201/3 от 30 декабря 2013 г.).

**Адрес редакции**

100197, г. Ташкент, ул. Интизор, 68.
Тел.: 71-265-23-56, 71-265-23-59.
http://akadmvd.uz/category/vestnik-akademii
e-mail: axbakad@inbox.uz

Оригинал-макет подготовлен в Редакционно-издательском отделе Академии МВД Республики Узбекистан.

При перепечатке или воспроизведении любым способом полностью или частично ссылка на вестник «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси» обязательна.

Редакция не вступает в переписку с авторами писем, рукописи не рецензируются и не возвращаются.

Автор несет личную ответственность за факты и сведения, приведенные в статье.

Формат 60×84 1/8. Уч.-изд.л. 22,0. Печать офсетная. Тираж 300 экз. Отпечатано в ООО «Better Print», г. Ташкент, ул. Уста Ширин, проезд 1, д. 254.

Цена договорная.
Подписано в печать 30.07.2021.

Заказ № ISSN 2181-4872

© Академия МВД Республики Узбекистан, 2021.

## МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ

### ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

### ПРАВОВОЕ ГОСУДАРСТВО И ГРАЖДАНСКОЕ ОБЩЕСТВО

**Одилқориев Х.Т.** Глобал пандемия вазиятида давлат ва ҳуқуқ функцияларининг амалга оширилиш хусусиятлари.......5

**Парманов Ф. Д.** Давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти устидан парламент ва жамоатчилик назорати.......16

### ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

### РЕФОРМЫ В ОРГАНАХ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ

**Сарабеков Х.Д.** Уйма-уй юриш, халқ билан мулоқот қилиш ва муаммоларни аниқлаш – ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим омили.......22

**Эралиев А. Б.** Ички ишлар органларида кадрлар билан ишлаш фаолияти самарадорлигини ошириш: тизимли таҳлил ва таклифлар.......29

### ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ, ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ҲУҚУҚИ ВА КРИМИНАЛИСТИКА

### УГОЛОВНЫЙ ПРОЦЕСС, ОПЕРАТИВНО-РОЗЫСКНАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ И КРИМИНАЛИСТИКА

**Шарафутдинов А.О.** Жиноят ишини юритишда видеоёзув воситаларини қўллаш тартиби.......39

**Каримова Д.Э.** Приоритетные задачи развития взаимодействия органов досудебного производства с институтами гражданского общества.......47

**Ботаев М.Дж., Муминов М.Э.** Далилларни процессуал расмийлаштириш жараёнини такомиллаштириш.......54

**Бобомуродов Ф. Б.** Мулкий турдаги жиноятларга қарши курашишда тезкор-қидирув фаолиятига оид қонунчиликни такомиллаштириш.......59

**Шохизиндаев С. П.** Актуальность вопросов расследования киберкражи (кражи личных данных).......63

**Сабырбаева А. Б., Уринкулов О. Н.** Современные угрозы кибермошенничества. Фишинг и его виды.......67

**Давронов Ҳ. Б.** Коррупцияга қарши куришишнинг тарихий ривожланиш босқичлари ва ҳуқуқий асослари.......73

**Тошматов А. С., Рашитходжаев Р. Т.** Тезкор-қидирув фаолияти назариясининг ривожланиш босқичлари ва истиқболлари.......78

**Саидов М. Р.** Тоғли ҳудудларда терроризмга қарши курашиш фаолияти дастлабки босқичининг хусусиятлари.......84

**Югай Л. Ю.** Жиноятларни фош қилиш ва текширишда ДНК маълумотлар базасидан фойдаланишнинг айрим масалалари.......90

**Яроцкая Ю.А.** Категориальный аппарат культурологической экспертизы.................97

## ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ, КРИМИНОЛОГИЯ ВА ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ

## УГОЛОВНОЕ ПРАВО, КРИМИНОЛОГИЯ И УГОЛОВНО-ИСПОЛНИТЕЛЬНОЕ ПРАВО

**Кабулов Р.** Уголовно-правовое противодействие нарушениям избирательного права.......................................................................................103

**Тоштемиров А.А.** Ноқонуний миграция ва одам савдосининг ижтимоий жараёндаги хавфи.......................................................................................108

**Қаландаров М.М.** Ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмалари ғайриқонуний муомаласининг тушунчасига оид масалалар.....113

**Шодиев А.А., Жаббаров З.Қ.** Жазони ижро этиш тизимида манзил-колонияларининг қисқартирилиши, инсонпарварлик комиссияларини тузиш зарурати ва аҳамияти.......................................................................................119

**Таджибаева Д. А.** Понятие ресоциализации и применение ее в отношении осужденных.......................................................................................125

**Қаршиев Ғ. С.** Ёшлар жиноятчилигининг олдини олиш масалалари.........................132

## ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

## МЕЖДУНАРОДНЫЙ ОПЫТ

**Ачилов А. Т.** Хорижий давлатлар қонунчилигида ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ божхона қонунчилиги бузилиши жиноятлари учун жавобгарликнинг ўзига хос хусусиятлари (МДҲ мисолида)....................................136

**Джолдасова С. Д.** Миграцияни ҳуқуқий тартибга солишнинг институционал асослари (Халқаро ташкилотлар мисолида)......................................................145

## ЁШ ОЛИМЛАР МИНБАРИ

## ТРИБУНА МОЛОДЫХ УЧЕНЫХ

**Куйлиев Б.Т.** Интернетда қўлланиладиган замонавий сиёсий манипуляция технологиялари.......................................................................................151

**Алаутдинов Д. А.** Ёшлар тарбияси – Ватан манфаатлари йўлида ҳалол хизмат қилишнинг муҳим шарти.......................................................................157

**Тургунова Н. Т.** Ёшлар сиёсатини амалга ошириш бўйича замонавий ёндашувлар.......................................................................................164

**Қодиржонов К. Қ.** Ёш авлодни тарбиялашда ҳарбий ватанпарварлик – инсон фазилатининг мукаммал шакли......................................................................168

## ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ

## БЕЗОПАСНОСТЬ ДОРОЖНОГО ДВИЖЕНИЯ

**Рахимов К. М.** Йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлашнинг ижтимоий зарурати.......................................................................................173

***Х. Т. Одилқориев****

# ГЛОБАЛ ПАНДЕМИЯ ВАЗИЯТИДА ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ ФУНКЦИЯЛАРИНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ ХУСУСИЯТЛАРИ

**Аннотация**. Мақолада фавқулодда дунё давлатлари ва халқларига катта талафот етказаётган Covid-19 пандемияси шароитида Ўзбекистон давлати, унинг раҳбарияти амалга ошираётган тезкор чора-тадбирлар, саъй-ҳаракатларнинг ҳуқуқий жиҳатлари, жумладан давлат ва ҳуқуқнинг шу эҳтиёж туфайли вужудга келган функциялари таҳлил этилган. Унда давлат ва ҳуқуқнинг аҳоли соғлиғини сақлаш, уни ижтимоий ҳимоялаш, жамиятда қонун устуворлиги ва ҳуқуқий тартиботни таъминлаш борасидаги ташкилотчилик, тартибга солиш ва муҳофазалаш борасидаги функциялари амалий мисоллар ҳамда фактлар таҳлили асосида кўрсатиб берилган.

**Таянч сўзлар:** «Covid-19» пандемияси, тождор инфекцияга қарши кураш, давлат функциялари, ҳуқуқнинг функциялари, ижтимоий муҳофаза, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, қонун ижодкорлиги, ҳуқуқий шакл ва воситалар.

## РЕАЛИЗАЦИЯ ФУНКЦИЙ ГОСУДАРСТВА И ПРАВА В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛЬНОЙ ПАНДЕМИИ

**Аннотация.** В статье анализируются функции государства и права, возникщие в результате создавшейся чрезвычайной ситуации из-за распространения в мире пандемии «Covid-19», а также экстренные меры, предпринятые государством и руководством Узбекистана. В ней на основе анализа реальных фактов и практических примеров раскрывается содержание организаторских, регулирующих и охранительных функций государства и права по охране здоровья населения, его социальной защите, обеспечению верховенства закона и правопорядка.

**Ключевые слова:** пандемия «Covid-19», борьба против инфекции коронавируса, функции государства, функции права, социальная защита, обеспечение общественной безопасности, законотворчество, правовые формы и средства.

## IMPLEMENTATION OF FUNCTIONS OF THE STATE AND LAW UNDER THE CONDITIONS OF THE GLOBAL PANDEMIA

**Annotation.** The article analyzes the functions of the state and the law that arose because of the emergency due to the worldwide spread of «the Covid-19» pandemic, as well as emergency measures taken by the state and the leadership of Uzbekistan. Based on real facts and practical examples, it reveals the content of the organizational, regulatory and protective functions of the state and the right to protect public health, its social protection of the rule of law and law and order.

**Key words:** «Covid-19» pandemic, fight against Coronavirus infection, state functions, legal functions, social protection, ensuring public safety, lawmaking, legal forms and means.

* ***Одилқориев Хожимурод Тўхтамурадович,*** *Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети бўлим бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор.*

Умумбашарий миқёсдаги жараёнлар, инсоният тараққиётининг талаб-эҳтиёжлари, ижтимоий инқилоб ва бўҳронлар, глобал хавф-хатарлар дунё мамлакатлари, халқлари ва давлатлари учун ҳамиша ўзига хос чорлов-синов ҳисобланади. Табиийки, мазкур омиллар давлатларнинг ички иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва бошқа функциялари мазмунини белгилашга, уларнинг ҳуқуқий жиҳатдан шаклланишига ва қонунчилик даражасида расмийлашувига бевосита таъсир кўрсатади. Шунингдек, бундай омиллар мамлакатларнинг ҳуқуқий ва қонунчилик тизимлари қарор топиши жараёнларига ҳам дахл қилади.

Маълумки, ўтган асрнинг ўрталаридан эътиборан дунё миқёсида атроф-табиий муҳитни асраш, уни муҳофаза этиш масалалари умумжаҳон аҳамиятига эга бўлиб қолди. Шунга кўра, кўплаб давлатларда экологик функцияни бажариш йўлга қўйилди, у алоҳида функция сифатида ажралиб чиқди. Тегишли қонунчилик базаси шаклланди, қатор давлатларда Экология кодекслари, табиатни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий механизмларини акс эттирувчи махсус қонунлар юзага келди.

Демак, барча давлатлар ва уларнинг ҳуқуқий тизими анъанавий функциялардан ташқари, давр талабларидан ва мамлакатлар олдида турган устувор мақсад ҳамда вазифалардан келиб чиқиб, жамиятнинг айни замондаги манфаат-эҳтиёжларини акс эттирувчи янги функцияларни адо этиши ҳам кун тартибига чиқиши мумкин. Гап 2020 йил бошларида коронавирус инфекцияси тарқалиши туфайли бутун дунёда юзага келган ялпи умумий пандемия ҳақида бормоқда. Ушбу кўринмас бало 2019 йил декабрида Хитойнинг Ухан шаҳрида пайдо бўлиб, яшин тезлигида сайёрамиздаги деярли барча давлатларга ёйилди. Унга қарши кураш бутун дунё халқларининг умумий ташвишига айланди. Яъни давлатлар пандемия тарқалишининг олдини олиш ва унга қарши кураш функциясини бажариши лозим бўлиб қолди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти коронавирус билан боғлиқ вазият бўйича халққа қилган дастлабки мурожаатида (2020 йил 18 март) қуйидагиларни таъкидлади: «Бугунги кунга келиб ушбу хавфли инфекция 160 дан зиёд мамлакатларда тарқалди. Дунё миқёсида касалланганлар сони 190 минг нафарга етди, 7,5 минг ўлим ҳолати қайд этилди, 81 минг бемор бўлган шахслар тузалди*. Эпидемия кенг ёйилиб кетганлиги туфайли Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти уни пандемия деб эълон қилди.

** 2020 йилнинг 1 июнида бу борадаги вазият қуйидагича бўлди:Covid-19 дунёнинг 212 давлатига тарқалган; касалликка чалинганлар сони – 6 млн. 440 мингдан ошиб кетди, тузалганлар сони – 2.764.024 киши, 382.299 нафар инсон ҳаётдан кўз юмди. Ўзбекистонда инфекцияга чалинганлар – 3.843 нафар; соғайганлар – 3.014 киши, 16 бемор вафот этган (Янги Ўзбекистон, 2020.– 1 июнь).*

*2021 йилнинг 1 январига қадар дунё мамлакатларида 81 млн. киши коронавирус билан касалланган. Улардан 1 млн. 765 минг нафари вафот этган. (Янги Ўзбекистон, 2020. – 30 декабрь).*

*Жонс Хопкинс университетининг маълумотига кўра, 28 июль ҳолатига кўра дунёда коронавирус билан касалланганлар сони 195 млн.дан ошди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, дунёда коронавирус инфекциясини юқтирганлар сони 194 млн. 608 мингдан ортиқни ташкил этмоқда, шундан 4 млн. 170 мингдан зиёд киши вафот этган (27.07.2021 йил Европа вақти билан соат 17:54 ҳолатига кўра). Охирги сутка давомида дунёда коронавирус инфекцияси билан касалланишнинг 410 645 янги ҳолати аниқланди. 4 170 нафар бемор вафот этди. Жонс Хопкинс университетининг ҳозирги маълумотларига кўра, дунё бўйича коронавирусга қарши 3 млрд. 924 млн.дан ортиқ доза вакцина қўлланилган. (https://t.me/ssvmatbuotkotibi/5995)*

*2021 йилнинг 8 ойи якунига кўра, юртимизда «Ковид» бўлганлар – 126 мингдан зиёд, вафот этганлар – 850 нафарга яқин бўлди.(https://t.me/ssvmatbuotkotibi/5992)*

Бутун дунёда эпидемия таҳликали тус ола бошлади. Мамлакатимизда ҳам бу касаллик тарқалишининг олдини олиш, хасталикка чалинганларни самарали даволашни ташкил этиш, унинг зарарли оқибатларига қарши кураш мақсадида 2020 йил 19 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони қабул қилинди [1]. Ушбу ҳужжатга асосан, Бош вазир раислигида Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш бўйича республика махсус комиссияси ташкил этилди; Инқирозга қарши курашиш жамғармаси (10 трлн. сўм маблағли) шакллантирилди. Мамлакатда карантин ҳолати жорий этилиб, унинг қатъий шартлари матбуотда эълон қилинди.

Мамлакатимизда коронавирус қайд этилган илк куни, яъни 16 мартдан бошлаб барча таълим муассасаларидаги 8 млн. 300 минг нафар фарзандларимизга таътил берилди. 80 минг талаба ўз яшаш жойларига жўнатилди (Халқ сўзи, 2020 йил 30 апрель).

Машъум балога қарши курашиш зарурияти давлатимизнинг ҳам тегишли функцияси қарор топишига туртки бўлди. Зеро, давлат ва ҳуқуқ функциялари ўз табиатига кўра объектив ҳодисадир. Улар жамият ва давлат тараққиётининг қонуниятлари ҳамда эҳтиёжлари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда мавжуд бўлади. Давлат давр тақозо этган, зарурият боис юзага келган муаммоларни ҳал этиш, масалаларни ечишга йўналтирилган функцияларни бажаришга мажбур бўлади. Жаҳон миқёсида вужудга келган коронавирус пандемияси ана шундай фавқулодда ҳолат бўлиб, давлатлар ва ҳуқуқий тизимлар олдига тегишли зарурий шошилинч функцияларни бажариш вазифасини кўндаланг қўйди.

Вазиятдан келиб чиқиб, Ўзбекистонда ҳам қисқа муддатларда Ҳукуматнинг ва бошқа давлат органларининг ушбу вазиятга боғлиқ вазифалари белгиланди; жумладан, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тегишли тузилма ва эпидемиологик, вирусология, санитария ва бошқа тузилмаларининг фаолияти қайта кўриб чиқилиб, ушбу функцияни бажаришга сафарбар этилди. Бу ишларга дастлаб қарийб 5,5 минг нафардан зиёд тиббиёт ходимлари жалб этилди [2]; (Қисқа муддатда Тошкент шаҳри ва ҳудудларда барча шароитларга эга бўлган қарийб 30 минг ўринли даволаш масканлари ташкил этилди. Улар зарур дори-дармон, ҳимоя ва энг замонавий диагностика воситалари билан таъминланди. Пандемияга қарши курашиш учун 200 мингдан зиёд тиббиёт ходими, жумладан, чет эллик 150 нафар юқори малакали шифокор ва мутахассислар жалб этилди). Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия, Божхона қўмитаси, Солиқ қўмитаси, Ўзбекистон ҳаво йўллари, Ўзбекистон темир йўллари, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, таълим вазирликлари, мактабгача таълим муассасалари, жойлардаги барча давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тожли вирусга қарши курашнинг талаб ҳамда эҳтиёжларига мувофиқлаштирилди.

Шунингдек, фармон билан мазкур функция доирасига кирувчи вазифалар: – коронавирус тарқалишининг олдини олиш, шифохоналарни дори-дармон, ҳимоя ва диагностика воситалари билан таъминлаш, карантин вазиятига мос ҳуқуқий тартиботни жорий этиш, карантин харажатларини ўз вақтида молиялаштириш зарурлиги кабилар таъкидланди. Касалланганларни ўз вақтида аниқлаш ва профилактикага эътиборни кучайтириш, бунинг учун барча ҳудудий юқумли касалликлар шифохоналарини экспресс-тестлар билан таъминлаш муҳимлиги

қайд этилди. Соғлиқни сақлаш, Ички ишлар вазирликлари ва Миллий гвардияга карантинга олинган фуқаролар назоратини таъминлаш юклатилди.

Коронавирус таъсири энг юқори бўлган иқтисодиёт тармоқларига солиқ таътиллари ва кредит қарзлари бўйича имтиёзлар бериш, бюджет ссудалари ажратиш юзасидан аниқ вазифалар белгиланди.

Тезкор равишда туризм, меҳмонхона бизнеси, транспорт-логистика соҳаси, умумий овқатланиш тизими, ташқи савдо корхоналарини иқтисодий ва молиявий қўллаб-қувватлаш чоралари белгиланди. Шу боис ушбу корхоналарнинг кредит муддатларини узайтириш, туристик йиғимлар ундиришни вақтинча тўхтатиш бўйича кўрсатмалар берилди. Ҳокимларга иқтисодий қийинчиликка дуч келган корхоналардан маҳаллий солиқларни ундиришни 6 ойгача кечиктириш ваколати берилди. Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, пандемия сабабли фаолиятини тўхтатган тадбиркорларга банклар орқали фоизсиз бюджет ссудалари ажратилди.

Шунингдек, якка тартибдаги тадбиркорлардан олинадиган даромад солиғи, фермерларнинг сув солиғи 50 %га камайтирилди. Бунда маҳаллий бюджетдаги йўқотишлар республика бюджетидан қоплаб берилди. Умуман, иқтисодиётни ва фуқароларни янада қўллаб-қувватлаш учун давлат бюджетидан қўшимча 2 трлн. сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди (Президентнинг 2020 йил 13 майдаги видеомулоқоти чоғида таъкидланди). Фермер хўжаликлари ва кичик бизнесменларнинг ижтимоий солиқ ставкалари (май–июнь ойларида) 12 % дан 1 % га туширилиши эвазига 260 мингдан ортиқ корхона ва фермер хўжаликлари жами 650 млрд. сўм маблағларини тежаш имконига эга бўлдилар [3].

Йил якунига қадар солиқ текширувларига мораторий эълон қилинди ва қийналган корхоналарга солиқ қарзлари учун пеня ҳисоблаш тўхтатилди. Бундай қийин шароитда тадбиркорни бирорта текширувчи безовта қилмаслиги белгиланди.

Халқаро савдодаги вазиятни инобатга олиб, экспорт-импорт бўйича кечиктирилган қарздорликка жарима қўлламаслик, «яшил йўлак»лардан маҳсулот ўтказишни кўпайтириш, мутасадди давлат органлари зиммасига ташқи савдо ва юк ташишда юзага келаётган масалаларни тезкор ҳал этиб бориш функцияси юклатилди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Карантинга ёпилган муассасалар ходимлари, карантиндаги фуқаролар ва уларга қаровчиларнинг ҳуқуқларини таъминлаш, ижтимоий нафақа олувчилар сонини камида 10 %га ёки 60 мингтага ошириш бўйича вазифалар қўйилди. Карантиндаги фарзандларига қараётган ота-оналарни ишдан бўшатишга мутлақо йўл қўйилмади. Уларга вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси юз фоиз тўлаб берилди.

Иқтисодий фаоллик пасайган пайтда аҳоли бандлиги масаласи алоҳида эътибор талаб этиши табиий. Шу боис Инқирозга қарши жамғармадан Жамоат ишлари жамғармасига қўшимча 200 млрд. сўм ажратилди. Ушбу маблағлар одамларни иш билан таъминлашга, бунинг учун маҳаллаларда қўшимча инфратузилма объектлари қуришга йўналтирилди. Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасига 500 млрд. сўм қўшимча маблағ берилиб, иш ўринлари яратадиган бизнес субъектларига кўмаклашилди. Кичик бизнес вакиллари, якка тартибдаги тадбиркорлар апрель–июнь ойлари давомида ер ва мол-мулк солиғидан озод этилди. Бунинг ҳисобига 50 мингдан зиёд тадбиркор 300 млрд. сўмни тежашга эришди ва уларнинг айланма маблағи кўпайишига эришилди. Бир мингдан ортиқ тадбиркорнинг шу тоифа солиқлари ва пенялар бўйича кечиктирилган 80 млрд. сўм тўловларидан давлат кечиб юборди [4].

Мамлакат Президенти 2020 йилининг 26 мартида «Ўзбекистон Республикасида коронавирус инфекцияси кенг тарқалишининг олдини олишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилиб, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ушбу касаллик тарқалиши асоратларини камайтириш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш, инфекция билан касалланган беморларга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ва натижадорлигини ошириш, бунда давлат ҳамда нодавлат тиббий ташкилотларнинг бор имкониятларини уйғунликда сафарбар этиш, даволашнинг замонавий ва самарали усулларини кенг қўллаш, бу борада диагностика, шахсий гигиена ва дезинфекция хизматлари фаолиятини тубдан яхшилаш каби муҳим вазифаларни белгилади [5]. Умуман олганда, Президентимиз ўз мурожаатида аҳоли саломатлиги учун маблағни аямаймиз деб, бу борадаги сиёсатнинг инсонпарварлигини таъкидлади [6].

Ҳукуматнинг махсус комиссияси, Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда хориждаги барча ваколатхоналаримизда тузилган штабларнинг тезкор саъй-ҳаракатлари натижасида карантиннинг дастлабки декадасида кўплаб чартер авиарейслари амалга оширилиб, Россия, Туркия, Эрон, БАА, Жанубий Корея, Миср, Малайзия, Ҳиндистон, Таиланд, Индонезия, Германия ва бошқа мамлакатлардан ватандошларимиз юртимизга олиб келинди, қўшни давлатлар билан чегараларимиздан 80 мингдан ортиқ ҳамюртларимиз ўтказилди ва шифо масканларига карантинга олинди.

Тождор вирус тарқалишига қарши курашиш даврида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш ва иқтисодиёт барқарорлигини янада таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Президенти 2020 йил 3 апрелда «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида» фармон чиқарди [7]. Ҳужжатда ёлғиз қариялар, ногиронлиги бўлган шахслар ва кам таъминланган оилалар ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, озиқ-овқат, дори-дармон маҳсулотларини кўпайтириш, тадбиркорлик субъектларининг даромадлари камайиб кетишининг олдини олиш, уларга қўшимча солиқ имтиёзлари, преференциялар бериш чора-тадбирлари белгиланди. Жумладан, март–июнь ойларида тўлаш муддати тугайдиган болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақалар 6 ой муддатгача (бола тегишинча 2 ёшга ва 14 ёшга тўлгунидан кўп бўлмаган муддатда) узлуксиз давом эттирилди. Нафақа олувчи оилалар сони қўшимча 70 мингтага ёки 10 %га кўпайтирилиб, бюджетдан яна 200 млрд. сўм ажратилди [8]. Ўзгалар парваришига мухтож ёлғиз кексалар ва ногиронларни карантин даврида дори-дармон, озиқ-овқат маҳсулотлари ва гигиена товарлари билан бепул таъминлаш амалга оширилди.

Якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи қатъий суммасини ва ижтимоий солиқни ҳисоблаш тўхтатилди. 2020 йил 1 октябрга қадар солиқларни фоизсиз кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) ҳуқуқи тақдим этилди. Тижорат банклари 2,6 трлн. сўм ҳажмидаги қўшимча ликвидлик ресурслари билан таъминланди. Юридик шахсларнинг кредитлари бўйича 7,9 трлн. сўм ҳажмдаги қарздорлиги кечиктирилди (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2020 йил 19 март 5969-сон фармони).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2020 йил 27 апрель фармонига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги,

Молия вазирлигининг пенсионерларга ортиқча тўланган пенсиялар бўйича жорий йил 20 апрелигача бўлган қарздорлик суммасини ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги таклифи маъқулланди [9].

2020 йилнинг 18 майида давлат раҳбарининг «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони қабул қилинди. Фармонда 500 мингдан ортиқ тадбиркорлик соҳибига ва 100 мингга яқин аҳолига қўшимча 1,7 трлн. сўмлик кўмак берилиши эълон қилинди [10].

Пандемия туфайли камбағал аҳоли ва ишсизлар сони ошиши, оилалар даромади камайиши тайин. Шу сабабли қисқа фурсатда янги иш ўринлари яратиш учун кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни фаол қўллаб-қувватлаш зарур, – деди Президент. Айни вақтда, ўзини ўзи банд этган 60 дан зиёд касб эгалари (сартарош, этикдўз, дизайнер, тикувчи, таксичи, темирчи, нонвой, дурадгор ва б.) даромад солиғидан озод қилинадиган бўлди. Йил бошидан хусусий нотариуслик фаолиятига рухсат берилганлиги боис 617 та давлат нотариуси хусусий бўлди ва бюджетдан берилаётган 200 млрд. сўм иқтисод қилинди.

Ҳозирги кунда давлат идоралари кўрсатаётган кадастр ҳужжатларини тайёрлаш, ер ажратишда топосуратга олиш каби хизматлар хусусий секторга ўтказилиб минглаб янги иш ўринлари яратилиши мумкинлигини инобатга олиб, вазифалар белгиланди. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш ҳамда Адлия вазирликларига хусусий секторга ўтказиш мумкин бўлган давлат хизматлари рўйхатини тузиш топширилди. Тегишли вазирлик ва ҳокимликларга кичик саноат зоналарини ташкил этиш вазифаси юклатилди.

Эътиборга молик тадбирлардан яна бири тарзида пандемия оқибатларини юмшатиш мақсадида, «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастурига ажратилган 1 трлн. сўм кредит маблағларини қайтариш муддати узайтирилди. Шу боис ушбу дастурни тўлиқ амалга ошириш учун Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан 100 млн. доллар ресурс ажратилди. Тадбиркорларга кредитлар бериш шартларини соддалаштириш юзасидан топшириқлар берилди. Истеъмол кредитларини бериш доираси кенгайтирилди. Аҳолига банк тизими орқали хизматлар кўрсатиш сифатини яхшилаш чораларини кўриш бўйича вазифалар белгиланди [11].

Глобал пандемияга қарши кураш шароитида оилаларни ижтимоий ҳимоялаш ниҳоятда долзарб вазифага айланди. Ҳозирги кунда янги ташкил этилган Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан 388 176 та камхарж оилаларга 48,4 млрд. сўмлик зарур ижтимоий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, 777 та эҳтиёжманд оилага 160 млн. 712 минг сўм накд пул кўринишида моддий ёрдам берилди [12]. Вазирликнинг Ҳомийлик хайрияларини мувофиқлаштириш марказлари 1 апрелдан 15 майга қадар 187 924 та кам таъминланган оилаларга, 197 115 та ногиронлиги бўлган оилаларга, 35 973 та ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган оилаларга, 17 915 нафар ёлғиз кексаларга, 81 399 нафар ишсиз фуқароларга ва 16 237 ишсиз қолганларга озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бердилар. Бунда 5200 нафардан зиёд волонтерлар хизмат кўрсатганлари диққатга сазовор [13].

Маҳалла ҳайрия жамоат фонди ҳузуридаги «Саховат ва кўмак» жамғармаси орқали муҳтож оилаларга салмоқли ижтимоий ёрдам кўрсатилди. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари қарорларига асосан 250 мингдан ортиқ оилаларга жами 83 млрд. 969 млн. сўм маблағ сарфланди. Жумладан, 163.591 та оилага 31 млрд. 240 млн. сўмлик кундалик истеъмол товарлари; 10.992 та оилага 272 млн. 600 минг сўмлик дори ва ҳимоя воситалари; 22 803 та оилага 3 млрд. 75 млн. сўмлик

бошқа турдаги маҳсулотлар; 52 737 оилага 49 млрд. 382 млн. сўмлик накд ва пул кўринишидаги маблағлар берилди. Шунингдек, оғир турмуш шароитига тушиб қолган хотин-қизларга уй-жой сотиб олиш учун 8 млрд. 666 млн. сўмлик бошланғич бадал маблағлари тўлаб берилди [14].

Пандемия шароитида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш юқоридаги функциянинг таркибий қисми сифатида давлатимизнинг доимий диққат-марказидаги муҳим масалалардан бирига айланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ўша кезларда ўтказган видеоселектор йиғилишида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, томорқачиликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди [15].

Унда таъкидланганидек, одамларни озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармон ва тиббиёт воситалари билан таъминлаш бўйича изчил тадбирлар амалга оширилмоқда. Саховатли ва олижаноб юртдошларимизнинг беғараз манзилли равишда аҳоли кенг қатламларига хайрия ёрдамлари пешма-пеш етказиб берилмоқда. Қисқа муддатда давлат ва ННТлар томонидан «Ўзбекистон меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармасига 50 млрд сўмдан ортиқ маблағ ўтказилди [16].

Шундай бўлса-да, сўнгги маълумотларга кўра, Ўзбекистонда тўйиб овқат емайдиган аҳоли қатламининг улуши 6,3 %ни ташкил қилар экан. Шу боис ушбу 2 млн. 142 минг аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатиш, уларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш чораларини кўриш лозим. «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракати айнан ана шу долзарб муаммони оқилона ҳал этишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир [17].

Таҳлиллар асосида хулоса чиқарсак, Ўзбекистон «Covid – 19» хавфига қарши кураш соҳасидаги стратегиясининг моҳияти қуйидагилардан иборатлиги аён бўлади:

Биринчидан, тожли вирус билан касалланганларни самарали даволаш тизими ва имкони йўқ бўлган вазиятда Ўзбекистон пандемияни тўхтатиш учун мумкин бўлган кўплаб ишларни қилди: – фуқароларнинг ўзини ўзи яккалаш (карантин)ни жорий этди, вазиятни давлат назоратига олди, ижтимоий масофаланиш, ижтимоий қўллаб-қувввватлаш ва тиббий ёрдам тизимини йўлга қўйди.

Иккинчидан, ҳолатни олдиндан масъулият билан баҳолаб, имконият борича тегишли чораларни кўрди. Бу соғлиқни сақлаш тизимига босимни камайтирди. Айни вақтда тиббиёт тизимининг ҳамма бўғинлари, айниқса, вирусология, эпидемиология, санитария-гигиена ва бошқалар иши тубдан қайта ташкил этилди.

Касалланган ва карантинга олинган фуқароларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида қисқа муддатларда Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманида 10 минг кишига ва Занги Ота туманида 10 минг кишига, Сурхондарё, Наманган ва Навоий вилоятларида ҳам ҳар бири 1000 кишига мўлжалланган шифо масканлари барпо этилди. Шунингдек, Тошкент вилоятида яна қўшимча 10 минг ўринли карантин зонаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. 2021 йилнинг тўққиз ойида 20 минг ўриндан зиёд махсус даволаниш масканлари ташкил этилди.

Учинчидан, инқироз салбий оқибатларининг фуқаролар ҳаёти ва турмуш шароитларига таъсирини камайтиришга қаратилган чоралар кўрилди. Юқорида таъкидланганидек, пандемия оқибатларини юмшатиш ва бартараф этиш учун давлат томонидан жами 82 трлн. сўмлик комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, Инқирозга қарши жамғармадан коронавирусга қарши курашиш, аҳоли ва корхоналарни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ тадбирларга бюджетдан 16 трлн. сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Шунингдек, давлат корхоналарига ва 500 мингдан зиёд тадбиркорлик субъекти ҳамда қарийб 8 млн. фуқарога жами 66 трлн. сўмлик солиқ имтиёзлари, кредит муддатларини узайтириш ва молиявий қўллаб-қувватлаш

бўйича амалий ёрдамлар берилди. Аҳолига манзилли вақтинча иш ўрни яратиш учун 350 млрд. сўм маблағ Жамоат ишлари фондига ўтказилди [18].

Давлатимиз томонидан тождор вирус пандемияси вазиятида амалга оширилган молиявий, иқтисодий, ташкилий-ҳуқуқий, маънавий-тарбиявий, инсонпарвар-ижтимоий мазмундаги фаолиятни бунданда теранроқ тавсифлаш ҳамда изоҳлаш, тегишли рақамлар ва статистик маълумотлар келтиришни узоқ давом эттириш мумкин. Бироқ келтирилган шу далилларнинг ўзи ҳам давлатнинг фавқулодда вазият тақозоси билан кўрган қатъий чора-тадбирлари кўлами ҳамда салмоғини етарлича тасаввур этишга кифоя қилади. Шу аснода давлатимизнинг дахшатли пандемияга қарши курашни ялпи сафарбарлик асосида қисқа муддатда ташкил этиш ва тезкор амалга оширишдек янги функцияси намоён бўлганлигини эътироф этиш мумкин ва лозим.

Давлатнинг ҳар қандай функцияси тегишли ҳуқуқий шакллар ёрдамида расмийлаштирилади ва амалга оширилади. Маълумки, давлат функцияларини рўёбга чиқаришнинг ҳуқуқий шакллари деганда, муайян функцияни амалга оширишнинг ҳуқуқий восита ва усуллари бўлмиш ҳуқуқ ижодкорлик, ҳуқуқни қўллаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти ҳамда механизмлари эътироф этилади. Ҳуқуқ, бир томондан, давлат функцияларини амалга ошириш воситаси бўлса, иккинчи томондан, унинг ўзи ҳам ижтимоий муносабатларни мустаҳкамлаш (статик), тартибга солиш ва ривожлантириш (динамик) функцияларини адо этади.

Бугунги вазият нуқтаи назаридан таҳлил юритадиган бўлсак, тождор вирус пандемияси мамлакатимиз ҳуқуқий тизими ҳолатига, давлатнинг ҳуқуқ (қонун) ижодкорлик фаолияти мазмунига, ҳуқуқни қўллаш амалиётига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Хусусан, коронавирус муносабати билан белгиланган карантин қоидаларига риоя этилишини таъминлаш Олий Мажлис қонун ижодкорлик фаолияти мазмунига бевосита таъсир этди. «Covid-19» мамлакат ижтимоий тараққиётига жиддий хавф туғдириб турган оғир синовли вазиятда ҳуқуқнинг ижтимоий муносабатларни муносиб (адекват) тарзда тартибга солиш, ҳуқуқий муҳофазалаш функцияси алоҳида устуворлик касб этди. Бу ҳол норма ижодкорлиги ваколатларига эга бўлган барча давлат органлари зиммасидаги масъулият ва жавобгарликни кескин ошишига олиб келди. Зеро, ҳуқуқ яратувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар (қонун, фармон ва қарорлар) пандемияга қарши курашни қанчалик монанд, самарали таъминлай олиши билангина жамият учун ҳуқуқий қадрият даражасида аҳамият касб этади. Ушбу таҳликали вазиятда қабул қилинган қонун ва фармон (қарор)лар тегишли функцияни қай даражада муваффақиятли адо этиши нафақат уларнинг мазмунида, балки ҳуқуқни, яъни мазкур норматив ҳужжатларни амалда тўғри қўллаш жараёнида ҳам намоён бўлади.

Фикримизча, тождор инфекцияга ҳуқуқий (қонунчилик воситасида) қарши кураш шароитида норма ижодкорлик фаолиятининг мазмуни қуйидаги масалаларга ҳуқуқий ечим топишдан иборат бўлди:

а) жамият иқтисодий ривожланиши издан чиқиши ва инқирозга юз тутишининг олдини олувчи ҳуқуқий механизмларни яратиш;

б) макроиқтисодий барқарорликни сақлаб қолиш ва иқтисодиёт тармоқлари изчил фаолият юритишини, молиявий, банк-кредит тизимининг самарали ишлашини ҳуқуқий таъминлаш;

в) фуқароларнинг бандлиги, меҳнат қилиш имкониятлари, иқтисодий фаолият эркинлиги, тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий кафолатларини яратиш;

г) аҳоли қашшоқланишининг олдини олиш, улар даромадларининг кескин пасайиб кетишини бартараф этишнинг ҳуқуқий ечимлари (моделлари)ни яратиш;

д) аҳолининг соғлиғини, хавфсизлигини ҳамда ижтимоий ҳимоясини таъминлашга йўналтирилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни белгилаш;

е) жамиятда қонунийлик, қонун устуворлиги ҳамда ҳуқуқий тартибот барқарорлиги муҳитини таъминлаш;

ж) фуқароларнинг бошқа барча конституциявий, қонуний ҳуқуқ, эркинлик ҳамда манфаатларини ҳуқуқий таъминлашнинг қонунчилик механизмлари ва кафолатларини яратиб бериш.

Парламентимиз Сенатининг 2020 йил 24 мартдаги учинчи ялпи мажлисида «Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонуни маъқулланди [19].

Қонунда, аввало, карантинли ва инсон учун хавфли бошқа юқумли касалликлар хусусида нотўғри маълумотлар тарқатганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланди. Шунингдек, санитарияга оид қонунлар ёки эпидемияга қарши кураш қоидаларини бузганлик учун ҳам жиноий жавобгарлик кучайтирилди. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши шароитида санитария ва эпидемияларга қарши курашиш қоидаларини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга мажбурлов чоралари қўлланилиши тўғрисидаги нормалар билан тўлдирилди. Тиббий мажбурлов чораси сифатида 30 суткагача муддатга маъмурий жазо тайинланиши белгиланди. Шунингдек, жамоат жойларида ниқобсиз юриш, карантин шароитида шифохоналар ички тартиб-қоидаларига риоя этмаслик каби ҳуқуқбузарликлар учун ҳам маъмурий жавобгарлик нормалари мустаҳкамланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўзининг IV ялпи мажлисида (2020 йил 11 май) Президентимизнинг коронавирус пандемияси салбий таъсирини юмшатиш ва Давлат бюджети барқарорлигини таъминлашга оид фармон ва қарорларига мувофиқ, 2020 йил учун Давлат бюджети тўғрисидаги қонунга тегишли ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қонунни маъқуллади [20].

Парламент пандемия даврида республикада макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодиёт тармоқларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, банк-молия ҳамда кредитлаш тизмини оптималлаштириш, аҳоли даромадлари кескин пасайиб кетишининг олдини олиш, фуқароларнинг бандлиги ва ижтимоий ҳимояси, хавфсизлиги, ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлаш, жамоат ва ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлаш каби кўплаб масалаларга оид қонун ижодкорлик фаолиятини амалга оширди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур вазият Президент ва Ҳукуматнинг норма ижодкорлик фаолиятини ҳам кескин фаоллаштирди. 2020 – 2021 йилларда давлат раҳбаримиз раислигида 24 та видеомулоқот мажлиси ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 18 та норматив ҳужжати, яъни 9 та фармони ва 9 та қарори қабул қилинди [21], Вазирлар Маҳкамасининг эса 20 дан зиёд қарорлари имзоланиб, амалиётга жорий қилинди. Ушбу қонуности ҳужжатлар асосида 700 минг тадбиркорга, 330 мингдан зиёд эҳтиёжманд оилаларга, 8 млн. фуқароларга 30 трлн. сўмлик моддий ёрдам, имтиёз ва преференциялар берилди [22].

Шунингдек, Президентнинг 2020 йил 18 майдаги фармонида мулк ҳуқуқи устуворлиги негизида кичик саноат зоналари ташкил этиш, мулк даҳлсизлигига доир қонунчиликни бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш масалалари ўртага

қўйилди. Шу ташаббус асосида Олий Мажлис «Ер участкаларини ноқонуний олиб қўйганлик учун жавобгарлик кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунни, Томорқа ер участкаларидан оқилона фойдаланишни таъминлашга қаратилган маъмурий жавобгарликни кучайтириш, «Давлат божи тўғрисида»ги қонунчиликни такомиллаштириш тўғрисидаги ва бошқа қонунларни қабул қилди [23].

Кўриниб турибдики, коронавирус пандемияси шароитидаги ҳуқуқий тартибга солиш функцияси, айниқса, парламент қонун ижодкорлик функциясининг мазмуни тубдан ўзгариб, у ўз моҳият-эътибори билан мазкур иллатнинг мамлакатдаги иқтисодий-ижтимоий аҳволга салбий таъсирини юмшатиш, унинг инсонлар соғлиғига асорат кўрсатишини минималлаштириш, иқтисодиётнинг муҳим тармоқлари фаолияти барқарорлигини сақлаб қолиш ҳамда тадбиркорлик ташаббусини, иқтисодий фаолликни босқичма-босқич тиклаш, сўнгра изчил ривожлантиришга йўналтирилгандир. Айни вақтда ана шу барча муҳим йўналишларда парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини ошириш, қабул қилинган қонунлар ижроси устидан таъсирчан ҳамда самарали парламент назоратини йўлга қўйиш ҳам ушбу масъулиятли даврнинг императив талабидир.

Таассуфки, ўтган йилнинг охири ва 2021 йилнинг биринчи чорагида карантин режими бир оз бўшаштирилди. Аҳолини «Covid-19»га қарши вакцинация қилиш тезкор ташкил этилмади. Жорий йилнинг март–апрель ойларида юртимизда коронавирус хуружи яна авж ола бошлади. «Covid»нинг янги штаммлари пайдо бўла бошлади. Жамоат жойларида, бозорларда аҳоли ниқобсиз юриб, ижтимоий масофани сақламай қўйиши ҳамда айрим оилавий тадбирларга қайтадан кўпчиликнинг қатнашиши бунга асосий сабаб бўлди. 2021 йилнинг 30 июлигача бўлган маълумотларга кўра, Ўзбекистонда «Covid-19» касаллигига чалинганлар – 127 506 нафар, вафот этганлар сони 859 нафарни ташкил қилган [24].

Касалликни енгишнинг ишончли, балки ягона йўли аҳолида, фуқароларда оммавий иммунитетни шакллантириш эканлигини дунё тан ола бошлади. Шу боис Ўзбекистонда ҳам оммавий вакцинация чоралари амалга оширилмоқда. Ҳозирги вақтда атиги 6,5 млн.дан ошиқроқ аҳоли вакцина олди [25]. Фуқароларни тўла вакцинация қилишни уюшқоқлик билан ташкил этиш тиббиёт тизимининг жиддий вазифаси, давлатимизнинг ўта масъулиятли функциясидир.

Шундай қилиб, дунё аҳли учун улкан таҳликали синов бўлган тождор вируснинг тарқалиши жаҳон миқёсида, шу жумладан юртимизда кутилмаган фавқулодда ҳолатни вужудга келтирди. У барча давлатларнинг фаолиятини тегишли оғир вазиятга мослашишга мажбур этди. Дунёда биронта давлат бу иллатнинг ҳам эпидемиологик, ҳам иқтисодий таҳдидларига тайёр эмас экан. Ҳар қандай қудратли давлат ҳам заифлигини кўрсатди. Давлатларнинг мақсади, вазифаси ва функциялари, шунингдек уларнинг қонунчилик ҳамда ҳуқуқ тизимлари ушбу кўзга кўринмас балога қарши курашиш эҳтиёжлари нуқтаи назардан тубдан ўзгарди.

Машҳур бир қўшиқда айтилганидек, «Энди инсон қадри ҳам аввалгиларга ўхшамас». Шунга тақлид қилиб айтганда: «Энди дунё қиёфаси аввалгисига ўхшамас». Тождор вирус пандемияси боис энди дунёвий қадриятлар, умумбашарий тартиботга муносабат тубдан ўзгаради, дейиш мумкин ва лозим. Энди инсоният тараққиёти диалектикаси «пандемиядан аввалги» ва «пандемиядан кейинги» деган мезон ҳамда ўлчамлар асосида баҳоланади.

Таассуфки, Яратганнинг мазкур синовидан ҳали ҳам одамлар тегишли хулоса чиқаришмаган кўринади. Курраи замин аҳли бошига шундай мудҳиш қирғин тушиб турган бир пайтда айрим хорижий сиёсий пешволар: касаллик тарқатишда «Хитой давлати айбдор» деб, ундан хун, товон тўлашнинг даъвосини қилмоқдалар. Шу виждон ва инсоф эгасининг гапими? Вазминлик ила хулоса чиқариш, тавба қилиш ўрнига, дунё халқлари ўртасига нифоқ солинмоқда.

Янада ажабланарлиси, аксарият Ғарб, жумладан Европа давлатларида «Локдаун»га, карантин чекловларига қарши аҳолининг кўплаб намойишлари бўлиб ўтмоқда. Гўё улар эркинликнинг бундай чекланишидан чарчашган эмиш. Ахир, бу ўта масъулиятсизлик, ўзи ва ўзгалар соғлиғига тажовуздан бошқа нарса эмас.

Эпидемияга қарши карантин ҳолати ва қоидаларини тезкор ҳамда самарали жорий эта олган давлатлар вазият устидан назорат ўрнатиб, ушбу мудҳиш офатдан қутулишди, унинг оқибатларини бартараф этишнинг уддасидан чиқишди. Бироқ синов ҳали тўлалигича тугагани йўқ. Умид қиламизки, Ўзбекистон давлати ва халқи қатъий интизом, сабр-қаноат, меҳр-оқибат, улкан сафарбарлик, сиёсий ирода, қатъият, ташкилотчилик саъй-ҳаракатлари эвазига ушбу балони енгиб ўтади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР


1. Халқ сўзи. – 2020. – 20 март.
2. Карантин даврида бу курашга 100 мингга яқин тиббиёт ходимлари жалб этилди Ш.Мирзиёев: шифокорларнинг ўз касбига садоқати, меҳнати – жасорат намунаси // Халқ сўзи. – 2020. – 27 март.
3. Янги Ўзбекистон. – 2020. – 15 май.
4. Ўша манба.
5. Халқ сўзи. – 2020. – 27 март.
6. Халқ сўзи. – 2020. – 19 март.
7. Халқ сўзи. – 2020. – 4 апрель.
8. Янги Ўзбекистон. – 2020. – 15 май.
9. Халқ сўзи. – 2020. – 28 апрель.
10. Ўша манба.
11. Ўша манба.
12. Янги Ўзбекистон. – 2020. – 15 май.
13. Халқ сўзи. – 2020. –16 май.
14. Янги Ўзбекистон. – 2020. – 15 май; Халқ сўзи. – 2020. – 3 июнь.
15. Халқ сўзи. – 2020. – 9 апрель.
16. Ўша манба.
17. Пандемия ҳамда озиқ-овқат хавфсизлиги: сабаб ва оқибатлар // Халқ сўзи. – 2020. – 28 апрель.
18. Глобал таҳдидга жавоб: Ўзбекистон тажрибаси // Халқ сўзи. – 2020. – 25 апрель / Қаранг: https://president.uz/uz/lists/view/4057
19. Халқ сўзи. – 2020. – 25 март.
20. Халқ сўзи. – 2020. – 12 май.
21. Халқ сўзи. – 2020. – 25 апрель.
22. Халқ сўзи. – 2020. – 3 апрель.
23. Халқ сўзи. – 2020. – 12 май.
24. https://t.me/ssvmatbuotkotibi/5992
25. https://t.me/ssvmatbuotkotibi/5993

*Ф. Дж. Парманов**

# ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР ФАОЛИЯТИ УСТИДАН ПАРЛАМЕНТ ВА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

**Аннотация.** Мақолада давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти устидан парламент ва жамоатчилик назорати механизмига оид масалалар ёритилган. Икки палатали Олий Мажлиснинг ташкил этилиши ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти устидан парламент ҳамда жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари таҳлил қилинган.

**Таянч сўзлар:** Парламент, сайлов, парламент назорати, жамоатчилик назорати, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, фуқаролик жамияти.

## ПАРЛАМЕНТСКИЙ И ОБЩЕСТВЕННОЙ КОНТРОЛЬ ЗА ДЕЯТЕЛЬНОСТЬЮ ПРАВООХРАНИТЕЛЬНЫХ ОРГАНОВ В УСЛОВИЯХ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ГОСУДАРСТВЕННОГО И ОБЩЕСТВЕННОГО СТРОИТЕЛЬСТВА

**Аннотация.** В статье рассматриваются вопросы парламентского и общественного контроля за деятельностью правоохранительных органов в условиях совершенствования государственного и общественного строительства. Анализируются правовые основания образования двухпалатного Олий Мажлиса и осуществления парламентского и общественного контроля над деятельностью правоохранительных органов.

**Ключевые слова:** Парламент, выборы, парламентский контроль, общественный контроль, правоохранительные органы, гражданское общество.

## THE PARLIAMENTARY AND PUBLIC CONTROL OF THE ACTIVITY OF LAW ENFORCEMENT BODIES IN THE CONDITIONS OF PERFECTION OF THE STATE AND PUBLIC BUILDING

**Annotation.** In article questions parliamentary and public control over activity of law enforcement bodies in the conditions of perfection of the state and public building are considered. It is analyzed legal grounds of formation of two-chamber the Supreme Meeting and realisation parliamentary and public control over activity of law enforcement bodies.

**Key words:** Parliament, elections, parliamentary control, public control, law enforcement bodies, a civil society.

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётганислоҳотлар ва юритилаётган давлат сиёсатининг асл моҳияти, пировард мақсади ҳам халқимизнинг дарду ташвишлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда уларнинг моддий фаровонлигини ошириш, муносиб турмуш даражасини таъминлашдан иборатдир.

* ***Парманов Фуркат Джумабаевич,*** *Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ҳарбий тайёргарлик кафедраси ўқитувчиси.*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида тўғри танқид қилганидек, «... бугунги кунга қадар давлат органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг аниқ ҳуқуқий механизмлари яратилмаган. Бу эса нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятини холисона баҳолашга халақит бермоқда.

Шундан келиб чиқиб, давлат ва жамият бошқарувида жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг таъсирчан ва амалий механизмларини жорий этиш мақсадида «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш зарур. Шу муносабат билан барча давлат органлари қошида фаолият олиб борадиган жамоатчилик кенгашлари ташкил этишни таклиф қиламан. Мазкур жамоатчилик кенгашлари давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлайдиган, уларни аҳоли билан бевосита боғлайдиган кўприк вазифасини бажариши лозим» [2].

Таъкидлаш жоизки, дунё мамлакатларида давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг асосий принципларидан бири сифатида ҳокимият ваколатларини қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд органлари томонидан амалга оширилиши демократик давлатларга хос белги, дея эътироф этилади. Бинобарин, ҳокимиятлар бўлиниши тамойили жамиятнинг тарихий ривожланиши жараёнида инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг асосий усулларидан бири бўлиб, у ўзининг хусусиятларини тўла намоён этиб келмоқда. Ҳокимият ваколатлари тақсимланиши тизимида қонунчилик ҳокимияти марказий ўринни эгалловчи давлат ҳокимиятининг муҳим тармоғидир. Муайян мамлакатнинг ҳуқуқий тизимига баҳо беришда ҳам мазкур ҳокимиятга хос хусусиятларни ўрганиш энг асосий масалалардан бири ҳисобланади.

Давлатнинг моҳияти, мазмуни бевосита унинг шакли орқали ифодаланади ва намоён бўлади. Моҳияти нуқтаи назаридан ўрганилганда эса давлатда ҳокимиятнинг кимга мансублиги, унинг субъекти (эгаси) ким эканлиги, давлат биринчи навбатда жамиятнинг қайси табақаси, гуруҳининг эркини ифодалаб, манфаатини ҳимоя қилиши аниқланади. Шакли нуқтаи назаридан ўрганиш бу унинг тузилиши, асосий таркибий қисмлари, давлат ҳокимиятини амалга оширишнинг асосий услубларини аниқлашга имкон беради, яъни муайян давлатда ҳокимият қандай ташкил этилган, қайси органлар томонидан амалга оширилган, бу органларнинг ташкил этилиш тартиби ва ваколатлари нималардан иборат каби саволларга жавоб беради [3].

Ўзбекистоннинг инновацион ривожланиш давридаги устувор вазифаларни ўз қамровига олган Ҳаракатлар стратегияси давлат ва жамият тараққиётининг янги замонавий босқичга олиб чиқишнинг муҳим ижтимоий-сиёсий дастурий ҳужжатидир. Унинг эътиборга молик рамзий жиҳати шундаки, мазкур Ҳаракатлар стратегиясининг дастлабки йўналиши мамлакат сиёсий тизимини комплекс модернизация қилиш вазифасини назарда тутувчи «Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш» деб номланган. Унга кўра, давлат ва жамиятнинг изчил, жўшқин, айни вақтда, мувозанатда ривожланишига шарт-шароитлар яратиш, давлат ҳокимияти ва бошқарувини модернизация қилиш, жамият тузилмаларининг демократик тизимини яратиш орқали унинг оптимал ва самарали бошқарилиш механизмларини вужудга келтириш, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштириш, инсон манфаатларини устувор таъминлаш кафолатларини қонуний асосларда яратиш мақсадлари назарда тутилади [4].

Ўзбекистонда Олий Мажлис қонун чиқарувчи орган сифатида олий вакиллик органи ҳисобланиб, у анъанавий тарзда қуйидаги функцияларни бажаради: қонунчилик фаолиятини амалга оширади; ҳукуматни шакллантиришда иштирок этади; мансабдор шахсларни тайинлашда иштирок этади; мамлакат ичкарисида ва ташқарисида муайян давлат ва унинг халқи номидан иш олиб боради; давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолияти устидан парламент назоратини ўрнатади; қонунчиликда назарда тутилган бошқа фаолиятларни амалга оширади.

Олий Мажлиснинг юқорида санаб ўтилган функциялари бир қадар нисбий характерга эга, чунки жаҳон мамлакатлари тажрибасида парламентларнинг ваколат доираси давлат бошқаруви хусусиятларини эътиборга олган ҳолда бир-биридан сезиларли даражада фарқ қилади. Хусусан, парламентар республика ва парламентар монархия бошқаруви шаклидаги давлатларда қонунчилик ҳокимиятининг ваколатлари жуда кенг. Бошқарувнинг юқоридаги шаклларида парламент мамлакат ижтимоий, сиёсий ҳаётида энг муҳим ўринни эгаллайди, айрим мамлакатларда эса ҳатто парламентнинг энг муҳим функцияси бўлмиш қонунчилик фаолияти ҳам муайян даражада чеклаб қўйилиши мумкин. Бундан ташқари, парламент институти тўлиқ рад этилган давлатлар ҳам мавжуд. Лекин замонавий давлатларнинг деярли барчаси ўз парламентига эга бўлиб, турли хусусиятларни эътиборга олган ҳолда улар бир ёки икки палатали шаклда фаолият кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиё мамлакатларининг бири сифатида ўзининг мустақил қонун чиқарувчи ҳокимият тармоғига эга бўлиб, ҳозирги вақтда уни такомиллаштириш йўлидан бормоқда.

Мустақилликка эришгандан сўнг мамлакатимизда қонунчилик ҳокимияти дастлаб бир палатали шаклда ташкил этилди. 2004 йилда халқимизнинг ҳуқуқий давлат қуриш, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш борасидаги сиёсий ислоҳотларни изчил ривожлантириш, янада чуқурлаштиришга бўлган хоҳиш-истагини рўёбга чиқариш йўлида навбатдаги муҳим қадам қўйилди, яъни юртимизда илк бор икки палатали парламентга сайловлар бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда икки палатали парламентнинг шакллантирилганлиги ва фаолият кўрсатиши ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ҳамда модернизация ва ислоҳ қилишда янги босқични бошлаб берди. Шу билан бир қаторда, амалдаги қонун ҳужжатларининг мукаммал тарзда ижро этилишини парламент томонидан назорат қилиш билан қонунларимизнинг сифати ва самарадорлигига эришиш имкониятлари анча кенгайди.

Икки палатали парламент ташкил этиш ва фаолият кўрсатишининг ҳуқуқий асослари ҳам такомиллаштирилди. Аввалambор, мустақил Ўзбекистон Республикаси Конституциясида қонунчилик ҳокимиятининг ҳуқуқий мақоми мустаҳкамлаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XVIII боби «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси» деб номланади. Ушбу бобга бугунги кунга қадар бир неча маротаба тузатиш ва қўшимчалар киритилган.

Ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар билан ҳамоҳанг ҳолда давлат ва жамият қурилиши тизимини янада такомиллаштириш борасида кенг кўламли сиёсий ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, миллий сайлов қонунчилигимиз умумэътироф этилган халқаро принцип ва нормаларга тўла мос ҳолда ҳуқуқий жиҳатдан янада ривожлантирилди,

либераллаштирилди ва сайлов амалиётини модернизациялаш йўлида янги босқич бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан мамлакатимиз тарихида биринчи марта бир нечта қонунларнинг ўрнига тизимлаштирилган, конкрет ва яхлит қонун ҳужжати – 18 та боб ҳамда 103 та моддадан иборат «Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси» тайёрланди ва 2019 йилнинг 25 июнида «Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қонун Президент томонидан имзоланди.

Илгари сайловларни ўтказиш тартиби алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинган эди.

Ушбу кодекс билан Президент, Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, маҳаллий кенгашлар депутатлари сайловларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш тартибини белгилаб берилди.

Қонун билан сайловларда ҳар бир фуқаро бир овозга эга эканлиги, эркин ва яширин овоз берилиши, сайловчиларнинг хоҳиш-иродасини назорат қилишга йўл қўйилмаслиги, сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш очиқ, ошкора амалга оширилиши мустаҳкам қўйилди. Таъкидлаш жоизки, қонунчилик ҳокимияти фаолиятини такомиллашувига ҳамда унинг самарали ишлашига ёрдам берадиган ташкилий механизмларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базасини такомиллаштириш, уларнинг мамлакатимизда рўй бераётган ислоҳотларни амалга оширишдаги ўрни ва аҳамияти борасидаги муаммоларни ҳал қилиш бугунги кунда тобора долзарб масалалардан бири сифатида намоён бўлмоқда.

Фуқаролик жамиятини шакллантириш мураккаб жараён бўлиб, амалга оширилаётган ўзгаришларни қонунчилик жиҳатидан тартибга солишни яхшилаш, юридик нормаларни жамият ривожланиш даражасига мувофиқ ҳолга келтириш, қонунларнинг татбиқ этилиши, амалдаги нормалар самарадорлигини ошириш билан боғлиқ вазифаларни бажаришда назорат фаолияти, шу жумладан парламент ва жамоатчилик назорати муҳим ўрин тутади.

Шу жиҳатдан қараганда, Ўзбекистонда ҳуқуқий давлатчиликнинг қарор топиши жараёнида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти устидан парламент ва жамоатчилик назоратига тааллуқли масалаларни ўрганиш, таҳлил этиш муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда ривожланган демократик мамлакатларнинг ҳуқуқий тизими, давлат ва жамият бошқаруви ўрганиладиган бўлса, парламент ва жамоатчилик назорати жуда яхши йўлга қўйилганлигининг гувоҳи бўласиз [5].

Назорат фаолияти демократик давлат бошқарувининг муҳим хусусиятларидан бири эканлигини эътиборга олиб, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳар бир давлат назорат тизимини мукаммал йўлга қўйиши лозим.

Назорат фаолиятининг мазмун-моҳияти, мақсади ва ижтимоий вазифалари кўп жиҳатдан ҳокимиятларнинг бир-бирини тийиб туриш ва мувозанатда сақлаш, давлат органлари фаолиятининг очиқ, ошкоралиги, уларнинг сайловчилар, бутун халқ олдидаги ҳисобдорлиги, оммавий ахборот воситалари, бошқа демократик институтлар билан ҳамкорлиги каби омилларга боғлиқ бўлиб, давлат ўзининг назорат фаолиятини олиб бормасдан туриб, барқарорликка эриша олмайди ҳамда жамиятда тартиб-интизом ва жавобгарликни ўрната олмайди. Ваҳоланки, давлат ва жамиятнинг бир-бирига бўлган ўзаро масъулияти асосидагина улар ўртасидаги муносабатларнинг уйғунлиги ва самарадорлигига эришиши мумкин.

Давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти устидан парламент ва жамоатчилик назоратининг асосий мақсади шундан иборатки, у ижтимоий, ҳуқуқий демократик давлат қуришга йўналтирилган бўлади. Шунингдек, давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолияти фуқаро, жамият ва давлат олдидаги ўзининг мажбуриятларини тегишли қонун доирасида амалга оширишини ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш имконини беради.

Қонунчилик ҳокимияти ваколатлари, хусусан, унинг назорат функцияси хусусида сўз юритилар экан, бунда парламентнинг ушбу функциясини ҳозирги кун талабидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш нуқтаи назаридан ёндашмоқ лозим. Бунда парламент ва жамоатчилик назорати йўналиши доирасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти устидан назоратни амалга ошириш масалаларини илмий-амалий жиҳатдан чуқур таҳлил этиш ҳуқуқий давлат қуриш ҳамда мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш жараёнида муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг асосий фаолияти давлатнинг конституциявий асосларини ҳимоя қилиш, қонунийлик, ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамоатчилик тартиби, хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчилик билан курашишдан иборат. Ушбу органлар мамлакатнинг давлат мустақиллигини, яхлитлигини таъминловчи асосий таянчи экан, демак, қонунчилик ҳокимиятининг мазкур органлар фаолияти устидан самарали назоратни ўрнатиш билан боғлиқ фаолиятини шакллантиришнинг замонавий концепцияларини ишлаб чиқиш тақозо этилади.

Қонунчилик ҳокимиятининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти устидан ўз назоратини амалга ошириши: биринчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган қўпол хато ва камчиликларни бартараф этиш; иккинчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти доирасида кечаётган жараёнларнинг очиқ-ойдинлиги, ошкоралигини таъминлаш; учинчидан, жамият томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятида бюджет маблағларидан самарали фойдаланилишини назорат қилиш; тўртинчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйилишига ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси тараққиётининг бугунги босқичида парламент ва жамоатчилик назорати орқали фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинликлари, қонуний манфаатлари ҳимоя қилиниши, қонун ҳужжатлари талабларига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган, уларнинг мансабдор шахслари томонидан оғишмай риоя этилиши ҳамда белгиланган вазифаларнинг самарали амалга оширилишини таъминлашга эришиш мумкин. Шу нуқтаи-назардан келиб чиқиб, доимий равишда мамлакатимизда уларнинг фаолияти устидан самарали парламент ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш механизмларини ишлаб чиқиш, уни янада такомиллаштириб бориш долзарб аҳамият касб этади.

Юқоридагилар билан бирга, қонунчилик ҳокимияти ва жамоатчилик томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мунтазам назорат қилиш, ўрганиш, тадқиқ этиш улар фаолиятининг янгича механизмларини шакллантириш,норматив-ҳуқуқий асосларини давр талаблари асосида демократик руҳда ислоҳ қилиб бориш имкониятини беради.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Ўзбекистонда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш зарурати тўла асосларда вужудга келган ҳамда бу ислоҳотлар амалга оширилаётган бир пайтда ушбу органлар фаолияти

устидан олий қонун чиқарувчи ҳокимият ва жамоатчилик томонидан назоратни амалга оширилиши муҳим аҳамиятга эга. Бу биринчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан қонунларнинг қай даражада бажарилаётгани ҳамда амал қилинаётгани; иккинчидан, тегишли қонунчиликда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг нормал фаолият кўрсатишига тўсқинлик қилувчи нормаларни назорат ва таҳлил этиш ҳамда бартараф этиш имконининг мавжудлиги; учинчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тузилмасини демократик асосларда такомиллаштириш ва уларнинг ижро аппаратидаги бюрократизмни бартараф этиш; тўртинчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти устидан халқ ўзи сайлаган вакиллари орқали жамоатчилик назоратини ўрнатиш, яъни уларнинг фаолиятида очиқ-ошкораликни таъминлаш ва бошқа вазифаларни амалга оширишда намоён бўлади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. *Мирзиёев Ш. М.* Инсон манфаатларини таъминлаш учун, аввало, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ишончли ҳимоя қилинмоғи зарур // Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т., 2017. – Б.312.

2 Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. – 2017. – 22 дек.

3. *Ахмедшаева М.А.* Давлат ва ҳуқуқ ривожининг ҳозирги замон тенденциялари / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. З.М.Исломов. – Т., 2016. – Б.110.

4. *Одилқориев Ҳ.Т.* Ўзбекистон давлати ва жамияти инновацион ривожланишининг ҳуқуқий жиҳатлари:Ўқув қўлланма. – Т., 2019. – Б.4.

5. Мамлакатимизда давлат идоралари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш механизмларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш: Монография / М.М.Мамасиддиқов, А.А.Отажонов ва бошқ. – Т., 2020. – Б.17.

*Х. Д. Сарабеков**

# УЙМА-УЙ ЮРИШ, ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ ҚИЛИШ ВА МУАММОЛАРНИ АНИҚЛАШ – ҲУДУДЛАРНИ КОМПЛЕКС ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

**Аннотация.** Ҳудудларда ишни ташкил этиш учун биринчи навбатда, жамоатчилик олдида ҳисобот бериш шакллари ва услубларини тубдан такомиллаштириш, аҳолининг ҳаёт сифати ва даражасини юксалтириш, давлат органлари раҳбарларининг масъулиятсизлиги ҳолатларининг юзага келишига қатъий равишда барҳам бериш ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида секторлар фаолияти ташкил этилди. Мақолада уйма-уй юриш, халқ билан мулоқот қилиш ва муаммоларни аниқлаш – ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга оид таклиф ва тавсиялар баён қилинган.

**Таянч сўзлар:** халқ, давлат, халқ қабулхонаси,мурожаат, муаммо, ҳимоя, ҳуқуқ ва эркинликлар, сектор, кафолат.

## ПОДВОРНЫЙ ОБХОД, ОБЩЕНИЕ С НАРОДОМ И ОПРЕДЕЛЕНИЕ ПРОБЛЕМ – ВАЖНЫЙ ФАКТОР В КОМПЛЕКСНОМ СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОМ РАЗВИТИИ ТЕРРИТОРИЙ

**Аннотация.** В целях организации работы в регионах, прежде всего, кардинального совершенствования форм и методов общественной отчетности, повышения качества и уровня жизни населения, устранения безответственности руководителей органов государственной власти и всесторонней поддержки местного самоуправления, инициативы была создана деятельность секторов. В статье описаны предложения и рекомендации по выездной работе, работе с населением и решению проблем – комплексному социально-экономическому развитию регионов.

**Ключевые слова:** народ, государство, общественная приемная, обращение, проблема, защита, права и свободы, сектор, гарантия.

## HOME TO HOME COMMUNICATION WITH THE PEOPLE AND IDENTIFICATION OF PROBLEMS - AN IMPORTANT FACTOR ON INTEGRATED SOCIAL-ECONOMICAL DEVELOPMENT OF TERRITORIES

**Annotation.** In order to organize work in the regions, first of all, to radically improve the forms and methods of public reporting, improve the quality and standard of living of the population, eliminate the irresponsibility of the heads of state authorities and provide comprehensive support for local self-government, initiatives were created the activities of the social sectors. The article describes proposals and recommendations for field work, work with the population and solving problems – the complex social-economical development of regions.

**Key words:** people, state, public reception, appeal, problem, protection, rights and freedoms, sector, guarantee.

*** Сарабеков Хасан Давронович,** *Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси жамоат тартиби ва хавфсизликни таъминлаш кафедраси доценти.*

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг яшаш шароитларини тубдан яхшилаш, турмуш даражасида сезиларли ижобий ўзгаришларга эришиш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ушбу мақсадда ҳудудларни секторларга бўлиб ишни ташкил этиш тизимининг жорий этилганлиги халқ билан манзилли мулоқотнинг йўлга қўйилишига имкон яратди.

Президент Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, дунёда ноёб, ўхшаши йўқ маҳалла тизими мустақиллик йилларида аҳоли учун энг яқин ва халқчил тузилмага айланди. Қайси маҳаллада иш тўғри ташкил этилиб, фуқаролар билан яқин ҳамкорлик ўрнатилган бўлса, ўша ерда ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат муҳити ҳукм сурмоқда, нохуш ҳолатларга йўл қўйилмаяпти [1].

«Инсонларнинг дарду ташвишларини ўйлаб яшаш – одамийликнинг энг олий мезонидир», «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак» [2], «Халқимиз ўз ҳаётида ижобий ўзгаришларни эртага эмас, узоқ келажакда эмас, айнан бугун кўриши керак». Президентимизнинг эл-юртимиз қалби ва онгидан чуқур жой олган бу сўзлари бугун мамлакатимизда барча соҳа ва тармоқларда амалга оширилаётган туб ўзгариш ва ислоҳотларни ҳаракатлантирувчи қудратли кучга, таъбир жоиз бўлса, уларнинг ғоявий ўзагига айланди. Халқимизнинг ҳаётий талаб ва эҳтиёжларини таъминлаш, одамларимизни рози қилиш йўлидаги залворли ишлар айнан шундай эзгу ва ҳаётбахш ғоялар асосида олиб борилиб, тобора янги маъно ва мазмун билан бойиб бормоқда. Бундай тарихий ўзгаришлар силсиласида халқ билан мулоқот қилиш, мурожаатлар билан ишлаш бўйича тамомила янги тизимга асос солингани, халқаро миқёсда ноёб тузилма сифатида кенг эътироф этилаётган Президент виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналари институти яратилгани шубҳасиз марказий ўринлардан бирини эгаллайди. Ҳозирги вақтда аҳоли мурожаатлари билан ишлаш, уларни қийнаб келаётган муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича олиб борилаётган ишлар таҳлил қилинганда бир қатор камчиликлар мавжуд экани аниқланди. Ана шу жиҳатларни эътиборга олган ҳолда Президент фармонига мувофиқ 2019 йил 1 февралдан бошлаб Халқ қабулхоналарининг аҳоли мурожаатлари билан ишлаш бўйича амалдаги тизими билан бир қаторда, Халқ қабулхоналарининг муаммоларни уйма-уй юриш орқали аниқлаш ва ҳал қилишни, давлат органларининг аҳоли билан бевосита ишлашини назарда тутувчи янги тизим жорий этилди.

Мазкур янги тизимнинг дастлабки ўзига хос томони шундаки, бундан буён Халқ қабулхоналари ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда уйма-уй юриш, ижтимоий ва бошқа объектларни ўрганиш орқали муаммоларни аниқлайди ҳамда ҳал қилинишини таъминлайди. Яъни энди Халқ қабулхоналари мурожаат келиб тушишини кутиб ўтирмайди, ўзи масъул бўлган ҳудуддаги мавжуд муаммоларни уйма-уй, объектма-объект юрган ҳолда аниқлайди.

Шу ўринда Ш.М.Мирзиёев: «яхши яшаш учун энг аввало яхши меҳнат қилиш, ҳуқуқ ва эркинлик билан бирга, жавобгарлик ва масъулиятни ҳам чуқур ҳис этишимиз зарур. Бунга эришиш эса фақат ва фақат ўзимизга боғлиқ», – деб таъкидлаган эди [3].

Мазкур янги тизим жорий этилишининг асосий сабаби мурожаатлар билан ишлашнинг амалдаги тизими аҳолининг мавжуд муаммоларини тўлиқ қамраб олиш ва тезкорлик билан ҳал қилиш имконини бермаётгани билан боғлиқ. Чунки барча давлат органлари каби Халқ қабулхоналари ҳам ўз фаолиятида жисмоний ва юридик

шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш амалиётидан фойдаланиб келмоқда. Бу эса фақат мурожаат туфайли юзага қалқиб чиққан муаммоларнигина рўйхатга олиш ҳамда у ёки бу тарзда муносабат билдириш имконини беради, холос.

Сабаби, одам ариза ёки шикоят билан мурожаат қилмаса, бу унда умуман муаммо йўқ, деганини билдирмайди. Айниқса, сабр-қаноат ва шукроналикни ҳаёт мазмуни, орияту ғурурни улуғ қадрият даражасида эъзозлайдиган халқимиз ўртасида дарду ташвиш қийнаб турган бўлса-да, бу ҳақда маҳалла-кўй, мутасадди идора ва ташкилотларга мурожаат қилишни ўзига эп кўрмайдиган, истиҳола қиладиганлар ҳам кўп. Шу боис давлатимиз раҳбарининг ғояси ва ташаббуси билан мамлакатимизда халқ билан мулоқот қилиш, мурожаатлар билан ишлаш ва аҳоли муаммоларини ҳал этиш соҳасида янги даврга қадам қўйилмоқда.

Юқорида айтиб ўтилганидек, бундан буён давлат органлари Халқ қабулхоналари бошчилигида ўзлари масъул бўлган ҳудудларда маҳаллама-маҳалла, кўчама-кўча, уйма-уй юриб, ҳар бир хонадон, ҳар бир оила муаммоларини ўрганиб, уларни ҳал қилиш чораларини кўради. «Касални даволагандан кўра, унинг олдини олган афзал» деганларидек, муаммо ҳақида кимдир мурожаат қилиб келишини кутиб ўтирмасдан, халқ ичига, одамлар орасига чуқур кириб бориб, улар дуч келаётган муаммоларни эрта аниқлаб, ҳал қилиш янги тизимдан кўзланган бош мақсад ҳисобланади.

Бинобарин, бевосита мулоқот, юзма-юз учрашувларнинг таъсир кучи янада кўпроқ бўлиб, бундай жонли суҳбатлар жараёнида қоғозларга сиғмай қолган тафсилотлар ойдинлашади, ортиқча оворагарчиликларсиз у ёки бу масалага дахлдор янги ва қўшимча маълумотларни аниқлаштириб олиш имконияти катта бўлади.

Яна ҳам муҳим бир жиҳат борки, бу ҳақда алоҳида айтиб ўтиш айни муддаодир. У ҳам бўлса, бундай иш тизими наинки одамларнинг муаммоларини аниқлаш ва ҳал қилишда, балки уларнинг юртимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини ўрганиш, давлатимиз ва жамиятимизни ҳар томонлама ривожлантиришга доир таклиф ва тавсияларини жамлашда ҳам таъсирчан воситага айланади.

Мазкур тадбирнинг мантиқий давоми сифатида давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг ҳудудий бўлимлари фаолияти ҳамда улар кўрсатадиган хизматларга оид тартиб-қоидалар замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, хусусан, мобиль иловалар, веб-сайтлар, электрон тўлов воситалари орқали аҳолига тўлиқ ва тезкор етказилишини таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши фуқароларимизнинг ҳам вақтини, ҳам маблағини тежашга хизмат қилади.

Шу билан бир қаторда, 2019 йилнинг 1 июлига қадар барча давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг вилоят бўлинмалари веб-сайтларини, 2020 йилнинг 1 январига қадар туман ва шаҳар бўлинмалари веб-сайтларини ташкил қилиш вазифаси қўйилгани фуқароларнинг давлат органларининг ҳудудий бўлинмаларига бевосита электрон тарзда мурожаат қилиш имкониятини яратди.

«Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак». Президентимиз томонидан илгари сурилган ва бугун ҳаётимиздан тобора чуқурроқ ўрин олаётган ушбу тамойил юртдошларимизнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашига замин яратмоқда. Бугун пойтахт Тошкент шаҳридан мамлакатимизнинг энг узоқ ҳудудида яшаётган юртдошимизга қадар ислоҳотларнинг реал натижасини ўз ҳаётида кўра бошлагани, бу янгиланишлар минглаб оилалар ҳаёти, миллионлаб инсонларнинг онги, қалби ва дунёқараши ўзгаришига ҳам туртки бўлаётгани бунинг яққол исботидир. Президентимизнинг «Аҳоли муаммолари билан ишлаш

тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони Халқ қабулхоналари фаолиятини янги босқичга кўтариш баробарида ислоҳотларнинг таъсирчанлигини янада оширишга, халқимизнинг ҳаётдан рози бўлиши учун янада кенг имконият ва шарт-шароитлар яратишга хизмат қилиши шубҳасиз.

2019 йил 1 февралдан бошлаб муаммоларни уйма-уй юриш орқали аниқлаш ва ҳал қилишнинг янги тизимига асосан Халқ қабулхоналари, секторлар, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар вакилларидан иборат ишчи гуруҳлар ташкил этилиб, республика ҳудудларидаги барча туман ва шаҳарлар секторларида ўрганишлар ўтказилди. Аҳоли муаммоларининг ўрганилиши ҳамда уларнинг ўз вақтида ечими топилиши бевосита Президент Администрацияси томонидан назоратга олинди.

Уйма-уй юриш ва аҳоли билан учрашиш жараёнида 2 та асосий вазифа бажарилади:

биринчидан, мамлакатимизда бугунги кунда олиб борилаётган ислоҳотларнинг мақсади ва моҳияти тушунтирилади;

иккинчидан, хонадонда, оилада мавжуд муаммолар аниқланади ҳамда уларни иложи борича жойларда ҳал қилиш чоралари кўрилади.

Ўтган йилнинг апрель ойи ҳолатига кўра Республика бўйича жами 2,6 млн. дан ортиқ хонадонлар ўрганилиб, муаммоси мавжуд бўлган 261,2 мингта хонадонда яшовчи фуқаролар билан ўтказилган якка тартибдаги суҳбатлар натижасида 273,4 мингта турли йўналишдаги масалалар аниқланган.

Мавжуд муаммоларнинг энг кўпи бандлик (19,9%), суюлтирилган газ (газ баллон) етказиб бериш (16,4%), соғлиқни сақлаш (9,9%), уй-жой (9,8%), банк кредити (5,8%), моддий ёрдам (5,7%), кадастр (4,1%), ичимлик суви (2,9%), электр энергия таъминоти (1,9%), табиий газ (1,6%), паспорт (1,3%), мактабгача таълим (1,6%) билан боғлиқ масалаларга тўғри келади.

Ҳозир жойларда уйма-уй юриш натижасида аниқланган ва аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни сектор раҳбарлари, Халқ қабулхоналари ва бошқа ташкилотлар ходимлари биргаликда ҳал этиш чораларини кўрмоқда.

Мисол тарзида Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳрида олиб борилган хайрли ишларни келтирсак бўлади. Хусусан, 21 та маҳалладаги ички йўлларда 1,8 км. асфальт ётқизилди, 3 100 метр ички йўллар таъмирланди. Умумфойдаланувдаги автомобиль йўлларининг 450 кв. метри таъмирдан чиқарилди. Мазкур мақсадлар учун 1,7 млрд. сўмлик ишлар амалга оширилган.

Аҳоли саломатлигини тиклаш ва муҳофаза қилиш ишлари ҳам диққат-эътиборда. 14 241 нафар фуқаро тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилган. Касаллик аниқланган 3 346 нафар фуқаро амбулатор, 122 нафари шифохонага даволанишга ётқизилган,уларнинг 23 нафари вилоят ва 3 нафари республиканинг ихтисослаштирилган шифохоналарига жўнатилган. Шу билан бирга, 59 нафар фуқарога нисбатан нафақа тайинлаш бўйича тегишли идораларнинг қарорлари қабул қилинишига эришилган.

Албатта, уйма-уй юриш орқали муаммоларни аниқлаш ва ҳал этишга қаратилган ушбу тизим давлат органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарларининг халққа яқин кўмакчи бўлишига, аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни кучайтиришга, фуқароларнинг ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини ҳал этиш, секторлар доирасида ишларни ташкил этиш сифатини оширишга кенг имкониятлар яратади.

Сектор штаблари томонидан бириктирилган ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, кунига 40 тадан кам бўлмаган, лекин сифат даражасини таъминлаш мақсадида 50 тадан ошмаган хонадонларда ўрганишлар ўтказилиши

мақсадга мувофиқ бўлиши Президентимизнинг ушбу йўналишдаги қарорлари билан белгилаб қўйилган.

Аниқланган муаммоларни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш тартиби қуйидагича амалга оширилади:

1) ўрганиш натижасида аниқланган муаммоларни имкон даражасида жойида ёки маълум муддатда ҳал этиш юзасидан барча чоралари кўрилади;

2) туман (шаҳар) миқёсида ҳал қилиб бўлмайдиган, бироқ зудлик билан чора кўриш талаб этиладиган муаммолар (масалан, онкологик касаллик, жигар циррози ва ҳ.к) аниқланган тақдирда, сектор раҳбари вертикал бошқарув тамойилига мувофиқ вилоят сектор штабига мурожаат қилади ва унинг кўмагида масалани тезкор ҳал қилиш чорасини кўради;

3) Сектор штаби аъзолари ўзларига бириктирилган йўналишлар бўйича аниқланган муаммоларни ҳал қилишга масъул ҳисобланади;

4) аниқланган муаммолар ягона электрон ахборот тизимига киритилиб, секторлар томонидан таҳлил қилинади ҳамда йўналиши ва масаласига қараб муаммолар туман (шаҳар) – вилоят – республика даражасида ҳал қилиш учун ажратиб олинади;

5) туман (шаҳар) даражасида кўриб чиқилиб, ҳал этиладиган муаммолар сектор раҳбари томонидан туман (шаҳар) давлат органлари ва бошқа ташкилотларга бартараф этиш учун юборилади ва ижроси юзасидан котиб томонидан назорат қилиб борилади;

6) вилоят ва республика даражасида кўриб чиқилиб, ҳал этиладиган муаммолар туман (шаҳар) сектор раҳбари томонидан вертикал бошқарув тизими бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри секторларига юборилади.

Мазкур ҳаракатларнинг амалга оширилиши аҳоли муаммоларини аниқлаб, ўз вақтида уларга амалий ечимлар излаб, фуқароларни турли давлат ташкилотларига бориб сарсон-саргардон бўлишларининг олдини олади. Бу эса, ўз навбатида, фуқароларнинг давлатимиз олиб бораётган сиёсатга ва Президентимиз томонидан амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни тўғри тушуниб, бугунги кунидан рози бўлиб яшаш кайфиятини оширади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳудудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир қабул қилинаётган ҳужжатлар ва дастурларнинг, айниқса, қуйи поғонада сўзсиз амалга оширилишини таъминлашга йўналтирилган. Мазкур ҳужжат ижроия ва вакиллик ҳокимияти органларининг аҳоли дуч келаётган мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларга ўз вақтида барҳам бериш ҳамда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳолатини доимий ва манзилли ўрганиш борасида ҳамкорликда олиб бориладиган тизимли фаолиятини ташкил этишни назарда тутади.

Жойларда ишни ташкил этишда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ҳудудларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторларга бўлишни назарда тутадиган мутлақо янги тизим жорий этилади.

Мамлакатимиздаги 14 та ҳудуднинг ҳар бирига Бош вазир ва унинг ўринбосарлари бириктирилади. Бунда улар томонидан ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан орқада қолаётган 69 та туман ва шаҳарларнинг жадал ривожланишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади. Комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторларга Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар

ва Тошкент шаҳри, туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари, прокуратура, ички ишлар ва давлат солиқ хизмати ҳудудий органлари раҳбарлари бошчилик қиладилар. Улар жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни аниқлаш ва ҳал этиш бўйича аниқ мақсадга қаратилган тизимли ишларни бажармоқдалар.

Маълумки, давлатнинг иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш ва уни янада юксалтириш, аввало фуқароларнинг ишбилармонлигини оширишдан, уларда ўрта ва кичик бизнесга нисбатан қизиқишни кучайтириш хамда юритишларини қўллаб-қувватлашдан бошланади.

Мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилиб, бу борада кейинги йилларда қатор ишлар амалга оширилди. Ушбу соҳани ривожлантиришга қаратилган бир қанча қонунлар ва қонуности ҳужжатлар қабул қилинди. Шунинг натижасида 2020 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши 66,9 %ни ташкил этди. Ушбу кўрсаткич 2007йилда 45,7 % эди. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ўзига хос хусусиятларга эга. Жумладан, янги иш ўринларини очиш эвазига бандлик масаласини ҳал қилади, иш билан таъминлаш эвазига ходимларнинг фаровонлигини оширади, янги ўрта мулкдорлар қатламини шакллантириш эвазига ижтимоий барқарорликни таъминлаш имконини яратади, одамларда мулкдорлик ҳиссини уйғотади, боқимандалик руҳиятидан воз кечилиб, ташаббускорлик руҳияти шаклланади. Шу туфайли, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни мамлакат миқёсида ва унинг ҳар бир ҳудудида ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятларига қуйидаги масалаларни киритиш мумкин:

− биринчидан, катта маблағ ва кўп вақт талаб қилмасдан фаолиятни юритиш имкониятининг мавжудлиги;

− иккинчидан, асосан хусусий мулкка асосланган ҳолда ривожланиши;

− учинчидан, оилавий тадбиркорлик ва оилавий корхона мақомида фаолият кўрсатиши;

− тўртинчидан, мазкур соҳанинг асосан хизмат кўрсатишга қаратилганлиги;

− бешинчидан, иш ўрнининг арзонлиги;

− олтинчидан, талаб ва таклиф ўзгариши билан унинг фаолиятини ҳам тез ўзгартириш имкониятининг мавжудлиги;

− еттинчидан, бозор коньюктурасига мослашувчанлиги. Бозор муносабатлари шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётнинг асосий ҳал қилувчи бўғини сифатида майдонга чиқади. Чунки ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодиёти айнан ушбу соҳанинг ривожлантирилганлик даражаси билан белгиланади. Айниқса, сўнгги йилларда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича қабул қилинган қарорлар ва улар асосида ишлаб чиқилган дастурлар ҳамда уларнинг амалга оширилиши натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ва ҳудудий ички маҳсулот(ҲИМ)даги улуши сезиларли даражада оширилишига эришилди.

Шунингдек, аҳолининг ўрта ва ишсиз қатламини қўллаб-қувватлаш мақсадида «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастури қабул қилиниб, мазкур дастур оилавий тадбиркорликни ривожлантиришда асосий импульсдан бири бўлди.

«Ҳар бир оила – тадбиркор» дастури доирасида энг кам иш ҳақининг юз эллик бараваригача миқдорда бўлган кредит маблағлари ҳудудларни ижтимоий-

иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар раҳбарлари ва маҳалла фуқаролар йиғини тавсияномалари асосида берилиши амалга оширилмоқда. Мазкур дастур республиканинг ҳар бир туман ва шаҳрида, энг аввало, олис ва табиий-иқлим шароити оғир ҳудудларда истиқомат қилаётган аҳолининг моддий шароитини яхшилаш, турмуш сифати ва даражасини ошириш мақсадида ишлаб чиқилган. Президентнинг «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастурини амалга ошириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида олинаётган имтиёзли кредитни расмийлаштиришда ортиқча қоғозбозлик ва югур-югурлар талаб этилмайди. Дастурда илгари тадбиркорлик ва даромад келтирадиган меҳнат фаолияти билан шуғулланмаган аҳоли қатламига тадбиркорлик кўникмаларини ўргатиш ва тегишли фаолият турини ташкил қилишга амалий ёрдам кўрсатишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу ташаббус самарадорлигини таъминлаш мақсадида тажрибали тадбиркорлар эндигина бизнес билан шуғулланишни бошлаган оилаларга бириктирилади – мини-кластерлар ташкил этилади. Қишлоқ ва маҳаллаларда бўш турган ер майдонларини янги ташкил этилаётган оилавий тадбиркорлик субъектларига ҳеч қандай монеликсиз берилади. Дастурга мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари раҳбарлигида «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастури доирасида амалга оширилаётган ишларни мувофиқлаштириш бўйича ташкилий ишчи гуруҳлар тузилди. Дастурга мувофиқ тузилган Ҳудудий ишчи гуруҳлар эса бевосита аҳоли билан ишлайдиган гуруҳдир. Ҳудудий ишчи гуруҳ ҳар бир оила ва хонадоннинг тадбиркорлик билан шуғулланиш салоҳияти, истак ва таклифларни синчковлик билан ўрганиш, уларнинг тадбиркорлик ғояси ва кўникмасини ривожлантириш билан шуғулланади. Бундан ташқари, тадбиркорликни йўлга қўйиш истагида бўлган шахсларга тижорат банклари томонидан кредит ажратишни ташкиллаштириш, аҳолининг шахсий томорқа ер майдонларидан самарали фойдаланиши юзасидан таклифлар бериш ва уларни амалга ошириш ҳам ҳудудий ишчи гуруҳларнинг вазифаларидан бири сифатида белгиланди.

Ушбу давлат дастурининг амалга оширилиши ҳар бир ҳудуддаги аҳолини ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш, камбағалликни қисқартириш доирасидаги чора-тадбирларни тўғри ва ўз вақтида амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. *Мирзиёев Ш.М.* Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-том. – Т., 2017.– Б.58–59.

2. *Мирзиёев Ш.М.* Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-том. –Т., 2018. – Б.31.

3. *Мирзиёев Ш.М.* Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-том. – Т.,2019. – Б.85.

*А. Б. Эралиев**

# ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА КАДРЛАР БИЛАН ИШЛАШ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ: ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛ ВА ТАКЛИФЛАР

**Аннотация.** Мақолада ички ишлар органларида кадрлар билан ишлаш тизими миллий ва хорижий тажриба асосида атрофлича таҳлил қилинган. Шунингдек, таҳлиллар натижаларига кўра, ички ишлар органларида кадрлар билан ишлаш фаолиятини такомиллаштириш борасида таклифлар ишлаб чиқилган.

**Таянч сўзлар:** ички ишлар органлари, кадрлар бўлинмаси, рақобат, танлов, ротация, текширув, малака ошириш, рағбатлантириш.

## ПРЕДЛОЖЕНИЕ И СИСТЕМНЫЙ АНАЛИЗ ПО ПОВЫШЕНИЮ ЭФФЕКТИВНОСТИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ РАБОТЫ С КАДРАМИ В ОРГАНАХ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ

**Аннотация.** В статье проанализирован национальный и зарубежный опыт в сфере работы с кадрами в органах внутренних дел. Вместе с тем, разработаны предложения по совершенствованию деятельности по работе с кадрами органов внутренних дел.

**Ключевые слова:** органы внутренних дел, кадровые подразделения, конкуренция, выбор, ротация, проверка, повышение квалификации, стимулирование.

## PROPOSAL AND SYSTEM ANALYSIS TO IMPROVE THE EFFICIENCY OF WORK WITH PERSONNEL IN INTERNAL AFFAIRS BODIES

**Annotation.** The article thoroughly analyzes the national and foreign experience in the field of work with personnel in the internal affairs bodies. Also, the article developed proposals for improving the work with personnel of the internal affairs bodies.

**Key words:** internal affairs bodies, personnel department, competition, selection, rotation, verification, professional development, incentives.

Ички ишлар органларида бошқарув фаолияти самарадорлиги кадрлар билан ишлаш ҳолатига бевосита боғлиқ. Бошқарув фаолиятининг ўзагини А.А.Постникова айтганидек, ички ишлар органлари ходимлари билан ишлаш – кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, ходимларни рағбатлантириш, билим олиш, кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантириш, малака ошириш, самарали жамоада ишлашни ташкил этиш, низоларни бошқариш ва бошқалар учун шароит яратиш ташкил этади [1].

Кадрлар тайёрлаш тизимини ислоҳ қилишда асосий эътиборни юксак маънавиятли кадрлар тайёрлашга қаратиш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, «юксак маънавиятли жамият шаклланиши учун, авваламбор, жисмоний бақувват, соғлом, маънавий етук баркамол авлодни тарбиялаш, шу жараёнда маънавиятни юксалтирувчи бир қатор тадбирларни амалга ошириб, мавжуд технологияларни такомиллаштириш лозим. Шахс маънавияти миллат, давлат ва жамият маънавиятининг таркибий қисми ҳисобланади. Шахснинг маънавий камолоти жамиятда мавжуд бўлган кўп қиррали

*** Эралиев Аъзам Бахтиёр ўғли,** Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси мустақил изланувчиси.*

муносабатлар, шарт-шароит ва имкониятлар асосида шаклланади. Миллат, давлат ва жамиятнинг маданий-маънавий тараққиёти эса шахс маънавий камолотига асос бўлади. Ўз навбатида, шахс маънавияти такомилга етмагунча, жамият тараққиётини жадаллаштириб бўлмайди» [2].

Адабиётларда таъкидланганидек, «замонавий давлат хизматчиси бугунги кун юксак маънавий талабларига жавоб бера олиши, ўзида миллий ва умуминсоний қадриятларни сингдирган, замонавий техника ва билимларни мужассамлаштирган, маърифатли, ўз соҳаси, оиласи, жамоаси, халқи, Ватани, миллати олдидаги бурчини англаши, ўз ҳаёти ва фаолиятини шу бурчни адо этишга оғишмай сафарбар этиши лозим» [3].

Мамлакатимизда ҳам кадрлар билан ишлаш, кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш, номзодларни хизматга қабул қилиш, ёш ходимларни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ бир қатор ислоҳотлар амалга оширилди. Таъкидлаш жоизки, ички ишлар органларини кадрлар билан таъминлаш тизимини ислоҳ қилиш ички ишлар органларида бошқарув тизимини ислоҳ қилишнинг ажралмас қисми бўлиб, у ички ишлар органлари тизимида амалга оширилаётган барча ислоҳотларга таъсир этади ҳамда уларнинг муваффақиятли амалга оширилишининг гарови бўлиб хизмат қилади.

Ички ишлар органларида кадрлар билан ишлаш тизимини ислоҳ қилишнинг мақсади ички ишлар органлари ходимининг юқори ахлоқий ва маънавий фазилатларга, жавобгарлик ҳисси ва адолат туйғусига эга бўлган, зиммасига юклатилган вазифаларни тўлақонли ва сифатли бажаришга қодир замонавий профессионал кадрлар корпусини шакллантиришдан иборат.

Бу борада Е.А.Сумина таъкидлаганидек, кадрларни тўғри профессионал танлаш, жой-жойига қўйиш, ўқитиш, уларнинг қўнимсизлигини қисқартириш, кучли, жипслашган жамоани яратиш ички ишлар органлари фаолияти самарадорлигини оширишнинг зарур шарти ҳисобланади [4].

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасида ички ишлар органлари учун кадрлар танлаш ва улар билан ишлашнинг ҳозирги ҳолати замонавий демократик давлат талабларига бир қатор асосларга кўра тўлиқ жавоб бермайди, десак муболаға бўлмайди. Хусусан:

Биринчидан, ички ишлар органларида лавозимларни жамлашда рақобат тартибининг қўлланиши етарли даражада кенг жорий этилмаган. Рақобат – бу даъвогарлар орасидан маълум бир профессионал фаолият турини, айниқса ички ишлар органлари хизмати каби муҳим ва масъулиятли ишни амалга оширишга энг муносиб ва қобилиятли шахсларни танлашнинг энг холис усули бўлиб, Европа давлатларида жуда кенг қўлланилади [5].

Бу борада В.В.Бобырев қайд этганидек, АҚШ, Буюк Британия, Германия ва Францияда полиция ходимларини танлов асосида шакллантириш кадрларни хизматга қабул қилишнинг энг кўп учрайдиган усули ҳисобланади [6]. Масалан, Буюк Британияда полицияда хизмат қилмоқчи бўлган фуқаро ҳудудий полиция участкаси бошлиғи номига ариза билан мурожаат қилади. Сўнг полиция участкаси бошлиғи номзод билан суҳбат ўтказади, у томонидан тақдим этилган ҳужжатларни ўрганади, сўнг номзодни синовларга киришига рухсат бериш ёки рухсат бермаслик ҳақида қарор чиқаради. Буюк Британия полициясига хизматга қабул қилишда асосий талаб номзоднинг амалдаги конституциявий-сиёсий тузумни қўллаб-қувватлаши ҳисобланади.

Германияда полиция хизматига танлов асосида қабул қилиш тартиби узоқ тарихий анъаналар билан боғлиқ бўлиб, ушбу тартиб XVIII асрнинг 80-йилларидан бошлаб кенг қўлланилмоқда. Мазкур давлатда полиция ходимлари давлат хизматчилари бўлиб, уларнинг маъмурий-ҳуқуқий мақоми бошқа давлат хизматчилари мақомидан умуман фарқ қилмайди. Шунинг учун полиция ходимларига нисбатан қўйиладиган талаблар бошқа давлат хизматчиларига қўйиладиган талаблар билан бир хил. Айрим муаллифларнинг қайд этишича, сўнгги йилларда Германияда полиция фаолиятида оммавий хизмат кўрсатиш воситаларига, жумладан фуқароларга нисбатан дўстона муносабатда бўлиш, доим ёрдам беришга тайёр туриш, фуқаролар мурожаатига зудлик билан муносабат билдириш каби жиҳатларга алоҳида эътибор берилмоқда [7].

Ички ишлар органларини танлов асосида шакллантиришда Хитой ҳам ўзига хос ижобий тажрибага эга. Хусусан, К.С.Смирновнинг қайд этишича, Хитойда энг қуйи полиция лавозимларига битта ўринга дунё бўйича энг кўп, яъни 3000 талабгор тўғри келади [8]. Бунинг сабаби, полиция ходимлари учун иш ҳақи ва пенсия таъминотининг юқорилиги ва тақдим этиладиган ижтимоий кафолатлар ҳисобланади. Хитойда ходимнинг лавозимга тайинланиши кутилаётгани ҳақидаги маълумот тайинловдан икки ҳафта олдин оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғида маълум қилинади. Бу борада С.А.Жбанованинг фикрича, тайинлов ҳақидаги хабар Хитой ички ишлар органларининг ички электрон тармоғида ҳам жойлаштирилиши сабабли, бундай амалиёт туфайли полиция идораси ходимнинг лавозимга тайинланишига тўсқинлик қилувчи ҳолатлар ҳақида ўзида мавжуд маълумотларга таяниб, расмий муносабат билдириши мумкин бўлади [9].

Юқоридаги кўрганимиздек, аксарият ҳолларда ички ишлар органлари хизматларини шакллантиришда танлов усули кенг қўлланилади. Талабгорларнинг имкониятлари тенглиги ва холисликни таъминлаш, суиистеъмолликлар юз бериши эҳтимолининг камайтириши боис, ушбу усул энг мақбул ҳисобланади. Бунда танловни ўтказиш жойи, вақти, тартиби, бўш иш ўринлари сони, талабгорларга қўйиладиган асосий талаблар ҳақида идоравий нашрлар ва оммавий ахборот воситаларида (шу жумладан, Интернет тармоғида) олдиндан хабар берилади [10].

Хорижий давлатлар амалиётини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, хорижий давлатлардаги полиция хизматига танлов асосида қабул қилиш лавозимни эгаллашнинг энг демократик ва юридик жиҳатдан адолатли усули ҳисобланади [11]. Шу муносабат билан ҳозирги вақтда ички ишлар органлари ходимларининг ойлик маоши кўтарилаётгани ва ички ишлар органлари хизматининг обрўси ошаётганини инобатга олган ҳолда ушбу соҳада лавозимларни жамлашда рақобат устувор бўлиши керак, деб ҳисоблаймиз. Шу боис рақобат асосида жамланадиган лавозимлар рўйхатини тасдиқлаш лозим.

Бунда кадрлар танлашда рақобатни ривожлантириш учун ички ишлар органларида хизмат қилиш истагида бўлган номзодлар учун турли хизматлар, бўлинмалар ва лавозимлар кесимида ягона малака талабларини, шунингдек қуйи ва ўрта даражадаги раҳбарлик лавозимларига қабул қилаётган ёки ушбу лавозимларга ўтказилаётган фуқароларга қўйиладиган касбий таълим талабларини ишлаб чиқиш ва идоравий норматив ҳужжатларда мустаҳкамлаш зарур.

Умуман, ички ишлар органлардаги лавозимларни эгаллаш учун номзодларга қўйиладиган малакавий талаблар ҳуқуқий институти воситасида ички ишлар органларини юқори малакали ва зарур ахлоқий-ишчанлик сифатларига эга кадрлар билан тўлдириш мумкин. Бу, ўз навбатида, ички ишлар органларининг ҳуқуқни

муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятини юқори профессионал даражада юритиш имконини беради.

Ички ишлар органларидаги лавозимларга малакавий талаблар ички ишлар хизматидаги ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келиши учун қўшимча талаблар ҳисобланади. Ушбу талабларни қуйидаги икки гуруҳга ажратиш мумкин: 1) инсоннинг жисмоний ҳолати билан боғлиқ талаблар (маълумоти даражаси, иш стажи, махсус тайёргарликка ва кўникмаларга эгалиги, соғлиғи ҳолати, жисмоний босимга бардошлиги ва ҳ.к.); номзоднинг руҳий жиҳатларига боғлиқ талаблар (юқори руҳий босимга чидамлилиги, босиқлиги, ҳалоллиги ва ҳ.к.).

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ички ишлар органларига хизматга қабул қилиш асосида ходимларни танлов асосида қабул қилиш принципи ётиши лозим, деган хулосага келиш мумкин. Фикримизча, танлов ўтказилиши қуйидаги бир неча босқичлардан иборат бўлиши лозим: қонунда ва танлов ҳақидаги эълонда назарда тутилган ҳужжатларни тақдим этиш, номзод шахсини тавсифловчи маълумотларни, ўрганишнинг махсус усулларидан фойдаланган ҳолда тўплаш (масалан, психофизиологик тадқиқот ўтказиш, ёлғон детектори воситасида синовдан ўтказиш ва ҳ.к.), назарий ва амалий топшириқлардан иборат бўлган синовлардан ўтказиш. Назарий тадқиқотлар тест ва суҳбат шаклида ўтказилиши мумкин. Амалий синовлар эса ички ишлар органлари зиммасига юклатилган вазифаларни самарали амалга ошириш учун зарур бўлган номзоднинг махсус жисмоний тайёргарлигини текширишдан иборат.

Ички ишлар органларига хизматга қабул қилишда танловни кенг қўллашнинг мақсадга мувофиқлигини Ю.А.Зенцова ҳам эътироф этади. Шу билан бирга, муаллифнинг ходимларнинг тенг ва юқори лавозимларни эгаллашлари учун ҳам ички танловлар ўтказиш зарурлиги тўғрисидаги таклифи ўринли бўлиб, малакали ва ташаббускор ходимларни рағбатлантиришга хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз [12].

Шу билан бирга, ички ишлар органлари эркин ёлланган ишчи ва хизматчиларининг ҳуқуқий мақоми, иш тартиби ва бошқа ҳолатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, кадрларни ротация қилиш бўйича самарали тизим йўлга қўйилмаган. Ўз навбатида, раҳбарларни ротация қилиш бўйича аниқ механизмнинг йўқлиги ёш раҳбарлар захирасини яратишга салбий таъсир кўрсатиб, ходимларнинг бир жойда қотиб қолиши ва пировардида, коррупциявий ҳолатларга олиб келмоқда. Айниқса, сўнгги вақтларда очиқлик ва эркинлик сиёсати шароитида ходимларнинг номақбул ҳаракатлари, мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиши каби ҳолатларнинг Интернет жаҳон ахборот тармоғида кенг тарқалганлиги ҳам буни тасдиқламоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонунининг ички ишлар органларидаги хизмат ўташни тартибга солишга оид моддаларида ҳам мазкур масала умуман тартибга солинмаган.

Мазкур масала қисман Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги ПҚ–3413-сон қарори билан тасдиқланган Ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомда тартибга солинган. Хусусан, унинг 4-бобида ички ишлар органларида раҳбар лавозимларни эгаллаган ходимлар фаолиятининг самарадорлигини ошириш, коррупция ва ваколатлар суиистеъмол қилинишининг олдини олиш, шахсий таркиб орасида соғлом муҳитни таъминлаш мақсадида ходимлар амалий иш тажрибасини ва касбий тайёргарлик даражасини

инобатга олган ҳолда тенг лавозимга, жумладан бошқа туман (шаҳар, вилоят) ёки таркибий тузилмага, қоида тариқасида, эгаллаб турган лавозимида уч йил ишлаганидан сўнг, ротация тартибида ўтказилиши мумкинлиги белгиланган.

Юқоридаги ҳужжатларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, унда мансабдор шахсларнинг шахсий хоҳиш-истакларига асосланиб қарорлар қабул қилиш учун имкониятлар мавжуд. Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларида ротация тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қуйидаги йўналишларда такомиллаштириш зарур: биринчидан, нафақат ички ишлар органларида раҳбар лавозимларни эгаллаган ходимларни, балки бошқа коррупцияга мойиллик кучли бўлган лавозимларда хизмат қилаётган ходимларни ҳам ротация қилиш тизимини жорий этиш лозим (АҚШ, Буюк Британия тажрибасида ҳам шундай амалиёт қўлланилади). Бунда мазкур ходимларни ротация қилиш муддатини беш йил қилиб белгилаш мақсадга мувофиқ. Иккинчидан, маълум муддат лавозимда бўлганидан кейин ротация таклиф қилинганда, уни рад этиш асослари ва ҳуқуқий оқибатларини белгилаб қўйиш керак. Яъни ички ишлар органи ходимининг ротация тартибида бошқа лавозимга ўтишдан бош тортишининг узрли сабабларининг тўлиқ рўйхати ва бундан бошқа асослар бўйича рад этишнинг ҳуқуқий оқибатларини кўрсатиш зарур.

Фикримизча, юқоридаги механизмларни белгилаш мақсадида ички ишлар органларига оид асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланган «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонунни «Ички ишлар органларида хизматни ўташда ротация»деб номланган янги $30^1$-модда билан тўлдириш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, ушбу фаолиятни ташкилий таъминлаш мақсадида Ички ишлар вазирлигида ротация ҳамда раҳбар кадрлар захирасини шакллантириш учун масъул махсус бўлинма ташкил этиш, унинг зиммасига ходимларнинг хизмат фаолиятини мунтазам мониторинг қилиб бориш асосида раҳбар кадрлар захирасини шакллантириш ҳамда ходимларнинг ротациясини тизимли ташкил этиш вазифасини юклатиш мақсадга мувофиқ.

Учинчидан, ички ишлар органларига хизматга қабул қилишда психофизиологик текширувлар билан боғлиқ айрим бўшлиқлар мавжуд.

Ички ишлар органлари тўғрисидаги қонунчиликда полиграфда экспертиза ўтказишнинг мажбурий тартиби белгиланмаган. Натижада, зарур техник база мавжуд бўлгани ҳолда, ички ишлар органларига хизматга қабул қилишда бундай имтиҳон ўтказилмайди.

Ваҳоланки, хорижий давлатларда, масалан, АҚШ, Россия Федерациясида психофизиологик тадқиқотлар (кўриклар) гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни шифокорнинг рецептисиз истеъмол қилиш ва спиртли ичимликлар ёки заҳарли моддаларни суиистеъмол қилишни аниқлаш мақсадида ўтказилиши мажбурий ҳисобланади. Шу муносабат билан, амалдаги қонунчиликда ички ишлар органларига хизматга қабул қилишда полиграфда текширув ўтказишнинг асослари ва тартиби, текширилаётган шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, текширувни ўтказадиган шахсга қўйиладиган талаблар, текширув давомида аниқланиши керак бўлган тахминий масалалар, сўралиши лозим бўлган ва тақиқланган мавзуларнинг тахминий рўйхатлари ҳамда шу каби бошқа ҳолатларни тартибга солувчи алоҳида ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш лозим.

Шу билан бирга, ходимлардаги психологик ўзгаришларни тизимли равишда ўрганиш, соҳада психологларнинг ўрни ва ролини ошириш мақсадида ҳар бир ходим

бир йилда бир маротаба психологик кўрикдан ўтиши, ходим шахсий йиғма жилдида унинг касбий-психологик хусусиятларини акс эттирувчи «психологик портрети» бўлишини назарда тутувчи тизимни жорий этиш, ходимлар билан тарбиявий ишларни олиб боришда психологлар ва уларнинг хулосаларидан фойдаланиш тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Тўртинчидан, ички ишлар органларида коррупцияга қарши курашиш билан боғлиқ қўшимча механизмларни жорий этиш зарурати мавжуд.

Хусусан, бир қатор хорижий давлатлар, масалан, АҚШ, Буюк Британия ва бошқа мамлакатларнинг ички ишлар органларида хизматни ўташга оид қонунларида полиция ходимларининг ўз ҳамкасбларининг ноқонуний фаолияти тўғрисида билган тақдирда ушбу маълумотни етказиш мажбурияти белгиланган бўлиб, бу полиция тизимида коррупция тарқалишини олдини олувчи муҳим шартлардан бири ҳисобланади [13]. Шу муносабат билан, «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонуннинг ички ишлар органларининг мажбуриятларига оид 16-моддасига «ички ишлар органи ходими ўз ҳамкасбининг коррупцион ҳуқуқбузарликлари ҳақида уларга маълум бўлган фактлар тўғрисида ўзининг бевосита раҳбарига ва (ёки) ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига хабар бериш»мажбуриятини мустаҳкамлашни назарда тутувчи тегишли қўшимча киритиш таклиф қилинади.

Бешинчидан, ички ишлар органлари ходимларининг билим ва савиясини, шу жумладан ҳуқуқий дунёқарашини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирларни белгилаш зарур.

Шу мақсадда, авваламбор, мураббийлик институти самарадорлигини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирлар белгилаш зарур. Хорижий мамлакатларда, масалан, Буюк Британияда кадрлар билан ишлашда мураббийлик институти кенг жорий этилган. Бутун стажировка даврида полиция хизматига номзодга расман мураббий бириктирилади ва у ёш ходимнинг иши учун шахсий жавобгарликни зиммасига олади. Мураббий махсус машғулотлар ўтказади, маърузалар ўқийди, хизмат вазифаларини профессионал ва тўғри бажаришга ёрдам беради. Мураббий томонидан номзодга бериладиган тавсиянома полиция хизматига кириш учун асосий тавсиявий ҳужжатлардан бири ҳисобланади [14]. Шу асосда Ўзбекистон Республикасида ҳам мураббийлик институти фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган алоҳида идоравий ҳужжат қабул қилиш, унда энг яхши мураббийларни мавжуд рағбатлантириш чораларидан ташқари ҳар йил якуни бўйича алоҳида мукофотлаш тизимини («Энг яхши мураббий» кўкрак нишонини таъсис этиш орқали ва ҳ.к.) жорий этиш лозим.

Шунингдек, шаҳар ва туман ички ишлар органларида олий маълумотли юристлардан жамланадиган қонунчилик тарғиботи инспектори лавозимини жорий этиш таклиф этилади. Ҳар 6 ой якунида вилоят ва туман миқёсида ички ишлар органларига оид қонун ҳужжатларини ўзлаштирганлик бўйича танлов (тест ёки савол-жавоб) ўтказиб, энг юқори натижаларни қўлга киритганларни рағбатлантириш, энг паст кўрсаткичларни қўлга киритганларга таъсир чоралари қўллаш тизимини жорий этиш ҳам самара беради.

Олтинчидан, ички ишлар органлари ходимларини рағбатлантиришнинг замонавий тизимини жорий этиш лозим.

Хусусан, хизмат фаолиятида инновацион янгиликларни жорий этган, хизмат фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган янгилик ишлаб чиққан ходимларни

рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш зарур. Бу борада хорижий тажриба, масалан, Буюк Британия полиция тизимида офицерлар томонидан ўз хизмат фаолияти давомида янгилик яратгани, хизмат фаолиятида ундан фойдаланишни йўлга қўйгани учун қўшимча устама ҳақ (1 минг евро атрофида) тўлаш тартиби мавжуд. Бу ходимларнинг янгиликка интилишини, ички ишлар органлари тизими фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Буюк Британия ва Канада давлатларида ҳар йил бошида ўрта бўғин раҳбар ходимлари билан юқори турувчи бошлиқлар ўртасида навбатдаги йил учун келишув тузиш амалиёти мавжуд. Келишув мазмуни сифат кўрсаткичларидан иборат бўлиб, унда ушбу соҳани ривожлантириш бўйича навбатдаги йил учун аниқ кўрсаткичлар (жиноятчилик, йўл-транспорт ҳодисаси сонини камайтириш ва ҳ.к.) белгиланади. Йил якуни бўйича келишувда белгиланган аниқ кўрсаткичлар бажарилган бўлса, ойлик маошига устама ҳақ тўланади [6]. Мазкур тартибнинг ўрта ва қуйи бўғин раҳбар ходимлар учун жорий этилиши рағбатлантирувчи восита бўлиб,уларнинг хизмат вазифаларини бажаришдаги масъулиятини оширишга хизмат қилади.

Еттинчидан, ички ишлар органлари ходимларининг одоб-ахлоқ талабларига риоя этиши билан боғлиқ ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш зарурати туғилмоқда.

Ички ишлар органлари ходимларининг ҳуқуқ-тартиботни сақлаш бўйича қўйилган вазифаларни самарали амалга ошириши, хизмат вазифаларини бажаришга виждонан ва ҳалол муносабатда бўлишига туртки бўлувчи ахлоқ манбаларидан бири – касб этикаси кодекси ҳисобланади. Бундай кодекс кенг доирадаги шахслар учун нашр этилган, ахлоқий-ҳуқуқий нормалардан иборат бўлган, хулқ-атвор стандартлари, қадриятлар тизими, касбий-ахлоқий мезонлар, маълум касб эгалари учун рағбатлантиришлар ва санкциялар белгиловчи ҳужжат ҳисобланади.

Масалан, Люксембургда 2000 йилнинг бошида 15-моддадан иборат Полиция қадриятлар хартияси ишлаб чиқилган ва миллий полиция директорининг топшириғига асосан ҳар бир аттестациядан ўтувчи ходим ва стажёр учун брошюра шаклида чоп этилган [15]. Хартияга кўра ҳар бир полиция ходимига унинг бутун касбий фаолияти давомида давлат ҳисобидан ўқиш ва малакасини ошириш (4-модда), касбий сирни сақлаган ҳолда ўз фикрини эркин билдириш кафолатланади (7-модда). Мазкур ҳужжат ёш ходимларни янги билимларни эгаллашга, амалий кўникмаларни шакллантиришга, фавқулодда вазиятларда ижодий ташаббускорликка ва мустақил қарор қабул қилишга ундайди.

Хартияга асосан сотилмаслик, объективлик, холислик, хизмат вазифаларига содиқлик, хизмат манфаатларини шахсий манфаатларидан устун қўйиш, ижодий ташаббускорлик, ёрдамга муҳтожларга ёрдам бериш ва жамоат тартибини сақлашга доим тайёр туриш, ҳар бир полиция ходими учун асосий қадриятлар ҳисобланади (10-модда).

Бельгия қироллигининг 2006 йил 30 майдаги Полиция хизматлари ахлоқ кодекси эса анча мураккаб тузилишга эга бўлиб, 4 та боб ва 81-моддадан иборат. Унинг матни кенг кўламдаги касбий-этика ва юридик нормалар комплексидан ташкил топган [16].

Кодексда ходимларнинг ўзаро кўмаклашуви рағбатлантирилиши, маълумот алмашиш ва ҳамкорликдаги ҳаракатларни мувофиқлаштириш орқали полициянинг турли бўлинмалари ўртасида самарали ҳамкорлик қилиш ҳақидаги қоидалар белгиланган. Полиция ходимларига уларга мамлакат ичидаги бошқа полиция участкалари ва бошқармалари ҳамда хорижий ҳамкасбларидан келадиган

топшириқларни бажаришга кўмаклашиш, ушбу топшириқларни бажаришга ўз вазифаларини бажаргандек ёндашиш тавсия этилган (12-модда).

Шунингдек, кодексда полиция ходимининг ташқи кўриниши билан боғлиқ этик (ахлоқ) қоидалар белгиланган бўлиб, унга кўра у ўз хизмат вазифаларини бажариш пайтида иғво юзага келтирувчи кийимда бўлмаслиги лозим (39-модда).

Кодекснинг 3-боби полиция ходимлари ишининг асосий кўрсаткичи сифатида уларнинг фаолиятини баҳолашга бағишланган бўлиб, Кодексни ишлаб чиққанларнинг фикрича, ходимлар фаолиятини баҳолаш меҳнат унумдорлиги ошишига хизмат қилади, полиция бўлинмаларини бошқариш тизимини такомиллаштириш учун фойдали маълумотлар олиш имконини беради. Бундай баҳо раҳбар билан унинг ходимлари ўртасидаги диалог орқали, жамоа ҳар бир аъзосининг фикрини инобатга олган ҳолда, кодексда белгиланган фундаментал қадриятлар асосида амалга оширилади (66-модда) [17].

Мамлакатимизда ички ишлар вазирининг «Ички ишлар органлари ходимларининг муомала маданиятини ошириш чоралари тўғрисида» 2017 йил 14 июлдаги 147-сон ҳамда «Ички ишлар органлари ташқи соҳавий хизматлари фаолиятида ахлоқ ва мулоқот маданияти кодексини тасдиқлаш ҳақида»ги 2018 йил 30 сентябрь 269-сон буйруқлари билан ходимларнинг одоб-ахлоқига оид муносабатлар тартибга солинган. Бироқ ушбу ҳужжатларни бугунги кун талаблари ҳамда хорижий тажрибадан келиб чиқиб қайта кўриб чиқиш ва унда фуқароларга ёрдам кўрсатиш, ходимларнинг ўзаро муносабати ҳамда уларнинг фаолиятини баҳолаш билан боғлиқ қоидаларни акс эттириш лозим.

Саккизинчидан, ички ишлар органлари ходимлари ўртасида коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш тизими такомиллаштиришга муҳтож.

Ички ишлар органлари ходимлари ўртасида коррупциянинг олдини олиш мураккаб ва узоқ давом этадиган жараён бўлиб, умумижтимоий ва махсус криминологик комплекс чораларни ўз ичига олади [18]. Бунда умумижтимоий чоралар сифатида ички ишлар органлари ходимларининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада С.В.Ненароков таъкидлаганидек, ички ишлар органлари ходимларининг ижтимоий ҳимояси ва пул таъминоти ходимлар ҳуқуқий мақомининг муҳим кафолати ҳисобланади [19]. Шу маънода ходимларнинг иш ҳақини сезиларли даражада ошириш, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини кафолатланган ижтимоий нафақалар, уй-жой билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш зарур. Коррупциянинг олдини олиш бўйича махсус криминологик чоралар сифатида ходимларнинг хизматдаги ва хизматдан ташқари фаолиятини мониторинг қилиш, фуқароларнинг ички ишлар органлари ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари бўйича ишонч телефонларидан келиб тушувчи шикоят ва мурожаатлари билан ишлаш устидан назорат ўрнатиш, хизматга олинадиган номзодларни юқори профессионал даражада текширишга эътибор қаратиш зарур.

Таъкидлаш жоизки, адабиётларда ички ишлар органларида кадрлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш бўйича бир қанча таклиф ва тавсиялар билдирилган. Хусусан, С.П.Егорычев ички ишлар органлари фаолиятини оптималлаштириш мақсадида таълим тизимини, ходимнинг жамиятдаги мавқеи, касбий ва ҳаётий тажрибаси, касбий қониққанлик даражаси, ўқув-касбий фаолиятга, ички ишлар органлари ходимининг технологияларни ўзлаштиришга мақсадли мотивацияни шакллантиришни таклиф қилади [20]. Фикримизча, ушбу масалаларни ҳал қилиш

мақсадида соҳавий хизматлар кесимида ходимларнинг касбий салоҳиятини ривожлантириш бўйича махсус дастурлар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Бу борада бошқа тадқиқотчилар томонидан ҳам ички ишлар органлари ходимларини шакллантиришнинг замонавий усуллари ва механизмларини жорий этиш бўйича кенг қамровли, кўп босқичли, мақсадли дастур ишлаб чиқиш ва изчил амалга оширишнинг аҳамияти таъкидланган [21].

Е.А.Сумина эса кадрлар таркибини шакллантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий таъминотини такомиллаштириш мақсадида ички ишлар органлари учун замонавий кадрлар сиёсати концепциясини ишлаб чиқиш, унда фуқароларни ички ишлар органларига хизматга танлаш тартиби бўйича кўрсатмаларни белгилаш зарур [4], деб таъкидлайди. Муаллифнинг бу борадаги ишларни ягона концепция асосида амалга ошириш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлаймиз. Фикримизча, бунда кадрларга бўлган эҳтиёжни прогнозлаш ва режалаштириш, уларни мақсадли касбий йўналтириш, ходимларнинг мослашуви, мураббийлик институти кабиларни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, ички ишлар органларида кадрлар билан ишлаш тизимини ислоҳ қилиш ички ишлар органларида бошқарув фаолияти самарадорлигини оширишни, ички ишлар органлари зиммасига юклатилган вазифа ва функцияларни ўз вақтида, тўлақонли ва сифатли бажарилишини таъминлайди.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР


1. *Постникова А.А.* Современная парадигма управления и вопросы совершенствования организации деятельности органов внутренних дел // Борьба с преступностью: теория и практика: тезисы докладов IV Международной научно-практической конференции (Могилев, 25 марта 2016 года) : в 2-х ч. / Мин-во внутр. дел Респ. Беларусь, учреждение образования «Могилевский институт Министерства внутренних дел Республики Беларусь» ; редкол.: Ю. П. Шкаплеров (отв. ред.) [и др.]. – Могилев, 2016. – Ч. 2. – С. 85.

2. *Камолова К.* Юксак маънавиятни шакллантириш технологияларининг умумий тавсифи // Жамият ва бошқарув. – 2017. – №2. – Б.195.

3. *Саъдиева Г.* Давлат хизматчиси фаолиятида масъулият ҳамда маънавиятнинг аҳамияти // Жамият ва бошқарув. – 2018. – №2. – Б.26.

4. *Сумина Е.А.* Организационное и правовое обеспечение формирования кадров органов внутренних дел Российской Федерации: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2009. – С.14-15.

5. *Степанова И.Ю.* К вопросу о подборе кадров для службы в органах внутренних дел Российской Федерации // Пробелы в российском законодательстве. – 2016. – №4. – С.246.

6. *Бобырев В.В.* Организационно-правовые основы кадрового обеспечения деятельности полиции государств Западной Европы: Дис. … канд. юрид. наук. – М., 2002. – С.86.

7. Государственная служба в странах основных правовых систем мира: Нормативные акты / Под ред. А.А.Демина. – М.: Книгодел, 2008.

8. *Смирнов К.С.* Зарубежный опыт организации и функционирования полиции: теоретико-правовой анализ // Ученые труды Российской академии адвокатуры и нотариата. – 2011. – №3 (22). – С.121.

9. *Жбанова С.А.* Опыт зарубежных стран по подготовке кадров подразделений полиции // Научный вестник Орловского юридического института МВД России имени В.В,Лукьянова. – 2017. – №1(70). – С.35.

10. *Шевченко И.А., Беженцев А.А.* Зарубежный опыт обеспечения служебной деятельности сотрудников полиции и возможности его использования в органах внутренних дел России // Вестник Московского университета МВД России. – 2018. – №6. – С.253–260.

11. *Кофтина Ю.Н.* Организация замещения должностей государственной правоохранительной службы за рубежом // Закон и право. – 2019. – №4. – С.138–139.

12. *Зенцова Ю.А.* О Концепции комплектования кадров полиции Российской Федерации // Вестник Омского университета. Серия «Право». – Омск, 2011. – №2 (27). – С.179–182.

13. *Густова Л.В.* Организационные и правовые основы функционирования полиции России, Великобритании и США: сравнительно-правовое исследование: Автореф. дис. … канд. юрид. наук. – М., 2016.

14. *Занина Т.М., Морозова И.С.* Особенности приема (зачисления) на государственную службу в полицию Великобритании // Вестник Московского университета МВД России. – Москва, 2018. – №6. – С.253–260.

15. Хартия ценностей Великогерцогской полиции. URL: http:// www.police.public.lu/fr/police-se-presente/valeurs/ Charte-des-valeurs-de-la-Police-Grand.pdf

16. Кодекс этики полицейских служб. URL: http:// www.herentals.be/deontologische-code.

17. *Кислухин В.А.* Кодексы профессиональной этики и их значение для государств Союза Бенилюкс и России // Вестник Нижегородской академии МВД России. – Москва, 2015. – №1 (29). – С.104–108.

18. *Сторчилова Н.В.* Коррупция в органах внутренних дел и ее предупреждение: Автореф. дис. .... канд. юрид. наук. – М., 2010. – С. 8–9.

19. *Ненароков С.В.* Развитие правового статуса сотрудника полиции: история и современность // Вестник Казанского юридического института МВД России. – 2017. – № 2(28). – С.42–43.

20. *Егорычев С.П.* Развитие профессионализма сотрудников МВФД РФ с учетом их мотивации: Автореф. дис. ... канд. психол. наук. – М., 2011. – С.7.

21. *Мыльников В.В., Сумина Е.А.* О некоторых аспектах совершенствования работы с кадрами // Сборник научных статей. – М., 2009. – №3(11). – С.25.

*А.О. Шарафутдинов**

# ЖИНОЯТ ИШИНИ ЮРИТИШДА ВИДЕОЁЗУВ ВОСИТАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ТАРТИБИ

**Аннотация.** Мақолада тергов ва процессуал ҳаракатларни амалга ошириш ҳамда уларнинг натижаларини расмийлаштириш жараёнида видеоёзув орқали қайд этиш воситаларини қўллашнинг процессуал жиҳатларига оид қонунчилик нормалари ҳамда илмий қарашлар таҳлил қилинади. Шунингдек, жиноят ишини юритишда видеоёзув воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга доир методик тавсия ва қоидалар асослаб берилади.

**Таянч сўзлар:** жиноят ишини юритиш, видеоёзув, процессуал ҳаракат, далиллар, баённома, видеокамера, электрон маълумотлар ташувчи мослама.

## ПОРЯДОК ПРИМЕНЕНИЯ СРЕДСТВ ВИДЕОЗАПИСИ В ПРОИЗВОДСТВЕ УГОЛОВНЫХ ДЕЛ

**Аннотация.** В статье анализируются правовые нормы и научные взгляды на процессуальные аспекты использования видеозаписи в процессе производства следственных и процессуальных действий, фиксации их результатов, а также обосновываются методические рекомендации и правила использования видеозаписи в уголовном процессе.

**Ключевые слова:** уголовное производство, видеозапись, процессуальное действие, доказательства, протокол, видеокамера, электронный носитель информации.

## PROCEDURE FOR USE OF VIDEO RECORDING TOOLS IN PRODUCTION OF CRIMINAL CASES

**Annotation.** The article analyzes the legal norms and scientific views on the procedural aspects of the use of video recording in the process of conducting investigative and procedural actions, as well as the registration of their results, and provides methodological recommendations and rules for improving the effectiveness of video recording in the criminal proceedings.

**Key words:** Criminal proceedings, video, procedural action, evidence, protocol, video camera, electronic data tool.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг ижроси борасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга, энг аввало, жиноий

* ***Шарафутдинов Алишер Озатович,*** *Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси дастлабки тергов ва криминалистика кафедраси катта ўқитувчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист.*

тажовузлардан ҳимоя қилишнинг ишончли кафолатларини яратиш, шунингдек шахснинг шаъни ва қадр-қиммати камситилиши, қонуний манфаатлари чекланишига йўл қўймасликка қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Шак-шубҳасиз, мазкур ислоҳотларнинг туб замирида қонун устуворлиги, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, инсонпарварлик, адолатлилик ва айбсизлик презумпцияси каби конституциявий принциплар ётади.

Дарҳақиқат, юртбошимиз Ш.Мирзиёвнинг таъбири билан айтганда, «Адолат бу – давлатчиликнинг мустаҳкам пойдеворидир. Адолат ва қонун устуворлигини таъминлашда эса суд ҳокимияти ҳал қилувчи ўринни эгаллайди» [1]. Шундай экан, жиноят ишларини юритишда қонунийлик ва адолатлиликни таъминлаш, жумладан тезкор-қидирув, тергов соҳасида қийноқларнинг олдини олиш, жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли муҳофаза қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш зарурати бу борадаги энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолади.

Зеро, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг таҳлили ҳанузга қадар қонунчиликда жиноят ишларини тергов қилиш ва кўриб чиқиш жараёнида далилларни тўплаш, мустаҳкамлаш, текшириш ва баҳолашда қонунийлик ва холисликни таъминлашга тўсқинлик қилувчи ҳуқуқий бўшлиқларнинг мавжудлигидан далолат бермоқда. Шу асосда суд-тергов фаолиятида қонун устуворлиги, инсонпарварлик, адолатлилик ва айбсизлик презумпцияси каби конституциявий принципларни сўзсиз ва оғишмай таъминлаш, жиноят процессида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш, жиноят-процессуал нормаларнинг тўлиқ бажарилишига эришиш мақсадида процессуал ҳаракатларда видеоёзув орқали қайд этиш воситаларидан фойдаланиш кўлами тобора кенгайиб бормоқда.

Хусусан, шу вақтга қадар Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 91-моддасига мувофиқ, жиноят иши бўйича тўпланган далилларни қайд этиш учун баённома тузиш билан бир қаторда овоз ёзиш, видеоёзув, кинотасвир, фотосуратга тушириш, қолиплар тайёрлаш, нусхалар олиш, режалар, схемалар тайёрлаш ва ахборотни акс эттиришнинг бошқа усулларини қўллаш мумкин эди. Бироқ жамият ҳаётида илмий-техник воситаларнинг аҳамияти ортиб бораётгани ҳамда жиноят процессида иштирок этувчи фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш кафолатларини кучайтириш заруратидан келиб чиқиб, процессуал ҳаракатларни амалга оширишни видеоёзув орқали қайд этиш имкониятларини оширишни назарда тутувчи қонун қабул қилинди. Бунда гап, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига жиноят процессида иштирок этувчи фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишни кучайтиришга қаратилган ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги 2020 йил 14 май ЎРҚ-617-сон қонуни билан видеоёзув орқали қайд этилиши шарт бўлган процессуал ҳаракатлар доираси кенгайтирилгани хусусида бормоқда [2]. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг илмий-техника ютуқлари билан ҳамоҳанг эканлигини кўрсатиб берди.

Шундай қилиб, ЖПКнинг 91-моддасига мувофиқ видеоёзув орқали қайд этилиши шарт бўлган процессуал ҳаракатларга қуйидагилар киритилди:




Қонунчиликда процессуал ҳаракатларни ўтказиш жараёни ҳамда унинг натижаларини видеоёзув воситалари ёрдамида қайд этиш мумкинлиги, айрим ҳолларда эса шартлиги кўрсатилган бўлса-да, улардан фойдаланишнинг процессуал тартиби тўлиқ ёритилмаганлиги, суд-тергов амалиётида қонун талабларини турлича талқин қилинишига сабаб бўлмоқда. Бу, ўз навбатида, жиноят ишини юритишга масъул мансабдор шахсларнинг процессуал фаолиятида видеоёзув воситаларини қўллаш самарадорлигига ҳам салбий таъсир қилмоқда. Таассуфки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексидаги процессуал ҳаракатларни ўтказишда видеоёзув воситаларини қўллаш билан боғлиқ моддаларда ҳам бу тартиб аниқ белгилаб қўйилмаган.

Хусусан ЖПКнинг:

– 52-моддаси 1-қисмида ҳимоячидан воз кечиш жараёни видеоёзув орқали қайд этилиши шартлиги, видеоёзув материалларини баённомага илова қилиш;

– 91-моддаси 2 ва 3-қисмларида видеоёзув воситаларининг техникавий тавсифи тергов ҳаракати баённомасида акс эттирилиши, видеоёзув материалларини баённомага илова қилиш, иловада тергов ҳаракатининг номи, ўтказилган жойи, санаси кўрсатилган изоҳловчи матн бўлиши;

– $91^{4}$-моддаси 4-қисмида видеоконференцалоқа ёзувининг вақти ўтказилган тергов ҳаракатининг аниқ вақтига мос келиши, видеоконференцалоқа жараёнидаги

танаффуслар юзасидан изоҳ берилиши ҳамда уларни видеоёзувда ва баённомада акс эттириш;

– 224-моддасида шахсни ушлаш, шахсий тинтув ва олиб қўйишни амалга ошириш, шунингдек унинг ҳуқуқларини тушунтириш видеоёзув орқали қайд этилиши шартлиги, ушлаб турилган шахсга видеоёзув уни намойиш қилиш орқали таништирилиши, бу ҳақда баённомада акс эттирилиши ҳамда видеоёзув материаллари баённомага илова қилиниши;

– 106-моддаси 7-қисмида сўроқ қилинувчи ёки тарафларнинг илтимосига кўра суд мажлисида баённомага имзо қўйилгунига қадар ёзилган видеоёзувни намойиш қилиш мумкинлиги;

– 426-моддаси 4 ва 5-қисмларида суд мажлиси видеоёзувга олинган тақдирда, суд мажлиси баённомасига суд мажлисида ёзиб олиш техника воситаларидан фойдаланилганлиги тўғрисида белги қўйилиши, видеоёзув сақланаётган электрон ёки бошқа манбалар суд мажлиси баённомасига илова қилинишини кўрсатиш билан чекланган.

Бироқ юқорида келтирилган моддаларнинг ҳеч бирида:

– видеоёзув воситалари қўлланилган ҳолатларда процесс иштирокчиларини бу ҳақда огоҳлантириш;

– амалга оширилаётган ҳаракатларга изоҳ беришнинг кетма-кетлиги ва тартиби;

– процессуал ҳаракат тамомлангач, видеоёзувни иштирокчиларга намойиш қилиш;

– видеоёзувни видеокамера хотира картасидан электрон маълумотлар ташувчи мослама (CD диск, USB флеш-ҳотира ва бошқалар)га кўчириб олиш;

– кўчиришда фойдаланилган илмий-техника воситалари ҳақида маълумотларга қўйиладиган талаблар ва уларни баённомада акс эттириш;

– видеоёзувнинг йўқотилиши, шикастланиши, бузилиши, бошқа маълумотлар билан аралашиб кетишининг олдини олиш чоралари, уларни қайта тиклаш шартлари;

– баённомага илова қилинаётган электрон маълумот ташувчи мосламани ўраш ва муҳрлаш ҳамда бошқа масалаларнинг аниқ процессуал тартиби белгиланмаган.

Модомики, ЖПКнинг 95[1]-моддасида процессуал қонун талабларига зид равишда олинган маълумотлардан, шу жумладан видеоёзувлардан далил сифатида фойдаланиш тақиқланган экан, демак тергов ҳаракатларини видеоёзув орқали қайд этишнинг аниқ тартибини белгилаб бериш зарур ҳисобланади. Чунки суд-тергов амалиётида видеоёзув воситаларидан фойдаланиш эҳтиёжи ортиб бораётган бир даврда, бирор-бир қонун ҳужжати ёки юридик адабиётларимизда бу масала хусусида батафсил сўз юритилмаган.

Бироқ айрим хорижий манбаларда процессуал ҳаракатларни видеоёзув орқали қайд этишга оид методик тавсиялар қайд этилганлигини кўриш мумкин. И.И.Скаковский, А.А.Антоновларнинг фикрича, терговчида ҳар доим ҳам махсус жиҳозланган хона бўлмаганлиги сабабли видеоёзувда қайд қилиш сифатини ошириш учун тайёргарлик босқичида процессуал ҳаракатлар ўтказиладиган хонада қуйидаги минимал шароитлар таъминланиши лозим:

– бегона овозларнинг эшитилишига чек қўйиш;

– бошқа шахслар халақит беришининг олдини олиш;

– ёруғлик манбаи ҳамда техник воситаларни қўллашда кўмаклашадиган шахсларнинг тўғри жойлашувини таъминлаш;

– техник воситаларнинг фойдаланишга яроқлилиги ва тайёрлиги, шунингдек уларда батарея қувватининг етарли эканлиги ҳамда маълумот ташувчи воситаларда керакли ҳажмдаги бўш жойнинг мавжудлиги [3].

Д.В.Муленков, О.Н.Лазаренколар процессуал ҳаракатларни амалга оширишда видеоёзув орқали қайд этиш самарадорлигини оширишга ёрдам берадиган қуйидаги талабларни санаб ўтган:

1) қўшимча техник воситалардан (штативлар, ташқи микрофонлар, қўшимча ёритиш ва бошқалар) фойдаланиш;

2) видеоёзувга олиш жараёнини доимий назорат қилиб бориш (видеоёзувда кутилмаган узилишлар юз берганда унинг сабаблари, шунингдек видеоёзувнинг бошланиши, тугаши ва қайта тикланиши ҳақида аниқ маълумот бериб бориш) лозим;

3) кадрда намойиш қилинаётган видеоёзув ва у билан боғлиқ ҳолатлар ҳақида аниқ ва тўлиқ изоҳ бериш;

4) видеоёзув натижаларини белгилайдиган тергов ҳаракатлари баённомасида техник ва процессуал аҳамиятга эга бўлган қуйидаги маълумотларнинг қайд этилишига эътибор қаратиш:

– видеокameranинг маркаси, рақами ва модели (масалан, Panasonic MX300, Sony TRV900);

– камера линзаси (объективи)нинг номи ва техник имкониятлари (LEICA DICOMAR; автоматик ирис диаграммаси, F1.8 дан F2.8 гача, фокус ўлчами: 3,0 мм. дан 30,0 мм.гача ва бошқ.);

– ёзиб олиш режими ва тасвирни ихчамлаштириш даражаси (масалан, SP ёки LP);

– тасвир ёзилган маълумотларни ташувчи воситанинг тури, маркаси ва сиғими (HD, flesh-карт, DVD, 8, 16, 32 GB ҳажмдаги ми-DV ва бошқ.);

– ташқи микрофон ва бошқа техник воситаларнинг тури ва маркаси (агар ишлатилган бўлса);

– қўшимча техник воситалардан фойдаланилганлиги (штативлар, ёруғлик фильтрлари ва бошқ.);

– рақамли ёзувни амалга ошириш шароити (об-ҳаво шароити, ёритиш манбаи ва хусусияти);

– тасвирни ёзиб олган шахс;

– видеоёзув олинган нуқта ҳақидаги маълумотлар (терговчи ёки суриштирувчи тузган чизма ёки режалар);

– видеоёзув намойиш қилинган қурилманинг тури, маркаси;

– ёзиб олинган видеоёзув бошқа маълумот ташувчи техник воситага қай усулда кўчириб ўтказилганлиги [4]. Масалан: шахсий компьютер ёки кўп функцияли ёзиш мосламаси ёрдамида, бир мартали DVD-R дискка [5].

Умуман, юқорида келтирилган методик тавсиялардан кўриниб турибдики, уларда асосан процессуал ҳаракатларни ўтказишда видеоёзув воситаларидан фойдаланишнинг техник талабларига урғу берилган. Бироқ фикримизча, фактик маълумотлар қонунга хилоф усуллар орқали ёки жиноят процесси иштирокчиларини қонун билан кафолатланган ҳуқуқларидан маҳрум қилиш ёки бу ҳуқуқларни чеклаш йўли билан ёхуд Жиноят-процессуал кодекси талаблари бузилган ҳолда олинган тақдирда мақбул далил ҳисобланмаслигига оид қонунчилик талабини инобатга олган ҳолда, видеоёзув воситаларидан фойдаланишнинг процессуал талабларига ҳам эътибор қаратиш лозим.

Шу билан бирга, видеоёзув воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда жиноят ишини юритишга масъул мансабдор шахснинг психологик

тайёргарлиги ҳам муҳим ўрин тутади. Боиси видеоёзув воситаларидан фойдаланиш жараёнида процессуал ҳаракатнинг бориши ва натижалари юзасидан уни ўтказаётган мансабдор шахс изоҳ бериб бориши керак бўлади. Лекин видеокамера объективига қараб, у ёки бу ҳаракат юзасидан фикр билдириш, одатий шароитда процессуал ҳаракатни тасвирлашга нисбатан анча мураккаб жараёндир. Шунинг учун процессуал ҳаракатни ўтказаётган шахс ушбу жараёнга руҳий ва жисмоний жиҳатдан пухта тайёргарлик кўриши, ҳаракатни ўтказиш кетма-кетлигини аввалдан режалаштириб олиши зарур. Акс ҳолда, изоҳ бериш жараёнида бевосита тергов ҳаракатини, айниқса, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришни ўтказилишида уни амалга ошираётган мансабдор шахснинг чалғиб кетиши ва натижада тергов ҳаракати ҳар томонлама ва тўлиқ ўтказилмай қолиши мумкин.

Психологик тайёргарлик видеоёзув воситаларидан фойдаланишга тайёргарлик кўриш жараёни учун муҳим масалалардан ҳисобланса, шу билан бирга, бевосита процессуал ҳаракатларни амалга оширишда видеоёзув воситаларидан фойдаланиш жараёни аниқ қоидаларга таянишни тақозо этади. Мазкур масалада илмий изланишлар олиб борган Россиялик тадқиқотчи А.Х.Рузмай, видеоёзув воситаларидан фойдаланиш жараёнини уч босқичга, яъни: кириш, асосий ва якуний қисмларга бўлади. Уларнинг кириш ва якуний босқичида видеоёзувни амалга ошириш билан боғлиқ тасаввур берадиган ва тасдиқловчи маълумотлар киритилса, асосий қисмида процессуал ҳаракатнинг бориши ва натижаларини акс эттириш лозимлигини таъкидлайди [6]. Видеоёзув воситаларидан фойдаланиш жараёнини босқичларга тақсимлаш борасидаги ушбу фикр ва мулоҳазаларга қўшилиш мумкин. Аммо босқичларга хос бўлган ҳаракатларнинг ойдинлаштириб берилиши, тадқиқотчининг фикрини янада тўлдиришга хизмат қилишини инобатга олиб, ҳар бир босқичда эътиборга олиниши лозим бўлган жиҳатларни алоҳида изоҳлаб бериш мақсадга мувофиқ.

Кириш босқичида: процессуал ҳаракат бошланишида видеокамера воситаси ёқилиши билан процессуал ҳаракатни ўтказаётган шахс:

1) ўзининг лавозими, унвони ҳамда фамилияси;

2) процессуал ҳаракатнинг ўтказилаётган жойи ва санаси;

3) процессуал ҳаракатнинг хусусиятидан келиб чиқиб, унинг қандай об-ҳаво шароитида ва ёруғликда ўтказаётганлиги;

4) ўтказилаётган процессуал ҳаракатнинг номланиши;

5) ЖПКнинг қайси моддаларига кўра процессуал ҳаракатни ўтказаётганлиги;

6) процессуал ҳаракатда иштирок этаётган шахслар ва уларнинг процессуал мақоми тўғрисидаги маълумотлар;

7) иштирокчиларнинг вазифалари ҳамда ЖПКда кўзда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятлари нималардан иборатлиги;

8) процессуал ҳаракат гувоҳ ёки жабрланувчининг кўрсатувлар бериши билан боғлиқ бўлса, улар ёлғон кўрсатувлар берганликлари ёки кўрсатувлар беришдан бош тортганлик учун ЖКнинг 238, 240-моддалари билан жиноий жавобгарликка тортилишлари мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирилганликлари;

9) процессуал ҳаракатни ўтказиш жараёни ва унинг натижаларини қайд этишда видеоёзув аппаратидан фойдаланилаётганлиги;

10) ушбу аппарат ҳамда электрон маълумот қайд этилаётган мослама (видеокамеранинг хотира картаси, CD диск, USB флеш-хотира ва бошқалар)нинг русуми ва техник тавсифи;

11) процессуал ҳаракатнинг аниқ бошланган вақти (соат, дақиқа)ни эълон қилиши лозим.

Асосий босқичда: процессуал ҳаракат жараёни ва унинг натижалари видеоёзув ёрдамида тўлиқ қайд этилади. Процессуал ҳаракат ўтказилаётган жойнинг умумий кўринишидан ташқари, кўрсатув бераётган шахс ёки уларнинг ҳаракатлари, эътибор қаратилган объект, топилган ва олинган ашёвий далил, ҳужжат ҳамда излар, уларнинг ўралиши, муҳрланиши, рақамланиши, ва умуман иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар имкони борича йирик планда процессуал ҳаракат ўтказилаётган жойга боғланган ҳолда тасвирга олинади.

Процессуал ҳаракат давридаги савол-жавоблар ЖПКда белгиланган қоидаларга риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

Видеоёзув техник ёки бошқа сабабларга кўра тўхтатилса, видеоёзувни тўхтатиш ҳамда қайта тиклаш вақтлари аниқ кўрсатилиб, сабаблари ҳақида изоҳ берилади.

Якуний босқичда:

1) иштирокчилардан ўтказилган ҳаракат хусусида қўшимча, илтимос, эътироз ёхуд шикоятлар бор-йўқлиги сўралади ва бор бўлса, улар кўриб чиқилади;

2) видеоёзув тўхтатилиб, у техник воситалар ёрдамида ёки видеокамеранинг ўзи орқали иштирокчиларга намойиш қилинади;

3) намойиш тугаганидан сўнг, видеоёзув қайта тикланиб, видеоёзув қандай техник воситалар ёрдамида намойиш қилинганлиги эълон қилинади ва иштирокчилардан намойиш натижалари ҳақида муносабатларини билдириш сўралади;

4) процессуал ҳаракатнинг ўтказилиши тамомланиб, бу ҳақда эълон қилинади ва процессуал ҳаракатнинг тамомланган вақти (соат, дақиқа) аниқ кўрсатилиб, видеоёзув аппарати ўчирилади;

5) ўтказилган процессуал ҳаракат жараёни ва натижалари юзасидан ЖПКнинг 90–92-моддалари талабларига риоя қилинган ҳолда баённома тузилади ва унда юқорида кўрсатиб ўтилган жараён тўлиқ акс эттирилади;

6) видеоёзув воситаси ёрдамида қайд этилган маълумотлар видеокамеранинг хотира картасидан бошқа электрон маълумотлар ташувчи мослама (CD диск, USB флеш-хотира ва бошқалар)га маълумотлар ўзгартирилмасдан ва сифати бузилмасдан кўчириб ўтказилади ва бу ҳақда баённомада қайд этилади;

7) видеоёзув материаллари кўчириб олинган электрон маълумотлар ташувчи мослама процессуал ҳаракат қатнашчилари иштирокида ўралиб, муҳрланади ва баённомага илова қилинади.

Видеоёзув материалларини процессуал ҳаракат ўтказилаётган жойда бошқа электрон маълумотлар ташувчи мосламага кўчириб ўтказиш имкони бўлмаган ҳолларда, бу маълумотлар техник имкониятлар вужудга келган заҳоти (терговга қадар текширув ёки тергов органига келинганда) электрон маълумот ташувчи мосламага кўчириб ўтказилиши лозим. Бу ҳақда алоҳида баённома тузилиб, маълумотларни кўчириб олишда фойдаланилган техник воситалар, кўчириб олинган файлнинг ҳажми ва формати, бу ишни амалга оширган ҳамда ушбу жараёнда иштирок этган шахслар ҳақида маълумотлар акс эттирилади. Маълумотлар кўчириб олинган мослама ўралиб, муҳрланади ва баённомага илова қилинади.

Бундан ташқари, видеоёзув орқали қайд этиш воситаси, яъни видеокамеранинг техник имкониятлари, хусусан, овоз ёзиш сифатини янада оширувчи алоҳида овоз ёзиш мосламаси ёки микрофонлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бу, ўз навбатида, процессуал ҳаракатларни амалга ошириш жараёнида видеоёзувга берилган изоҳларнинг аниқ ва етарлича диапазонда эшитилишига, пировардида, жиноят процессида далилий аҳамиятга эга бўлган маълумотлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Умуман, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг янги таҳририни қабул қилишда қонун чиқарувчи томонидан ушбу масаланинг ҳуқуқий ечимлари инобатга олиниши мумкин. Бироқ айни вақтда ҳуқуқни қўллаш амалиётида процессуал ҳаракатларни ўтказишда, жиноят-процессуал қонунининг далилларга бўлган умумий талабларидан келиб чиқиб, видеоёзув воситаларини қўллаш тартибини белгилаш заруратини инкор қилиб бўлмайди. Юқорида келтирилган фикр ва мулоҳазалар процессуал ҳаракатларни амалга ошириш жараёни ва унинг натижаларини видеоёзув воситасида қайд этиш тартибига оид ҳам процессуал, ҳам методик-тактик, ҳам техник талабларни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилганлиги боис, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳамда фандаги бу борадаги муаммоларни ҳал қилишда ёрдам беришига ишонамиз.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР


1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 29 декабрь. Тошкент ш. (https://president.uz/uz/lists/view/4057).

2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига жиноят процессида иштирок этувчи фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишни кучайтиришга қаратилган ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида.Ўзбекистон Республикасининг қонуни 14.05.2020 йилдаги ЎРҚ-617-сон, Кучга кириш санаси 15.05.2020. Манба: ҚҲММБ, 2020 й., 03/20/617/0585-сон.

3.*Скаковский И.И., Антонов А.А.*К Вопросы использования и практического значения видеозаписи в процессе доказывания // Международный научно-исследовательский журнал. – 2020. – № 6. (96). – Часть 4. – (https://research-journal.org/law/k-voprosu-ispolzovaniya-i-prakticheskogo-znacheniya-videozapisi-v-processe-dokazyvaniya).

4. *Муленков Д.В., Лазаренко О.Н.* Видеозапись как один из способов фиксации криминалистически значимой информации // Вестник Московского университета России МВД. – 2015. – № 9. (https://cyberleninka.ru/article/n/videozapis-kak-odin-iz-sposobov-fiksatsii-kriminalisticheski-znachimoy-informatsii).

5. *Сильнов М.А.* К вопросу о допустимости использования цифровых технологий в доказывании при расследовании преступлений. URL: www.silnov. newmail.ru/digitl.htm (дата обращения: 19 апреля 2014 г.).

6. *Рузмай А.Х.* Применение видеозаписи при производстве следственных действий // Закон и Право. – 2019. – № 9. (https://cyberleninka.ru/article/n/primenenie-videozapisi-pri-proizvodstve-sledstvennyh-dei-stvii-prakticheskie-rekomendatsii).

*Д.Э.Каримова**

# ПРИОРИТЕТНЫЕ ЗАДАЧИ РАЗВИТИЯ ВЗАИМОДЕЙСТВИЯ ОРГАНОВ ДОСУДЕБНОГО ПРОИЗВОДСТВА С ИНСТИТУТАМИ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА

**Аннотация.** В статье анализируются проблемы, имеющиеся в теории и правоприменительной практике по организации взаимодействия органов досудебного производства с институтами гражданского общества, и приводятся приоритетные задачи по повышению эффективности данного взаимодействия.

**Ключевые слова:** взаимодействие, правоохранительные органы, органы досудебного производства, институты гражданского общества, общественные объединения.

# СУДГА ҚАДАР ИШ ЮРИТИШ ОРГАНЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ БИЛАН ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

**Аннотация.** Мақолада муаллиф томонидан судга қадар иш юритиш органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш юзасидан назария ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида мавжуд муаммолар таҳлил қилиниб, мазкур ҳамкорликнинг самарасини ошириш бўйича устувор вазифалар келтирилган.

**Таянч сўзлар:** ўзаро ҳамкорлик, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, судга қадар иш юритиш органлари, фуқаролик жамияти институтлари, жамоат бирлашмалари.

# PRIORITY OBJECTIVES OF DEVELOPMENT OF INTERACTION BODIES OF PRE-TRIAL PROCEDURE WITH INSTITUTIONS OF CIVIL SOCIETY

**Annotation.** In the article, the author analyzes the problems that exist in theory and law enforcement practice in organizing the interaction of the bodies of pre-trial proceedings with the institutions of civil society, and gives priority tasks to increase the effectiveness of this interaction.

**Key words:** interaction, law enforcement agencies, pre-trial proceedings, civil society institutions, public associations

Президент Шавкат Мирзиёев утверждает: «Тот факт, что в Виртуальную и Народную приемные Президента Республики Узбекистан ежегодно поступает свыше 1 миллиона обращений граждан, свидетельствует о необходимости поднять диалог с народом на новый уровень» [1].

В свете задач, поставленных главой нашего государства в Послании, где указывается на необходимость создания принципиально новой системы работы правоохранительных органов с населением, и на то, что принятие законного решения по каждому заявлению и жалобе станет критерием оценки деятельности

* ***Каримова Дилрабо Эргашевна,*** *докторант факультета послевузовского образования Академии МВД Республики Узбекистан, доктор философии (PhD) по юридическим наукам, доцент.*

руководителей этих ведомств, необходим тщательный анализ состояния взаимодействия правоохранительных органов с институтами гражданского общества.

Статья 11 Закона Республики Узбекистан № ЗРУ-407 «Об органах внутренних дел» от 16 сентября 2016 г. раскрывает взаимодействие органов внутренних дел с другими органами и организациями. В частности, в ней указано: «Органы внутренних дел в целях выполнения возложенных на них задач взаимодействуют и осуществляют обмен информацией, в том числе в электронной форме, об имеющихся материалах по выявленным преступлениям и другим правонарушениям, а также иной информацией с государственными органами, органами самоуправления граждан и другими организациями в порядке, установленном законодательством» [2].

В Указе Президента Республики Узбекистан «О мерах по повышению эффективности деятельности органов внутренних дел, усилению их ответственности за обеспечение общественного порядка, надежной защиты прав, свобод и законных интересов граждан» от 10 апреля 2017 года указано, что должностными лицами органов внутренних дел, в том числе инспекторами по профилактике, не налажен диалог с населением, на низком уровне остается культура общения с гражданами, не обеспечивается эффективное взаимодействие с органами самоуправления граждан и другими институтами гражданского общества в решении насущных проблем населения [3].

Также отмечается, что национальный и зарубежный опыт показывает, что такие традиционные меры, как ужесточение ответственности за преступления и другие правонарушения, использование технических средств при проведении оперативно-розыскной деятельности, усиление контроля за лицом, совершившим правонарушение, не всегда дают ожидаемый результат в понижении уровня преступности. Это, в свою очередь, порождает необходимость использования новых методов работы в профилактике правонарушений, налаживания тесного диалога с населением и общественностью, установления системы общественного контроля над деятельностью органов внутренних дел, а также внедрения современных информационно-коммуникационных технологий.

Исходя из этого, одним из основных задач является обязанность должностных лиц органов внутренних дел обеспечить системный адресный диалог с народом, развитие тесного взаимодействия с органами самоуправления граждан, другими институтами гражданского общества, оказание всестороннего содействия в решении насущных проблем населения. В частности, обозначается необходимость превращения органов внутренних дел в общественно ориентированную профессиональную службу, деятельность которой должна быть направлена на оказание своевременной и качественной помощи населению. Основным служебным долгом каждого сотрудника определяется – «Служить интересам народа». Основываясь на взаимодействии с институтами гражданского общества, органы досудебного производства осуществляют правоохранительную деятельность, выполняя при этом свое главное предназначение – служить народу и обществу.

Кроме того, Постановлением Президента Республики Узбекистан «Об организационных мерах по дальнейшему совершенствованию органов внутренних дел» от 12 апреля 2017 года было утверждено «Положение о Министерстве внутренних дел Республики Узбекистан», в котором определены основные задачи и функции Министерства. Одной из основных задач Министерства является

налаживание более тесного сотрудничества с общественностью, систематическое общение с народом, органами самоуправления граждан, другими институтами гражданского общества и поддержки наиболее уязвимых слоев населения.

В этой области оно выполняет функции расширения общественного надзора за надлежащим функционированием министерства и повышения личной подотчетности сотрудников правоохранительных органов, в частности, путем публичной отчетности перед общественностью о своей деятельности.

По справедливому мнению А.А. Матчанова, «наряду с взаимодействием следователя с органами дознания, необходимо обратить внимание на возможность и целесообразность взаимодействия с общественностью и с гражданами. Следователю необходимо шире использовать современные средства информации и иные коммуникативные технологии при организации розыска скрывшегося обвиняемого, привлекая к этому общественность и отдельных граждан» [4, С.55].

Правы также В.Г. Гриб и А.В. Ростокинский, которые утверждают, что весь комплекс законодательных, организационных и собственно правоохранительных мероприятий, направленных на противодействие экстремистской и другой деятельности, возможен лишь при тесном взаимодействии государственных структур и различных институтов гражданского общества [5, С. 121–125].

Ибо, как справедливо отмечает по этому поводу Н.С.Меньшикова, «эффективность осуществления правоохранительной функции государства во многом зависит от взаимодействия полиции и общества» [6, С.107].

Продолжая мнение о значении и сущности взаимодействия, она отмечает, что «сосуществование современного государства и гражданского общества развивается как сложный процесс, в рамках которого обеспечение безопасности и правопорядка становится задачей не только государства, но и общества в целом, а государство – субъект, обладающий властными полномочиями, позволяет гражданскому обществу проникать в сферу своей деятельности посредством допуска институтов гражданского общества к решению социально значимых задач в правоохранительной сфере» [7].

Соответственно, в настоящее время организация и осуществление общественного контроля над деятельностью государственных органов и учреждений стали одним из важных форм их взаимодействия. Статья 2 Закона Республики Узбекистан «Об общественном контроле», принятого 12 апреля 2018 года, устанавливает порядок проведения такого контроля над деятельностью государственных органов. Отмечается, что осуществление общественного контроля в сфере проведения референдумов, выборов, а также обороны, общественной безопасности и правопорядка, оперативно-розыскной деятельности, дознания, предварительного следствия, судопроизводства, исполнения наказаний регламентируется отдельными законодательными актами.

Как уместно дополняют М. А. Бучакова, О. А. Дизер, А. Н. Александров, общественный контроль за деятельностью полиции служит также эффективной антикоррупционной мерой. В числе задач общественного контроля за деятельностью полиции – вовлечение граждан в процесс оценки работы полиции, положительное воздействие на ее деятельность, повышение уровня доверия населения к деятельности полиции, а также обеспечение тесного взаимодействия полиции с институтами гражданского общества; поддержание прозрачности и открытости

деятельности полиции; формирование в обществе нетерпимости к коррупционному поведению сотрудников полиции; усиление доверия самой полиции к инициативам общественности, механизмам общественного контроля» [8, С.29].

Данное подразумевает, что, в свою очередь, государственные органы, органы самоуправления граждан и другие организации в пределах своей компетенции должны оказывать содействие правоохранительным органам в защите прав, свобод и законных интересов граждан, охране общественного порядка, обеспечении общественной безопасности, предупреждении, выявлении, пресечении, раскрытии преступлений и административных правонарушений, расследовании уголовных дел, розыске преступников, установлении местонахождения лиц, пропавших без вести, а также в профилактике правонарушений.

Интересен, на наш взгляд, является опыт России в организации данного взаимодействия. Закон Российской Федерации «О полиции» [9] определил перспективы развития взаимоотношений полиции с гражданским обществом. Закон содержит ряд концептуальных идей, в числе которых: установление партнерской модели взаимоотношений полиции и общества; контроль гражданского общества за деятельностью полиции; закрепление нового имиджа сотрудника правоохранительных органов. «Партнерская модель» характеризируется усилением сотрудничества обеих сторон. Перспективы такого усиления заключаются в законодательном определении прав и обязанностей, закреплении правового статуса полицейского при решении вопросов взаимодействия, освобождения ведомства от несвойственных ему или дублирующих функций. Механизм реализации принципов взаимоотношений включает в себя обеспечение общественного доверия и сотрудничества с гражданами, установление общественного контроля, мониторинг деятельности полиции, участие граждан в реализации государственной политики, участие полиции в разработке и рассмотрении концепций, программ, инициатив общественных объединений и граждан, обсуждение вопросов деятельности полиции в средствах массовой информации. Общественное мнение является одним из основных критериев официальной оценки деятельности полиции, определяемых федеральным органом исполнительной власти в сфере внутренних дел. Основы взаимодействия и сотрудничества полиции с институтами гражданского общества, также как и в законодательстве нашей страны, определены соответствующей статьей Закона РФ «О полиции» о том, что полиция при выполнении возложенных на нее обязанностей взаимодействует с общественными объединениями, организациями граждан, использует их возможности, оказывает содействие общественным объединениям и организациям в обеспечении защиты прав и свобод граждан, а также поддерживает развитие гражданских инициатив.

Взаимоотношение правоохранительных органов и институтов гражданского общества также получило свое отражение и во многих международных нормативно-правовых актах. Поскольку поиск универсальных и оптимальных форм взаимодействия достигается с учетом осмысления опыта развитых зарубежных стран и международных документов. В их числе «Кодекс поведения должностных лиц по поддержанию правопорядка» [10], принятый Организацией Объединенных Наций в 1979 году, а также принятые в 1989 году ООН в развитие этого документа «Руководящие принципы для эффективного осуществления Кодекса поведения должностных лиц по поддержанию правопорядка» [11].

Из вышеприведенного несложно проследить, что взаимодействие органов досудебного производства и институтов гражданского общества, как социальное явление, представляет собой определенный процесс. Е. В. Киричёк, анализируя вопросы взаимодействия органов внутренних дел с общественными объединениями, справедливо, по нашему мнению, выделил и охарактеризовал его следующие основные этапы:

1) аналитический этап: проведение комплексного анализа с целью выявления проблем; определение круга субъектов взаимодействия; коммуникативный обмен между участниками по вопросам, относящимся к решению проблем, на которые будет направлено взаимодействие; определение основных направлений совместной деятельности, целей, задач, форм и методов взаимодействия;

2) этап проектирования: разработка системы перспективных мероприятий и проектов планов (программ) посредством совместного обсуждения, определения сроков исполнения и исполнителей (соисполнителей), создания единого координирующего центра (органа), обучения членов общественных объединений, разработки методических рекомендаций;

3) этап выработки управленческих решений: принятие совместных решений по организации взаимодействия и их официальное оформление (подготовка договоров, уставов и др.);

4) функциональный этап: выявление проблем, определение места и роли полиции и общественных объединений в их решении, непосредственное решение проблем в результате взаимодействия;

5) контроль исполнения принятых решений: проверка исполнения решений, принятых взаимодействующими партнерами, и планов, разработанных ими; широкое освещение результатов взаимодействия в средствах массовой информации, просветительская работа среди населения;

6) оценочный этап: оценка эффективности принятых решений по заранее разработанным критериям в целях дальнейшего совершенствования форм и методов совместной деятельности;

7) этап согласования, который возможен на любой стадии взаимодействия, когда либо между субъектами возникают разногласия, либо необходимо внести корректировку в план совместных будущих мероприятий и субъектами взаимодействия производится процедура согласования [12, С.1140].

Анализ теории и правоприменительной практики позволил выделить некоторые проблемы организации взаимодействия органов досудебного производства с институтами гражданского общества. А именно:

– тщательно не изучены теоретические и прикладные аспекты взаимодействия;

– научно не проанализированы модели взаимодействия;

– отсутствует конкретный механизм сотрудничества правоохранительных органов с институтами гражданского общества;

– в общественном сознании доминирует этатизм [13, С.12];

– недоверие граждан к правоохранительным органам;

– организации и упорядочиванию взаимоотношений граждан с органами досудебного производства препятствует догматика права и правовой культуры;

– имеющиеся порой случаи бюрократии и внутриведомственные проблемы правоохранительных органов, которые препятствуют эффективному их взаимодействию с общественными объединениями и организациями;

– эпизодичность и бессистемность взаимодействия [14, С.405].

На основе вышеприведенного можно сделать вывод о том, что в решении имеющихся в данной сфере проблем, а также повышении эффективности в организации взаимодействия органов досудебного производства с институтами гражданского общества необходимо:

во-первых, разработка концептуальных путей координации правоохранительных органов с институтами гражданского общества;

во-вторых, разработка путей выстраивания прямого диалога с народом, сокращение расстояние между правоохранительными органами и общественностью, синхронизация правоохранительной деятельности на благо граждан;

в-третьих, законодательное урегулирование решения имеющихся проблем взаимодействия в правоприменительной практике;

в-четвертых, разработка и внедрение в теорию и практику основных направлений взаимодействия правоохранительных органов с институтами гражданского общества;

в-пятых, развитие профессиональных способностей, инновационной активности, а также формирование творческих качеств и культуры у сотрудников органов досудебного производства;

в-шестых, повышение квалификации сотрудников в их деятельности по проявлению открытости, честности, порядочности, ответственности, отзывчивости, порождающих чувство доверия к органам внутренних дел. Так как качественное решение сотрудниками правоохранительных органов стоящих перед ними задач во многом зависит от их личностных качеств, общей и правовой культуры, уровня правосознания и профессионального мастерства, умения устанавливать взаимоотношения с населением. Данные характеристики служат не только фактором соблюдения требований законности, но и эффективной деятельности в сфере обеспечения прав и свобод граждан.

Немаловажным условием является также усиление внимания к новым формам взаимодействия органов досудебного производства со средствами массовой информации в сфере противодействия тяжким и особо тяжким преступлениям (например, проведение разъяснительных работ среди населения, тренингов, семинаров и т.д.), чего невозможно достигнуть без соответствующего качественно проработанного законодательного подкрепления.

## ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА

1. Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису. https://uza.uz/ru/posts/poslanie-prezidenta-respubliki-uzbekistan-shavkata-mirziyeev-25-01-2020.

2. Собрание законодательства Республики Узбекистан. – 2016. – № 38. – С. 438.

3. Указ Президента Республики Узбекистан «О мерах по коренному повышению эффективности деятельности органов внутренних дел, усилению их ответственности за обеспечение общественного порядка, надежной защиты прав, свобод и законных интересов граждан» // Народное слово. – 2017. – № 71 (6735).

4. *Матчанов А.А.*Деятельность следователя по розыску скрывшегося обвиняемого: Учебно-практическое пособие. – Т., 2007. – С.55.

5. *Гриб В.Г., Ростокинский А.В.* О некоторых направлениях совершенствования системы мер профилактики экстремизма // Труды ВНИИ МВД России: Научный журнал. – М., 2007. – С. 121 – 125.

6. *Меньшикова Н.С.* Полиция и гражданское общество: проблемы формирования партнерских отношений в российской федерации (теоретико-правовой аспект): Дис. … канд. юрид. наук. – СПб., 2019. – С.107.

7. Там же.

8. *Бучакова М. А., Дизер О. А., Александров А. Н.* Формирование партнерской модели взаимоотношений полиции и общества в России // Проблемы правоприменительной деятельности. – 2015. – № 4. – С. 29.

9. Закон Российской Федерации № 3-ФЗ «О полиции» от 7 февраля 2011 г. // СЗ РФ. – 2011. – № 7. – Ст. 900.

10. Кодекс поведения должностных лиц по поддержанию правопорядка. https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/code_of_conduct.shtml.

11. Руководящие принципы для эффективного осуществления Кодекса поведения должностных лиц по поддержанию правопорядка.

12. *Кирячёк Е. В.* Взаимодействие полиции с общественными объединениями и иными институтами гражданского общества в условиях реализации принципа соблюдения и уважения прав и свобод человека и гражданина в Российской Федерации // Административное и муниципальное право. – 2013. – № 12. – С. 1140.

13. *Федорова И. В.* Административно-правовые аспекты взаимодействия полиции с институтами гражданского общества: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2018. – С. 12.

14. *Пролетенкова С. Е.* Административно-правовое регулирование противодействия религиозному экстремизму в Российской Федерации: Дис. … д-ра юрид. наук. – М., 2013. – С. 405.

***М. Дж. Ботаев*,***
***М. Э. Муминов*****

# ДАЛИЛЛАРНИ ПРОЦЕССУАЛ РАСМИЙЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Аннотация.** Мақолада ишни судга қадар юритиш жараёнида далилларни процессуал расмийлаштириш тартибини такомиллаштириш бўйича фикр-мулоҳазалар баён этилган ҳамда далилларни процессуал расмийлаштириш тартибига доир қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритиш лозимлиги асослантирилган.

**Таянч сўзлар:** далил, тергов ҳаракатлари, видеоконференцалоқа, рақамли имзо, терговчи, чақирув хабари, шахс, ҳуқуқ, баённома.

## СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРОЦЕССА ПРОЦЕССУАЛЬНОГО ОФОРМЛЕНИЯ ДОКАЗАТЕЛЬСТВ

**Аннотация.** В статье изложены взгляды на совершенствование процедуры процессуального оформления доказательств в процессе досудебного производства, а также обоснована необходимость внесения соответствующих изменений в законодательство о порядке процессуального оформления доказательств.

**Ключевые слова:** доказательства, следственные действия, видеоконференцсвязь, электронная подпись, следователь, сообщение о вызове, лицо, право, протокол.

## IMPROVING THE PROCESS OF PROCEDURAL REGISTRATION OF EVIDENCE

**Annotation.** The article presents the views on the improvement of the procedure for the procedural registration of evidence in the process of pre-trial proceedings, also justifies the need of making appropriate changes to the legislation on the procedure for the procedural registration of evidence.

**Key words:** evidence, investigative actions, video conferencing, electronic signature, investigator, call message, person, law, protocol.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2019 йил 23 май қонуни билан ЖПКга «Тергов ҳаракатларини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш» билан боғлиқ бир қатор янги нормалар киритилган бўлиб, унга кўра гувоҳлар, жабрланувчилар, гумон қилинувчилар ва айбланувчилар иштирокидаги тергов ҳаракатлари (сўроқ, шахсларни ва нарсаларни таниб олиш, юзлаштириш) мазкур шахсларни улар турган жойдаги ёки яшаш жойидаги вилоят ёки туманнинг ёхуд шаҳарнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органига ёки судига чақирган, техник

** **Ботаев Мурод Джуманшикович,** Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси дастлабки тергов ва криминалистика кафедраси бошлиғининг ўринбосари, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD).*
*** **Муминов Музаффар Эркинович,** Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ўқув жараёнини мониторинг қилиш маркази катта ўқитувчи-методисти.*

воситалардан фойдаланган ҳолда видеоконференцалоқа режимида ўтказилиши, видеоконференцалоқа жараёнида тергов ҳаракати иштирокчилари тергов ҳаракати жараёни ва натижаларини тўғридан-тўғри намойиш (трансляция) орқали бевосита кузатиб бориши, тергов ҳаракатлари стенография, видеокузатув, шунингдек аудио- ва видео қайд этиш тизимлари орқали жиҳозланган махсус хоналарда амалга оширилиши ва натижалари умумий қоидалар асосида расмийлаштирилиши назарда тутилган [1].

Видеоконференцалоқа режимида ўтказилган тергов ҳаракати жараёни ва натижаларини расмийлаштириш билан боғлиқ амалиётнинг бугунги ҳолати далиллар мақбуллиги қоидаларига тўлиқ жавоб бермайди, хусусан, видеоконференцалоқа режимида ўтказилган тергов ҳаракати жараёни ва натижалари жиноят ишини юритиш учун масъул мансабдор шахслар томонидан эмас, аксинча тергов ҳаракатининг баённомаси суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд ва топшириқни бажарувчи мансабдор шахс томонидан расмийлаштирилиши, тергов ҳаракати ўтказилган жойдаги процесс иштирокчилари томонидан имзоланиши ва топшириқни бажараётган мансабдор шахс томонидан тузилган баённома ишни юритиш учун масъул бўлган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судга юборилиши амалдаги ЖПКда кўрсатиб ўтилган. Амалиётда тергов органлари томонидан битта тергов ҳаракати учун иккита баённома, яъни ишни юритиш учун масъул бўлган ва топшириқни бажараётган мансабдор шахслар томонидан ҳам расмийлаштириб келинмоқда.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ва илмий-педагог ходимлар билан ўтказилган сўровномада «Сизнинг фаолиятингизда ўтказилган қайси тергов ҳаракатларини процессуал расмийлаштириш билан боғлиқ муаммолар юзага келмоқда?», деган саволга респондентларнинг 63 % айнан видеоконференцалоқа режимида ўтказилган тергов ҳаракатларини процессуал расмийлаштириш билан боғлиқ муаммоларга дуч келаётганликларини кўрсатиб ўтганлар.

Хусусан, видеоконференцалоқа режимида ўтказилган тергов ҳаракати жараёни ва натижалари жиноят ишини юритиш учун масъул шахслар томонидан эмас, аксинча тергов ҳаракатининг баённомаси суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд ва топшириқни бажарувчи мансабдор шахс томонидан расмийлаштирилмоқда. Биргина мисол, терговчи Тошкент шаҳрида бўла туриб, юзлаштириш тергов ҳаракатини ўтказиш бўйича топшириқни икки ҳудудга, яъни Хоразм ва Андижон вилоятларига берган. Энди видеоконференцалоқа режимида юзлаштириш 3 та ҳудудда амалга оширилаётганидан кейин ушбу ҳолатда тергов ҳаракати жараёни ва натижаларини расмийлаштириш тартиби қандай бўлади? Бундан ташқари, таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракати ўтказилиши режалаштирилган бўлса, холислар қайси томондан иштирок этади, расмийлаштирилган баённомаларни тергов ҳаракати иштирокчилари томонидан танишиб чиқиб, уларни тасдиқлашлари қандай амалга оширилади? Бу каби саволлар ҳам ўзининг ечимини кутмоқда.

Мамлакатимизда замонавий ахборот технологиялари ривожланаётган даврда «рақамли имзо панели», «бармоқ излари сканери» каби технологияларнинг Йўл-ҳаракати хавфсизлиги ҳамда Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш хизматлари амалиётида анча вақтдан бери кенг қўлланиб келинаётганини инобатга олиб, юқорида кўрсатиб ўтилган қийинчиликларни бартараф этиш ва тергов органлари фаолиятини осонлаштириш, ахборот технологияларни кенг жалб қилиш мақсадида видеоконференцалоқа режимида ўтказилган тергов ҳаракати жараёни ва натижаларини расмийлаштириш фаолиятига жорий этилиши келгусида ишни

юритиш учун масъул бўлган суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан бевосита тергов ҳаракатини ягона баённома расмийлаштириш ҳамда тергов ҳаракатида иштирок этган процесс иштирокчилари томонидан «рақамли имзо панели» ёки «бармоқ излари сканери»дан фойдаланган ҳолда расмийлаштирилган баённома билан танишиб, уни имзолаши (тасдиқлаши) имкони мавжуд.

Юқорида келтирилган ҳолатлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг $91^4$-моддасини қуйидаги таҳрирдаги 6-қисм билан тўлдириш таклиф этилади:

«Видеоконференцалоқа жараёнида тергов ҳаракати иштирокчилари тергов ҳаракати жараёни ва натижалари акс этган баённомаларни «рақамли имзо панели» ёки «бармоқ излари сканери» ёхуд «рақамли имзо» орқали тасдиқлайдилар».

Жиноят ишларини юритиш жараёнида телефон ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни баённомада расмийлаштириш билан боғлиқ муаммолар мавжудлиги таҳлиллар давомида кўзга ташланди. Хусусан, ЖПКнинг 3-бобида айнан жиноят ишини юритишга масъул давлат органлари ва мансабдор шахслар доираси белгиланган ва уларга ишни юритиш, яъни тергов ва процессуал ҳаракатларни амалга ошириш, процессуал ҳужжатларни тузиш ва шу каби ваколатлар берилган.

Аммо ЖПКнинг 171-моддасида «Телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олишни ҳамда қайд қилишни амалга оширган шахс ишга алоқадор ахборотнинг мазмунини баён этган ҳолда баённома тузади. Сўзлашувлар, хабар ва маълумотлар ёзуви муҳрланади ҳамда баённомага қўшиб қўйилади» деб кўрсатиб ўтилган.

Шу ўринда савол туғилади. Хўш, техник ходим томонидан расмийлаштирилган баённоманинг процессуал аҳамияти қандай ва ушбу баённома далиллар мақбуллиги қоидаларига мос келадими? Албатта, йўқ. Сабаби, ЖПК $95^1$-моддаси 1-қисмининг 4-бандига кўра жиноят иши бўйича процессуал ҳаракат мазкур жиноят ишини юритишни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан бажарилган бўлса, ушбу далил сифатида мақбул эмас деб топилади. Бу каби коллизион ҳолатни бартараф этиш мақсадида ЖПКнинг 171-моддасига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш талаб этилади. Жумладан, телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш юзасидан қарорнинг ижросини амалга ошираётган орган берилган топшириқ асосида сўзлашув ёки бошқа ахборотларнинг электрон нусхасини ишни юритиш учун масъул бўлган мансабдор шахсга юбориши ва шу асосда суриштирувчи, терговчи ва прокурор томонидан ишга тааллуқли бўлган ҳолатларни киритган ҳолда баённома расмийлаштириши мақсадга мувофиқ.

Мазкур фикрлардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 171-моддасини қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилади:

«171-модда. Телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш баённомаси

Телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатилган ахборотни олишни амалга оширган шахс сўзлашув ёки бошқа ахборотларнинг стенограммаси ва овозли

ёзувларнинг электрон нусхасини ишни юритиш учун масъул бўлган мансабдор шахсга юборади.

Телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш тўғрисида қарор чиқарган ёки ишни юритиш учун масъул бўлган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёхуд суд ишга алоқадор ахборотнинг мазмунини баён этган ҳолда баённома тузади. Сўзлашувлар, хабарлар, маълумотлар ёзуви ва электрон нусхалари ёзилган рақамли ташувчилар муҳрланади ҳамда баённомага қўшиб қўйилади.

Телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш баённомасида абонентнинг рақами, эшитиб туриш ва қайд қилиш вақти ҳамда жойи, фойдаланилган техник воситаларнинг тури ва модели, эшитиб туриш ёки ахборотни олишни амалга оширган орган тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек иш учун аҳамиятга эга бўлиши мумкин бўлган бошқа маълумотлар ҳам акс эттирилади».

Тергов органлари фаолиятида иш юритишни соддалаштириш, терговчиларнинг процессуал ва бошқа ҳужжатларни расмийлаштириш фаолиятини ягона тизимга солиш, иш юритишда зарур бўладиган ҳужжатларнинг ягона намуналарини ўзида жамлаган дастур ишлаб чиқиш ва уни мамлакатимизнинг барча ҳудудларида қўллаш мақсадга мувофиқ.

Хусусан, тергов органларида иш юритиш ва далилларни расмийлаштиришда ягона ёндашувга эришиш мақсадида «Терговчи» дастурини яратиш ҳамда унга процессуал ва бошқа ҳужжатларнинг шаклларини, жумладан «қарорлар», «баённомалар», «сўровномалар», «маълумотномалар», «хатлар» ва «ҳужжатлар» рукнларини киритиш, мазкур ҳужжатлар намуналарини босқичларга, яъни терговга қадар текширув процессуал ҳужжатлари, жиноят ишини қўзғатишдан ва шахсни гумон қилинувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш жараёнлари процессуал ҳужжатлари, шахсни айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилишга қадар бўлган процессуал ҳужжатлар ҳамда айблов хулосаси (айблов далолатномаси) ни тузиш билан боғлиқ процессуал ҳужжатларга ажратиш мақсадга мувофиқ.

Жиноят ишларини юритиш ва одил судловни такомиллаштиришнинг дастлабки қадамларидан бири – бу қоғоз шаклидаги процессуал ҳужжатлардан воз кечиб, янги замонавий шаклларга ўтишдан иборат. Жумладан, терговга қадар текширув органининг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ва прокурор томонидан зарур ҳужжат (процессуал ва бошқа ҳужжат)ларга электрон имзо қўйиш тизимини жорий этиш, бу орқали бир қатор қулайликларга эришиш имконияти мавжуд.

Бундан ташқари, жиноят процесси иштирокчиларини тергов жараёнига чақиртиришнинг янги тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқ. Биргина мисол, агар терговчи бир жиноят иши доирасида ўрта ҳисобда 4 та чақирув қоғози юборадиган бўлса ва 1 дона чақирув қоғози нархи 2400 сўмни ташкил қилган тақдирда, фақатгина юритувдаги бир жиноят иши учун чақирув қоғозининг ўзига 9600 сўмни терговчи ўз ҳисобидан сарф қилиши лозимлигини кўрсатади. 2019 йил таҳлилини кўрадиган бўлсак, жами 42459 дона жиноят иши тергов қилинган бўлса, ҳар бир жиноят ишида 4 тадан чақирув қоғози бор деб ҳисобласак, бу кўрсаткич умумий 169836 тани ташкил этса, унга терговчилар ҳисобидан сарфланадиган маблағ жами 407.606.400 сўмни ташкил қилади. Бу каби қийинчиликларни бартараф этиш мақсадида юқорида таъкидлаб ўтилган «Терговчи» дастурига «Чақирув хабари» деб номланган функцияни жорий қилиш орқали эришиш мумкин. Бунда Ўзбекистонда фаолият олиб

бораётган барча алоқа операторлари билан ҳамкорлик қилиш тақозо этилади. Мазкур ҳолатнинг жорий этилиши орқали вақтнинг тежалишига, дастур орқали 30 сонияда чақирув хабари ва SMS хабар юбориш имконияти ҳамда процессга чақиртирилган шахснинг икки йўл орқали чақириш усулининг мавжудлигига, шунингдек терговчи ва суриштирувчининг чақирув қоғозларини ўз ҳисобидан жўнатишига чек қўйилади.

Хулоса қилиб айтганда, ишни судга қадар юритиш босқичида процесс иштирокчиларининг ҳуқуқларини таъминлаш ва уларнинг бузилишини олдини олиш мақсадида айрим тергов ва процессуал ҳаракатларни видеоёзув орқали қайд этиш ва қайд этилган видеоёзувни махсус электрон базага жойлаштириш механизми ишлаб чиқилиши, келгусида суд-тергов органлари фаолиятини енгиллаштиришга ва шахсларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларининг таъминланишига эришиш мумкин.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2019 йил 23 май ЎРҚ-542-сон қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон. URL: https://www.lex.uz.

*Ф. Б. Бобомуродов**

# МУЛКИЙ ТУРДАГИ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИГА ОИД ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Аннотация.** Мақолада мулкий турдаги жиноятларга қарши курашишда тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишнинг ҳуқуқий таъминоти билан боғлиқ амалиётда учраётган муаммолар ўрганилиб, ушбу муаммоларни бартараф этишда хорижий давлатларнинг илғор тажрибасига асосланиб, «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек мулкий турдаги жиноятларга қарши курашга ҳуқуқий асос бўладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилган.

**Таянч сўзлар:** мулкий турдаги жиноятлар, тезкор-қидирув тадбирлар, банк сири, прокурор санкцияси.

## СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА ОБ ОПЕРАТИВНО-РОЗЫСКНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В БОРЬБЕ С ИМУЩЕСТВЕННЫМИ ПРЕСТУПЛЕНИЯМИ

**Аннотация.** В статье исследуются проблемы, связанные с правовым обеспечением оперативно-розыскных мероприятий, применяемых в борьбе с имущественными преступлениями на практике. На основе передового опыта зарубежных стран по решению такого рода задач разработаны предложения по внесению изменений и дополнений в Закон «Об оперативно-розыскной деятельности», а также проекты нормативно-правовых актов, являющихся правовой основой в борьбе с имущественными преступлениями.

**Ключевые слова:** имущественные преступления, оперативно-розыскные мероприятия, банковская тайна, санкции прокурора.

## IMPROVEMENT OF THE LEGISLATION ON OPERATIONAL-SEARCH ACTIVITY IN STRUGGLE AGAINST PROPERTY CRIMES

**Annotation.** The article examines the problems arising in practice in the fight against property crimes, legal support of operational-search activities, based on the best practices of foreign countries in solving such problems, proposals for amendments and additions to the law «On operational-search activities» and the draft regulatory legal acts that are the legal basis for dealing with property crimes.

**Key words:** property crimes, operational-search measures, bank secrecy, prosecutor's sanctions.

Мулкий турдаги жиноятлар деганда жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган мол-мулкни ҳар қандай усулда айбдор шахслар томонидан талон-торож қилинишига айтилади. Мазкур жиноятларга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 12 та – 164, 165, 166, 167, 168, 169, 170, 171, 172, 173, 227, 267-моддаларида назарда тутилган қилмишлар, яъни: босқинчилик; товламачилик; талончилик; ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш; фирибгарлик;

** **Бобомуродов Фарход Боймуротович,** Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг мустақил изланувчиси, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD).*

ўғрилик; алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан мулкий зарар етказиш; жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш; мулкни қўриқлашга виждонсиз муносабатда бўлиш; мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш; ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкаларни, автомототранспорт воситаларининг ва улар тиркамаларининг (ярим тиркамаларининг) давлат рақам белгиларини эгаллаш, нобуд қилиш, уларга шикаст етказиш ёки уларни яшириш; транспорт воситасини олиб қочиш кабилар мисол бўлади.

Статистик маълумотлар таҳлилига кўра, 2020 йилда содир этилган жиноят-қидирув соҳасидаги жиноятларнинг 48,9 фоизини мулкий турдаги жиноятлар ташкил этиб, шундан 26,2 фоизи фирибгарлик, 20,4 фоизи ўғрилик жиноятидир [1].

Ушбу маълумотлардан хулоса қиладиган бўлсак, содир этилаётган ҳар ўнта жиноятларнинг салкам ярми мулкий турдаги жиноятларнинг улушига тўғри келмоқда.

Жиноятчилик мазкур кўрсаткичларининг ижобий томонга ўзгариб боришини таъминлашда, энг аввало, Ички ишлар органлари жиноят қидирув бўлинмаларининг ғайриижтимоий қилмишга қарши курашишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари бўлиши лозим. Ушбу масалада 2012 йил 25 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги 344-сон қонуни мулкий турдаги жиноятларга қарши курашишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб, мазкур қонун талаблари асосида ички ишлар органлари жиноят қидирув ходимлари тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширадилар [2].

Мулкий турдаги жиноятларга самарали қарши курашишда сўров,маълумотлар тўплаш тезкор-қидирув тадбири энг асосий тадбирлардан бири ҳисобланиб, тезкор ходимлардан мазкур тадбирларни синчковлик билан ўтказиш талаб этилади.

Ҳозирда ахборот-коммуникация технологиялари шиддат билан ривожланаётган даврда мулкий турдаги жиноятларга қарши курашишда ахборот-коммуникациялари технологияларидан фойдаланиб, муҳим ахборотларни қабул қилиш зарурдир. Масалан, мулкий турдаги жиноятларни олдини олиш ва фош этиш ҳақида мобиль телефон, интернет ижтимоий тармоғининг «WhatsApp», «Telegram Messenger», «WeChat», «QQ», «Telegram», «Snapchat», «Discord», «Viber», «Line», «Skype» каби мессенжерларидан ахборотларни олиш усули бугунги кун амалиётида кўп қўлланилса-да, лекин ушбу ҳаракатлар қонун билан тартибга солинмаган, яъни «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонунда сўров, маълумотлар тўплаш тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш шакллари белгиланмаган. Фақат шахс билан бевосита мулоқот қилиш орқали ахборот олиш ҳақида сўров тезкор-қидирув тадбирига, шунингдек қаердан, кимдан ахборот олиш ҳақида маълумотлар тўплаш тезкор-қидирув тадбирини тушунчасига таъриф берилган бўлиб, қонунда билвосита шаклда сўров, маълумотлар тўплаш тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш тартибини аниқ белгилаш лозим.

Бугунги кунда мулкий турдаги жиноятлар замонавий усулда, масалан, банк пластик карталаридан фойдаланиб кибер-фирибгарлик, кибер-ўғрилик ёки давлат мулкини ўзлаштириш ва растрата йўли билан талон-торож қилиш жиноятлари кўплаб содир этилмоқда. Ушбу жиноятларни «иссиқ изи»да фош этиш учун, албатта, давлат ва тижорат банкларнинг масъул мутахассислари билан ҳамкорлик қилиш талаб этилади. Амалиётда ушбу вазифаларни бажаришда ички ишлар органлари жиноят қидирув ходимлари жиддий қийинчиликка дуч келмоқда. Сабаби, Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 августдаги 530-II-сон «Банк сири тўғрисида»ги

қонунига биноан банк мижозларининг операциялари, ҳисобварақалари, омонатлари, банк сейфлари, банк биносида сақлаб турилган мол-мулк ва унинг хусусияти, қиймати, банклараро битимлар, пенсия бадалларининг миқдори ва суммаларининг ҳаракати тўғрисидаги маълумотлар банк сирини ташкил этиб [3], ушбу маълумотларни, албатта хизмат зарурати туфайли тезкор ходим бевосита ўзи ёки раҳбарининг ёзма сўровномаси асосида олиши мазкур қонун бўйича мумкин эмас. Шу муносабат билан, мулкий турдаги жиноятларни самарали фош этишда ушбу муаммонинг ечимини аниқ белгилаб берувчи ҳуқуқий механизмни амалдаги «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонунига киритишни лозим, деб ҳисоблаймиз.

Мазкур масалада МДҲ давлатларининг илғор тажрибаси ўрганилганда, жумладан тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги Беларусь (22-м), Қирғизистон (2-м), Қозоғистон (8-м) қонун нормаларида «тижорат, банк сири билан боғлиқ маълумотлар тўплаш тезкор-қидирув тадбирини ўтказилиши прокурор санкцияси асосида амалга оширилиши» [4; 5; 6] каби қоидалар белгилаб қуйилганлигини таъкидлаш жоиздир.

Юқоридагиларни инобатга олиб, мулкий турдаги жиноятларга самарали қарши курашда, биринчидан, тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонуннинг 14-модда биринчи қисм иккинчи хатбошисини қуйидаги таҳрирда: «сўров – тезкор-қидирув фаолиятининг вазифаларини ҳал этиш учун аҳамиятга эга бўлган жисмоний ва юридик шахслар, фактлар ва ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни билган ёки билиши мумкин бўлган шахс билан бевосита ёки билвосита мулоқотда бўлиш жараёнида ахборот олишдан иборат бўлган тадбир»; иккинчидан, тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонуннинг 14-модда биринчи қисм учинчи хатбошисини қуйидаги таҳрирда: «маълумотлар тўплаш – тезкор-қидирув фаолиятининг вазифаларини ҳал этиш учун ҳужжатларни, материалларни, маълумотлар базаларини бевосита ёки билвосита ўрганиш, шунингдек сўровномалар юбориш орқали жисмоний ва юридик шахслар, фактлар, ҳолатлар, банк сири ҳақида аҳамиятга эга бўлган ахборотни оғзаки, ёзма ва электрон шаклда олишга қаратилган тадбир»; 16-модда биринчи қисмини қуйидаги таҳрирда: «турар жой дахлсизлиги, ёзишмалар, телефон орқали ва бошқа сўзлашувлар, алоқа тармоқлари орқали узатиладиган почта, курьерлик жўнатмалари ва телеграф хабарлари сир сақланиши ҳуқуқларини чекловчи, шунингдек абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисида ахборотни, банк сири ҳақида маълумотни олишга қаратилган тезкор-қидирув тадбирларининг ўтказилишига прокурор санкцияси асосида рухсат этилади» мазмунида баён этилиши; учинчидан, республикамизда содир этилаётган жиноятларнинг салкам ярми мулкий турдаги жиноятлар ҳиссасига тўғри келишини инобатга олиб, «Ўзбекистон Республикасининг Мулкий турдаги жиноятларга қарши курашиш тўғрисида»ги қонун, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш ва мулкий турдаги жиноятларга қарши кураш билан шуғулланувчи ваколатли субъектларнинг асосий вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, мулкий турдаги жиноятларга қарши курашнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, мазкур жиноятларни «иссиқ изи»да фош этилишига ёрдам бериб, жабрланувчиларга етказилган мулкий зарарни тез ва тўла ҳажмда қопланишига имконият яратади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР


1. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тезкор маълумотлар бошқармасининг 2020 йилдаги расмий ҳисобот маълумотлари.

2. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги344-сон қонуни // Электрон манба: http: //www.lex.uz. (мурожаат вақти: 01.02.2021).

3. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 августдаги «Банк сири тўғрисида»ги530-II-сон қонуни // Электрон манба: http: //www.lex.uz. (мурожаат вақти: 01.02.2021).

4. Закон Республики Беларусь от 15 июля 2015 г. № 307-З «Об оперативно-розыскной деятельности» //Электрон манба: https://kgb.by/ru/zakon.(мурожаат вақти: 02.02.2021).

5. Закон Кыргызской Республики от 16 октября1998 г. № 131 «Об оперативно-розыскной деятельности»//Электрон манба:http://cbd.minjust.gov.kg.(мурожаат вақти: 02.02.2021).

6. Закон Республики Казахстан от 15 сентября 1994 г. № 13 «Об оперативно-розыскной деятельности»// Электрон манба: https://online.zakon.kz.(мурожаат вақти: 03.02.2021).

*С. П. Шохизиндаев**

# АКТУАЛЬНОСТЬ ВОПРОСОВ РАССЛЕДОВАНИЯ КИБЕРКРАЖИ (КРАЖИ ЛИЧНЫХ ДАННЫХ)

**Аннотация.** В статье рассматриваются наиболее проблемные вопросы расследования кражи личных данных, причины возникновения трудностей у практических работников по противодействию киберкраже. Автором предложены решения практических проблем и повышения эффективности расследования киберкраж.

**Ключевые слова:** киберпреступление, кража личных данных, информационно-коммуникационные технологии, Интернет, вирусы.

## КИБЕР-ЎҒРИЛИК (ШАХСИЙ МАЪЛУМОТЛАР ЎҒИРЛИГИ)НИ ТЕРГОВ ҚИЛИШНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ

**Аннотация.** Мақолада шахсий маълумотлар ўғирлигини тергов қилишнинг муаммоли жиҳатлари, амалиёт ходимларининг кибер-ўғриликка қарши курашда юзага келадиган қийинчиликларнинг сабаблари кўриб чиқилган. Муаллиф томонидан амалий муаммоларнинг ечими ва киберўғриликни тергов қилиш самарадорлигини ошириш чоралари кўрсатилган.

**Таянч сўзлар:** кибер жиноят, шахсий маълумотлар ўғирлиги, ахборот-коммуникацион технологиялар, Интернет, вируслар.

## THE RELEVANCE OF THE ISSUES OF INVESTIGATION OF CYBER THEFT (IDENTITY THEFT)

**Annotation.** The article deals with the most problematic issues of investigation of identity theft, the reasons for the difficulties of practitioners in countering cyber theft are clarified. The author offers solutions to the practical problems and increases the effectiveness of the investigation of cyber theft.

**Key words:** cybercrime, identity theft, information and communication technologies, Internet, viruses

Развитие информационно-коммуникационных технологий (ИКТ) полностью изменило повседневный образ жизни каждого. Новые технологии, такие, как компьютеры и платформы социальных сетей, становятся частью нашей жизни. С помощью информационно-коммуникационных технологий несколько компьютеров и мобильных устройств по всему миру могут соединяться друг с другом по глобальной сети Интернет и осуществлять обмен данными, знаниями. Социальные сети в конечном итоге стали фундаментальным аспектом нашей повседневной деятельности; и они являются краеугольным камнем основной инфраструктуры по всему миру, вне зависимости от уровня экономического развития. Быстрый рост и развитие информационно-коммуникационных технологий,распространение и подключение к сети Интернет даже в отдаленных уголках страны открывают двери для роста производительности, быстрой коммуникации и создают колоссальные удобства. К

* ***Шохизиндаев Садриддинхўжа Пардахонович,*** *старший следователь СО УКД Чиланзарского РУВД города Ташкента.*

сожалению, наша расширенная зависимость от информационно-коммуникационных технологий и огромная взаимосвязанность нашей работы, документации, индустрии приводят к появлению ряда угроз кибербезопасности.

Учитывая, что уровень киберпреступности растет из года в год, потребность в усилении кибербезопасности возрастает соответственно. Киберпреступники Всемирной паутины используют личную информацию пользователей Интернета в своих целях, ныряя глубоко в темную паутину, чтобы покупать и продавать краденные программные обеспечения, продукты, услуги, а также конфиденциальную информацию. В зарубежных странах хакеры даже получают доступ к секретной правительственной информации.

Киберпреступность находится на рекордно высоком уровне, ежегодно обходясь компаниям и частным лицам в миллиарды долларов. Эволюция технологий и растущая доступность интеллектуальных технологий означает, что в домах пользователей существует множество точек доступа, которые могут использовать хакеры. В то время как правоохранительные органы пытаются решить растущую проблему, число преступников продолжает расти, пользуясь анонимностью Интернета.

Но что такое киберпреступление?

Киберпреступление – это, когда компьютер является объектом преступления или используется в качестве инструмента для совершения преступления. Киберпреступник может использовать устройство для доступа к личной информации пользователя, конфиденциальной деловой переписке, правительственной информации или отключения устройства, а также продавать или получать вышеуказанную информацию в Интернете.

Киберпреступления, как правило, можно разделить на две категории:

1. Преступления, нацеленные на сети или устройства:

- Вирусы;
- Киберсталкинг вредоносных программ;
- DoS-атаки.

2. Преступления, использующие устройства для участия в преступной деятельности:

- Фишинговые письма;
- Кража личных данных.

Остановимся подробнее на кибер-краже (Cyber theft) или краже личных данных (identity theft), которая определяется как хищение данных, хранящихся на компьютере или устройствах, доступных для чтения ЭВМ. Киберпреступники имеют своей целью хищение данных как физических, так и юридических лиц, в частности крупных компаний путем нарушения мер безопасности и перехвата данных.

Один из случаев киберугроз произошел еще в 2013 году, когда Target объявила, что хакеры украли информацию о кредитных и дебетовых картах почти 40 миллионов целевых покупателей по всей стране [1.1].

В мае нынешнего года была организована масштабная кибератака на систему здравоохранения Ирландии, приведшая к сбою оказания медицинских услуг. Группа уголовного расследования связалась с международными партнерами по правоохранительным органам и направила цифровые следы вируса, обнаруженные на компьютерах, в Центр анализа вредоносных программ Европола в Гааге [2.1].

Самым удобным и распространенным для кражи личных данных является использование возможностей социальных сетей. По справедливому утверждению Пурсер (Purser) [3.541]: «социальные сети являются наиболее распространенными платформами для киберпреступности, чтобы украсть идентификационную информацию. Хакеры личной информации распространяют веб-приложения целевому лицу через сайты социальных сетей для прямого доступа к данным, метод предотвращения киберпреступности путем повышения кибербезопасности и сохранения ненадежных информационных установок необходим для каждого пользователя социальных сетей и экономического благополучия». Именно поэтому обеспечение кибербезопасности социальных сетей является основой для развития информационно-коммуникационных технологий, а также обеспечения необходимой безопасности личных данных пользователей.

По мнению Маркума (Marcum): «Интернет создал много преимуществ для повседневного общения, а также расширил возможности для киберпреступности» [4.381]. Действительно, использование Интернета открыло новые перспективы для незаконной деятельности в виртуальном пространстве, в частности с использованием таких социальных мессенджеров, как Facebook, Instagram, Telegram и Twitter.

Уязвимость программ обеспечения, недостаточное обеспечение мер безопасности интернет-провайдерами, незнание пользователями элементарных мер предосторожности, правовая неурегулированность вопроса кибербезопасности, отсутствие понятия «киберпреступления» и уголовной ответственности за совершение современных кибератак – эти и другие причины предполагают колоссальный рост данного вида преступления по всему миру.

По справедливому высказыванию Пател К. и Дашора М. (Patel K., Dashora M.): «цифровое устройство уязвимо, потому что верховенство закона, необходимое для защиты от киберпреступности, находится не на должном уровне» [5.17].

Уязвимость цифровых данных пользователей и сложности в расследовании кибкраж определяются:

- необходимостью хранить данные в сравнительно небольшом пространстве, то есть электронное устройство имеет определенный объем хранения информации в очень небольшом пространстве, что заставляет пользователя или сохранить на диске, или удалить информацию, или хранить ее в специальном пространстве (облако CLOUD, которое используется определенными приложениями), что облегчает совершение кибератаки и кражи личных данных;

- способ защиты компьютера от несанкционированного доступа очень сложен. Эта проблема не из-за личной ошибки, а из-за сложной технологии с помощью неизвестных вирусоподобных регистраторов ключей и логической бомбы, которая может легко спекулировать диктофоном, кодом, изображениями сетчатки глаза и т.д., которые могут сбивать биометрические системы и брандмауэры, используемые для использования различных систем безопасности;

- невнимательность пользователя, который используя компьютер, не заботится о безопасности конфиденциальной информации, что приводит к получению киберпреступниками доступа к компьютеру и получения полного контроля над операционной системой;

- отсутствие виртуальных территориальных границ и возможности совершения киберпреступлений в значительном отдалении, нормативно-правовых документов

об оказании сотрудничества в расследовании киберкраж приводит к трудностям в оперативном получении необходимых следов преступления и вследствие уничтожении доказательственной информации, к невозможности установления преступников.

Для решения приведенных проблем и повышения эффективности расследования киберпреступлений необходимо:

- повысить уровень мониторинга кражи личных данных, так как статистики по данному виду преступления не существует;
- повсеместно повышать уровень квалификации следователей (дознавателей) по расследованию киберпреступлений;
- внедрить современные технологии в деятельность специалистов и экспертов по судебным компьютерно-техническим экспертизам;
- разработать учебно-практическое пособие по расследованию краж личных данных.

**ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА**

1. https://www.frontierinternet.com/gateway/what-is-cyber-theft/

2. Cyber-crime: Irish government briefed by cyber security authorities. 18.05.2021. https://www.bbc.com/news/world-europe-57149087

3. Purser, S.D. (2013). Exploring and analyzing internet crimes and their behaviours. Perspectives in Science, 8, 541.

4. Marcum, C.D., Higgins, G.E., and Ricketts, M.L. (2016). Potential factors of online victimization of youth: an examination of adolescent online behaviors utilizing routine activity theory. Deviant Behavior, 31(5), 381.

5. Patel, K., and Dashora, M. (2017). Crime and justice in digital society: towards a digital criminology. International Journal for Crime, Justice and Social Democracy, 6(2), 17.

*А. Б. Сабырбаева*,*
*О. Н. Уринкулов***

# СОВРЕМЕННЫЕ УГРОЗЫ КИБЕРМОШЕННИЧЕСТВА. ФИШИНГ И ЕГО ВИДЫ

**Аннотация.** В статье рассматривается современное состояние борьбы с кибермошенничеством (фишинг). Также проанализирована судебно-следственная практика расследования кибермошенничества, причины и условия, способствующие совершению кибермошенничества, рассмотрены виды фишинговых писем, описаны меры предосторожности, применяемые в данной сфере.

**Ключевые слова:** кибермошенничество, фишинг, виртуальное пространство, угрозы, информационные технологии.

## КИБЕРФИРИБГАРЛИКНИНГ ЗАМОНАВИЙ ХАВФИ. ФИШИНГ ВА УНИНГ ТУРЛАРИ

**Аннотация.** Мақолада киберфирибгарликка қарши курашнинг замонавий ҳолати кўриб чиқилган. Бундан ташқари, киберфирибгарликни тергов қилишнинг суд-тергов амалиёти таҳлил қилинган, киберфирибгарликнинг келиб чиқиш сабаб ва шароитлари, фишинг хатларнинг турлари ва эҳтиёт чоралари келтириб ўтилган.

**Таянч сўзлар:** киберфирибгарлик, фишинг, виртуал олам, хавф, ахборот технологиялар.

## MODERN THREATS OF CYBER FRAUD. PHISHING AND ITS TYPES

**Annotation.** The article examines the current state of the fight against cyber fraud (phishing). It also studied and analyzed the forensic practice of investigating cyber fraud, the causes and conditions that contribute to the commission of cyber fraud, as well as the types of phishing emails, and also described the precautions.

**Key words:** cyber fraud, phishing, virtual space, threats, information technologies.

В результате интенсивного развития и внедрения современных информационных технологий в мире активизировались процессы формирования глобального информационного пространства, повлекшие за собой и появление новых вызовов и угроз [1.41].

Блага современной цивилизации, к которым, безусловно, относится компьютеризация всех сфер жизни государства, общества, семьи и личности, к сожалению, приводят и к тому, что экономическая компьютерная преступность может затронуть практически каждого, живущего в современном мире [1.42].

* ***Сабырбаева Айнура Бахыт қызы,*** *преподаватель кафедры Уголовно-процессуального права Академии МВД.*

** ***Уринкулов Одилжон Назиралиевич,*** *преподаватель-методист отдела информационных технологий и связи Академии МВД.*

Большой охват потерпевших, использование возможностей современных технологий с минимизацией визуального контакта с потерпевшими, а также возможностью удаленного доступа к их денежным средствам привели к увеличению количества мошенничества.

По Оксфордскому словарю, «компьютерное мошенничество – это любые методы, направленные на манипулирование информацией в компьютерной системе с целью незаконной, как правило, финансовой, выгоды [2.1].

Уголовное законодательство Республики Узбекистан предусматривает ответственность за совершение мошенничества с использованием средств компьютерной техники, что, к сожалению, не охватывает весь круг мошеннических посягательств с использованием информационно-коммуникационных сетей, систем либо программ.

Так, по уголовному делу 1-2010-2001/108 [3.1] гражданке Н. вменялось в вину совершение мошенничества с использованием средств компьютерной техники, но она фактически использовала свой телефон марки Редми (Redme) и сим-карту сотовой компании связи для создания канала в социальной сети Telegram по продаже турецких товаров. Согласно Пленуму Верховного суда Республики Узбекистан «под мошенничеством с использованием средств компьютерной техники (пункт «в» части 2 статьи 168 УК Республики Узбекистан) понимается хищение путем обмана чужого имуществ, находящегося в финансовых, банковских учреждениях, фондах и т.п. посредством манипуляций, совершаемых с помощью средств компьютерной техники. Мошенничество может быть совершено как путем изменения информации, хранящейся на соответствующих носителях или передаваемой по сетям передачи данных, так и путем введения в компьютерную систему ложной информации» [4.1].

Согласно данному определению телефонное устройство никак не может считаться средством компьютерной техники, и деяние должно было быть квалифицировано по части 1 статьи 168 УК Республики Узбекистан.

Главное в данном уголовном деле является помимо неправильности квалификации и то, что в ходе расследования неправильно был осуществлен осмотр, изъятие и оформление доказательственной базы: не был произведен осмотр содержимого телефона для установления наличия самой программы Plus messenger и его местоположение (папка, внутренняя память телефона или внешняя); осмотр непосредственно канала в социальном мессенджере; дата установления программы на телефон; дата создания группы; количество постов; объявлений, реклам, подписчиков и других сведений, ограничившись лишь изъятием телефона и прикреплением скриншота их переписки.

Конвенция Совета Европы о компьютерных преступлениях от 23 ноября 2001 года рассматривает в качестве мошенничества с использованием компьютерных технологий – завладение имуществом путем «любого ввода, изменения, удаления или блокирования компьютерных данных; так же, как и любого вмешательства в функционирование компьютерной системы, мошенническим или бесчестным намерением неправомерного извлечения экономической выгоды для себя или для иного лица» [5.1].

ФБР США под видами интернет-мошенничества подразумевает компрометацию деловой электронной почты; взлом данных; отказ в обслуживании/доступе; фишинг; с использованием вредоносного программного обеспечения [6.1]. Статья 147 УК

Швейцарии к компьютерным мошенничествам относит «неверное, неполное или несанкционированное использование данных, которое влияет на электронную обработку или передачу сведений и, как следствие, приводит к передаче финансов и наносит ущерб другому лицу» [7.1].

В нашей стране нет четко определенной классификации мошенничества с использованием информационно-коммуникационных технологий, сетей или программ обеспечения, что вызывает трудности при квалификации и выборе методики расследования. Методика расследования мошенничества с использованием сети Интернет и в сфере кредитования, к примеру, отличается по последовательности производства того или иного следственного действия, назначаемым экспертизам или задаваемым при допросе вопросам.

По нашему мнению, к мошенничеству с использованием информационно-коммуникационных технологий, сетей или программ обеспечения необходимо отнести: мошенничество с использованием социальных мессенджеров; электронных систем платежа; финансовые пирамиды; онлайн-игры, лотереи; с использованием вирусов, вирусных программ обеспечения; интернет-благотворительность; приобретение товаров и услуг посредством сети Интернет (онлайн-магазины); фишинг/вишинг; нигерийские письма. Рассмотрим некоторые вышеперечисленные виды.

Фи́шинг (англ. phishing, от fishing — рыбная ловля, выуживание) – вид интернет-мошенничества, целью которого является получение доступа к конфиденциальным данным пользователей — логинам и паролям [8.1]. Фактически это хищение чужого имущества путем рассылки писем, содержащих недостоверную информацию (в простонародье их называют спамом) с тем, чтобы завлечь потенциальную жертву на созданную ими аналогичную, точную копию сайта именитого бренда, организации или банка, распознать разницу между оригиналом практически невозможно. Схема такова, что когда жертва переходит на этот сайт по ссылке, которая была в письме, ее просят ввести ее данные – логин, пароль либо счет банковской карты, якобы для удостоверения личности. После этой процедуры мошенники получают доступ к конфиденциальным данным. Об опасности данного нового мошенничества говорили Л.С. Хафизова [9.1], Н.С. Юрочкин [10.158]. Их слова подтверждает и тот факт, что в 2019 году была осуществлена масштабная всемирная 4-месячная операция Operation Rewired [11.1], координатором которого выступило ФБР. Правоохранительные органы из 10 стран: США, Великобритании, Турции, Нигерии, Ганы, Франции, Италии, Японии, Кении и Малайзии задержали 281 кибермошенника, а ущерб оценивался десятками миллионов долларов. Деятельность мошенников была связана с корпоративными email рассылками, фишинговыми атаками.

По данным центра жалоб на интернет-преступления ФБР, мошеннические действия типа BEC привели к фактическим потерям в размере более 4,5 млрд долл., и они представляют собой глобальную проблему [12.1]. Опасность данных писем заключается в призыве незамедлительно ответить на сообщение или перейти по ссылке из-за якобы чрезвычайной срочности дела.

По справедливому утверждению генерального директора по кибербезопасности Великобритании Киаран Мартин: «Не существует системы информационной безопасности, способной предупредить вероятность того, что хотя бы один человек из ста не откроет фишинговое сообщение, и этого может быть достаточно для злоумышленника» [13.1].

Национальный центр кибербезопасности Великобритании (NCSC) [14.1] указывает на ряд трудностей в ходе «антифишингового образования», в частности в связи с нарастающим количеством и объемом фишинговых угроз, а также необходимости принятия мер по объединению технических средств защиты в виртуальном пространстве с повышением уровня осведомленности пользователей о распространенных видах фишинговых атак и способах информирования о них.

Для изучения эффективности проведения профилактики, семинаров-тренингов среди сотрудников, а также в целях изучения потенциального влияния на восприимчивость к фишингу, ученые из Бристольского университета Эмма Вильямс (Emma J. Williams) и Адам Джоинсон (Adam N. Joinson) провели исследование, по результатам которого было выяснено, что «факторы относительно полученной эффективности защитной информации могут прямо влиять на будущее намерение на взаимодействие с данной информацией» [15.13]. То есть, при установлении эффективности информации для защиты от фишинга пользователи склонны использовать ее в виртуальном пространстве.

Фишинговые атаки направлены на дезинформацию потенциальной жертвы и побуждение перейти ее по ссылке, базируясь на таких человеческих качествах, как неосторожность, торопливость, невнимательность. ТакжеД.В. Бахтеев считает, что «самая распространенная и опасная форма фишинга – рассылка пользователям интернет-банков электронных писем, содержащих уведомление о необходимости произвести какие-то действия с учетной записью и ссылку, внешне похожую на адрес входа в личный кабинет пользователя. В указанных способах интернет-мошенничества вместо прямого взлома защищенной системы (например, интернет-банка) мошенники используют уязвимость психологии пользователя, его невнимательность, индифферентное отношение к рутинным операциям, доверчивость, жажду наживы» [16.25].

Компания Microsoft опубликовала в конце 2019 года отчет о тенденциях вредоносного ПО и кибербезопасности в 2019 году, в котором также рассказала о росте активности фишинговых атак [17.1]. По словам Microsoft, количество обнаруженных фишинговых писем выросло с 0,2% в январе 2018 года до 0,6% в октябре 2019 года. В то время как количество фишинговых атак увеличилось, общее число вымогательского программного обеспечения,криптомайнерови других вредоносных программ сократилось.

Существует очень много видов фишинга:

СМС-фишинг (он же смишинг) — рассылки на телефонные устройства, но вместо отправки электронных писем отправляются текстовые SMS-сообщения. Цель – получение конфиденциальной личной информации в виде кода подтверждения или пароля для осуществления доступа к системе онлайн-банкинга. В основном, данные смишинговые сообщения приходят от банков якобы для подтверждения личности либо для повышения безопасности Вашего банковского счета.

Мейл-фишинг– сбор живых имейл-адресов для спам-базы. Направлен на получение информации об активности получателя письма, нужен для последующего направления иных фишинговых писем.

Войс-фишинг — (англ. voice — голос) — жертве, позвонившей по указанному телефонному номеру, воспроизводятся заранее записанные «дежурные» аудиозаписи от имени сотрудников банка или официального предприятия.




*Рис. №1. Фишинговое письмо.*

Спир-фишинг (англ. spear — копьё) — направляется конкретному лицу для получения персональной или «служебной» информации, отличается большей продуманностью и предшествующим тщательным анализом социальной активности лица.

Вейлинг (англ. whale — кит) — фишинг, направленный на руководящие кадры определенного предприятия или фирмы, так как получение доступа к личным данным предоставляет больше возможностей для хакерских атак целого предприятия. Инструментом фишинга обычно служит имейл с поддельной клиентской жалобой.

Кэтфишинг (англ. catfish — сом) — распространен на сайтах знакомств, мошенник от имени подставного лица, реже своего, направляет письмо для получения личной информации для последующего получения доступа к системе онлайн банкинга или банковскому счету.

Участились рассылки в социальных сетях о якобы предоставлении возможности выиграть последние версии телефонов марки IPhone, Samsungпри ответе на вопросы. Рассылка выглядит так: https://go2ere.com/NGF1enV6. При переходе на этот сайт и предоставлении ответов, запрашивается конфиденциальная информация вроде номера банковской карты и срок действия.

Мерой безопасности от фишинговых писем является бдительность пользователей, нельзя переходить по отправленным ссылкам. Следует помнить, что банки никогда не будут просить переходить по ссылке или просить код подтверждения, пришедший на телефон. Прежде чем переходить по ссылке, следует скопировать ссылку и вставить в любой WORD-документ. Как правило, выйдет больше сотни комбинаций разных знаков, букв и цифр, что и говорит о том, что перед вами фишинговое письмо.

При нажатии на ссылки, находящиеся в фишинговом письме, можно наблюдать перенаправление пользователя на несколько сторонних сайтов, что и должно заставить задуматься.

Необходимо обратить внимание на букву S («secure» – «безопасный») в значке https///: в адресной строке, что указывает на безопасность вводимого сайта.

Следует также регулярно обновлять антивирусные программы, использовать сертифицированные программы обеспечения, особенно если компьютерное устройство является служебным.

## ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА


1. *Илинич Е.В.* Мошеннические операции с банковскими пластиковыми картами как угроза экономической безопасности в сфере банковской деятельности // Экономика, Статистика и Информатика. – 2013. – №6. – С.41.

2. Oxford Reference. https://www.oxfordreference.com/search?q=computer%20fraud

3. Архив суда по уголовным делам Олотского района. 2021 г.

4. Постановление Пленума Верховного суда Республики Узбекистан №35 «О судебной практике по делам о мошенничестве» от 11.10.2017

5. Конвенция о компьютерных преступлениях. Будапешт, 23 ноября 2001 года. https://rm.coe.int/

6. Internet fraud. FBI. https://www.fbi.gov/scams-and-safety/common-scams-and-crimes/internet-fraud. Дата обращения 13.02.2021

7. Swiss Criminal Code of 21 December 1937 (Status as of 1 July 2020). https://www.admin.ch/opc/en/classified-compilation/19370083/index.html

8. 8. https://ru.wikipedia.org › wiki › Фишинг

9. *Хафизова Л.С.* Уголовно-правовые и криминологические аспекты противодействия финансовому мошенничеству: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Нижний Новгород, 2008. http://www.dissercat.com/content/ugolovno-pravovye-i-kriminologicheskie-aspekty-protivodeistviya-finansovomu-moshennichestvu

10. *Юрочкин Н.С.*Кибермошенничество: характеристика, приемы и методы его совершения // Таврический научный обозреватель. – 2016. – №12 (17). – С. 158 www.tavr.science

11. https://www.bbc.com/news/technology-49674663Дата обращения. 13.01.2020

12. https://www.osp.ru/winitpro/2019/03/13054903

13. *Киаран Мартин.* GCHQ. Национальная стратегия кибербезопасности 2016–2021. Великобритания. HM Government. июнь 2015 г. https://assets.publishing.service.gov.uk/government/uploads/system/uploads/attachment_data/file/643426/Russian_translation_-_National_Cyber_Security_Strategy_2016.pdf

14. NCSC Phishing Attacks: Defending Your Organisation. https://www.ncsc.gov.uk/phishing. Дата обращения. 10 июля 2018 года

15. *Emma J. Williams and Adam N. Joinson.* Developing a measure of information seeking about phishing. Journal of Cybersecurity, 2020, Vol. 6, No. 1. P. 13.

16. *Бахтеев Д.В.* О некоторых современных способах совершения мошенничества в отношении имущества физических лиц //Российское право. –2016. – №3. – С.25.

17. The quiet evolution of phishing. https://www.securitylab.ru/news/503372.php

*Ҳ. Б. Давронов**

# КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРИШИШНИНГ ТАРИХИЙ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

**Аннотация.** Мақолада коррупциянинг келиб чиқиши ва унга қарши курашиш тарихи, Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш тенденцияси ёритилган.

**Таянч сўзлар:** коррупция, коррупциянинг келиб чиқиш тарихи, коррупцияга қарши курашишнинг халқаро тажрибалари, Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш, қонун, ҳуқуқий бўшлиқ.

## ЭТАПЫ ИСТОРИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ И ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ ПРОТИВОДЕЙСТВИЯ КОРРУПЦИИ

**Аннотация.** В статье рассматривается история возникновения и борьбы с коррупцией, тенденции борьбы с коррупцией в Узбекистане.

**Ключевые слова:** коррупция, история возникновения коррупции, международный опыт борьбы с коррупцией, борьба с коррупцией в Узбекистане, законодательство, правовая лазейка.

## STAGES OF HISTORICAL DEVELOPMENT AND LEGAL BASIS FOR COMBATING AGAINST CORRUPTION

**Annotation.** This article examines the history of the emergence and fight against corruption, trends in the fight against corruption in Uzbekistan.

**Key words:** corruption, history of corruption, international experience in fighting corruption, fighting corruption in Uzbekistan, legislation, legal loophole.

Инсонни қийин аҳволга туширадиган, руҳан эзадиган ҳолатлар ичида энг оғири адолатсизлик, дейиш мумкин. Унинг бир илдизи коррупция билан боғлиқ бўлиб, бу шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этишида ифодаланади.

Коррупциянинг тарихий илдизлари жуда қадим замонларга тақалиб, бу ҳол қабилада маълум мавқега эга бўлиш учун қабила сардорларига совғалар бериш одатидан келиб чиққан деб тахмин қилинади. Ўша даврларда бу одатий ҳол сифатида қабул қилинган. Бироқ инсоннинг маданий ривожланиши натижасида давлат аппаратининг мураккаблашуви ва марказлашуви коррупциянинг давлат ривожланишига катта тўсиқ эканлигини кўрсатди. Коррупцияга қарши курашган биринчи давлат сифатида қадимги Шумер давлати тан олинади. Қадимги давлатларнинг, айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни порахўрлиги қаттиқ ташвишга солганлиги бизгача сақланиб қолган манбалардан маълум. Чунки бу ҳолат давлатнинг обрўсига жуда қаттиқ путур етказади.

* ***Давронов Ҳусниддин Бахронович,*** *Ички ишлар вазирлиги Кадрлар бош бошқармаси бўлим бошлиғи.*

Муқаддас Ислом динининг муқаддас китоби, яъни Қуръони Каримда «Бошқаларнинг мулкини ноҳақ йўл билан олмангиз ва бошқаларга тегишли бўлган нарсаларни олиш учун ўз мулкингиздан ҳокимларингизга пора қилиб узатмангизлар» дейилган бўлса, Инжилда «Совғаларни қабул қилма, чунки совға кўрни кўрадиган қилади ва ҳақиқатни ўзгартиради» дейилган [1].

XVIII асрнинг иккинчи ярмига келиб, жамият давлат бошқарув аппаратининг иш сифатига тобора кўпроқ таъсир кўрсата бошлади. Бу ўша даврда қабул қилинган бир қатор қонун ҳужжатларида қайд этилгани билан изоҳланади. Жумладан, 1787 йилда қабул қилинган АҚШ Конституциясида пора олиш АҚШ президентини импечментга тортиш мумкин бўлган икки жиноятнинг бири сифатида кўрсатиб ўтилган [2]. Сиёсий партияларнинг вужудга келиши ва уларнинг мамлакат ҳаётидаги мавқеининг ошиб бориши XIX–XX асрларда ривожланган давлатларда коррупциянинг дунёнинг бошқа мамлакатларига нисбатан анча камайишига олиб келди.

Хўш, коррупция ўзи нима?

«Коррупция» термини лотинча «corruptio» сўзидан келиб чиққан бўлиб, унинг этимологик маъноси «бузиш, сотиб олиш»дир. Ушбу икки сўз коррупция тушунчасини белгилаб беради.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг коррупцияга қарши курашга оид маълумотномасида: «Коррупция – шахсий мақсадда фойда олиш учун давлат ҳокимиятини суиистеъмол қилиш» эканлиги кўрсатилган.

Юридик атамалар қомусий луғатида коррупция тушунчасига «...мансабдор шахс ўз мансаб ваколатлари соҳасида ҳар қандай шаклдаги ҳақ эвазига мазкур ҳақ берувчининг манфаатларида, лавозим йўриқномаси қоидаларини бузган ҳолда ёки бузмасдан муайян ҳаракатларни бажариши ёки бажармаслигидир», деб таъриф берилган.

Ўзбекистон миллий энциклопедиясида эса «Коррупция – бу мансабдор шахснинг ўз мансаби бўйича берилган ҳуқуқларни шахсий бойиш мақсадларида бевосита суиистеъмол қилишидан иборат амалиётдир», дея қайд этилган.

Коррупцияга қарши курашда халқаро миқёсда давлат хизмати сифатини кўтариш, давлат хизматчиларининг фуқаролар олдидаги масъулиятини ошириш ва ахлоқий маданиятини ривожлантиришга қаратилган ҳужжатларга қўшилиш, уларга амал қилиш ҳар қандай давлат учун муҳим аҳамиятга эга.

Бундан ташқари, XX аср охирларида давлатлар сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан тобора мураккаблашиб бориши натижасида коррупция ҳам ўз кўринишини мураккаблаштириб борди. Шу сабабли, БМТ томонидан коррупцияга қарши курашиш борасида қуйидаги ҳужжатлар қабул қилинди:

1) «Ҳуқуқий тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахсларнинг хулқ-атвор Кодекси» (БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 1979 йил 17 декабрда қабул қилинган);

2) Ҳуқуқий тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахсларнинг хулқ-атвор кодексини самарали амалга оширилиши учун раҳбарий принциплар (БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши резолюцияси билан 1989 йил24 майда қабул қилинган);

3) Давлат мансабдор шахсларининг Халқаро хулқ-атвор кодекси (БМТ Бош Ассамблеясининг Резолюцияси билан 1996 йил 12 декабрда қабул қилинган);

4) БМТнинг Халқаро тижорат операцияларида коррупция ва порахўрликка қарши кураш тўғрисидаги Декларацияси (БМТ Бош Ассамблеясининг Резолюцияси билан 1996 йил 16 декабрда тасдиқланган);

5) Терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенция (БМТ Бош Ассамблеясининг Резолюцияси билан 1999 йил 9 декабрда қабул қилинган);

6) БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисидаги Конвенцияси (БМТ Бош Ассамблеясининг Резолюцияси билан 2000 йил 15 ноябрда қабул қилинган);

7) БМТ Форумининг офшорлар бўйича Коммюникеси (Кайман ороллари, 2000 йил 30-31 март);

8) Коррупцияга қарши курашиш чоралари. Пулни тозалашга қарши кураш чоралари. Жиноятчилик ва одил судлов: XXI аср чорловига жавоблар тўғрисидаги Вена декларациясини амалга ошириш Ҳаракат режаси (БМТ Бош Ассамблеясининг Резолюцияси билан 2002 йил 15 апрелда қабул қилинган);

9) БМТнинг Коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги Конвенцияси (БМТ Бош Ассамблеясининг Резолюцияси билан 2003 йил 31 октябрда қабул қилинган) [3].

Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш жараёни ривожланишини дастлабки ва замонавий босқичларга ажратиш мумкин.

Дастлабки босқич коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари яратилиши билан характерланади. Ушбу босқичда қуйидаги ишлар амалга оширилди:

Вазирлар Маҳкамасининг «Хусусий мулк ва тадбиркорликни коррупция, рэкет ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа турларидан ҳимоя қилишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги1994 йил 11 май 247-сон қарори;

Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Жиноят кодекси;

Ўзбекистон Республикасининг «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида»ги 2008 йил 27 июнь қонуни;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш услубиётини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2015 йил 25 декабрь 2745-сон буйруғи.

2016 йилда Ш.Мирзиёев мамлакат раҳбарлигига келганидан сўнг барча соҳаларда кенг кўламли ислоҳотлар бошланди. Натижада коррупцияга қарши курашиш соҳасини замонавий босқичга кўтариш мақсадида қуйидаги ташкилий-ҳуқуқий ва институционал асослар яратилди:

Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги 2017 йил 3 январь қонуни;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 2 февраль ПҚ-2752-сон қарори;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш услубиётини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 2018 йил 1 июнь 307-мҳ-сон буйруғи;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги 2019 йил 14 март 2412-III-сон қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2019 йил 27 май ПФ-5729-сон фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 2020 йил 29 июн ПҚ-4761-сон қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2020 йил 29 июнь ПФ-6013-сон фармони;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 2020 йил 31 декабрь 829-сон қарори;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 2021 йил 24 февраль 2-мҳ-сон буйруғи.

Мазкур иллатга қарши муросасиз курашишнинг ижобий натижаси ўларок, 2020 йил якунлари бўйича коррупция ҳолатларини баҳоловчи «Transparency international» халқаро ноҳукумат ташкилотининг «Коррупцияни қабул қилиш индекси» рейтингида Ўзбекистон 146-ўринни (2019 йилда 153-ўрин) эгаллади [5].

Аммо олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида эришилаётган ижобий ютуқларга қарамай, коррупцияга қарши курашиш соҳасида мавжуд муаммолар сақланиб қолмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маълумотларига кўра, 2020 йилда судлар томонидан 2270 нафар шахсга нисбатан коррупция ҳолати бўйича жиноят иши кўриб чиқилган бўлиб, 1056 нафар шахсни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 211-моддаси (Пора бериш), 825 нафар шахсни ЖК 209 моддаси (Мансаб сохтакорлиги), 184 нафар шахсни ЖК 205 моддаси (Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш), 133 нафар шахсни ЖК 210-моддаси (Пора олиш) билан жиноий жавобгарликка тортиш масаласи кўриб чиқилган [5].

Бош прокуратура хабарига кўра, сўнгги икки йилда коррупциявий жиноятлар оқибатида республика бўйича 371 миллиард сўм бюджет маблағини талон-торож қилиш ҳолати аниқланган [6].

Таҳлилларга кўра, коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг 23 % ишсизлар, 17 % таълим, 7 % тиббиёт, 5 % банк, 3% қурилиш, 3 % ички ишлар тизими ходимлари томонидан содир этилган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, жаҳонда ва Ўзбекистон Республикасида коррупциянинг олдини олиш ва профилактика қилиш, ҳуқуқий ва ташкилий-институционал механизмларни такомиллаштириш юзасидан муҳим ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Аммо шундай бўлса-да, бугунги кунда коррупция иллати трансмиллий аҳамият касб этиб, дунё давлатлари иқтисодиётига ва сиёсий легитмлигига зарар етказаётганлиги, давлатларнинг халқаро майдондаги обрўсига жиддий таъсир

этаётганлиги унга қарши курашиш самарадорлигини ошириш ва коррупция жиноятларини бартараф этиш бўйича механизмларни такомиллаштириш йўлидаги тадқиқотларни янада жадал суръатларда давом эттириш зарурлигини кўрсатмоқда.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР


1. Коррупция: унинг тарихий илдизлари, коррупцияга қарши кураш усуллари. https://xorazm.adliya.uz/ xorazm/uz/publikatsii/korupciya/?ELEMENT_ID=2467. 02.06.2021 й.
2. The Constitution of the United States of America. https://www.concordia.edu.ua/wp-content/uploads/2019/06/ 0-6.-The-Constitution-of-the-United-States.pdf. 02.06.2021 й.
3. БМТнинг Коррупцияга қарши курашиш конвенцияси. https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/convention 27.03.2021.
4. Corruption Perceptions index. https://www.transparency.org/en/cpi/2020/index/nzl (04.04.2021)
5. O'zbekistonda korrupsion jinoyatlar asosan kim tomonidan sodir etilishi ma'lum qilindi. https://daryo.uz/2021/03/31/ozbekistonda-korrupsion-jinoyatlar-asosan-kim-tomonidan-sodir-etilishi-malum-qilindi/?utm_source=@daryo (31.03.2021)
6. Бош прокуратура: 371 миллиард сўм бюджет маблағи талон-торож қилинган. https://uza.uz/uz/posts/bosh-prokuratura-371-milliard-som-byudzhet-mablagi-talon-torozh-qilingan_240012 (03.04.2021)

***А. С. Тошматов*,***
***Р. Т. Рашитходжаев*****

# ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИ НАЗАРИЯСИНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

**Аннотация.** Мақолада тезкор-қидирув фаолиятининг асосий ривожланиш босқичлари, ўрта асрлардан ҳозирга қадар унинг концептуал жиҳатлари, унга бўлган ёндашувлар, ахборотлаштириш, тезкор-қидирув усулларини одатий амалий вазиятларга мослаштириш, жиноят-қидирув ҳуқуқининг шаклланиши ва ривожланиши масалалари таҳлил қилинган.

**Таянч сўзлар:** тезкор-қидирув фаолияти, жиноят-қидирув ҳуқуқи, назарияси, юридик кадрлар тайёрлаш.

## ЭТАПЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ТЕОРИИ ОПЕРАТИВНО-РОЗЫСКНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

**Аннотация.** В статье рассмотрены основные этапы развития оперативно-розыскной деятельности, ее концептуальные аспекты, начиная со средневековья и до наших дней, проанализированы различные точки зрения об информатизации оперативно-розыскной деятельности, адаптации оперативно-розыскных методов в повседневной практической ситуации, формировании оперативно-розыскного права и вопросы его развития.

**Ключевые слова:** оперативно-розыскная деятельность, оперативно-розыскное право, теория, подготовка юридических кадров.

## STAGES AND PROSPECT OF DEVELOPMENT OF THE THEORY OF OPERATIONAL-SEARCH ACTIVITY

**Annotation.** The article analyzes the main stages of the development of operational-search activity, from the Middle Ages to the present, its concretionary aspects, its approaches, informatization, adaptation of operational - search methods to the usual practical situations, the formation and development of criminal-search law.

**Key words:** operational-search activity, theory, training of legal personnel.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган дастлабки йиллардан бошлаб, мамлакатни ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларидан бири қонун устуворлиги, қонунийлик, шахс ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, қисқача айтганда, ҳуқуқий давлат ва одамлар ҳуқуқий онгини шакллантиришни таъминлашга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳисобланган [1].

1990 йиллардаги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар жараёнида олимлар жиноятчиликка қарши курашнинг тезкор-қидирув амалиётини назарий жиҳатдан таъминлаш ва тезкор-қидирув фаолияти назариясининг методологик асосларини

* ***Тошматов Азизбек Самаритдинович,*** *Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институтининг жиноятчиликка қарши курашиш кафедраси катта ўқитувчиси.*
** ***Рашитходжаев Рустам Тулкунович,*** *Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 1-сонли Тошкент академик лицейи директори.*

мустаҳкамлаш бўйича ишларни кучайтирдилар. Мутахассислар «Милиция тўғрисида»ги, «Тезкор-тергов фаолияти тўғрисида»ги ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда фаол қатнашдилар.

Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонуни қабул қилингунига қадар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаши мумкин бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг тезкор-қидирув фаолиятидан бошқа барча турлари қонунчиликда тартибга солинган эди.

Қонун ҳужжатларини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, тезкор-қидирув фаолияти уни амалга ошириш механизмини очмаган ҳолда қатор қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган эди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (121-м.), Жиноят-процессуал кодекси (339,382-мм.), Жиноят-ижроия кодекси (68-м.), Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги (4,8,28 ва 31 мм.), «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги (4-м.), «Адвокатлик фаолияти кафолатлари ҳамда адвокатларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида»ги (7-м.), «Наркотик воситалар ва психотроп моддалар тўғрисида»ги (29,39 мм.) ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топганди.

Тезкор-қидирув фаолияти фан сифатида шаклланишига қадар турли тарихий даврларни бошидан кечирган. Тезкор-қидирув фаолияти назарияси асрлар оша чуқур тарихга эга бўлган бошқа бир қатор юридик фанларга нисбатан ёш ҳисобланади. У криминологияда пайдо бўлди ва кейинчалик ундан мустақил фан сифатида ажралиб чиқди.

Тезкор-қидирув фаолиятининг фан сифатида шаклланишини унинг ривожланиш тарихидан алоҳида ажратиб ўрганиб бўлмайди. Унинг қаерда ва қачон пайдо бўлганлиги ҳақида аниқ маълумотлар мавжуд эмас, лекин ибтидоий даврларда ҳам бугунги кунда олимлар томонидан номланаётган тезкор-қидирув тадбирларига ўхшаш ҳаракатлар бажарилган (масалан, олов олиш сирларини ўрганиш, ов ва балиқ овлаш учун энг яхши жойларни аниқлаш, душман қабилаларининг ниятини ўрганиш ва бошқ.).

Кейинчалик давлат томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг турларидан бири сифатида, давлатнинг разведка ва контрразведка фаолияти негизида тезкор-қидирув фаолияти шаклланган ва ҳозирги кунда бу усуллар жиноятчиликка қарши курашишда ҳам кенг қўлланилмоқда.

Ўзбекистонда разведка фаолияти ҳам чуқур тарихий илдизларга эга ва давлатчилик тараққиёти билан узвий боғлиқдир. Тарихий манбалар қадимда ватанимиз ҳудудида вужудга келган давлатларда ҳарбий жангчилардан ташқари «соқчи», «қоровул», «чокар», «шихна», «ясовул», «кўкалдош», «муҳтасиб», «посбонбоши», «сарбоз», «миршаббоши» ва «миршаб»лар ҳукмдор қароргоҳи, қалъалар ва бошқа иншоотларни қўриқлаш, қишлоқ ва шаҳарлардаги осойишталик ва жамоат тартибини сақлаш, аҳоли хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш, айбдорларни аниқлаш, топиш ва жазолаш каби вазифаларини бажарган.

Шу каби тузилмалар негизида бугунги ички ишлар органлари шаклланганлиги, бу эса, ўз навбатида, ички ишлар органлари ўзбек давлатчилиги тарихи билан чамбарчас боғланган тарихий илдизларига эга эканлигидан далолат беради. Шу билан бирга, тезкор-қидирув фаолиятининг тарихини Россияда вужудга келган шу соҳа тарихи билан боғлаб ўрганиш фойдадан холи эмас.

1903 йили Россия полиция департаменти қошида детектив идоралар раҳбарлари учун ўқув курслари ташкил этилган ҳамда ўқув маърузаларини тажрибали детектив В.И. Лебедев олиб борган. У 1909 йилда алоҳида китоб шаклида маърузалар курсини

нашр этиб, ўша даврдаги полиция бошқармасида жиноят-қидирув соҳасида туб ислоҳотлар амалга оширилган. Унда детектив бўлинмаларнинг шахсий таркиби, уларнинг ташкилий тузилиши, жиноят-тергов усулларини соддалаштириш ва унинг назарий қоидаларини ишлаб чиқиш ҳақида тўхталиб ўтилган.

Шунингдек, тезкор-қидирув ишларининг назарий ва амалий асослари ҳам такомиллаштирилган. 1918 йилнинг ўрталарига келиб, мамлакат раҳбариятига жиноятчиликка қарши кураш муаммосини ҳал қилишда одатий (отлиқ) усуллар орқали ҳал қилиш натижа бермаётганлиги аён бўлди. Шундан сўнг барча даражаларда профессионал ва ихтисослашган бўлинмаларни шакллантириш чоралари кўрилди ва 1918 йилнинг 5 октябрида Россия Социалистик Федератив Совет Республикаси (РСФСР) Ички ишлар халқ комиссарлиги Ҳайъатининг қарори билан бош милиция (Главмилиция) бошқармаси таркибида Жиноят-қидирув марказий бошқармаси (Центророзыск) ташкил этилди.

Жиноятчиликка қарши кураш билан шуғулланувчи органларнинг ташкил этилиши ва фаолияти давомида улар фаолиятини ташкиллаштириш, ходимларнинг касбий маҳоратини ошириш ва иш услубларини такомиллаштириш муаммолари юзага келди. Узоқ вақт давомида ушбу муаммолар маҳаллий детектив бўлинмалар раҳбарлари томонидан амалга оширилди, яъни улар қўл остидаги ходимлари билан машғулотлар олиб бордилар, уларни тегишли буйруқ ва кўрсатмалар билан таништирдилар.

Жиноятчиликка қарши кураш муаммолари тўғрисида октябрь тўнтаришигача бўлган ҳуқуқий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатади, тезкор-қидирув фанининг фаол шаклланиши XIX аср охири XX аср бошларида содир бўлган. Ҳукумат томонидан тезкор-қидирув билимларини тарқатиш ва жорий этишга қаратилган саъй-ҳаракатлар, нафақат кенг тарқалган жиноятчилик, балки инқилобий ҳис-туйғуларнинг ўсиши ва ижтимоий-сиёсий вазиятнинг кескинлашиши билан ҳам олдиндан белгилаб қўйилган эди.

1918 йилнинг 25 ноябрида Бош милиция барча жиноят-қидирув идораларига жиноятчиликка қарши кураш ишларини юқори даражага кўтариш ҳамда «фаолиятлари алоҳида аҳамиятга эга эканлиги»ғояси асосида фаолият олиб бориш ҳақидаги топшириқни илгари сурди. Шу асосда 1918 йилнинг ноябридан махсус ўқув курсини ўтайдиган малакали жиноят-қидирув ходимлари ва суд экспертларини тайёрлаш чоралари кўрилди.

Собиқ совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида Бутунроссия фавқулодда комиссияси ва ишчи-деҳқон милициясининг тезкор-қидирув бўлинмалари тезкор-қидирув функциясини бажарган. 1918 йилда Жиноят қидируви тўғрисидаги низом қабул қилинди ва шу даврдан бошлаб, жиноятчиликка қарши курашишда жиноят-қидирув бўлинмалари етакчи ўринни эгаллади.

1922 йилнинг март ойида жиноят-қидирув бўлимлари ва маъмурий ишлар бўйича бўлимлар бошлиқларининг биринчи Бутунроссия Конгресси бўлиб ўтди. Ушбу конгрессда тезкор-қидирув фаолияти илмий ташкилотининг вазифалари шакллантирилди. Марказий қидирув таркибида илмий-техник бўлим ташкил этилди ва уни илмий жиҳатдан таъминлаш ҳамда ривожлантириш юзасидан зарур чоралар кўрилди.

Ўтган асрнинг 20–30-йилларида РСФСР ва бошқа республикаларнинг ички ишлар органлари мустақил разведка патрулини такомиллаштириш учун тезкор-қидирув хизматлари фаолиятининг ташкилий ва таркибий жиҳатлари соддалаштирилди. Бармоқ излари ва тезкор-қидирув маълумотлари олиш тизими такомиллаштирилди, қидирув ишлари бўйича мутахассислар ўқитилди ва бошқа шу каби ислоҳотлар амалга

оширилди [2]. Ушбу йилларда жиноят-қидирув бўлими, кейинчалик Социалистик мулкни ўғирлашга қарши курашиш бўлими (ОБХСС) тезкор бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш бўйича бир қатор қўлланмалар ва кўрсатмалар ишлаб чиқилди ва нашр этилди.

Суд экспертизаси негизида тезкор-қидирув фаолияти назарияси шаклланди. РСФСР Ички ишлар халқ комиссарлигининг (НКВД) Марказий қидируви катта инспектори И.Н.Якимовнинг янгича ташкил этилган шароитларда амалга оширган тезкор фаолияти юзасидан орттирган тажрибаси ва тушунчалари асосида «Замонавий қидирув санъати» номли мақолалари нашр этилди. Муаллиф полиция қидирув ишларини таҳлил қилиб, совет жиноят-қидирув бўлими фаолиятини такомиллаштириш имкониятларини кўриб чиқди ва биринчи марта тезкор-қидирув санъатининг илмий шартлари тўғрисида сўз юритди [3].

Ўтган асрнинг 40- ва 50-йилларининг биринчи ярмида тезкор-қидирув фаолияти соҳасидаги илмий тадқиқотларнинг ўтказилиши сезиларли даражада пасайди. Тезкор-қидирув фаолияти назариясига фақат амалий интизом томонидан ёндашиш унинг ривожланишига тўсқинлик қилди, шунингдек ушбу даврга хос бўлган бўрттирилган махфийлик натижасида бошқа юридик фанларнинг вакиллари тезкор-қидирув фаолияти муаммоларини ўрганишда иштирок этиш имкониятларидан маҳрум эди.

Шунингдек, 30- ва 50-йилларнинг биринчи ярмида тезкор-қидирув фаолияти усулларини илмий умумлаштиришда мамлакатдаги авторитаризм ва шахсга сиғинишнинг кучайгани ҳам унинг ривожланишига сезиларли даражада тўсқинлик қилди. Доимий равишда тезкор-қидирув аппаратининг куч тузилмалари «тозаланиши» натижасида профессионал тузилмани шакллантиришга, тажрибани ўрганиш ва умумлаштиришга имкон бўлмади. Тезкор-қидирув фаолиятига фақат амалий интизом ва бўрттирилган махфийлик сифатида ёндашиш бу йўналишдаги илмий тадқиқотларнинг ривожланишига йўл қўймади. Бу эса мазкур йўналишдаги олимларнинг мазкур фан муаммоларини ўрганишдан четлаштирилишига олиб келди. Тадқиқотлар фақат эмпирик даража билан чекланиб, натижалар деярли фақат ёпиқ идоравий қоидаларда умумлаштирилди.

Шундай бўлса-да, шундай оғир замонларда ҳам тезкор-қидирув фани тўхтаб қолмади. Иккинчи жаҳон уруши даврида Марказий милиция мактабида С.Д.Соловёвнинг таҳрири остида «Милициянинг тезкор иши» курси учун ўқув материаллари, етакчи ўқитувчилар маърузаларининг стенографик ёзувлари, кўргазмали қуроллар альбомлари тайёрланди ва нашр этилди. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг тезкор бўлинмалар шахсий таркибини тиклаш бошланди. Тезкор-қидирув фаолияти соҳасидаги назарий тадқиқотларни тиклаш учун ташкилий чоралар кўрилиб, унинг ташкилий-ҳуқуқий ва назарий муаммолари бўйича тадқиқотлар босқичма-босқич олиб борилди.

Тезкор-қидирув фаолияти назариясини янада ривожлантириш учун энг қулай шарт-шароитлар 1950 йилларда шакллантирилди. Кейинчалик ички ишлар органларининг тезкор-қидирув фаолияти предмети мустақил илмий фан тармоғи сифатида шакллантирилди. 1954 йилда собиқ СССР (бундан буён Иттифоқ) Ички ишлар вазирлигининг Олий мактабига айлантирилган Марказий милиция мактаби ходимлари томонидан унинг шаклланиши, ривожланиши ва илмий тадқиқ этилишига ҳал қилувчи ҳисса қўшди. Мактаб ходимлари томонидан бир қатор ўқув қўлланмалари, кейинчалик тезкор-қидирув фаолияти бўйича дарсликлар тайёрланди.

Тезкор-қидирув фаолияти назарияси масалаларини ривожлантиришнинг жадаллашиши 1956 йилда тезкор-қидирув ишлари кафедрасининг ташкил

этилиши билан бевосита боғлиқдир. Ушбу кафедра жамоаси (собиқ Иттифоқ ИИВ Академиясининг кафедраси сифатида) А.Г.Лекарь раҳбарлигида ва кейинчалик Д.В.Гребельский, В.А.Лукашов, В.Г.Бобровлар бошчилигида тезкор-қидирув фаолияти курсининг илмий ва назарий асослари мустаҳкамланди.

Шу билан бирга, бошқа олий мактабларнинг ихтисослаштирилган кафедралари томонидан ҳам муваффақиятли изланишлар олиб борилди.

Хусусан, собиқ Иттифоқ Ички ишлар вазирлиги илмий-тадқиқот институти қошида тезкор-қидирув муаммоларини илмий ишлаб чиқиш бўлими ташкил этилди. «Тезкор-қидирув фаолияти» бюллетени жиноятчиликка қарши курашда махсус куч, восита ва усуллардан фойдаланишни ўрганиш ва умумлаштириш учун мунтазам равишда нашр этила бошланди.

Тезкор-қидирув фаолияти соҳасидаги илмий изланишлар давлат хавфсизлик органлари тизимида фаол олиб борилиб, 90-йилларда бу жараёнга божхона органлари, солиқ қўмитаси, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи бошқа тузилмалар мутахассислари, шунингдек, идоравий бўлмаган фан вакиллари ҳам қўшилдилар.

1958 йилда собиқ Иттифоқ ва иттифоқдош республикаларнинг жиноят-процессуал асослари ҳамда Жиноят-процессуал кодекслари қабул қилиниши муносабати билан тезкор-қидирув фаолияти биринчи марта жиноятчиликка қарши курашнинг давлат функцияси сифатида тан олинди.

Собиқ Иттифоқ Ички ишлар вазирлиги олий мактабининг тезкор ишлар бўйича кафедраси ходимлари криминология, жиноят процесси ҳамда бошқа юридик фанларнинг илмий ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ички ишлар органлари фаолиятида оператив-қидирув фаолиятининг назарий ва амалий муаммоларини ўргана бошладилар. Дастлабки назарий муаммолар Р.С.Белкин, А.И.Винберг, Д.В.Гребельский, М.П.Карпушин каби таниқли олимларнинг асарларида ўз аксини топиб, айниқса профессор А.Г.Лекарнинг фундаментал асарлари катта аҳамиятга эга бўлди.

Иқтисодий соҳада операцион бўлинмаларнинг муваффақиятли ишлаши илмий қўллаб-қувватлашни талаб қилди. 1976 йилда собиқ Иттифоқ Ички ишлар вазирлигида таниқли олим Г.К.Синилов бошчилигида социалистик мулкни ҳимоя қилишнинг иқтисодий ва ҳуқуқий муаммолари бўйича илмий-тадқиқот лабораторияси яратилди.

1980 йилларда илмий-тадқиқот жамоалари жиноятчиликка қарши курашнинг тезкор-қидирув функциясини қонунчилик йўли билан тартибга солиш ғоясини амалга оширишга ҳаракат қилдилар ва тегишли таклифлар киритдилар. Бироқ уларнинг кўпчилиги идоравий актларни ишлаб чиқишда ҳисобга олинмади, бунинг сабаблари сифатида давлат раҳбариятининг, хусусан, вазирлик ва идораларнинг сиёсийлашганлигини айтиш мумкин.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг 1991 йилдан шу кунга қадар демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнида 2012 йил 25 декабрда Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди.

Ушбу қонун жиноятчиликка қарши курашда тезкор-қидирув кучлари, восита, усул ва шаклларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий асосини яратиш ва мустаҳкамлаш учун жиддий истиқболга айландики, бу ҳол қўйилган мақсадларга юқорироқ ташкилий ва тезкор-тактик даражада эришиш имконини беради. Мазкур қонун тезкор-қидирув фаолиятининг мавжудлигини ҳам, унинг энг муҳим қоидаларини ҳам бевосита тартибга солувчи олий юридик кучга эга ҳужжат ҳисобланади.

Тезкор-қидирув қонунчилиги нормалари ва турли идоравий меъёрий ҳужжатлар ўртасидаги зиддиятларнинг мавжудлиги, маҳаллий ва хорижий тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда тизимли қиёсий ёндашув асосида тезкор-қидирув фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга эди. Унинг яна бир самарали томонларидан бири – тезкор-қидирув методикасининг тезкор-қидирув тадбирлари ўтказиладиган вазиятларга мослаштирилишидир. Методика илгари тезкор-қидирув фаолияти фанида алоҳида ўрин эгаллаб, унинг ташкилий шаклларидан бири сифатида эътироф этилди. Бу жиноят содир этганликда гумон қилинган шахсларнинг ҳаракатларини ҳужжатлаштириш бўйича илмий тавсиялар бўлиб, улар тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш учун ташкилий шакл бўлиб хизмат қилади ва моҳиятига кўра тезкор-қидирув методикаси функцияларини бажарди [4]. Тезкор-қидирув фаолияти назариясининг йўналишлари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ва бир-бирининг ривожланишини рағбатлантиради.

Шундай қилиб, сўнгги йилларда замонавий фан ва техника ютуқлари (информатика, электроника, кибернетика ва бошқ.) тезкор технологиянинг янги воситаларини яратиш учун ишончли асос яратди. Жиноят процессида оператив аҳамиятга эга бўлган маълумотларни қайд этиш, сақлаш ва олиб қўйиш мақсадида махсус техника воситаларидан фойдаланишнинг назарий ва амалий жиҳатлари такомиллаштирилди.

Ўзбекистонда тезкор-қидирув фаолияти фанининг ривожланишига ўз ҳиссасини қўшган олимлар сифатида Д.Н.Назарбаев, Ў.Д.Жўраев, Р.Р.Саитбаев, Ю.С.Пулатов, А.А.Хамдамов, Т.Р.Саитбаев, В.Г. Каримов, Б.Э.Закиров, В.В.Черушев, М.С.Бекмурзин, М.Утаев, Р.Атаев, А.В.Тян, У.Р.Кабулов, С.Н.Гордеев ва Ш.К.Гиясов ишларини келтириш мумкин. Уларнинг муаллифлигида давлат тилида бир қатор ўқув қўлланмалари, шарҳлар нашр қилинди. Ушбу ўқув адабиётларда тезкор-қидирув ҳуқуқи фанининг методик хусусиятга эга қоидалари, мазмуни ва норматив-ҳуқуқий тартибга солиниши каби жиҳатлари ўрганилиб, унинг натижалари амалиётга татбиқ этилганлиги билан аҳамиятлидир.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, тезкор-қидирув фаолиятини доимий такомиллаштириш мақсадида бу соҳадаги илмий изланишларни амалга ошириш ва амалиётга кенг татбиқ этиш давр талабидир.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР


1. *Каримов И.А.* Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т.19. – Т., 2011.

2. Оперативно-розыскная деятельность: Учебник / Под ред. К.К.Горяинова, В.С.Овчинского, А.Ю.Шумилова. – М., 2001. – С.18.

3. *Дубоносов Е.С.* Основы оперативно-розыскной деятельности: Курс лекций. – М., 2002. – С.12.

4. *Климов И.А., Синилов Г.К.* Предмет, система, методология, история и перспективы развития теории оперативно-розыскной деятельности:Учебное пособие. – М., 1995. – С.13.

*М. Р. Саидов**

# ТОҒЛИ ҲУДУДЛАРДА ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШИШ ФАОЛИЯТИ ДАСТЛАБКИ БОСҚИЧИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

**Аннотация.** Мақолада тоғли ҳудудларда терроризмга қарши курашиш фаолияти дастлабки босқичининг хусусиятлари бўйича ташкилий чора-тадбирлар ёритилган.

**Таянч сўзлар:** терроризм, экстремизм, жиноят, ҳуқуқбузарликлар, тоғли ҳудуд, тезкор бўлинма, гуруҳ, олдини олиш, суриштирув.

## ОСОБЕННОСТИ ПЕРВОНАЧАЛЬНОЙ СТАДИИ БОРЬБЫ С ТЕРРОРИЗМОМ В ГОРНЫХ РАЙОНАХ

**Аннотация.** В статье рассматривается организационная деятельность оперативных аппаратов на первоначальном этапе их деятельности в борьбе с терроризмом в горных районах.

**Ключевые слова:** терроризм, экстремизм, преступность, преступления, горная местность, оперативные подразделения, группа, профилактика, расследование.

## SPECIFICS OF THE INITIAL STAGE IN FIGHTING AGAINST TERRORISM IN MOUNTAINOUS AREAS

**Annotation.** The article deals with the organisational measures on specifics of the inition stage in fighting against terrorism in mountainous areas.

Keywords:terrorism, extremism, crime, delinquency, mountainous terrain, rapid division, grouping, prevention, inquiry.

Давлатимиз раҳбари Ш.М. Мирзиёев 2017 йил сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида: «Бу борада кўп ҳолларда таҳдидларни келтириб чиқараётган асосий сабаблар билан эмас, балки уларнинг оқибатларига қарши курашиш билангина чекланиб қолинмоқда. Халқаро терроризм ва экстремизмнинг илдизини бошқа омиллар билан бирга, жаҳолат ва муросасизлик ташкил этади, деб ҳисоблайман. Шу муносабат билан одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир» [1], деб алоҳида таъкидлаб ўтган.

Мавзунинг долзарблиги ва унинг моҳиятини тўлиқ ёритиб бериш«терроризм»га юридик атама тариқасида изоҳ берилишини талаб қилади. Чунки бу борада ҳалигача якдил фикр йўқ. Чунончи, америкалик мутахассислар Т.Арнольд ва М.Кеннеди «терроризм тушунчасига таъриф бериб бўлмайди, деган фикрга кўпчилик қўшилади», [2] – деб ҳисоблайдилар. Уларнинг ватандошларидан В.Маллисон ва С.Маллисон эса террорчилик жиноятининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида сўз юритиб, «террор – бу оммавий ёки сиёсий мақсадларга эришиш учун мунтазам равишда ашаддий зўрлик ишлатиш ва зўрлик ишлатиш билан қўрқитишдир [3], – деб таъкидлайди. Бундан ташқари, терроризмга қарши курашда кўплаб олимлар илмий изланишлар олиб

* ***Саидов Миёнфарух Рабиуллаевич,*** *Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси терроризм ва одам савдосига қарши курашиш кафедраси катта ўқитувчиси.*

бормоқда, улар ҳам терроризмга оид юридик атамалар хусусида ўзига хос қатор фикр ва ғояларни баён қилишган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг қатор моддалари (155, $155^1$, $155^2$, $244^1$, $244^2$, $244^3$-м.) [4]да терроризм, тайёрланаётган ёки содир этилган террорчилик ҳаракатлари тўғрисидаги маълумотлар ва фактларни хабар қилмаслик, террорчилик фаолиятини амалга ошириш мақсадида ўқувдан ўтиш, жамоат хавфсизлиги ва тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш, диний-экстремистик, сепарастик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш, диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Ички ишлар органлари тезкор аппаратларининг вазифаси тоғли ҳудудларда терроризмга қарши курашда содир этилиши мумкин бўлган жиноятларнинг олдини олиш, аниқлаш ва унга чек қўйиш ҳамда оқибатини минималлаштиришдан иборат. Ушбу фаолиятни тўғри ташкил қилиш ва унинг самарадорлиги ҳар бир содир этилган ёки аниқланган жиноят учун жазонинг муқаррарлиги, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва тиклаш принципини таъминлашда, одил судловнинг муваффақиятли амалга оширилиши учун шарт-шароитлар яратишда ғоят катта аҳамият касб этади. Ўсиб бораётган талабларни инобатга олган ҳолда жиноятларни очиш ишининг даражасини янада такомиллаштириш чоралари кўрилмоқда.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, жиноятчилик таркибида ғаразли жиноятларнинг хусусияти ўзгармоқда: биринчидан, малакали усулда содир этилаётган жиноятларнинг ушбу тури ўсиб бораётгани кўзга ташланмоқда; иккинчидан, жиноятчиларнинг профессионаллик элементлари ошмоқда; учинчидан, жиноятга тайёргарлик кўриш ва уни содир этишда замонавий қурол-аслаҳалар, Интернет тармоғидаги ҳар хил сайт ва гуруҳлар орқали тарғибот қилиш ва бошқа шу каби усуллардан кенг фойдаланмоқдалар.

Буларнинг барчаси экстремистик руҳдаги террорчилар томонидан содир этадиган ғаразли қабиҳ жиноятларининг очилишини ташкил қилишда туб бурилиш ясаш зарурлигини тақозо этади.

Бу биринчи навбатда терроризм ва экстремизм жиноятларини содир этишга алоқадор номаълум шахсларни тез ва самарали аниқлашга имкон берувчи ахборот олишда катта имкониятларга эга бўлган тезкор-қидирув фаолиятини такомиллаштиришга тааллуқлидир. Тоғли ҳудудларда терроризм жиноятларининг олдини олиш, аниқлаш ва унга чек қўйишда ички ишлар органлари тезкор аппаратлари фаолияти дастлабки босқичда муҳим ўрин тутади.

Ушбу йўналишда энг истиқболли жиҳат, назаримизда, ташкилий бошқарув ҳисобланади, унда ҳозирги вақтда ички ишлар органлари тезкор аппаратлари фаолиятининг асосий резервлари мавжуд.

У мазкур жиноятларни очишнинг дастлабки босқичида алоҳида аҳамият касб этади. Ҳозирги вақтдаги асосий вазифа терроризм ва экстремизмга қарши курашиш хизматининг тезкор-тактик маҳоратини ошириш, унинг ҳужумкорлиги ва ҳаракатчанлигини муттасил ўстириш, бу йўналишда ўз касбини мукаммал эгаллаган ходимларнинг кўпайтириб боришга эришишдан иборат. Ички ишлар органларининг тоғли ҳудудларда терроризмга қарши кураш олиб борувчи тезкор бўлинма ва гуруҳлари ходимлари учун асосий масала терроризмга оид жиноятларнинг олдини олиш, аниқлаш, улар фаолиятига чек қўйиш ҳамда уларни «иссиқ изидан» моҳирлик ва тезкорлик билан очишдан иборат.

Тадқиқотларга кўра, тоғли ҳудудларда содир этилиши эҳтимоли бўлган терроризм жиноятларининг олдини олиш, аниқлаш ва унга чек қўйишга қаратилган дастлабки ҳаракатлар, кўп ҳолларда эмпирик тажриба асосида бошқарилади, ҳолбуки, ушбу мақсадда назария ва амалиётда уларнинг кетма-кетлигини белгиловчи илмий асосланган принцип ва вазифаларнинг махсус тизими ишлаб чиқилган.

Терроризм жиноятчилигига қарши курашиш масаласида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан терроризм жиноятчилигини аниқлаш, унинг олдини олиш ва унга чек қўйишнинг дастлабки чоралари тизимини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Ушбу вазифанинг қўйилиши ички ишлар органлари тизимида терроризмга қарши курашишни янада такомиллаштиришнинг қонуний натижасидир. Унинг амалда бажарилиши ҳозирги пайтда ички ишлар органларининг тезкор-техник жиҳатдан юксак даражада жиҳозланган, тезкор ва бошқа тоифадаги ходимларнинг юксак онглилиги, интизомлилиги ва моҳир касб эгаси эканлиги билан таъминланмоқда. Терроризмга қарши курашиш ва ушбу турдаги жиноятларни олдини олишга янгича ёндашув дастлабки тезкор-қидирув тадбирлари ва кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатлари самарадорлигининг ошиб бориши билан боғлиқ бўлиб, жиноятчиликка қарши кураш ташкилий механизмини такомиллаштиришга доир чоралар мажмуидаги муҳим ҳалқадир.

Шу жиҳатдан қараганда террорчилик жиноятлари бўйича дастлабки тезкор-қидирув тадбирлари ва кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатлари долзарб эканлигини тушуниб олиш катта назарий ва амалий қизиқиш уйғотади. Терроризмга оид жиноятларни олдини олишда тезкор ва тергов органлари ҳамда бошқа аппаратларнинг ҳамкорлигини ташкил қилиш, процессуал, криминалистик ва тезкор-қидирув воситалари ва усулларини мақбул равишда уйғунлаштириш, терроризм жиноятларини очишнинг дастлабки босқичида ушбу бўлинмаларнинг фаолиятини холисона баҳолаш масалаларининг ҳал этилиши ушбу тадбирларнинг мақсадлари, хусусияти ва ҳажмини тўғри белгилашга боғлиқ.

Адабиётларда ички ишлар органлари соҳасидаги ҳамкорлик тушунчасига қуйидаги фикрлар келтириб ўтилган. Ички ишлар органларида ҳамкорлик деганда, одатда қонунлар ва қонуности ҳужжатларига асосланган ҳолда ички ишлар органлари тизими турли бўғинларининг мақсад, жой ва вақт бўйича келишилган фаолияти тушунилади [5].

Тоғли ҳудудларда содир этилган ёки содир этилиши эҳтимоли бўлган терроризм жиноятларини очиш, аниқлаш ва олдини олишнинг дастлабки босқичида суриштирув ва дастлабки тергов органлари қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этиш керак:

– жиноят ҳодисаси ҳақида ахборотга эга бўлган моддий изларнинг йўқолиб қолиши ёки ўзгариши имкониятининг олдини олиш мақсадида, тез аниқлаш ва процессуал жиҳатдан мустаҳкамлаш;

– жабрланувчилар, гувоҳлар ва жиноят ҳақида бошқа хабардор шахсларни аниқлаш, улардан жиноят ҳодисаси, жиноятчи шахси ва ғайриқонуний қилмишни очишга ёрдам бериши мумкин бўлган ҳолатлар ҳақида дарҳол маълумотлар олиш;

– олинган маълумотлардан жиноятларни аниқлаш, очиш ва унга чек қўйиш борасидаги тадбирларни режалаштириш, қидирув ва тергов тахминларини ишлаб чиқиш, янги далилларни олиш ҳамда жиноятга алоқадор шахслар ва уларнинг етакчиларини аниқлаш ва ушлашга қаратилган тезкор-қидирув ҳаракатларини ташкил қилишда фойдаланиш;

– бошқа ғаразли, тайёрланаётган жиноятларга доир маълумотлар олиш, ҳуқуқбузарликларга ёрдам берувчи шарт-шароитларни аниқлаш, жиноят туфайли зарарли оқибатлар юз беришининг олдини олиш.

Жиноятларни очишнинг дастлабки босқичи вазифаларини бажариш ички ишлар органлари куч ва воситаларидан комплекс фойдаланиш заруратини, уларга раҳбарлик қилишни биргаликда амалга ошириш, вақт ҳамда моддий ва молиявий ресурсларни тежаган ҳолда, энг самарали ташкилий шаклларни яратишда муҳим аҳамият касб этади.

Тоғли ҳудудларда содир этилган терроризм ва экстремизмга оид жиноятларни очиш борасидаги ишларнинг дастлабки босқичида фаолиятни тўғри ташкил қилиш ички ишлар органлари тезкор аппаратлари барча зарур тезкор-қидирув ва бошқа тадбирларни уюштиришини, қолган хизматлар эса улар қўйган вазифалар доирасида ҳамкорликда иштирок этишини тақозо этади. Бу қуйидаги имкониятларни беради: тоғли ҳудудларда содир этилиши эҳтимоли бўлган терроризм жиноятларининг аниқланиши ва унга чек қўйилишини умумий даражасини кўтариш; террорчилар фаолиятини ўз вақтида тўхтатиб қолиш мақсадида профилактик ишларни кучайтириб, аниқлаш масаласига алоҳида эътиборни қаратиш ва шу йўл билан кўп эпизодли жиноят ва ҳаракатларнинг олдини олиш.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, жиноятларнинг очилиш эҳтимоллиги жиноят содир этилган пайтдан сўнг вақт ўтиши билан пасайиб боради. Шу боис ғаразли жиноятлар содир этилганлиги ҳақида хабар олинганда ҳодиса жойига зудлик билан тезкор тергов гуруҳи жўнатилиши, ички ишлар органларининг тезкор навбатчиси тезкор гуруҳ раҳбари билан доимий алоқага чиқиб туриши ва зарур ахборотни олиб туриши керак. Ушбу ахборот асосида терроризм жиноятини аниқлаш, олдини олиш ва очишнинг дастлабки босқичида барча мавжуд куч ва воситаларни ишга солиш мумкин бўлади.

Ушбу турдаги жиноятларни аниқлаш, олдини олиш ва очишда ички ишлар органлари раҳбарлари томонидан тезкор тергов гуруҳларини тўлиқ ҳолда жиноят содир бўлган жойга чиқиши, жиноятни очишда куч ва воситалардан комплекс фойдаланишини таъминлаши ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

«Жиноятларнинг очилиши, – деб таъкидлайди В.А.Лукашов, – жазонинг муқаррарлиги принципини таъминловчи жиноят процесси субъектлари (суд, прокуратура, терговчи, суриштирув органи)нинг ўз ваколати доирасида жиноятларни очиш ва тергов қилишга қаратилган тезкор-қидирув, процессуал ва бошқа ҳаракатларни амалга ошириш йўли билан таъминлашга; айбдор шахсларни аниқлаш ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жазолашга доир фаолиятидир» [6].

Терроризмга оид содир этилган ёки содир этилиши режалаштирилаётган жиноятларни аниқлаш, олдини олиш ҳамда очишда комплекс хусусиятга эга терроризмга қарши курашувчи тезкор бўлим ва бўлинмалардан ташқари бошқа соҳавий бўлим ва бўлинмалар ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳам иштирок этади. Зарур бўлганда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан ҳам фойдаланилади. Бундай шароитларда ички ишлар органлари тезкор аппаратларининг вазифаси жиноятни очишда бевосита иштирок этиш билан бир қаторда, мавжуд куч ва воситалардан комплекс фойдаланишни уюштиришни ҳам ўз ичига олади.

Тоғли ҳудудларда содир этиладиган террорчилик жиноятларининг олдини олиш ва очишда энг асосий йўналишларидан бири ички ишлар органлари тезкор аппаратларининг ушбу турдаги содир этилган жиноятларни очишда тезкор шайлигини таъминлашдир.

Тезкор-қидирув фаолияти тажрибасини тадқиқ этиш натижалари содир этиладиган жиноятларни аниқлашда ўз вақтида чора кўриш билан бирга, уларни тез ва тўла очиш ўртасида бевосита алоқадорлик борлигини кўрсатмоқда.

Жиноят содир этилган жойда қидирув-суриштирув ҳаракатларини бошлаш вақти кечиктирилиши жиноятчиларга қўл келади, уларнинг ҳодиса жойидан қочиб яширинишига, изларни йўқотиш ва фойдаланган предметларини яширишга имкон беради, ашёвий далилларни топиш ва мустаҳкамлашга тўсқинлик қилади.

Аксарият ҳолда эса суриштирув-қидирув ҳаракатларининг ҳажми ошиб кетади, натижада уларни бажариш учун қўшимча куч ва воситалар жалб этилади.

Шу боис айнан доимий тезкор тайёргарлик кўп жиҳатдан уюшган гуруҳлар томонидан тоғли ҳудудларда содир этилган жиноятларни очиш борасидаги ишларнинг дастлабки босқичида жиддий, баъзан эса тузатиб бўлмас камчиликларга йўл қўймаслик имконини беради.

Тезкор тайёргарлик навбатчилик қисмлари, патруль-пост хизмати, жиноят-қидирув бўлинмалари, ҳудудий профилактика инспекторлари, ички ишлар органларининг тоғли, чегара ҳудудларда хизмат олиб борувчи тезкор бўлинмалари ва гуруҳлари бундай ҳудудларда содир этилган жиноятларни очиш борасида дастлабки тезкор-қидирув ва бошқа тадбирлар ўтказилишини таъминловчи Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати, Давлат хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари ва Давлат божхона қўмитаси хизмати ходимларининг келишилган ва илгаридан тайёргарлик ҳаракатларини тақозо этади.

Буларга қўшимча қилиб айтиш жоизки, шаҳар, туман ички ишлар органининг бошлиғи ўз қўл остидаги бўлинмалар ва ходимларнинг тезкор тайёрлигини ошириш вазифасини ҳал этиш билан бирга, навбатчилик қисми ва тезкор-қидирув аппаратига тайёрланаётган, содир этилган жиноятлар ҳақида, шунингдек уларнинг содир этилишига алоқадор шахслар ҳақидаги ахборотнинг ўз вақтида етказиб турилишини доимо диққат марказида сақлаши керак.

Ҳуқуқбузарликлар энг кўп содир этиладиган жойларда, айниқса туман ва туман марказидан узоқда жойлашган тоғли ҳудудларда яшайдиган аҳоли пунктларида телефон ва бошқа тармоқларини кенгайтириш мақсадга мувофиқдир.

Дастлабки тезкор-қидирув тадбирлари тизимида ҳодиса жойига чиқиш учун хизмат қиладиган навбатчи тезкор тергов гуруҳлари муҳим ўрин эгаллайди. Улар жиноят-қидирув бўлими, бўлинма (гуруҳ)лари тезкор ходимларини, ички ишлар органлари терговчилари, эксперт-криминалистлар, қидирув итлари бўлган инспектор кинологларни ўз ичига олади.

Ҳодиса содир этилган жойда ҳал қилинадиган асосий вазифалар қуйидагилардан иборат:

– жиноятнинг аниқ ҳолатларини, белгиларини, аломатларини аниқлаш ва бу тўғрида тезкор навбатчига хабар бериш;

– жиноятчиларни воқеа содир бўлган жой ва унинг атрофида тезкорлик билан таъқиб этиш ва улар пайдо бўлиши эҳтимоли энг кўп бўлган жойларда қидирув ишларини олиб бориш;

– терроризм жиноятларини содир этган шахслар ва уларнинг етакчиларини қидириб топиш, шоҳидларини аниқлаш ва улар билан жиноятни очиш учун муҳим бўлган ахборотни олиш бўйича тезкор-қидирув тадбирлари ва бошқа ҳаракатлар мажмуини ўтказиш.

Бунда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

биринчидан, тоғли, чегара ҳудудлардаги аҳоли яшаш жойларида терроризмга оид жиноятларни илгари содир этган шахслар ва ушбу жиноятни содир этишга мойил бўлган шахслар орасидан тезкор йўллар орқали текшириб кўриш;

иккинчидан, тоғли, чегара ҳудудларда яшовчи диний мутаассиб шахслар ва ноқонуний йўллар орқали яширин ҳужралар ташкил қилувчи шахслар орасидан тезкор суриштирув ўтказишда ички ишлар органига кўмаклашадиган шахсларни қидириб топиш ва улардан фойдаланиш;

учинчидан, тоғли, чегара ҳудудлардаги аҳоли яшаш пунктларида яшовчи овчи, ўрмончи, егер, асаларичи, гиёҳ терувчи, чўпон, чегара посбонлари ва бошқа шу кабилар орасидан керакли маълумотлар олиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Жиноятларни очишда шаҳар, туман ички ишлар органининг бошлиғи ёки унинг тезкор ишлар бўйича ўринбосарининг бевосита иштирок этиши жуда муҳим. Бунинг сабаби шундаки, содир этилган ёки содир этилиш эҳтимоли бўлган жиноятларни аниқлаш, олдини олиш, очиш ва унга чек қўйиш ёки содир этилиш оқибатини минималлаштиришнинг дастлабки босқичида куч ва воситаларни марказдан туриб тезкор бошқариш зарурати юзага келади. Бу эса шаҳар, туман ички ишлар органлари раҳбарларининг тегишли ҳокимият ваколатларини, зарур ҳолларда, бир қатор ички ишлар органлари кучларини мувофиқлаштиришни талаб этади.

Хулоса сифатида айтиш жоизки, бугунги кунда тоғли ҳудудларда терроризмга қарши курашиш фаолиятида терроризмга оид энг долзарб илмий ишланмаларни, унинг илғор шакллари ва усулларини ҳамда замонавий жиҳозланган мобиль қурилмали техник воситаларни ички ишлар органларининг тоғли ҳудудлардаги тезкор аппаратлари фаолиятига жорий этиш давр талаби. Бу каби муаммоларнинг ҳал этилиши тоғли ҳудудлардаги терроризм жиноятчилигининг тузилиши ва динамикасига, уларнинг олдини олиш ҳамда аниқланиши кўрсаткичига ижобий таъсир кўрсатади. Терроризмнинг содир этилиши эҳтимоли бўлган ёки содир этилган терроризм жиноятларининг олдини олиш, аниқлаш, унга чек қўйиш ва содир этилиши оқибатларини минималлаштириш [7] Ўзбекистон Республикаси «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги қонунининг10-моддасида белгилаб берилган асосий вазифаларидан бири эканлигини ҳар бир ички ишлар органи ходими унутмаслиги лозим.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР


1. https://old.xs.uz/index.php/homepage/rasmij/item/11214-zbekiston-prezidentining-bmt-bosh-assambleyasi-72-sessiyasidagi-nut-i-zha-on-ommavij-akhborot-vositala-rinigo-ida.

2. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари. – Т., 2005. – Б. 79.

3. *Ляхов Е.Г.* Терроризм и межгосударственные отношения. – М., 1991. – С.13–19.

4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси/ https://www.lex.uz /acts/111453.

5. Тезкор-қидирув хизматлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари ва ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлар билан ҳамкорлиги / Масъул муҳаррир Ш.Т. Икрамов. – Т., 2013. – Б. 24.

6. *Лукашов В.А.* К вопросу о понятии раскрытия преступлений // Теория и практика раскрытия преступлений оперативно-розыскными аппаратами органов внутренних дел: Труды Академии МВД СССР. – М., 1998.

7. Ўзбекистон Республикасининг «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги 167-II-сон қонуни // lex.uz/docs/29526

*Л. Ю. Югай**

# ЖИНОЯТЛАРНИ ФОШ ҚИЛИШ ВА ТЕКШИРИШДА ДНК МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

**Аннотация.** Мақолада ҳозирги шароитда жиноятларни фош этиш ва текширишда геном бўйича рўйхатга олишнинг аҳамияти баён этилган. Унда Буюк Британия, АҚШ, Исландия, Исроил ва бошқа давлатларда ДНК маълумотлар базаларидан фойдаланиш бўйича энг яхши хорижий тажрибалар таҳлил қилинган. Ўзбекистонда геном бўйича рўйхатга олишнинг тартиб-таомиллари кўриб чиқилган.

**Таянч сўзлар:** ДНК таҳлили, биологик материал, шахсни идентификация қилиш, геном бўйича рўйхатга олиш.

## НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ БАЗ ДАННЫХ ДНК В РАСКРЫТИИ И РАССЛЕДОВАНИИ ПРЕСТУПЛЕНИЙ

**Аннотация.** В статье расскрывается значение геномной регистрации в расследовании преступлений на современном этапе. Проводится анализ передового зарубежного опыта Великобритании, США, Исландии, Израиля и других государств по использованию баз данных ДНК. Рассматривается процедура осуществления геномной регистрации в Узбекистане.

**Ключевые слова:** ДНК-анализ, биологический материал, идентификация личности, геномная регистрация.

## SOME ISSUES OF USING THE DNA DATABASES IN DISCLOSURE AND INVESTIGATION OF CRIMES

**Annotation.** The article discusses the importance of genomic registration in the disclosure and investigation of crimes at the present stage. The analysis of the best foreign experience of Great Britain, the USA, Iceland, Israel and other states of using DNA databases is carried out. The procedure for the implementation of genomic registration in Uzbekistan is considered.

**Key words:** DNA analysis, biological material, personality identification, genomic registration

Маълумки, оғир ва ўта оғир ҳамда жинсий эркинликка қарши жиноятларни фош этишда шахснинг геномга оид ахборотларининг аҳамиятини баҳолаш мушкул. Бир неча томчи қон, сўлак, тер, сочлар, тери ва тирноқ қисмлари ёки бошқа биологик намуналар бир инсон тўғрисида ноёб маълумотларни тўплаш имконини беради. Ана шу маълумотларга қараб, ДНК таҳлиллари усулидан фойдаланган ҳолда, уни осон идентификация қилиш мумкин.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси жазони ўташ муассасаларида оғир жиноятларни содир этганлик учун судланган 8311 нафар, ўта оғир жиноятларни содир

* ***Югай Людмила Юрьевна,*** *Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг Олий ўқув юртидан кейинги таълим факультети докторанти,юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD).*

этганлик учун судланган 15765 нафар ҳамда жинсий эркинликка қарши жиноятларни содир этганлик учун судланган 1777 нафар шахс жазони ўтамоқда. Ўзбекистонда жинсий эркинликка қарши жиноятларни содир этганлик учун судланган 1,7 минг нафардан ортиқ ва ўта оғир жиноятлар учун судланган 15,7 минг нафар шахс қамоқхоналарда сақланмоқда. 2019 йил ва 2020 йилнинг 9 ойи мобайнида 720 та оғир ва 207 та ўта оғир жиноятлар очилмаган. Улар орасида: 35 таси – қотиллик, 18 таси – танага оғир шикаст етказиш, 5 таси – мажбурлашлар ва 11 таси – босқинчилик. Бундан ташқари, 2020 йилнинг 9 ойида 367 нафар бедарак йўқолган фуқароларнинг жойи ва 224 та номаълум мурданинг шахси аниқланмаган [1].

ДНК таҳлили соҳасидаги замонавий технология криминалистикада шахсни идентификация қилишда улкан истиқболларга эга. Бу усулдан фойдаланиш самарадорлиги бармоқ излари бўйича анъанавий дактилоскопия аниқлигидан ошиб кетади. Чунки аниқлаш шахсга хос параметрлар тўпламига асосланган.

Йил сайин тадқиқотларнинг технологик, аппарат-ускуна ва услубий базасининг такомиллашуви шахсни геном бўйича идентификациясини амалга ошириш мумкин бўлган объектлар рўйхатини кенгайтирмоқда ва ушбу таҳлил учун зарур бўлган намуналар сонини камайтирмоқда.

Илгари ДНК-экспертизада шахсни идентификация қилишда қон, сперма каби бир неча миллилитр объектлар керак бўлган бўлса, ҳозирда бунинг учун бир неча ўнта ядро ҳужайраларининг ўзи етарли. Бундан ташқари, митохондриал ДНК тадқиқ этишнинг параллел усулларининг ривожланиши мурда материали (суяк қолдиқлари, сочлар) бўйича ўнлаб йиллар давомида ерда ётган шахсни аниқлаш имконини берди [2, С. 248–253].

Ҳозирги кунда 69 та давлат Интерполга аъзо мамлакатлар томонидан тузилган ДНК маълумотлар базасидан фойдаланмоқда [3]. Хорижий давлатлар анчадан буён жиноятларни текширишда ДНК маълумотлар базасидан фойдаланади.

ДНК давлат базалари АҚШ, Буюк Британия, Хитой, Франция, Австрия, Норвегия, Германия, Канада, Австралия ва БАА (Бирлашган Араб Амирликлари) да ишлайди.

1998 йилдан буён АҚШ да Combined DNA Index System (CODIS), 1995 йилдан Буюк Британияда the National DNA Database (NDNAD), 1998 йилдан Францияда Fichier АҚШ да National Automatise des Empreintes Genetiques (FNAEG), 2001 йилдан Австралияда The National Criminal Investigation DNA Database (NCIDD) маълумотлар базаси фаолият юритади [4, С. 117–121].

Исландия маълумотлар базасида мамлакат бутун аҳолиси (қарийб 300 минг киши) нинг генотиплари сақланади.

Буюк Британия ДНК маълумотлар базасида нафақат турли жиноятлар бўйича судланган, балки шубҳали шахслар ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этган шахсларнинг ҳам намуналари рўйхатга олинган. Буюк Британиядаги the National DNA Database (NDNAD) ДНК маълумотлар базаси анча олдин ташкил этилган ва ўз фаолияти давомида такомиллашиб борган. 2005 йилда Буюк Британияда Миллий базада айбсиз фуқаролар, жумладан вояга етмаганларнинг ҳам генетик белгилари ҳақидаги маълумотларни сақлашга рухсат берадиган қонун қабул қилинди.

Бу турли ҳуқуқ ҳимоя қилиш ташкилотлари томонидан кўплаб норозиликларга сабаб бўлди [5, 6], натижада 2013 йилда Буюк Британия Миллий базасидан айбсиз инсонларнинг 1,7 миллиондан ортиқ намуналари йўқ қилинди [7]. Буюк Британия Миллий базасининг йиллик ҳисоботига кўра 2013 йил 31 мартда Буюк Британия аҳолисининг қарийб 10,5% и ҳамда турли жиноят жойларидан олинган 428 634

генетик профил рўйхатда турган. 2017 йил 31 декабрда ушбу тизим 6 151593 та рўйхатга олинган профилга эга бўлган [8, С. 93–97].

Агар бу кўрсаткични Буюк Британия аҳолиси сонига (65 млн киши.) нисбатан кўриб чиқадиган бўлсак, Буюк Британия умумий аҳолисининг қарийб 10 фоизи кўриб чиқилган рўйхатга олиш туридан ўтишган. Ушбу маълумотлар базасига шахсларнинг қуйидаги тоифалари бўйича геномга оид ахборотлар киритилиши мумкин: жиноят содир этишда гумон қилинганлар; жиноят содир этганликда айбланганлар; жиноят содир этишда айбдор деб топилганлар; ҳибсга олинганлар ва бошқалар.

АҚШ да Combined DNA Index System (CODIS) юритилади. 2017 йилда маълумотлар базаси 12 560538 нафар жиноятчининг профилини, яъни қўлга (ҳибсга) олинган шахсларнинг 2 495030 та ДНК профили ва жиноят жойларида изларни ўрганиш пайтида олинган 733 051 ДНК профиллар, жами – 788 619 та генетик профилларни ўз ичига олган. Бу АҚШ аҳолисининг қарийб 5 фоизини ташкил этган [9, С. 80–81].

АҚШнинг 1994 йилдаги геном бўйича рўйхатга олиш тўғрисидаги қонуни CODIS га киритилиши мумкин бўлган қуйидаги ДНК тоифаларини кўзда тутади: жиноят учун судланган шахслар; айблов қўйилган шахслар; жиноят жойида олинган ДНК намуналари; номаълум одам қолдиқларидан олинган ДНК намуналари; бедарак йўқолганларнинг қариндошларидан ихтиёрий равишда йиғилган ДНК намуналари.

Геном бўйича оммавий рўйхатга олиш инсонларни адолатсиз ҳукм қилиш ҳолатларини бартараф қилиш имконини беради.

Ушбу муаммо юзасидан ишончли баҳо бериш қийин, америкалик экспертлар барча маҳбусларнинг 2,3 фоизидан 5% гача бўлгани айбсиздир, деб ҳисоблашади. АҚШда 2 миллион нафардан ортиқ маҳбус бор. Демак, гап АҚШнинг ўзида 100 минг нафардан ортиқ бегуноҳ маҳкум борлиги ҳақида боряпти [10]. Айни пайтда АҚШда 5–10% жиноят ишларида ДНКни техник таҳлил қилиш мумкин. Гап шундаки, яқин вақтгача геноменни секвенирлаш жараёни узоқ вақт ва маблағни талаб этган. Бундан ташқари, анъанавий ДНК-дактилоскопия эгизаклар ўртасидаги фарқни аниқлай олмаган. Замонавий технологиялар ҳатто эгизакларда ҳам мавжуд бўлган ўша кичик фарқларни ҳам аниқлаш имконини беради. Буларнинг барчаси ДНК таҳлили қўлланиши мумкин бўлган жиноят ишлари сонини анча ошириши мумкин.

АҚШнинг «Innocence Project» нотижорат ташкилоти бевосита ДНК бўйича идентификациялаш ёрдамида айбсизликни исботлаш билан шуғулланади. Айни пайтда «Innocence Project» ташкилоти 362 нафар ноҳақ судланганларни озод қилишга эришди. Уларнинг 20 нафари ўлимга ҳукм қилинган эди. 2020 йил давомида ушбу ташкилот томонидан оғир жиноятлар бўйича судланган 9 нафар киши оқланган [11].

Хитой энг катта ДНК маълумотлар базасига эга. Ушбу мамлакат 2016 йилда 54 миллион профилга эга бўлган ва маълумотлар базасини яратиш учун миллиардлаб юань сарфлаган.

ДНКни таҳлил қилиш технологиялари полициянинг жиноятчиларни топиш имкониятларини анча кенгайтиради. Масалан, кетма-кет аёлларни ўлдирадиган қотилни топишга муваффақ бўлинди. Хитойда ўтказилган диспансеризация давомида унинг амакисининг ДНК таҳлили ўтказилганидан сўнг қотилнинг шахсини аниқлашга эришилди.

Қариндошларининг ДНК таҳлили ўтказилганидан сўнг жиноятчини идентификация қилишга оид яна бир мисол.

Цяньвэй уездининг икки нафар ишбилармонининг қотили ушбу уезд ҳудудидаги барча эркак талабаларнинг ДНК намуналари тўпланганидан сўнг топилган.

Исроиллик генетиклар қизиқарли тажриба ўтказишди. У АҚШнинг эркин фуқаросининг шахсини 60% ҳолатларда геном маълумотлар базасидан фойдаланган ҳолда битта ДНК намунаси бўйича аниқлаш мумкинлигини кўрсатади. Уларнинг хулосалари Science журналида тақдим этилди.

Бугунги кунда ўз мижозлари ўртасида қариндошлик алоқаларини ҳисоблаш, уларнинг ДНК намуналари асосида турли касалликларга мойиллигини аниқлаш билан шуғулланадиган Andme, Family Tree, Ancestry сингари компаниялар ва уларнинг бошқа рақобатчилари жадал ривожланмоқда.

2017 йил 18 августда АҚШ Президенти Дональд Трамп тезкор ДНК тўғрисидаги – Rapid DNA Act of 2017 қонунига имзо чекди. Ушбу қонун ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларига Федерал Тергов бюроси стандартлари ва тавсияларига биноан полиция участкаларида маълумотларни рўйхатга олишда жиноятчиларни қўлга олганда реал вақт режимида ДНК таҳлилини амалга оширишга имкон беради [12].

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 24 ноябрдаги «Геном бўйича давлат рўйхатига олиш тўғрисида»ги қонунига мувофиқ, геномга оид ахборотнинг ягона маълумотлар базаси ташкил этилади. У геномга оид ахборот ва одамнинг шахси ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади. Геном бўйича давлат рўйхатига олиш қуйидаги тартибда амалга оширилади: биринчи босқичда биологик материал олиш амалга оширилади, иккинчи босқичда биологик материалдан геномга оид ахборот олинади, учинчи босқичда геномга оид ахборот геномга оид ахборотнинг ягона маълумотлар базасига киритилади.

Геном бўйича давлат рўйхатига олишнинг иккита тури кўзда тутилмоқда: ихтиёрий ва мажбурий. Қуйидагилар геном бўйича мажбурий равишда давлат рўйхатига олинади:

– оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этишда гумон қилинувчи, айбланувчи сифатида жалб қилинган шахслар;

– оғир, ўта оғир жиноятларни содир этганлик, жинсий эркинликка қарши жиноятлар, ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа ва ўн олти ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатлар қилиш билан боғлиқ жиноятларни содир этганлик учун ҳукм қилинган шахслар (бундан буён матнда геном бўйича мажбурий равишда давлат рўйхатига олиниши лозим бўлган ҳукм қилинган шахслар деб юритилади);

– биологик материали терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов жараёнида олинган аниқланмаган шахслар;

– таниб олинмаган мурдалар (тана қолдиқлари, қисмлари).

Геном бўйича ихтиёрий равишда давлат рўйхатига олиш Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ёзма аризасига кўра пулли асосда амалга оширилади.

Биологик материални олишда махсус ахборот картаси тўлдирилади. Унга қуйидаги маълумотлар киритилади:

– жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми (мавжуд бўлган тақдирда), фуқаролиги, миллати, жинси, туғилган санаси ва жойи, доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги маълумотлар, шахсий идентификация рақами (мавжуд бўлган тақдирда) ёки шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг номи ва рақами;

– биологик материални олишни амалга оширувчи давлат органининг номи;

– биологик материални олишни ўтказиш санаси ва асоси;

– Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг шахс ҳукм қилинган моддаси, бундан ишда оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этишда гумон қилинувчи, айбланувчи сифатида жалб қилинган шахслар мустасно;

– биологик материални олишни амалга оширувчи шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми (мавжуд бўлган тақдирда), лавозими ва имзоси.

Оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этишда гумон қилинувчи, айбланувчи сифатида жалб қилинган таниб олинмаган мурдалар, шахсларнинг биологик материали ҳамда биологик материали терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов жараёнида олинган аниқланмаган шахсларнинг биологик материали Ўзбекистон жиноий-процессуал қонунчилигида кўзда тутилган муддат давомида сақланади.

Ҳукм қилинган шахсларни геном бўйича давлат рўйхатига олишни амалга оширишда олинган биологик материал ушбу материалдан геномга оид ахборот олингунига қадар сақланади.

ДНК-идентификация катта амалий «чора»га эга. Бугунги кунда бунинг самарасида, криминалистика йўналишида юз минглаб жиноятлар, жумладан олдинги йиллардаги ҳеч бир усулда фош этилмаган жиноятлар ҳам очилмоқда [13, С. 155–161].

Таъкидлаш жоизки, геном бўйича рўйхатга олиш самарадорлигининг далиллари билан бирга, геном бўйича мажбурий равишда давлат рўйхатига олиниши лозим бўлган шахслар рўйхатини кенгайтиришга йўл қўймаслик ва ДНК маълумотларини сақлашнинг хавфлилиги тўғрисида алоҳида фикр ва қарашлар мавжуд. Бу, шунингдек инсон ва фуқаронинг 5 та шахсга доир маълумотларини қайта ишлашда унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жумладан шахсий ҳаёт дахлсизлиги, шахсий ва оилавий сир ҳуқуқларининг етарлича ҳимоя қилинмаслиги билан боғлиқ хавотирдир. Шу билан бирга, бу ДНК маълумотининг уни ноқонуний фойдаланишдан етарлича ҳимояланмаслиги ҳамдир [14, С. 260].

Масалан, О. Четверикова геном бўйича рўйхатга олиш миллий хавфсизликка таҳдид солади, деб ҳисоблайди [15].

Ўз навбатида, Е.Ю. Жога, А.Ю. Васенин, И.А. Варченколар ДНК-рўйхатга олиш нафақат жиноятларни фош қилиш, балки авиаҳалокатлар, темир йўл транспорти, техноген фалокатлари ёки террорчилик ҳаракатларида ҳалок бўлганларнинг шахсини аниқлаш имконини ҳам беради, деган фикрдалар [4, С. 117–121].

Айни вақтда И.В. Глазунованинг қайд этишича, жамият ҳаётида ушбу тизимни қўллаш янада кенгайиши ваъда қилинмоқда, чунки бутун дунёда аҳолининг барча янги контингентларини геном бўйича рўйхатга олиш билан қамраб олиш тенденцияси кузатилмоқда. Шу сабабли, давлат биометрик рўйхатдан ўтказиш бўйича фаолиятининг ягона регламентини ўрнатиш зарурлиги тўғрисида гапириш мумкин [16, С. 47–50].

Геном бўйича рўйхатга олиш тарафдорлари геном бўйича оммавий рўйхатга олишни ёқлайдиган ва геном бўйича рўйхатга олиниши лозим бўлган шахслар қамровини кенгайтиришни таклиф қилувчиларга бўлинади.

Биринчи тарафдорлар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва шахсга доир маълумотларнинг хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ кўплаб қарама-қарши масалаларни юзага келтиради.

Қатор олимлар меҳнат мигрантлари томонидан содир этилган жиноятларнинг олдини олиш ва фош қилиш мақсадида ушбу тоифадаги шахсларнинг геном бўйича давлат рўйхатига олишни жорий қилишни таклиф этишмоқда [17, С. 57–60].

Масалан, М.М. Льянов геном бўйича рўйхатга олиниши лозим бўлган шахслар доирасини маъмурий ҳибсга олинган ҳамда оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этганликда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахслар билан кенгайтиришни таклиф қилади [18, С. 59–67].

Адабиётлар таҳлили шахсларнинг геном бўйича рўйхатга олишни қуйидаги афзалликларини аниқлаш имконини берди:

– геном бўйичаидентификация қилиш ДНК идентификация намунасисиз қариндошларни аниқлаш имконини берадиган ноёб биометрик технологияси ҳисобланади;

– кўпинча фуқаролар жиноят содир этганда, биологик изларни қолдиришади (сочлар, қон томчилари, тери қисмлари ва ҳ.к);

– бугунги кунда ДНК бўйича тезкор идентификация қилиш мосламалари қисқа муддатларда секвенирлашни амалга ошириш имконини бермоқда;

– автоматлашган воситалар маълумотлар базаси бўйлаб, геном маълумотларини тўплаш, қайта ишлаш, алмаштириш ва текшириш имконини беради.

Бугунги кунда геном бўйича рўйхатга олиш Ўзбекистонда янги ва ривожланаётган йўналиш ҳисобланади, бироқ ушбу соҳадаги қонунчиликни янада такомиллаштириш, дактилоскопик, габитоскопик сингари криминалистик ҳисоб турлари билан интеграциялаш жиноятларни фош этиш ва текшириш самарадорлигини ошириш ҳамда таниб олинмаган мурдалар, касаллиги ёки ёши сабабли ўзлари ҳақида маълумот беришга қийналаётган шахсларнинг шахсини зудлик билан аниқлаш имконини беради. Шунингдек, техноген ёки бошқа фалокатлар қурбонига айланган фуқароларнинг шахсини аниқлашга хизмат қилади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР


1. В тюрьмах Узбекистана сидит свыше 1,7 тысячи насильников и 15,7 тысячи лиц, осужденных за особо тяжкие преступления [Электронный ресурс]. – Режим доступа: https://podrobno.uz/cat/proisshestviya/v-tyurmakh-uzbekistana-sidit-svyshe-1-7-tysyachi-nasilnikov-i-15-7-tysyachi-lits-osuzhdennykh-za-oso/. – Дата доступа: 20.10.2020.

2. *Пименов М. Г., Кондратов С. А., Культин А. Ю.* и др. Современное состояние и перспективы развития криминалистического ДНК-анализа в системе ОВД России // Криминалистика. XXI век: Материалы науч.-практ. конф.: В 2 т. – Т 1. – М., 2001. – С. 248–253.

3. *Кубитович С. Н.* Биологическая экспертиза и учёт геномной информации в России// Вестник экономической информации. – 2018. – № 1. – С. 72–77.

4. *Жога Е. Ю., Васенин А. Ю., Варченко И. А.* Роль государственной геномной регистрации в предупреждении, раскрытии и расследовании преступлений // Гуманитарные, социально-экономические и общественные науки. – 2017. – № 6–7. – С. 117–121.

5. Полиция собрала 120 000 образцов ДНК несовершеннолетних британцев за последние два года: независимый доклад «Лиги Ховарда» от 21 мая 2013 г. [Электронный ресурс]. – Режим доступа: https:// pravo.ru/interpravo/news/view/85228/. – Дата доступа: 20.11.2020.

6. Великобритания собирает ДНК своих граждан [Электронный ресурс]. – Режим доступа: http://inosmi. ru/video/20090724/251011.html. – Дата доступа: 20.11.2020.

7. National DNA database strategy board annual report 2012-13 // National DNA database. – Great Britain, 2013 [Электронный ресурс]. – Режим доступа: https://www.gov. uk/government/uploads/system/uploads/ attachment_ data/file/252885/NDNAD_Annual_Report_ 2012-13. Pdf. – Дата доступа: 20.10.2020.

8. *Старченко А.В.* Современные возможности использования метода генотипоскопии в биологической экспертизе при расследовании преступлений // Известия Тульского государственного университета. Экономические и юридические науки. – 2015. – № 22. – С.93–97.

9. *Перепечина И. О.* Эффективность ДНК-анализа при раскрытии и расследовании // Вестник Московского университета МВД России. – 2017. – № 2. – С. 80–81.

10. *Титов А.* Биометрия от «А» до «Я» полное руководство биометрической идентификации и аутентификации. [Электронный ресурс] – Режим доступа:https://securityrussia.com/blog/biometriya.html. – Дата доступа: 20.10.2020.

11. Year in Review [Электронный ресурс]. – Режим доступа: https://innocenceproject.org/. – Дата доступа: 20.11.2020.

12. Rapid DNA General Information [Электронный ресурс] – Режим доступа: https://www.fbi.gov/services/laboratory/biometric-analysis/codis/rapid-dna. – Дата доступа: 20.11.2020.

13. *Баженова Л. В.* Перспективы развития генетической идентификации // Известия Тульского государственного университета. – 2016. – № 2–3. – С. 155–161.

14. *Сафонов А. А.,Курин А. А., Варченко И. А.* Закон принят, а нужна ли России геномная регистрация и каковы перспективы ее использования? // Общество и право. – 2009. – №5. – С. 260.

15. *Четверикова О.* Геномной регистрации быть не должно! [Электронный ресурс] – Режим доступа: http://rusplt.ru/our-people/our-people-1_164.html. – Дата доступа: 20.11.2020.

16. *Глазунова И. В.* Уголовно-процессуальный и криминалистический аспекты биометрической регистрации // Пенитенциарная наука. – 2015. – №4 (32). – С.47–50.

17. *Данилкин А. И., Белевцов И. Ю., Захаров И. П.* ДНК-технологии в судебно-экспертной деятельности: проблемы и перспективы развития // Вестник Академии экономической безопасности МВД России. – 2015. – № 2. – С. 57–60.

18. *Льянов М. М.* Развитие базы данных ДНК в Российской Федерации: проблемы и перспективы развития // Сибирские уголовно-процессуальные и криминалистические чтения. – 2018. – 2 (20). – С. 59–67.

*Ю. А. Яроцкая**

# КАТЕГОРИАЛЬНЫЙ АППАРАТ КУЛЬТУРОЛОГИЧЕСКОЙ ЭКСПЕРТИЗЫ

**Аннотация.** Культурологическая экспертиза, проводимая в Республике Беларусь, решает вопросы, связанные с отнесением объектов к порнографическим материалам и (или) предметам порнографического характера. Анализируется, в каких случаях изображения, содержащие порнографические элементы, не могут быть отнесены к порнографическим материалам и (или) предметам порнографического характера.

**Ключевые слова:** культурологическая экспертиза, порнографические материалы, предметы порнографического характера, половое развитие.

## МАДАНИЯТШУНОСЛИК ЭКСПЕРТИЗАСИНИНГ КАТЕГОРИЯ ҚУРИЛМАСИ

**Аннотация.** Белоруссия Республикасида ўтказиладиган маданиятшунослик экспертизаси порнографик материаллар ёки порнографик хусусиятга эга предметлар билан боғлиқ масалаларни ҳал қилади. Қандай ҳолатларда порнографик белгиларга эга расмлар порнографик материаллар ёки порнографик хусусиятли предметлар ҳисобланмаслиги таҳлил қилинган.

**Таянч сўзлар:** маданиятшунослик экспертизаси, порнографик материаллар, порнографик хусусиятга эга предметлар, жинсий ривожланиш.

## THE CATEGORICAL CONCEPT OF CULTUROLOGICAL EXAMINATION

**Annotation.** The culturological examination carried out in the Republic of Belarus solves issues related to classifying objects as pornography and (or) items of pornographic nature. The article analyzes in which cases images containing pornographic elements cannot be classified as pornography and (or) items of pornographic nature.

**Key words:** culturological examination, pornography, items of pornographic nature, sexual development

На сегодняшний день в эпоху всеобщей диджитализации всех сфер жизнедеятельности человека особую актуальность приобретают преступления, совершенные в виртуальном пространстве. Выше-указанное обусловливает рост показателей, связанных с изготовле-нием, распространением и демонстрацией порнографической продукции на постсоветском пространстве (о чем свидетельствуют количественные данные проведенных судебно-культурологических экспертиз в Республике Беларусь – около 1000 ежегодно). В правоприменительной практике закономерно возникают трудности в отнесении тех или иных объектов к порнографическим материалам или предметам порнографического характера. Для решения данных вопросов в Республике Беларусь с 2018 года проводится судебная культурологическая экспертиза.

* ***Яроцкая Юлия Александровна,*** *заведующая лабораторией психолого-лингвистических исследований ГУ «Научно-практический центр Государственного комитета судебных экспертиз Республики Беларусь», кандидат культурологии.*

В начале XX века изготовление и распространение порнографических материалов было признано международным преступлением, соответственно в 1923 году была принята Женевская конвенция «О пресечении обращения порнографических изданий и торговли ими». В первой статье данной Конвенции оговариваются предметы, носящие порнографический характер и запрещенные к распространению: «сочинения, рисунки, гравюры, картины, печатные издания, изображения, афиши, эмблемы, фотографии, кинематографические фильмы или другие порнографические предметы» [8]. В современном правовом контексте порнография считается «социально-психологическим явлением, присущим любому обществу независимо от его общественно-политической и культурной ориентации» [3, с. 36]. Анализ правоприменительной практики современных государств в отношении порнографических материалов позволяет выделить два подхода к существованию данного явления: первый связан с частичной легализацией порнографии, а второй – полным запретом на основании уголовной ответственности за изготовление/распространение/демонстрацию и т.д. порнографических материалов [7].

В некоторых странах, таких, как Германия, Латвия, Финляндия, Чехия, Швейцария, порнографическая продукция подразделяется на две категории: относительно допустимую и абсолютно недопустимую (детская порнография, изображения насильственных сексуальных действий и (или) половых девиаций) [7].

В Кодексе Ирана термин «порнография» заменен определением «вещи, наносящие вред общественной морали и нравственности» [9, с. 101] (однако их распространение не криминализуется в случае применения данных вещей в научных/полезных для общества целях при обязательном соблюдении принципов исламского религиозного закона) [9, с. 101].

В ряде стран (например, Япония, США) порнография определяется термином «непристойность». Так, например, «непристойность» в Японии определяется как «состояние наступления на принятые стандарты порядочности или скромности» или «то, что производит стыд в нормальном японском человеке, который сталкивается на публике с изображением или текстом, основное намерение которого или эффект состоят в том, чтобы стимулировать сексуальное желание» [13]. Очевидно, что эти определения невероятно расплывчаты и их интерпретация зависит от правоохранительных органов или официального комитета (Кодекса этической комиссии по кино –Эйрин).

В абзаце тридцать восьмом восьмого раздела Уголовного кодекса Республики Узбекистан (в редакции Закона Республики Узбекистан от 25 декабря 2020 года № ЗРУ-658) указано, что «порнографическая продукция – порнографическое произведение, а также материалы и предметы, либо созданные с помощью компьютерных технологий, не представляющие художественной ценности и не имеющие научного, медицинского или учебного назначения, содержащие описание либо фото-, видео- или иное изображение половых органов человека либо реально совершаемого человеком или имитируемого им полового акта» [11].

В Уголовном кодексе Республики Беларусь содержатся ст.ст. 343 и 343-1, предусматривающие ответственность за изготовление и распространение порнографических материалов или предметов порнографического характера. Однако содержание понятий «порнографические материалы» и «предметы порнографического характера» в кодексе не раскрывается.

Подобная терминологическая проблема существует и в зарубежной правоприменительной практике. Так, например, российские исследователи правовых понятий дают различную трактовку вышеуказанным терминам. Исследовательница М.В. Гусарова считает, что под порнографическими материалами или предметами порнографического характера следует понимать «любой элемент материального мира, содержащий детальную демонстрацию половых органов либо полового акта, не обладающий при этом культурной, научной и исторической ценностью и являющийся по своей сути оскорбительным для общественной нравственности» [5, с. 51] (подчеркивание наше).

При этом, в определении порнографии, приведенном российской исследовательницей Р.С. Джинджолией, также прослеживается оценочная категория: «описание или изображение полового органа, полового акта и/или половой аномалии в непристойном виде, осуществленное вопреки нравственным принципам эротического искусства, с нарушением требований научной сексологии и педагогики, способное вызвать извращенное сексуальное чувство» (подчеркивание наше). А предметы порнографического характера направлены на «нездоровую» стимуляцию сексуального возбуждения [6, с. 210].

Необходимо отметить, что понятия «вульгарный», «омерзительный», «циничный», «непристойный» и «антиэстетичный», которыми чаще всего оперируют при определении порнографических материалов или предметов порнографического характера, являются оценочными и зависят от моральных норм и нравственных взглядов, сложившихся в обществе в определенный период времени. Таким образом, отсутствие унифицированной трактовки вышеуказанных терминов на законодательном уровне приводит к ситуации, когда отнесение объектов, содержащих элементы порнографии, остается на усмотрение правоохранительных органов и судов.

Для решения вопросов, связанных с отнесением объектов к порнографическим материалам и (или) предметам порнографического характера в правоприменительной практике назначаются судебные экспертизы (в Российской Федерации и Украине – искусствоведческие).

В Республике Беларусь судебная культурологическая экспертиза решает вопросы:

а) отнесения объектов (содержащихся в них изображений) к порнографическим материалам и (или) предметам порнографического характера;

б) наличия в таких объектах (в случае их отнесения к порнографическим материалам и (или) предметам порнографического характера) изображения человека, имеющего признаки препубертатного (раннего пубертатного) периода полового развития (созревания) с выявлением, по возможности, соответствующего возрастного периода.

В соответствии с белорусской экспертной практикой под порнографическими материалами подразумевается визуальная или вербальная (текстовая) информация, предоставленная на экспертизу на электронных носителях (оптических дисках и т. д.); под предметами порнографического характера – информация, представленная на объектах, выполненных из различных материалов: бумаги, дерева, металла и др. [12, с. 595].

Необходимо отметить, что существует категория «продукция сексуального назначения», которая отличается от предметов порнографического характера. Под продукцией сексуального назначения подразумеваются изделия, аппараты, приборы

и приспособления, предназначенные для стимуляции сексуального возбуждения, и распространяющиеся в установленном порядке: их продажа осуществляется в упакованном виде и в специально предназначенных торговых объектах, размещаемых в соответствии с белорусским законодательством.

Общемировая практика едина в том, что изображение полового акта или наружных половых органов человека не является порнографией, если носит научный характер, определение которого находится в ведении экспертов, обладающих специальными знаниями.

Так, например, Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации под общей редакцией А.В. Наумова оговаривает, что «материал или предмет является порнографическим, если он, взятый как единое целое, направлен на возбуждение похоти (грубо чувственного полового влечения) и если он в явно, очевидно циничной, непристойной форме изображает половое поведение человека и при этом не имеет существенной литературной, художественной или научной ценности» [4, с. 17] (подчеркивание наше).

В соответствии с Кодексом Республики Беларусь о культуре от 20 июля 2016 № 413-З (ст. 1) под культурной ценностью понимаются созданные или переделанные человеком (или тесно связанные с его деятельностью) материальные объекты и нематериальное проявление его творчества, которые имеют историческое, художественное, научное или другое значение. Следовательно, объекты, содержащие порнографические элементы, но обладающие культурной ценностью, не попадают под категорию порнографических материалов или предметов порнографического характера.

Одним из критериев при отнесении объектов к порнографическим материалам или предметам порнографического характера является натурализм и детальность изображения/описания наружных половых органов человека, взаимодействия с ними или полового акта. Натуралистическое изображение/описание – «изображение или описание в любой форме и с использованием любых средств человека, животного, отдельных частей тела человека и (или) животного, действия (бездействия), события, явления, их последствий с фиксированием внимания на деталях, анатомических подробностях и (или) физиологических процессах» [1, с. 20] (согласно п. 11 ст. 2 Федерального закона Российской Федерации от 29.12.2010 №436-ФЗ «О защите детей от информации, причиняющей вред их здоровью и развитию»). Таким образом, к натуралистическим изображениям можно относить также графические, анимированные, анимационные и другие изображения, содержащие признаки порнографии.

Детальность изображения наружных половых органов человека способствует фиксации внимания на взаимодействии с ними (манипуляции, половом акте и др.) либо на анатомических подробностях строения наружных половых органов человека.

Вопрос об отнесении объектов к порнографическим материалам с изображением несовершеннолетних не может ставиться перед экспертами-культурологами, поскольку носит правовой характер и выходит за пределы их компетенции. В белорусской экспертной практике в объектах, отнесенных к порнографическим материалам или предметам порнографического характера, выявляются изображения человека, имеющего признаки препубертатного или раннего пубертатного периода полового развития (созревания) с установлением, по возможности, соответствующего возрастного периода.

Половое развитие (созревание) в широком смысле является процессом превращения детского организма во взрослый, способный к воспроизводству себе подобных. Мужчины и женщины отличаются половыми признаками, которые делятся на первичные (половые органы) и вторичные. Внешним признаком полового развития (созревания) является степень развития первичных и вторичных половых признаков. К вторичным половым признакам относится степень развития волосяного покрова в подмышечных впадинах (у лиц мужского пола, в том числе на груди, животе, конечностях, на лице), на лобке; развитие молочных желез у лиц женского пола [2, с. 14].

На основании степени развития первичных и вторичных половых признаков делается вывод о периодах полового развития (созревания). Так, например, препубертатный период полового развития (созревания) характеризуется быстрым ростом тела в длину и отсутствием внешних признаков полового развития (созревания). При раннем пубертатном периоде полового развития (созревания) наблюдаются начальные проявления внешних признаков полового развития (созревания).

По мнению Г.А. Вишневского, при анализе первичных и вторичных половых признаков у лиц женского и мужского пола учитывается: тип строения наружных половых органов (мужской, женский); тип и состояние оволосения; состояние наружных половых органов (наличие пигментации и др.); состояние молочных желез у лиц женского пола (наличие/отсутствие пигментации и др.) [10, С. 23–24];

Таким образом, практика выявления признаков полового развития (созревания) и отнесение к соответствующему периоду полового развития (созревания) является оправданной, и позволяющей специалистами одного профильного направления решать поставленную задачу без привлечения сторонних специалистов.

Таким образом, в процессе становления и развития экспертной практики, связанной с отнесением объектов к порнографическим материалам и предметам порнографического характера, произошло формирование и становление категориального аппарата. На данный момент культурологическая экспертиза, проводимая в Республике Беларусь, является одной из самых востребованных и актуальных, о чем свидетельствует большое количество, вынесенных постановлений о назначении данной экспертизы.

## ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА


1. *Бердников Д. В.* Юридические и методологические основы комплексной судебной экспертизы порнографических материалов // Электронный журнал «Психология и право». – 2016. – Том 6. – № 1. – С. 18–24.

2. Возрастные особенности физического развития и физической подготовки юных волейболистов: Методическое руководство. – 2014. – Выпуск 17. – 129 с.

3. *Горельцева В. В.* Особенности визуальной репрезентации сексуальности в порнографии // Северо-Кавказский психологический вестник. – 2010. – № 8/1. – С. 36–38.

4. *Гусарова М. В.* Объект и предмет преступлений в сфере незаконного изготовления, распространения и оборота порнографических материалов или предметов: понятие и особенности квалификации // Научный Татарстан. – 2009. – № 3. – С. 17.

5. *Гусарова М. В.* Преступления в сфере незаконного оборота порнографической продукции: анализ уголовно-правовых норм с учетом последних изменений в Уголовном кодексе Российской Федерации // Вестник Казанского юридического института МВД России. – 2013. – № 3 (13). – С. 50–55.

6. *Джинджолия Р. С.* Преступления против общественной нравственности: статья 2421 УК РФ // Известия высших учебных заведений: Правоведение. – 2006. – № 1 (264). – С. 207–214.

7. *Капинус О. С., Додонов В. Н.* Ответственность за порнографию в современном уголовном праве. – [Электронный ресурс]. – Режим доступа:http://www.durex-promo.ru/index.php?ds=1423483. – Дата доступа: 20.01.2021.

8. Международная Конвенция «О пресечении обращения порнографических изданий и торговли ими». Вступила в силу для Республики Беларусь 25 декабря 1991 года (в ред. Протокола от 12.11.1947) / документ предоставлен КонсультантПлюс / Зарегистрировано в Национальном реестре правовых актов Республики Беларусь 6 мая 2004 г. N 3/1357.

9. *Митрохин В. А.* Сравнительно-правовое исследование феномена порнографии / А. В. Митрохин // Человек: преступление и наказание. – 2009. – № 3 (66). – С. 99–103.

10. Судебно-медицинская экспертиза половой зрелости: Учебное пособие / Под ред. Г. А. Вишневского. – Екатеринбург, 2013. – 94 с.

11. Уголовный кодекс Республики Узбекистан. – [Электронный ресурс]. – Режим доступа:http://www.lex.uz/acts/111457.– Дата доступа: 20.01.2021.

12. *Яроцкая Ю. А.* Основы судебной культурологической экспертизы в уголовном процессе // Борьба с преступностью: теория и практика: тезисы докладов VIII Международной научно-практической конференции (Могилев, 23 апреля 2020). – Могилев, 2020. – С. 594–596.

13. Brown, Scarlet. Obscene Kayaks and Violent Pornography: Censorship in Japan. – [Electronic resource]. – Access mode:http://www.albany.edu/wci/assets/ Scarlet_Brown_Obscene_Kayaks.pdf. – Date of access: 10.01.2021.

*Р. Кабулов**

# УГОЛОВНО-ПРАВОВОЕ ПРОТИВОДЕЙСТВИЕ НАРУШЕНИЯМ ИЗБИРАТЕЛЬНОГО ПРАВА

**Аннотация.** В статье рассматриваются основания уголовной ответственности за нарушение избирательного права гражданина. Перечисляются общественно опасные деяния, образующие составы преступлений, предусмотренные статьями 146 и 147 УК Республики Узбекистан, и дается их подробный научный комментарий.

**Ключевые слова:** избирательное право, уголовная ответственность, состав преступления, тайна голосования, подлог документов, насилие, угроза, обман.

## САЙЛОВ ҲУҚУҚИНИ БУЗИШГА ҚАРШИ ЖИНОИЙ-ҲУҚУҚИЙ КУРАШИШ

**Аннотация.** Мақолада фуқаронинг сайлов ҳуқуқини бузганлик учун жиноий жавобгарлик негизлари кўриб чиқилган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 146 ва 147-моддасида кўрсатилган жиноят таркибини акс этувчи ижтимоий хавфли қилмишлар санаб чиқилган ва уларга илмий фикр билдирилган. Мақоладан сайлов кампаниясининг сайловолди ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш учун жалб қилинган лекторлар ва семинар гуруҳларининг раҳбарлари томонидан сайлов қонунчилигини бузиш ҳолатларини олдини олиш борасида фойдаланилиши мумкин.

**Таянч сўзлар:** сайлов ҳуқуқи, жиноий жавобгарлик, жиноят таркиби, яширин овоз бериш, ҳужжатларни сохталаштириш, зўравонлик, таҳдид, алдаш.

## CRIMINAL-LEGAL COUNTERACTION TO VIOLATIONS OF THE ELECTORAL LAW

**Annotation.** the article considers the grounds for criminal liability for violation of the electoral right of a citizen. It lists socially dangerous acts that constitute the elements of crimes provided for in Articles 146 and 147 of the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan and provides a detailed scientific commentary. It can be used by lecturers and heads of seminar groups involved in the organization and conduct of the election campaign work of the election campaign, in order to prevent violations of the electoral law.

**Key words:** electoral law, criminal liability, composition of crimes, secrecy of voting, forgery of documents, violence, threat, deception.

Современный Узбекистан – это демократическое государство, где права и законные интересы государства, человека составляют суть осуществляемых преобразований, где кардинальные реформы проводятся не ради реформ, а ради человека и его интересов. Это страна, где государственные институты, общественные формирования, политические системы и демократические ценности укрепляются и последовательно развиваются и поддерживаются народом.

* ***Кабулов Рустам,*** *профессор кафедры Уголовного права Академии МВД Республики Узбекистан, доктор юридических наук.*

В Узбекистане созданы социально-правовые, организационно-правовые, материально-технические условия для свободного, активного участия граждан, политических партий в выборных процессах, надежные гарантии полной реализации их избирательных прав.

Правовую основу всего действующего законодательства в сфере избирательной системы составляет Конституция Республики Узбекистан. В статье 32 Конституции Республики Узбекистан определяется, что граждане Республики Узбекистан имеют право участвовать в управлении делами общества и государства как непосредственно, так и через своих представителей. Такое участие осуществляется посредством самоуправления, проведения референдумов и демократического формирования государственных органов. Важным механизмом реализации этого положения Основного Закона, конституционного принципа народовластия являются осуществляемые демократические выборы главы государства, депутатов представительных органов власти [1].

Особенностью конституционно-правового регулирования избирательной системы в Узбекистане является выделение в Конституции специальной главы XXIII «Избирательная система», где определяются принципы, суть и содержание всей работы по проведению демократических выборов.

В статье 117 XXIII главы Конституции закреплено право граждан страны избирать и быть избранными в представительные органы государственной власти. При этом конкретно установлено, что каждый избиратель имеет один голос, равенство и свобода волеизъявления гарантируются законом. Эти и целый ряд других положений Основного Закона нашли развитие в избирательном законодательстве, которое основывается на таких демократических принципах, как открытость, гласность, справедливость, законность, всеобщее избирательное право; равное, прямое избирательное право при тайном голосовании; добровольное, непосредственное участие в выборах и других принципах и стандартах. Эти и другие принципы избирательной системы реализуются в полной мере в Узбекистане. Национальное законодательство содержит реальные организационно-правовые механизмы, создающие возможность избирательно выбрать одного из нескольких кандидатов путем своего свободного волеизъявления. При этом сами кандидаты имеют в рамках законодательства возможности в ходе предвыборной агитации в равных условиях бороться за голоса избирателей. В то же время, любое незаконное вмешательство в избирательный процесс карается законом. Так, согласно ст. 21 Закона «О гарантиях избирательных прав граждан», воспрепятствования путем насилия, обмана, угроз или иным путем осуществления гражданами права избирать и быть избранными, участвовать в референдуме, вести предвыборную агитацию, а также подлог документов, заведомо неправильный подсчет голосов, иные нарушении законов о референдуме, о выборах Президента, о выборах в представительные органы власти влекут ответственность в соответствии с законодательством Республики Узбекистан.

Соответствующие гарантии также установлены в Законе «О выборах Президента Республики Узбекистан». Так, в ст. 7 этого Закона указывается, что лица, нарушающие предусмотренные Законом правила и порядок проведения выборов, препятствующие путем насилия, обмана, угроз или иным путем свободному осуществлению гражданином Республики Узбекистан права избирать и быть избранным Президентом Республики Узбекистан, вести предвыборную агитацию, а также члены избирательных комиссий, должностные лица государственных общественных

органов, совершившие подлог избирательных документов, заведомо неправильный подсчет голосов, нарушившие тайну голосования или допустившие иные нарушения закона, несут установленную законом ответственность. При определенных условиях, вышеперечисленные нарушения законодательства в сфере избирательной системы могут образовать уголовно наказуемое деяние, предусмотренное в ст. 146 УК, устанавливающее ответственность за нарушение законодательства об организации, проведении выборов или референдума, и ст. 147 УК, устанавливающей ответственность за воспрепятствование осуществлению избирательного права или полномочий доверенных лиц.

В рамках состава преступлений, нарушение законодательства об организации, проведении выборов или референдума, ст. 146 УК предусматривает ответственность за нарушение тайны голосования, подлог избирательных документов или документов референдума, внесение фиктивных записей в бюллетени или подписные листы, заведомо неправильный подсчет голосов, совершенные при организации, проведении выборов или референдума должностными лицами, представителями политических партий или органов самоуправления граждан, членами инициативных групп или избирательных комиссий либо комиссией референдума. Состав преступления формальный, и в силу этого, признается оконченным преступлением с момента совершения любого из альтернативных действий, указанных в диспозиции ст. 146 УК.

Нарушение тайны голосования выражается в различных формах нарушения установленных законодательством о выборах и референдуме условий, исключающих возможность любого контроля за волеизъявлением избирателей, например, в оставлении избирательного участка без специальных кабин для голосования, обеспечивающих тайну голосования, в недопущении избирателя в такую кабину, во вхождении в нее и наблюдении за ходом голосования, в нумерации избирательных бюллетеней и т.п.

Тайна голосования обеспечивается специальными процедурами, предусмотренными законодательством о выборах. Гражданин получает бюллетень для голосования, изготовленный по единому образцу, и заполняет его в специально оборудованном месте (кабине), обеспечивающем тайну его волеизъявления. В бюллетенях не допускается какие-либо обозначения и пометки, указывающие на личность лица, его заполнившего. Тайна голосования исключает возможность какого-либо контроля над волеизъявлением гражданина, гарантирует, что результаты его голосования не могут стать известны иным лицам. Этот принцип обеспечивает свободу волеизъявления граждан. Никто не может принудить гражданина голосовать «за» или «против» того или иного кандидата.

Подлог избирательных документов или документов референдума представляет собой внесение заведомо ложных сведений и записей в бюллетени для голосования, списки избирателей, подписные листы, протоколы подсчета результатов голосования и другие материалы избирательной кампании. Подлог избирательных документов, как и внесение фиктивных записей в бюллетени или в подписные листы характеризуется следующими альтернативными действиями: представление заведомо неверных сведений об избирателях; включение неучтенных бюллетеней, использованных при голосовании; заведомо неправильное составление списков избирателей, участников референдума, выражающееся во включении в них лиц, не обладающих активным избирательным правом, правом на участие в референдуме, или вымышленных лиц; фальсификация подписей избирателей, участников референдума; замена

действительных бюллетеней с отметками избирателей, участников референдума; порча бюллетеней, приводящая к невозможности определить волеизъявление избирателей, участников референдума; незаконное уничтожение бюллетеней; подписание членами избирательной комиссии, комиссии референдума протокола об итогах голосования до подсчета голосов или установления итогов голосования; заведомо неверное (несоответствующее действительным итогам голосования) составление протокола об итогах голосования; незаконное внесение в протокол об итогах голосования изменений после его заполнения; заведомо неправильное установление итога голосования, определение результатов выборов, референдума.

Заведомо неправильный подсчет голосов, выражающийся в уменьшении или увеличении голосов против действительно поданных за того или иного кандидата, по сути дела самостоятельного значения не имеет, так как это обязательно фиксируется в избирательных документах, которые, таким образом, становятся подложными.

Преступление, предусмотренное ст. 146 УК, совершается только умышленно. Поэтому, в тех случаях, когда вышеотмеченные действия совершаются по неосторожности, то возможно наступление не уголовной, а дисциплинарной ответственности.

По прямому указанию законодателя субъектами преступления, предусмотренного ст. 146 УК, являются должностные лица, организующие проведение выборов или референдума, представители политических партий или органов самоуправления граждан, члены инициативных групп или избирательных комиссий либо комиссий референдума.

В рамках состава преступления статья 147 УК устанавливает ответственность за воспрепятствование путем насилия, угроз, обмана или подкупа свободному осуществлению гражданами права избирать или быть избранными депутатами или Президентом Республики Узбекистан, вести предвыборную агитацию, осуществлению доверенными лицами кандидатов в депутаты или кандидатов в Президенты Республики Узбекистан их полномочий, а равно воспрепятствование свободному участию граждан в референдуме.

Под насилием понимается любое физическое воздействие, препятствующее осуществлению избирательного права, полномочий доверенных лиц или работе избирательной комиссий. Оно может выражаться в задержании избирателей, доверенных лиц, членов избирательной комиссии, незаконном лишении их свободы, в насильственном изъятии документов, необходимых для получения избирательного бюллетеня, в побоях; причинении легкого или средней тяжести вреда здоровью. Если в результате физического воздействия, потерпевшему причиняется тяжкое телесное повреждение либо смерть, то содеянное следует квалифицировать по правилам совокупности преступлений [2].

Воспрепятствование может осуществляться не только путем насилия, понимаемого как в упомянутом составе преступления, но и путем всякого рода угроз, обмана ли подкупа.

Под угрозой понимается психическое воздействие, способное помешать осуществлению избирательного права или участия в работе избирательной комиссии. При этом угроза может носить самый различный характер: угроза применения физического насилия, уничтожение или повреждение имущества, шантаж и т.п. Важно, чтобы угроза по представлению угрожающего была реальной, способной

воздействовать на психику потерпевшего и заставить его отказаться от осуществления своего избирательного права или полномочий доверенного лица.

Рассматриваемый состав преступления будет и в тех случаях, когда угроза в связи с воспрепятствованием осуществлению избирательного права или полномочий доверенных лиц, адресована в отношении близких родственников потерпевшего.

Обман как способ воспрепятствования осуществлению избирательного права или полномочий доверенных лиц состоит во введении в заблуждение лица относительно осуществления избирательных прав посредством свободного волеизъявления, в результате которого потерпевший либо вообще не реализует своего избирательного права, либо осуществляет не в соответствии со своей волей.

Обман может касаться, например, личности кандидата, места и времени проведения собрания, даты голосования, порядка заполнения бюллетеней либо иных фактических обстоятельств, знание которых необходимо для свободного участия гражданина в предвыборной кампании или выборах.

Подкуп как самостоятельный способ совершения рассматриваемого преступления состоит в порядке или обещании передать деньги или иные ценности или обещании предоставить иные имущественные блага. Применительно к данному составу преступления подкуп может выражаться в следующих действиях: вручение избирателям денежных средств, подарков и иных материальных ценностей; вознаграждение избирателей, выполняющих организационную работу в зависимости от итогов голосования, или обещание произвести такое вознаграждение; проведение льготной распродажи товаров, бесплатное распространение любых товаров, за исключением печатных материалов и значков, специально изготовленных для избирательной кампании; представление услуг безвозмездно или на льготных условиях и т.п.

Зарегистрированные кандидаты, их уполномоченные представители, иные лица и организации не вправе при проведении предвыборной агитации воздействовать на избирателей обещаниями передачи им денежных средств, ценных бумаг и других материальных благ, а также оказания услуг иначе как на основании принимаемых в соответствии с законными решениями органов власти.

В заключение необходимо отметить, что криминализация отмеченных общественно опасных деяний и установление за их совершение уголовной ответственности является надежной гарантией, непосредственно обеспечивающей реализацию гражданами своего избирательного права. Представленный нами научный комментарий к составам ст. ст. 146 и 147 УК может оказать посильную помощь лекторам и руководителям семинаров, привлекаемых к организации и проведению выборов или референдума в деле предупреждения ими нарушений избирательного законодательства.

**ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА**

1. Подробнее см.: Мустафаев Б., Ахмедов Д. Избирательно право и избирательный процесс в Узбекистане: Словарь-справочник. – Т.: ТГЮИ, 2004. – С. 13–28.

2. См.: Уголовное право. Особенная часть: Учебник/ Р. Кабулов, А. Отажонов и др.; Ответ.ред. Ш.Т. Икрамов. – Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 2016. – С. 232.

*А. А. Тоштемиров**

# НОҚОНУНИЙ МИГРАЦИЯ ВА ОДАМ САВДОСИНИНГ ИЖТИМОИЙ ЖАРАЁНДАГИ ХАВФИ

**Аннотация.** Мақолада ноқонуний миграциянинг тушунчаси, турлари, халқаро миқёсда миграция жараёнининг ҳолати, ноқонуний миграциянинг одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар юзага келишидаги сабаб ва оқибатлари ҳамда уни бартараф этиш юзасидан таклифлар берилган.

**Таянч сўзлар:** ноқонуний миграция, давлат чегараси, мажбурий меҳнат, эксплуатация, ижтимоий хавф, жиноят, таҳдид, одам савдоси, жабрланувчи.

## СОЦИАЛЬНАЯ ОПАСНОСТЬ НЕЛЕГАЛЬНОЙ МИГРАЦИИ И ТОРГОВЛИ ЛЮДЬМИ

**Аннотация.** В статье представлены понятие нелегальной миграции, её виды, рассмотрены состояние международного миграционного процесса, причины и последствия нелегальной миграции как источника преступлений, связанных с торговлей людьми, а также рекомендации по их устранению.

**Ключевые слова:** нелегальная миграция, государственная граница, принудительный труд, эксплуатация, общественная опасность, преступление, угроза, торговля людьми, жертва.

## DANGER IN THE SOCIAL PROCESS OF ILLEGAL MIGRATION AND HUMAN TRAFFICKING

**Annotation.** The article presents the notion of illegal migration and types, the state of the international migration process, the reasons and consequences of illegal migration as a source of crimes related to human trafficking, as well as recommendations for its elimination.

Keywords. illegal migration, state border, forced labor, exploitation, social danger, crime, threat, human trafficking, victim.

Жамиятда фуқаролар ўртасида кечадиган ижтимоий муносабатларнинг ажралмас бир қисмига айланган миграция жараёни (инсонларнинг бир жойдан бошқа жойга кўчиши)га, инсоният пайдо бўлганидан бери табиий ҳол сифатида қараб келинган. Бу жараённинг ҳар бир даврда ўзига хос тарзда давом этиб келаётганлиги эса унинг ижобий ва салбий хусусиятларига назар ташлаш имконини беради. Миграция жараёни кучайишига олиб келувчи асосий омиллардан бири минтақада аҳоли яшаш даражасининг нисбатан юқорилиги ҳамда яшашнинг ана шу даражасига эришиш учун имкониятнинг кенглиги билан ифодаланади. Албатта, бундай имкониятдан муносиб даражада фойдаланиш кўп жиҳатдан шахснинг ўзига, яъни унинг индивидуал-физиологик қобилиятларига боғлиқ. Шу жиҳатдан қараганда шахс ўз имконияти ва қобилияти даражасини яхши билади (ёки чамалай олади) ва ўзи учун муносиб шароит яратишга ҳаракат қилади. Бу эса ўз-ўзидан шахснинг индивидуал имконияти

* ***Тоштемиров Анвар Алиқулович,*** *Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси терроризм ва одам савдосига қарши кураш кафедраси бошлиғининг ўринбосари.*

юқори баҳоланадиган ҳудуд ва минтақаларга кўчиши, миграциянинг турларидан бири бўлган меҳнат миграциясининг ривожланишига сабаб бўлади.

Бу борадаги статистик маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, узоқ муддатга чиқиб кетган фуқаролар асосан меҳнат мигранти сифатида (87,9%), таълим олиш (4,2%), даволаниш (2,3%), саёҳат қилиш (2,1%), қариндош-уруғларининг холидан хабар олиш (1,9%) ва бошқа мақсадларда (1,6%) чет элларга чиқишган.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, ҳозирги кунда ноқонуний миграция билан боғлиқ ҳолда содир этилаётган одам савдоси муаммоси барчани ташвишга солмоқда. Одам савдосининг олдини олиш ва бу борадаги жиноятчиликка қарши курашишда миграция жараёнининг қонуний ёки ноқонуний тарзда амалга ошиш жараёни ҳам муҳим жиҳатлардан бири ҳисобланади.

Одам савдоси трансмиллий уюшган жиноятчиликнинг бир тури сифатида дунёда хавфлилик даражаси ва ноқонуний бозорда фойда кўриш бўйича наркотик, ноқонуний қурол савдосидан кейин учинчи ўринда туради. Одам савдоси билан шуғулланувчи уюшган жиноий гуруҳлар жонли товардан миллиардлаб моддий фойда кўрадилар. 2020 йил 2 декабрь куни БМТ бош котиби Антониу Гутерриш «2 декабрь – Халқаро қулликка қарши кураш куни» муносабати билан берган баёнотида қуйидаги фикрни билдирди: «Бугунги кунда 40 млн.дан кўпроқ киши замонавий қуллик қурбонлари ҳисобланади. Бундан 71 фоизини аёллар ва қизлар ташкил қилади. Бугунги кунда қуллик келиб чиқиши бўйича хўрлаш, зўравонлик, болалар ва уй меҳнати, мажбурий никоҳлаш, қарздорлик, эксплуатация қилиш учун одам савдоси, болаларни қуролли ихтилофларга жалб қилиш кўринишида намоён бўлмоқда. Мазкур қуллик жараёнидан аёллардан ташқари, ночор ва таҳқирланувчи қатламлар, айнан эса ирқий ва этник озчилик вакиллари азият чекмоқда. Шу боис БМТ аъзолари ва бутун ҳамжамият қуллик жабрдийдаларини ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш, ушбу «жирканч иллатга» қарши биргаликда курашни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишлари лозим» [1]. Ушбу фикрдан англаш мумкинки, бугунги кунда дунё миқёсида давом этиб келаётган ижтимоий тенгсизлик натижасида жуда кўплаб шахслар ҳанузгача қулдорлик жамиятининг кўринишлари сифатидаги эксплуатация жараёнининг қурбони бўлиб қолмоқда.

Халқаро меҳнат бюросининг «Мажбурий меҳнатга қарши глобал альянс» маърузасида келтирилган маълумотларга кўра, ҳозирги вақтда жаҳонда 12,3 млн. дан ортиқ киши қул қилиб сотилган. Яна 2,5 млн. кишини давлат ёки исёнчи ҳарбийлаштирилган гуруҳлар меҳнатга мажбур қилган. Мажбурий меҳнатдан фойдаланишнинг йиллик фойдаси 30 млрд. доллардан ортиқни ташкил этади. Амалиёт шуни кўрсатадики, эксплуатация қилувчилар кўпчилик ҳолларда жазосиз қолади [2].

Бугунги кунда одамларнинг ишончини суиистеъмол қилган ҳолда уларни алдаб, чет элга ноқонуний олиб чиқиш, шаҳвоний ва бошқа ғаразли мақсадларда эксплуатация қилиш билан боғлиқ содир этилаётган одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар нафақат халқаро даражада, балки Республикамизда ҳам долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Бундай жиноятлар натижасида жисмоний шахслар «жонли товар»га айланадилар, яъни сотиб олиш ёки сотиб юбориш, ҳадя қилиш, топшириш ва бошқалар учун объект бўлишлари мумкин. Жабрланувчилар асосан яшаётган давлатдан ўзга давлатларга бошқа давлат чегараларидан ҳар хил йўллар билан (қонуний ёки ноқонуний равишда) ўтишлари орқали сотиб юборилади. Кўриниб турибдики, ушбу жиноят чегара билмайди, бу шахсларга нисбатан барча

ёки айрим кўринишдаги ҳуқуқий эгалик аломатлари амалга оширилади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг статистик маълумотларига кўра, бугунги кунда дунёнинг 127 давлатидан сотилган одамлар 137 та давлатда эксплуатация қилинмоқда. Ҳар йили турли ҳисоб-китобларга кўра, 20–40 миллион киши қулдорликнинг замонавий шакли қурбонига айланмоқда. Шу билан бирга, мазкур муаммонинг аниқ кўламини билиш жуда ҳам қийин, зеро, жиноий фаолият яширин содир этилади. Аниқ статистика мавжуд эмас. Халқаро даражада одам савдоси қурбонларининг атиги 0,04 фоизигина аниқланган [3].

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг миграция ва қочоқлар масаласига оид таҳлилларига кўра келажакда дунё аҳолисининг сони ўсиб бориши натижасида 2050 йилга бориб 9,7 миллиард кишини ташкил этади. Агарда бутун дунё аҳолиси таркибида халқаро мигрантлар ҳиссасининг турғунлиги сақланса, 2050 йилга бориб дунёда мигрантлар сони 321 миллион кишини ташкил этади [4]. Бу эса халқаро миқёсдаги хавфсизликка солинаётган таҳдидларнинг янги-янги кўринишлари юзага келиши, миллат, дин, ижтимоий табақа ҳамда мамлакатлараро инсонларнинг ҳаёт даражаси, турмуш тарзида зиддият ва тафовутлар билан қоришиб жиноятчиликни янада кучайишига олиб келиши мумкин. Глобал хавфлардан бири бўлган ноқонуний миграция жараёни диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, «оммавий маданият» каби хавфларнинг тобора кучайиб боришига сабаб бўлаётгани барча мамлакатларни бирдек ташвишга солмоқда.

Миграция жараёнининг ноқонуний шакли бугунги кунга келиб халқаро ҳамжамиятни тобора ташвишлантирмоқда, чунки одамлар миграцияси (кўчиши) инсоният тарихида мисли кўрилмаган даражада тезлашди. Уни глобал муаммо сифатида қаралишининг асосий сабабларидан бири шуки, «ноқонуний миграция» жамият ҳаётининг ривожланишига қарама-қарши таъсир кўрсатмоқда. Яъни, биринчидан, ноқонуний миграция давлатларда демографик инқирозни тезлаштирса, иккинчиданмамлакатларнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, этник ва миллатлараро муносабатлардаги ривожланиш тенденцияларига салбий таъсир қилмоқда.

Халқаро миграцияга оид манбаларга кўра, Европа иттифоқи давлатларидаги асосий миграция йўналишларида 2019 йил давомида 140 мингга яқин ноқонуний миграция билан боғлиқ жиноят содир этилган. Ушбу кўрсаткич 2020 йилнинг дастлабки 9 ойида ўтган йилнинг мазкур даврига нисбатан 47 фоизга (халқаро миқёсдаги «Пандемия» шароитидан келиб чиқиб) камайган бўлса-да, лекин халқаро даражада ноқонуний миграциянинг таҳдиди сақланиб қолаётганлигини кўрсатади [5].

Ноқонуний миграция – бирор давлат ҳудудига фуқаролар, чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг кириши, бўлиши, чиқиши ҳамда транзит ўтиш жараёнлари мазкур давлатнинг қонунчилик тартиб тамойилига риоя этмаган ҳолда юзага келадиган қилмиш.

Ноқонуний миграция жараёнига берилган ушбу таърифдан келиб чиқиб, қуйидаги жумлаларни изоҳлаб кетиш мақсадга мувофиқ, булар:

мамлакатимиз миллий қонунчилигига (ЖК 224-модда) [6] асосан қонунга хилоф равишда мамлакат ҳудудида бўлиш деганда, чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасида яшаш ҳуқуқини берадиган ҳужжатларсиз ёки ҳақиқий бўлмаган ҳужжатлар билан яшаши, вақтинча ёки доимий прописка, кўчиш ёки турар жой танлаш юзасидан белгиланган тартибга риоя этмаслиги, бўлиш муддати тугагач чиқиб кетишдан бўйин товлаши, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг

ҳудуди орқали транзит тарзда ўтиш тартибига риоя қилмаслиги назарда тутилади;

агар шахс Ўзбекистон Республикасининг давлат чегарасидан ноқонуний тарзда олиб ўтилган бўлса, айбдорнинг қилмишини Жиноят кодексининг 223-моддаси [7] (қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш) бўйича Ўзбекистон Республикасига кириш ёки чиқиш бўйича белгиланган қоидаларнинг бузилиши қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини тегишлича баҳолашга имкон беради;

шу нуқтаи назардан ноқонуний миграция мавжудлигининг асосий сабаблари – мамлакатлардаги иқтисодий, сиёсий, этник, ижтимоий-психологик ва экологик муҳитнинг хилма-хиллиги. Тартибга солинмаган миграция объектив равишда давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий инфратузилмалари, маҳаллий аҳоли ва мигрантлар ўртасидаги муносабатларнинг кескинлашуви ҳамда мигрантлар жойлашган жойларда жиноий вазиятларнинг мураккаблашишига замин яратади;

норасмий меҳнат миграцияси – норасмий меҳнат билан шуғулланиш меҳнат бозорида чет эл фуқароларини қонунга хилоф равишда ишга жойлаштиришни назарда тутиб, мамлакат ҳудудида чет эл фуқароларини жалб қилиш ва уларнинг меҳнатидан фойдаланиш қоидаларига амал қилмаган ҳолда расмийлаштирилади. Норасмий меҳнат мигрантларининг фаолияти биринчидан, меҳнатга ҳақ тўлаш мажбуриятларини ўз ичига олса-да, бироқ тегишли рухсатномалар берилмасдан ва иш ҳақи тасдиқланмаган ҳолда амалга оширилади; иккинчидан, рухсатнома ва лицензияларни давлат органлари рўйхатидан ўтказишда қалбаки ва амал қилиш муддати тугаган ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда тадбиркорлик ва шахсий меҳнат фаолиятини амалга оширади; учинчидан, қонунчиликка зид иқтисодиёт ёки трансмиллий жиноятчилик соҳасида (терроризм ва экстремизм, одам савдоси, фоҳишалик, ноқонуний қурол-яроғ савдоси, «оммавий маданият» ва наркотрафик кабилар) юзага келади. [8];

ноқонуний миграцияда шахс ўзи бўлиб турган давлатнинг миграцион қонунчилигининг бузилиши, яъни фуқароларнинг бўлиб турган давлатга миграцион қонунчилигини бузган ҳолда кириши, яшаши ва чиқиши, шунингдек, бирор давлатнинг чегарасини ноқонуний кесиб ўтиши билан боғлиқ ҳаракатларни содир этишда айбдор ҳисобланади;

ноқонуний миграция жамиятда ижтимоий муносабатларнинг бузилишига олиб келувчи энг катта муаммолардан бири сифатида, трансмиллий уюшган жиноятчиликнинг турларидан бири бўлган одам савдоси «қора бозор»да уюшган жиноий гуруҳларнинг миллиардлаб моддий фойда кўришига имкон яратмоқда;

одам савдоси шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр-қимматига қарши қаратилган энг оғир инсонни таҳқирловчи, қолаверса, жабрланган шахс фуқароси бўлган давлатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузини туширувчи жиноятлардан бири ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ноқонуний миграция ва одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича қуйидаги таклифларни билдириш мумкин, булар:

– аҳолининг ҳуқуқий онги ва тафаккурини янада ошириш мақсадида ОАВ орқали таъсирчан шаклдаги тушунтириш ва тарғибот ишларини кучайтириш;

– бугунги кунда юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтиб, фуқароларни чет давлатларга ўқиш, иш, туристик ва бошқа мақсадларда юбориш билан шуғулланаётган

фирмаларнинг аниқ мақсади ва фаолият йўналиши бўйича назоратни кучайтириш;

– ноқонуний миграция ва одам савдоси билан боғлиқ жиноятларга қарши курашни ташкил этиш самарадорлигига эришиш учун соҳада етарли билим ва кўникмага эга бўлган, малакали кадрларни тайёрлаш тизимини ривожлантириш;

– фуқароларнинг чет давлатларда меҳнат фаолияти билан шуғулланишлари бўйича давлат томонидан назорати таъминланадиган аниқ, содда ва халқчил механизм ишлаб чиқиш ва ушбу жараён бўйича Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг роли ва жавобгарлигини белгилаб бериш;

– Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги ваколатхона ва консуллик муассасалари томонидан чет элдаги фуқароларнинг муаммоларини ўрганиш, қийин аҳволга тушиб қолган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш тизимини таҳлил қилиш, аниқланган камчиликларни бартараф этган ҳолда фаолиятини тўғри йўлга қўйиш.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. https://tass.ru/mezhdunarodnaya-panorama/10146053. (2020 йил 2 декабрь кунги ҳолат).

2. Глобальный альянс против принудительного труда. Глобальный доклад, представленный в соответствии с механизмом реализации Декларации МО об основополагающих принципах и правах в сфере труда. – Женева, 2015. – С.12.

3. https://zen.yandex.ru/media/kubmedia/torgovlia-liudmi-kak-i-pochemu-eta-problema-vse-esce-suscestvuet-5f22e2252193e20e43beada4. 30.07.2020 г.

4. БМТ нинг собиқ Бош котиби Пан Ги Муннинг миграция ва қочоқлар масалаларига бағишланган 2016 йил 19 сентябрь куни Нью-Йоркда яъни – Бош Ассамблеянинг 71-сессияси очилишидаги маърузаси. http://www.panarmenian.net/rus/news/212018/

5. Европа Иттифоқи халқаро ташкилотининг миграцияга оид статистик маълумотлари. //https://ria/ru. (электрон манбага мурожаат этилган вақти 2020 йил 4 ноябрь).

6. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 224-м.1.б. (1999 йил 15 апрелдаги 772-1-сон қонуни таҳририда. – Олий Мажлис Ахборотномаси. – 1999. – №5. – 124-м.

7. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. – Т., 2020. – 536 б. – 223-м. https://lex.uz/docs/111453

8. *Эгамбердиев Б.И.* Ички ишлар органларининг миграция жараёнига доир фаолияти: Ўқув қўлланма. – Т., 2020. – 133 б.

*М. М. Қаландаров**

# ЎҚОТАР ҚУРОЛ, ЎҚ-ДОРИЛАР, ПОРТЛОВЧИ МОДДАЛАР ЁКИ ПОРТЛАТИШ ҚУРИЛМАЛАРИ ҒАЙРИҚОНУНИЙ МУОМАЛАСИНИНГ ТУШУНЧАСИГА ОИД МАСАЛАЛАР

**Аннотация.** Мақолада қурол муомаласини тартибга соладиган халқаро ва миллий қонунчилик ҳужжатлари ҳамда бу борада амалга оширилган илмий-тадқиқот ишлари натижаларининг чуқур таҳлили асосида ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмалари ғайриқонуний муомаласи тушунчасига оид муаллифлик таърифини ишлаб чиқиш бўйича илмий асослантирилган таклиф-тавсиялар баён этилган.

Шунингдек, ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмалари ғайриқонуний муомаласига қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий ва маъмурий-ҳуқуқий чоралари (механизмлари)га биноан уларни муайян турларга ажратилиши бўйича хулосалар қилинган.

**Таянч сўзлар:** қонун ҳужжатлари, ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар, портлатиш қурилмалари, ғайриқонуний муомала, жиноят қонунчилиги.

## К ВОПРОСУ О ПОНЯТИИ НЕЗАКОННОГО ОБОРОТА ОГНЕСТРЕЛЬНОГО ОРУЖИЯ, БОЕПРИПАСОВ, ВЗРЫВЧАТЫХ ВЕЩЕСТВ ИЛИ ВЗРЫВНЫХ УСТРОЙСТВ

**Аннотация.** В статье путем проведения углублённого анализа международного и национального законодательства, а также результатов научно-исследовательской работы в этой сфере, разработана авторская дефиниция понятия незаконного оборота огнестрельного оружия, боеприпасов, взрывчатых веществ или взрывных устройств. Исходя из этого, даны предложения по разделению мер борьбы с незаконным оборотом оружия на уголовно-правовые и административно-правовые виды.

**Ключевые слова:** законодательные акты, уголовное законодательство, огнестрельное оружие, боеприпасы, взрывчатые вещества, взрывные устройства, незаконный оборот.

## ISSUES RELATED TO THE CONCEPT OF ILLEGAL CIRCULATION OF FIREARMS, AMMUNITION, EXPLOSIVES OR EXPLOSIVE DEVICES

**Annotation.** The article studies international and national legislation through detailed analysis, as well as the results of scientific and research work in this area, the author’s definition is developed related to the definition of the concept of illegal traffic in firearms, ammunition, explosives or explosive devices.

Proceeding from this, proposals were elaborated on dividing measures to combat illegal circulation of firearms to criminal and administrative legal types.

**Key words:** legislative acts, criminal legislation, firearms, ammunition, explosives, explosive devices, illegal circulation.

* ***Қаландаров Мақсуд Махмудович,*** *Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кафедра доценти, юридик фанлар номзоди, доцент.*

Халқаро ва миллий қонунчилик ҳужжатлари, шунингдек жиноят ҳуқуқи фани бўйича олиб борилган тадқиқотларда ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ва портлатиш қурилмаларининг ғайриқонуний муомаласига оид атамаларни синчковлик билан ўрганиш шуни кўрсатадики, уларда тадқиқ қилинаётган предмет (нарсалар) тушунчасининг таърифи етарли ва мукаммал ишлаб чиқилмаганлиги, шу сабабдан уларга аниқликлар киритилиши талаб этилиши билан бирга айрим олимлар, жумладан хорижлик Л.Ф. Рогатых [1], В.П. Власов [2], Ю. И. Скоролупов [3], Г.С. Мелешко [4], Т.Л. Григорян [5], Е.А. Кац [6], Ю.В. Загайнова [7], М.Й. Муркштис [8]лар томонидан бевосита қуролнинг ғайриқонуний муомаласига қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик муаммоларига оид диссертацияларда ушбу муаммони батафсил ўрганишга уринилган бўлса-да, масалага оид тушунчалар мукаммал ишлаб чиқилмагани кўзга ташланади.

Ҳаттоки, нуфузли халқаро ташкилотларнинг ўқотар қуролларнинг ғайриқонуний муомаласига қарши курашиш борасида қабул қилган халқаро ҳужжатларида ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ва портлатиш қурилмаларнинг ғайриқонуний муомаласига берилган таърифлари етарлича ва мукаммал баён этилмагани бизни таажжубга солди.

Чунончи, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2001 йил 31 майдаги 55/255 резолюцияси билан тасдиқланган Баённоманинг е-бандига мувофиқ «ўқотар қурол ва унинг ўқ-дориларининг ғайриқонуний муомаласи – ўқотар қурол, унинг асосий қисм ва деталларини, шунингдек ўқ-дориларни бир иштирокчи давлат ҳудудидан ёки унинг ҳудуди орқали бошқа иштирокчи давлатнинг ҳудудига, агарда ҳар қандай манфаатдор бўлган иштирокчи давлат мазкур Баённома талабларига кўра рухсат бермаслиги ёки мазкур Баённоманинг 8-моддасига мувофиқ ўқотар қуролга қўйилиши шарт бўлган белгиларнинг бўлмаслиги билан уларни олиб кириш, экспорт қилиш, сотиб олиш, сотиш, етказиб бериш, кўчириш ёки бериб юбориши» [9] тушунилиши белгиланган.

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида 2008 йил 28 август куни имзоланган Шартноманинг 1-моддаси тўртинчи хат бошисига мувофиқ, «Қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ва портлатиш қурилмаларининг ғайриқонуний муомаласи – бу аъзо давлатларнинг қонунчилигига зид равишда ушбу предметларни тайёрлаш ёки таъмирлаш, ўтказиш, бериб юбориш, олиш, сақлаш, олиб юриш, етказиб беришидир» [10].

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчи давлатларнинг 2008 йил 28 август куни имзоланган «Ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ва портлатиш қурилмалари ғайриқонуний тайёрлаш ва муомаласига қарши курашиш ҳамкорлиги тўғрисида»ги Шартноманинг 1-моддаси саккизинчи хат бошида белгиланган қоидага мувофиқ, «қуролнинг ғайриқонуний муомаласи – бу ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ва портлатиш қурилмаларини Томонлар давлатларининг миллий қонунчилигига зид равишда амалга ошириладиган муомаласидир» [11].

Мазкур таърифлар диққат билан ўрганилганда, айниқса, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳужжатида берилган таърифда, тадқиқ қилинаётган умуминсоний хавфли предметларни (ўқотар қурол ёки портовчи моддаларни) ғайриқонуний муомаласи тушунчасини ифодалашда фақат ўқотар қурол, унинг асосий қисм ва деталлари, шунингдек, унга тегишли ўқ-дорилари билан чегараланиб қолингани ҳамда портловчи моддалар ва портловчи қурилмаларнинг ғайриқонуний муомаласи бўйича халқаро жавобгарлик масаласи эътибордан четда эканини пайқаш қийин эмас.

Шу билан бир қаторда, ушбу таърифда ғайриқонуний муомала қилиш турлари қисқароқ, яъни ўқотар қурол ва унинг ўқ-дориларини а) олиб кириш; б) экспорт қилиш; в) сотиб олиш; г) сотиш; д) етказиб бериш; е) кўчириш ёки бериб юбориш деб белгиланган бўлиб, а) тайёрлаш; б) таъмирлаш; в) жўнатиш ва бошқа ҳаракатлар назарда тутилмаган. Бу эса, ўз навбатида, иштирокчи-давлатларнинг миллий қонунчиликда у ёки бу турдаги жавобгарликни белгилашда муаммо келтириб чиқариши мумкинлиги сир эмас деб ҳисоблаймиз.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги томонидан қабул қилинган ҳужжатларидаги тушунчаларда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳужжатидаги таърифдан фарқли ўлароқ ўқотар, қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ва портлатиш қурилмаларининг турлари мукаммалроқ тарзда тартибга келтирилган дейиш мумкин. Аммо Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ҳужжатидаги таърифда, ушбу предметларнинг ғайриқонуний муомаласини ифодалашда тайёрлаш ёки таъмирлаш, ўтказиш, бериб юбориш, олиш, сақлаш, олиб юриш, етказиб бериш каби турлари санаб ўтилган бўлиб, юқорида таъкидлаганидек, бошқа турлари аниқ кўрсатилмагани боис ҳуқуқ-тартибот органлари учун ўзаро ҳамкорликда жавобгарлик масаласини ҳал этишда муайян қийинчиликларни келтириб чиқариши ҳеч гап эмас.

Қизиғи шундаки, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг мазкур масалага оид ҳужжатида тадқиқ қилинаётган предметларнинг ғайриқонуний муомаласининг моҳияти очиб берилмасдан, балки иштирокчи давлатларнинг миллий қонунчилигида ғайриқонуний муомала учун жавобгарлик белгиланганига қараб унинг турлари ғайриқонуний муомала деб тушунилади дейилган. Кўриниб турибдики, мазкур масалаларнинг ечими Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бўлган мамлакатларнинг миллий қонунчилиги асосида ҳал этилиши, бу эса мазкур давлатларнинг барчаси учун ягона бўлган тушунчалар ишлаб чиқилишидан дарак беради. Мазкур ёндашув собиқ Иттифоқ давридаги каби битта қонун қабул қилинганидан сўнг Иттифоқ тартибидаги Республикалар уни кўчириб қонун қабул қилиши амалиётини эслатади. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатларнинг мустақиллиги ёки суверен демократик давлатлиги қаерда қолади, деган ўринли саволни келтириб чиқаради.

Албатта, шуни унутмаслик даркорки, юқоридаги тушунча-ю, таърифлар моҳияти жиҳатидан иштирокчи давлатлар учун тавсия хусусиятига эга бўлиб халқаро-ҳуқуқий жиҳатдан ягона тарзда яхлит тартибга ифодаланмагани ҳамда таснифланиш жиҳатдан мукаммалликка эга эмаслиги давлатлар ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ва портлатиш қурилмалари ғайриқонуний муомаласига қарши курашишдаги ҳамкорлигини чигаллаштириб ўз вақтида муаммони ҳал этишда тўсиқ бўлади. Давлатларнинг қонунларида турлича ёндашувлар кимдир жавобгарликни икир-чикиригача белгиласа, яна қайси бир давлат қонун ҳужжатларида очиқ, бўшликка йўл қўйиб масалани янада мураккаблаштириш йўлини тутади. Фикримизча, мазкур масала юзасидан халқаро шартнома-ю келишувларда бир хил тушунчалар акс этиши зарур.

Айнан шу ўринда таъкидлаш жоизки, халқаро ҳуқуқ йўналишида тадқиқотларни амалга оширувчи тадқиқотчилар мазкур мавзуга эътиборни қаратиб чуқурроқ ўрганган ҳолда қонун ижодкорлиги йўли билан ҳал этиш ҳақидаги асослантирилган таклиф ва хулосаларини қонунчилик ташаббуси субъектига юбориши ўринлидир.

Ажабланарлиси шундаки, мамлакатимизда мустақилликка эришган кундан бошлаб бугунги кунга қадар қуролнинг ғайриқонуний муомаласига қарши курашишнинг

жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари билан боғлиқ масала фундаментал тарзда илмий-назарий ва амалий тадқиқ этилмаган, шунингдек чет эл давлатлари олимлари томонидан ушбу мавзу бўйича ўтказилган илмий тадқиқотларда саноқли олимлар қуролларнинг ғайриқонуний муомаласи тушунчасига кенг маънода таъриф беришга уриниб кўрганлар.

Хусусан, С.А. Невский фикрича, «қуролнинг ғайриқонуний муомаласи бу муайян ижтимоий шароитларда юзага келадиган, қурол билан муомала қилишнинг қонунчилик билан белгиланган қоидаларини бузиш ёки қонун билан тақиқланган ҳолда уларни қабул қилиш, тарқатиш, қўллаш ва улардан фойдаланишни амалга ошириш жараёнидир» [12].

И.В. Дерютин [13], М.О. Якушевская [14], А.Е. Шалыгин ва М.Ю. Гребенкин [15] лар фикрича, «қуролнинг ғайриқонуний муомаласи деганда давлатнинг ваколатли органларининг қонуний рухсатисиз қуролни олиш, сақлаш, жўнатиш, ўтказиш, ташиш, таъмирлаш, қўллаш ва йўқ қилишдир».

Юқоридаги фикрлардан фарқли ўлароқ, Д.А. Корецский [16], Э.В. Солоницкая [17], Е.Д. Шелковникова [18] ва С.А. Григорянц [19]лар ғайриқонуний муомала шаклларини санаб ўтмасдан, балки уларни умумлаштирган ҳолда, яъни «қуролнинг ғайриқонуний муомаласи деганда қурол билан соф жиноий ҳаракатни амалга ошириш ва унинг қонуний муомала қоидаларини сезиларли даражада бузиш орқали махсус ваколатли органларнинг назоратидан чиқиб кетишига ва жиноий олам қўлига ўтишига сабаб бўлишини» тушуниш лозимлигини таъкидлайдилар.

С.А. Невский ва иккинчи гуруҳдаги олимларнинг қуролнинг ғайриқонуний муомаласи тушунчасида унинг муомаласини тартибга соладиган қонун ва қонуности ҳужжатлари қоидаларини бузиш ёки тақиқланган ҳаракатларни содир этиш орқали амалга ошириш деган белгиларини тан олган ҳолда шуни айтиш ўринлики, ҳақиқатан юқорида таъкидлаганимиздек қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ва портловчи қурилмалар муомаласини тартибга соладиган Ўзбекистон Республикасининг «Қурол тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслари, шунингдек ҳукумат қарорлари ва тегишли ваколатга эга бўлган бошқа давлат бошқарув органларининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари қоидаларини бузиш ёки уларда белгиланган тақиқларга зид равишда қилмишларни амалга оширилиши ушбу тушунчанинг «ғайриқонунийлик» белгисини билдирса-да, аммо муомаланинг аниқ турларини аниқлашда бир неча ўринли саволларга жавоб излашга тўғри келади.

Чунончи, С.А. Невский муомаланинг «қабул қилиш», «тарқатиш», «қўллаш ва улардан фойдаланиш» каби турларини санаб ўтиши билан, унинг қолган турлари, масалан «тайёрлаш», «ишлаб чиқиш», «ҳисобга олиш», «сақлаш» ва бошқалари унинг эътиборидан четда қолмоқда. Ҳолбуки, қуролнинг ғайриқонуний муомаласининг ушбу турлари учун ҳам қонун ҳужжатлари билан юридик жавобгарликлар ўрнатилган. Бу билан С.А. Невский томонидан ушбу тушунча номукаммал тарзда ишлаб чиққанлигидан далолат беради.

Иккинчи гуруҳ олимлари эса «ғайриқонуний муомала» кенг ҳаракатларни, яъни «олиш, сақлаш, жўнатиш, ўтказиш, ташиш, таъмирлаш, қўллаш, фойдаланиш ва йўқ қилиш» каби турларини санаб ўтиш билан чегараланиб, қуролни муомалага киритиш учун энг аввало уни «ишлаб чиқиш», «тайёрлаш» лозим, шундан сўнг эса ушбу олимлар томонидан санаб ўтилган ҳаракатлар билан бирга «олиб юриш», «етказиб бериш» ва бошқа турлари ҳам намоён бўлиши мумкин.

Учинчи гуруҳ олимлари томонидан илгари сурилган фикрларда, қуролнинг ғайриқонуний муомаласи тушунчасининг «ғайриқонунийлик» белгисини намоён этиб, бироқ, таърифда берилган муомала жараёни мавҳумлигича қолган назаримизда, бизнингча, муомала жараёнининг дастлабки нуқтасидан бошлаб, унинг якуний босқичи нима билан тугатилиши лозимлиги аниқроқ қилиб берилганда мақсадга мувофиқ бўларди.

Фикримизча, ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ва портловчи қурилмаларга тааллуқли бўлган муомала тушунчасини қисқа ва лўнда қилиб (турларининг барчасини санаб ўтирмасдан) ишлаб чиқиш зарур.

Зотан, И.И. Бикеевнинг фикрини қўллаб-қувватлаб, айтиш жоизки, тушунчада муомала турларининг рўйхати аниқлаштирилмаслик керак, бу муайян вақт ва ҳудудда тўлиқ бўлмаслиги билан, унинг ҳуқуқий тартибга солишни талаб қиладиган янги шакллари пайдо бўлиши мумкин [20].

Назаримизда, ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ва портловчи қурилмалар муомаласининг муайян вақт ва ҳудудда мавжуд бўлиши ҳамда ривожланиши, яъни ушбу предметларни ишлаб чиқиш (тайёрлаш)дан бошлаб, ундан турли усул ва йўллар билан фойдаланиш токи йўқ қилиш билан боғлиқ бир бутун жараён сифатида аниқлаш даркор. Шундай қилиб, юқоридаги таҳлиллар асосида «қурол, унинг асосий қисмлари, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларининг ғайриқонуний муомаласи» тушунчасига қуйидагича таъриф беришни таклиф этамиз:

«Қурол, унинг асосий қисмлари, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларининг ғайриқонуний муомаласи деганда қонунлар, ҳукумат қарорлари ва махсус ваколатга эга бўлган идораларнинг меъёрий ҳужжатларида белгиланган тартиб-таомиллар ва қоидаларни бузиш ёки улардаги тақиққа зид равишда қурол, унинг асосий қисмлари, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларни яратишдан бошлаб, муайян макон ва замон оралиғида уларнинг истеъмолчи(лар) ихтиёрида мавжуд бўлиши, турли усулларда намоён бўлиши ва йўқ қилиши билан боғлиқ барча жараён» тушунилади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР


1. *Рогатых Л.Ф.* Незаконный оборот оружия: Серия «Современные стандарты в уголовном праве и уголовном процессе» / Науч. редактор проф. Б.В. Волженкин. – СПб., 1998. – 40 с.

2. *Власов В. П.* Криминологическая характеристика и предупреждение незаконного оборота оружия: Дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2001. – 172 с.

3. *Скоропупов Ю. И.* Уголовно-правовые и криминологические вопросы борьбы с незаконным приобретением, передачей, сбытом, хранением, перевозкой или ношением оружия, его основных частей, боеприпасов, взрывчатых веществ и взрывных устройств: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Рязань, 2002. – 31 с.

4. *Мелешко Г. С.* Уголовно-правовые и криминологические проблемы противодействия незаконному обороту оружия, боеприпасов, взрывчатых веществ и взрывных устройств (по материалам Ставропольского края): Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Саратов, 2004. – 24 с.

5. *Григорян Т. Л.* Противодействие незаконному обороту оружия: уголовно-правовой и криминологический аспекты: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – СПб., 2005. – 28 с.

6. *Кац Е. А.* Уголовная ответственность за незаконные приобретение, передачу, сбыт, хранение, перевозку или ношение оружия, его основных частей, боеприпасов, взрывчатых веществ и взрывных устройств: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Красноярск. 2005. – 25 с.

7. *Загайнова Ю. В.* Уголовно-правовая и криминологическая характеристика незаконного оборота оружия: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Иркутск, 2007. – 28 с.

8. *Муркштис М. Й.* Противодействие незаконному обороту оружия: уголовно-правовое и криминологическое исследование: Автореф. дис. ... д-ра. юрид. наук. – М., 2019. – 31 с.

9. Протокол против незаконного изготовления и оборота огнестрельного оружия, его составных частей и компонентов, а также боеприпасов к нему, дополняющий Конвенцию Организации Объединенных Наций против транснациональной организованной преступности (утв. резолюцией 55/255 Генеральной Ассамблеи ООН от 31 мая 2001 г.).

10. Соглашение между правительствами государств — членов Шанхайской организации сотрудничества о сотрудничестве борьбе с незаконным оборотом оружия, боеприпасов и взрывчатых веществ. Душанбе, от 28 августа 2008 года (Вступило в силу для Республики Узбекистан 3 мая 2010 год. — URL: https://lex.uz/docs/2071326 (Мурожаат санаси: 25.05.2021 й.).

11. Соглашение о сотрудничестве государств – участников Содружество Независимых Государств в борьбе с незаконным изготовлением и оборотом огнестрельного оружия, боеприпасов, взрывчатых веществ и взрывных устройств (Кишинёв, 14 ноября 2018 год) // Ўзбекистон Республикаси Халқаро шартномалар тўплами. – 2010. – № 4, – Б. 25.

12. *Невский С.А.* Криминологические и уголовно-правовые проблемы борьбы с незаконным оборотом оружия: Дис. ... канд. юрид. наук. – Краснодар, 2001. – С. 29.

13. *Дирютин И.В.* Проблемы борьбы с незаконным оборотом огнестрельного оружия // Вестник Удмуртского Университета. – 2010. – № 4. – С 97.

14. *Якушевская М.О.* К вопросу о понятии «незаконный оборот оружия» и применению уголовного законодательства России и Германии при неправомерном владении и использовании газовых баллончиков // Научно-практический электронный журнал Аллея Науки. – 2019. – № 11 (38). — URL: https://alley-science.ru(Мурожаат санаси: 25.05.2021 й.).

15. *Шалыгин А.Е., Гребенкин М.Ю.* Незаконный оборот оружия и его предупреждение // Вестник Казанского юридического института МВД России. – 2017. – № 2 (28). – С. 58.

16. *Корецкий Д.А.* Оружие и его незаконный оборот. – СПб., 2006. – С. 87.

17. *Солоницкая Э. В.* Криминологическая характеристика незаконного оборота оружия и меры борьбы с ним: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Ростов-на-Дону, 2004. – С. 11.

18. *Шелковникова Е.Д.* Правовой режим оружия и особенности его законодательного регулирования // Закон и право. – 2003. – N 7. – С. 37-41.

19. *Григорянц С.А.* Незаконный оборот оружия, боеприпасов, взрывчатых веществ и взрывных устройств как объект криминологического исследования: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Ростов-на-Дону, 2011. – С. 10.

20. *Бикеев И.И.* Ответственность за незаконный оборот огнестрельного оружия, боеприпасов, взрывчатых веществ и взрывных устройств: Дис. ... канд. юрид. наук. – Йошкар-Ола, 2000. – С. 20–21.

***А.А. Шодиев*,***
***З. Қ. Жаббаров*****

# ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ ТИЗИМИДА МАНЗИЛ-КОЛОНИЯЛАРИНИНГ ҚИСҚАРТИРИЛИШИ, ИНСОНПАРВАРЛИК КОМИССИЯЛАРИНИ ТУЗИШ ЗАРУРАТИ ВА АҲАМИЯТИ

**Аннотация.** Мазкур мақолада жазо тизимида манзил-колонияларининг қисқартирилиши ва инсонпарварлик комиссияларини тузиш зарурати ва аҳамияти ёритилган. Хусусан, манзил-колонияларининг қисқартирилиши, инсонпарварлик комиссияларини тузиш зарурати, маҳкумлар ҳуқуқларини таъминлашнинг самарали механизмлари асосланган.

**Таянч сўзлар:** маҳкум, манзил-колонияси, инсонпарварлик комиссиялари, маҳкумларнинг ҳуқуқлари, маҳкумларни оиласи ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш, ахлоқан тузатиш.

## НЕОБХОДИМОСТЬ И ВАЖНОСТЬ СОКРАЩЕНИЯ КОЛОНИЙ-ПОСЕЛЕНИЙ И СОЗДАНИЯ ГУМАННЫХ КОМИССИЙ В СИСТЕМЕ НАКАЗАНИЯ

**Аннотация.** В статье говорится о необходимости и важности сокращения количества колоний-поселений в пенитенциарной системе а также, создани гуманных комиссий для эффективности обеспечения прав заключенных.

**Ключевые слова:** осужденный, колонии-поселения, гуманные комиссии, права осужденных, укрепление отношений между семьями осужденных, исправление.

## THE NECESSITY AND IMPORTANCE OF REDUCING POPULATION COLONIES AND ESTABLISHING HUMANITARIAN COMMISSIONS IN THE PUNISHMENT SYSTEM

**Annotation.** The author emphasizes the need and importance of reducing the number of colonies in the penitentiary system and the creation of humanitarian commissions. In particular, the authors based their proposals on the reduction of targeted colonies and the need to create humanitarian commissions to increase the efficiency of ensuring the rights of prisoners.

Keywords: convicts, colonies of affirmation, commissions of humanism, the rights of convicts, strengthening relations between the families of convicts, corrections.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси – жамият ва давлатни барқарор ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегияси.

Ҳаракатлар стратегияси доирасида сиёсий тизимни модернизация қилиш, чуқур маъмурий ислоҳотлар ўтказиш, суд-ҳуқуқ тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш, судларнинг мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш, иқтисодиётни либераллаштириш, қулай бизнес ва инвестиция муҳитини яратиш, миллатлараро

* ***Шодиев Абдукарим Абдурахмонович,*** *Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси жиноий жазоларни ижро этиш фаолияти кафедраси бошлиғи.*

** ***Жаббаров Зокиржон Қодиржонович,*** *Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси жиноий жазоларни ижро этиш фаолияти кафедраси катта ўқитувчиси, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD).*

тотувлик ва бағрикенглик, шунингдек пухта ўйланган ўзаро манфаатдор ташқи сиёсатни таъминлаш бўйича тезкор, тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ҳаракатлар стратегияси асосида 30дан ортиқ стратегик ва миллий дастурлар, 5 та кодекс, 250 га яқин қонун, Президентимизнинг 3200 дан ортиқ фармон ва қарорлари ҳамда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, илмий-техника, суд-ҳуқуқ ва бошқа соҳаларни ривожлантириш бўйича кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Ҳозирги кунда жиноят-ижроия қонунчилигини ислоҳ қилиш борасида ишлар жадал олиб борилмоқда. Мазкур ислоҳотлар негизида маҳкумлар ҳуқуқ ва манфаатларини адолатли ҳимоя қилиш масаласи турибди.

Қайд этишимиз керакки,бугунги кунда Ўзбекистонда 54 та жазони ижро этиш муассасалари мавжуд. Уларнинг 18 таси ёпиқ турдаги колониялар, 25 таси очиқ манзил колониялари, 11 таси эса тергов ҳибсхоналари ҳисобланади.

Мазкур муассасаларда 22 мингдан ортиқ маҳкумлар жазони ўтайди. Уларнинг 7 мингдан ортиғи манзил колонияларда, қолган 14 мингдан ортиғи эса ёпиқ турдаги колонияларда жазо ўтайдилар.

Эътиборлиси шундаки, 2020 йил ҳолатига кўра, АҚШда ҳар юз минг одамдан 639 нафари, Россияда 340 нафари, Туркияда 335 нафари, Белорусда 343 нафари, Ўзбекистонда эса ҳар юз минг одамдан 68 нафари жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган шахслар ҳисобига тўғри келади.

Халқаро стандартлар асосида маҳкумлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни сақлаш ва яшаш шароитларини шаффофлигини таъминлаш мақсадида юртимиздаги жазони ижро этиш муассасаларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари жадал олиб борилмоқда. Жумладан, қийноқ, руҳий тазйиқ ўтказиш, шахсни шаъни ва қадр-қимматини камситувчи ҳолатларини олдини олиш, уларга чек қўйиш мақсадида барча жазони ижро этиш муассасаларининг яшаш, ишлаб чиқариш саҳни, тергов ҳибсхоналарининг тергов хоналарида, ташқи маъмурий ҳудудларига 3280 дан ортиқ замонавий видеокузатув мосламалари ўрнатилди.

2020 йилда мамлакатимизда амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида судланган шахсларнинг 74 фоизига нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланди. Шунингдек, улар пробация назоратига олинди.

Жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларнинг ҳуқуқларини янада кенгроқ таъминлаш мақсадида юртбошимиз Шавкат Мирзиёев 2020 йил 29 декабрь куни Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида жазони ижро этиш тизимида инсонпарварлик тамойилини кенг қўллаш масаласига алоҳида тўхталиб, «Кейинги йилларда халқаро стандартлардан келиб чиқиб, 25 та манзил-колониялари босқичма-босқич қисқартирилишини, шунингдек бундан буён биринчи марта озодликдан маҳрум этилган шахсга берилган жазо енгилроғи билан алмаштирилса, у манзил-колонияга ўтказилмасдан, тўғридан-тўғри пробация назоратига олиниши» [1] ни маълум қилди.

Манзил-колониялари тўғрисида сўз борганида, ҳозирги кунда манзил колониясида кимлар жазони ўтайди?, деган ҳақли савол туғилади. Манзил-колонияларида биринчи маротаба ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлиги учун озодликдан маҳрум этилган шахслар, шунингдек рағбатлантириш тариқасида умумий ва қаттиқ тартибли колониялардан ўтказилган маҳкумлар жазо ўтайди. Маҳкумлар соқчи назорати остида юради, фуқаролар киядиган кийим-бош кияди. Пул сақлашлари ва ундан чекланмаган миқдорда фойдаланадилар. Ёзишма ва телефон сўзлашувлари чекланмаган. Муассаса маъмуриятининг қарори билан муассаса ташқарисида оиласи билан яшаш ҳуқуқига эгадир. Маҳкумлар

манзил-колониясидан ташқарида жойлашган корхона, муассаса ёки ташкилотларда ишлашлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2021 йилнинг 12 февраль куни Ички ишлар вазирлигининг кенгайтирилган ҳайъат йиғилишида иштирок этиб, жорий йилда 6 та манзил колонияси ўз фаолиятини тугатилиши назарда тутилаётганлигини маълум қилган.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда манзил-колонияларини қисқартириш ва пробация фаолиятини такомиллаштириш зарурати нимада? Зарурат шундаки:

*биринчидан,* манзил колонияларининг қисқартирилиши натижасида ҳозирда жазо ўтаётган 6 минг нафар шахс ўз маҳалласи ва оиласи бағрига қайтарилади. Эндиликда биринчи маротаба ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этган шахслар манзил колонияларига эмас, балки пробация назоратига олиниб, кенг жамоатчилик ҳамкорлигида тарбиялаш ишлари олиб боришни талаб қилади. Бу эса ўз навбатида, Жиноят кодексининг 7-моддасида назарда тутилган «Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўлган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилиши лозим», деган инсонпарварлик тамойилини кенг қўллаш имконини беради.

Шунингдек, қайд этишимиз керакки, ўзбек оилаларида эр ёки аёл озодликдан маҳрум этилса, уларнинг танишлари ёки маҳаллада яшовчи фуқароларда маҳкумнинг бутун оила-аъзоларига нисбатан салбий қараш уйғонади. Бу эса оиланинг обрўсига катта путур етказади. Шу боисдан эндиликда маҳкум манзил колонияларига юборилмасдан пробация назоратига олинади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Маҳбуслар билан муомала қилиш бўйича минимал стандарт қоидалари», яъни 106-Манделла қоидасида «Маҳбус ва унинг оила аъзоси ўртасидаги алоқаларни сақлаш ва мустаҳкамланишига алоҳида эътибор қаратилиши лозим, улар зарур ва иккала томон манфаатларига хизмат қилиши назарда тутилади», деган устувор қоида бор.

Мамлакатимиз Конституциясида «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга», деган устувор қоида белгиланган.

Шу боис пробация назорати остидаги шахс кенг жамоатчилик билан мулоқотда бўлиш, ўз фарзандларини ёнида бўлиб, уларни тарбиялаш, уларга меҳрини бериш, ғамхўрлик қилиш имкониятига эга бўлади ва энг асосийси, атроф-муҳит, табиат имкониятларидан фойдаланиши мумкин. Унда сўз, фикр ва эътиқод эркинлиги жамият ривожига мутаносиб ҳолда шаклланиб боради. Яъни пробация назорати остидаги шахс ўзи истаган ахборотни излаши, олиши ва ундан фойдаланиши орқали жамиятга муносиб ҳолда ривожланади;

*иккинчидан,* ўзи истаган жойда билим олиш ҳуқуқига эга бўлади. Илгари манзил-колонияларида жазони ўтаётган маҳкумлар манзил колонияси жойлашган туман ҳудудидаги олий ёки ўрта махсус таълим муассасасига ўқишга кириш ва унда ўқиш имкониятига эга бўлган бўлса, эндиликда пробация назоратига ўтказилган маҳкум Республикамиз ҳудудида жойлашган ўзи истаган барча олий ва ўрта махсус таълим муассасасига ўқишга кириши ва ўқиши мумкин. Хорижий олий таълим муассасаларида масофавий олий таълим олиш ҳуқуқига ҳам эгадир.

Ривожланган хорижий давлатлар тажрибасига асосланган ҳолда мамлакатимиз ҳудудидаги ёпиқ турдаги жазони ижро этиш муассасаларида ҳам масофавий олий таълимни йўлга қўйиш масаласи айни пайтда кўриб чиқилмоқда;

*учинчидан,* илгари манзил-колонияларида жазони ўтаётган маҳкум колония ҳудудидаги ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаган бўлса, эндиликда пробация назорати остидаги шахс ўзининг қизиққан касбини танлаши ёки тадбиркорлик фаолияти билан ҳам шуғулланиши мумкин бўлади. Натижада маҳкум оиласини етарлича моддий таъминлаш имкониятига эга бўлади;

*тўртинчидан,* манзил-колонияларини босқичма-босқич қисқартириб, маҳкумларни озодликка чиқариш хусусида сўз борганида, тарихий тажрибамиз шуни кўрсатадики, Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунига мувофиқ, республика бўйича жазони ижро этиш муассасаларида жазони ўтаётган 56 мингдан ортиқ маҳкумларнинг 15 мингга яқини озодликка чиқарилган. Ушбу ислоҳотлар натижасида рецидив жиноятчилик сони ошиб кетгани йўқ, аксинча жиноятчиликнинг ҳолати барқарор сақланиб қолган. Ҳозирги кунда манзил-колонияларида жазони ўтаётган 6 мингдан ортиқ маҳкумларнинг оиласи бағрига чиқарилиши, уларни маҳалласи, умуман жамоа ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамланишига хизмат қилади. Маҳкумнинг давлатга нисбатан ишончи ортади;

*бешинчидан,* манзил колонияларида хизмат ўтаётган аксарият ходимлар пробация хизматига ўтказилиши натижасида пробация хизмати ходимларининг кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда ишлаши ҳисобига маҳкумларнинг тарбияси, жамиятга мослашишига кўпроқ эътибор қаратишга эришилади.

Инсонпарварлик комиссияларини тузиш зарурати нимада? Тузиш зарурати:

*биринчидан,* ижтимоий адолатни таъминлаш. Авваламбор, инсонпарварлик комиссияларини тузиш Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан амалга оширилди. Президент Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномасида амалдаги жазони ижро этиш тизимига танқидий қараб: «У колониянинг раҳбари нима деса, ўша бўлади. Бу ҳам адолатсизлик. Шунинг учун жазони енгилроғи билан алмаштириш ва муддатидан олдин шартли озод қилиш тўғрисидаги тақдимнома киритиш ваколати жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятидан янги ташкил этилаётган инсонпарварлик комиссиясига ўтказилади», – деб таъкидлади;

*иккинчидан,* келиб чиқиши мумкин бўлган коррупция омилларини олдини олиш. Жазони ижро этиш муассасалари маъмурияти маҳкумни жазодан озод қилиш ёки жазосини енгилроғи билан алмаштириш тўғрисида судга тақдимнома киритишни мустақил ҳал этса коррупция омиллари аралашиши мумкин. Натижада улар латент бўлиб қолиб кетавериши мумкин. Шу сабабли судга тақдимнома киритиш ваколатини инсонпарварлик комиссияларига ўтказиш зарурати мавжуд;

*учинчидан,* маҳкумларни ичига доимий кириб борадиган, уларнинг тақдири билан қизиқадиган, оиласи ўртасидаги алоқаларини мустаҳкамлайдиган жамоатчилик тузулмасини, яъни инсонпарварлик комиссияларини шакллантириш зарурати мавжуд.

Чунки Халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилган Нельсон Манделла қоидаларида «Маҳкумни жамиятга қайтариш, зарур бўлса маҳкумнинг хусусиятларини инобатга олган ҳолда озод қилиб, уларга синов муддатини белгилаб, уларга самарали ижтимоий ёрдам кўрсатадиган, маҳкумларни жамиятда ўз ўрнини топишга ёрдам берадиган марказлаштирилган ва мувофиқлаштирилган ташкилот мавжуд бўлиши зарурлиги» [2] қайд этилган.

Биламизки, маҳкумнинг жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки тайинланган жазони енгилроғи билан алмаштириш юзасидан тақдимнома киритиш масаласи, жазони ижро этиш муассасаларида маҳкум Жиноят кодексининг 73–74-моддаларида назарда тутилган муддатларни ўтаб бўлганидан сўнг, аммо жазони ўташ даврида ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажарган ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлган маҳкумларга нисбатан қўлланилади.

Шу ўринда биз масалага бир томонлама ёндашмасдан, маҳкумни жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки жазосини енгилроғи билан алмаштириш масаласини кўриб чиқиш лозим. Агарда маҳкум мазкур муддатлар ўтмасдан олдин ҳам уни жамиятга қайтариб, уни тарбиялаш ва жамиятга мослаштириш имконини берадиган вазиятларда, қонунда белгиланган муддатлар ўтмасдан туриб ҳам пробация назорати остига ўтказиш юзасидан қонунчилигимизга янги қоидалар киритиш масаласини кенг жамоатчилик биргаликда ўйлаб кўришимиз керак.

Ўйлаймизки, келгусида, албатта, манзил-колонияларни босқичма-босқич қисқартирамиз. Шундай экан пробация хизмати фаолиятини аниқ мақсадли ривожлантиришимиз зарур. Пробациянинг асосий мақсади нима? Пробациянинг асосий мақсади – жиноят содир этган шахсларнинг жамиятдан ажратмаган ҳолда, жамоатчилик билан узвий ҳамкорликда, маҳкумларни хулқ-атвори устидан таъсирчан назоратни амалга ошириш орқали, уларни ахлоқан тузатиш ва уларни жамият ҳаётига қайта тарбиялашдан иборат.

Бугунги кунда амалдаги пробация хизмати фаолияти билан боғлиқ айрим муаммолар мавжудлигини кузатишимиз мумкин. Улар қуйидагилардан иборат:

*биринчидан,* суд амалиётида, судлар томонидан ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашда маҳкумнинг яшаш жойи жойлашган тумандаги пробация хизмати томонидан назоратга олиниши белгиланмоқда. Аммо муаммо нимада, у шундаки, масалан Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманида яшовчи маҳкумга шу туман пробация хизмати ходими томонидан назоратга олиш тартиби белгиланмоқда. Бироқ ушбу ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўтаётган маҳкум 20–25 километр узоқликда жойлашган Чилонзор ёки Учтепа туманида ишлайди. Шу сабабли пробация хизмати ходими ушбу маҳкумларни кун давомида назорат қилишнинг имкони йўқ. Масалан, Тошкент шаҳридаги суд ҳукмларининг 60–70 % да шундай назорат ўрнатиш тартиби белгиланганлигини кузатиш мумкин.

Шунинг учун қайд этишимиз керакки, «Судлар томонидан ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашда маҳкум қайси туманда ишлаши белгиланган бўлса, ушбу туманда фаолияти олиб бораётган пробация хизмати томонидан маҳкумларни назорат қилишни белгилашга эътибор қаратилса мақсадга мувофиқ бўлар эди;

*иккинчидан,* маҳкумларни ишга жойлаштириш билан боғлиқ муаммолар мавжуд. Суд маҳкумларга ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлаганидан сўнг, уларнинг аксариятини ишга жойлаштириш масаласи ҳозирги кун амалиётида муаммолигича қолмоқда. Сабаби мазкур масаланинг ечими амалдаги қонунларимизда тўлиқ ўз ечимини топмаган. Масалан, маҳкумни ишга жойлаштириш масаласи Вазирлар Маҳкамасининг 84-сонли қарорида, бандликка кўмаклашиш органи зиммасига белгиланган [3] бўлса-да, лекин мазкур масалани ҳал этиш пробация хизмати зиммасида қолиб кетмоқда. Тўғри, Бандликка кўмаклашиш органлари иш жойлаштириш юзасидан тавсиялар беради. Аммо тавсия этилган корхонадан маҳкум бориб иш сўраса унинг раҳбари ижобий хулқ-атворга эга, яъни судланмаган шахслардан ишга олмоқчи бўлади ёки маҳкумга иш ҳақи жуда ҳам кам бўлган ишларни тавсия қилади. Маҳкум эса бу лавозимларда ишлагиси келмаган ҳолатлар

кўп кузатилмоқда. Масалан, ҳозирги кунда Тошкент шаҳрида суд томонидан ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, аммо ҳалигача ишга жойлаштириш қийин бўлаётган маҳкумларнинг сони 104 нафарни ташкил этмоқда. Албатта, мазкур масаланинг мураккаблиги ишга олувчи ва ишлаши лозим бўлган маҳкумларнинг хоҳиш-иродасига боғлиқлигидадир.

Шу ўринда суд ҳукмларида маҳкумни айнан ким иш билан таъминлаши масаласини ҳам аниқ белгилаб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлар эди Бу каби масалаларни ҳам кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш ва унинг мақбул ечимини топиш зарур;

*учинчидан,* пробация назорати остидаги, яъни жиноят содир этиш хавфи юқори бўлган шахслар билан ишлаш масаласига жиддий эътибор қаратиш шарт.

Пробация назорати остидаги шахслар асосан 3 тоифага ажратилади: жиноят содир этиб тузалиш йўлига ўтганлар, жиноят содир этишга мойиллар ва жиноят содир этиш хавфи юқори бўлган шахслардир.

Пробация назорати остидаги, яъни жиноят содир этиш хавфи юқори бўлган шахслар устидан назоратни кучайтириш мақсадида жойларда пробация хизмати ходимлари штат бирликларини кўпайтириш ва «жиноят содир этиш хавфи юқори бўлган шахслар устидан назоратчи масъул ходим» лавозимларини белгилаш. Мазкур лавозимларни масъулиятли ва тажрибали пробация хизматида кўп йиллар ишлаган ходимлар ҳисобидан тўлдириш. Мазкур масъул ходимларга 10–20 тагача жиноят содир этиш хавфи юқори бўлган шахслар устидан назорат олиб бориш тартибини белгилаш зарур;

*тўртинчидан,* электрон браслет. Ҳозирча эксперимент тариқасида Тошкент шаҳрининг Олмазор туманига 10 дона берилиб, 7 та маҳкумга нисбатан синов тариқасида қўллаб кўрилмоқда. Бу ҳам ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Аммо республиканинг қолган жойларида мазкур техник воситалар йўқ бўлганлиги сабабли, қўлланилаётгани йўқ. Мазкур техник воситаларни келгусида кенгроқ қўллаш зарурати бор;

бешинчидан, Пробация хизмати ходимларини хизмат ўташ хоналари билан таъминлаш масаласи турибди. Ҳозирги кунда Пробация хизмати ходимлари ҳокимият ёки тадбиркорлар балансидаги биноларда хизмат олиб бормоқда. Улар ҳам моддий-техник нуқтаи назардан таъминланмаган. Шу боис Пробация хизмати ходимлари учун алоҳида хизмат биноларини (ўз балансига ўтказган холда) ажратиш, янгиларини қуриш ва уларни тўлиқ техник жиҳатдан таъмирлаш зарурати мавжуд.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. – 2020. – 30 дек.

2. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Маҳбуслар билан муомала қилиш бўйича минимал стандарт қоидалари». www.penalreform.org/keep-informed.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ички ишлар органлари пробация хизмати фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2020 йил 14 февраль 84-сон қарори.

*Д. А.Таджибаева**

# ПОНЯТИЕ РЕСОЦИАЛИЗАЦИИ И ЕЕ ПРИМЕНЕНИЕ В ОТНОШЕНИЙ ОСУЖДЕННЫХ

**Аннотация.** Автором рассматривается попытка изменения уголовного законодательства, которая заключается в дополнении новым положением о ресоциализации осужденных как одной из доминирующих целей наказания в ст. 42 Уголовного кодекса. В рамках данной модификации заявленные законодателем цели будут реальными и достижимыми всеми видами наказаний в равной степени.

**Ключевые слова:** социализация, социальная адаптация, социальная реабилитация, десоциализация, ресоциализация, ресоциализация осужденных, ресоциализация как цель уголовного наказания.

## ҚАЙТА ИЖТИМОИЙЛАШИШ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ МАҲКУМЛАРГА НИСБАТАН ТАТБИҚ ЭТИЛИШИ

**Аннотация.** Муаллиф маҳкумларни қайта ижтимоийлаштириш тўғрисидаги янги қоидани Жиноят кодексининг 42-моддасига жазонинг устувор мақсади сифатида қўшишдан иборат жиноят қонунчилигини ўзгартиришни таклиф этади. Мазкур ўзгартириш доирасида қонун чиқарувчи томонидан белгиланган мақсадларга реал тарзда ва барча жазо турлари билан тенг равишда эришилиши мумкин бўлади.

**Таянч сўзлар:** ижтимоийлашув, ижтимоий мослашув, ижтимоий реабилитация, қайта ижтимоийлашув, маҳкумларни қайта ижтимоийлаштириш, жиноий жазо мақсадида қайта ижтимоийлашув.

## CONCEPT OF RESOCIALIZATION AND ITS APPLICATION IN RELATION TO CONVICTS

**Annotation.** The author considers an attempt to change the criminal legislation, which consists in adding a new provision on the resocialization of convicts as one of the dominant goals of punishment in Art. 42 of the Criminal Code. The goals declared by the legislator will be realistic and achievable by all types of punishments to the same extent within the framework of this modification.

**Key words:** socialization, social adaptation, social rehabilitation, desocialization, resocialization, resocialization of convicts, resocialization for the purpose of criminal punishment.

Общеизвестно, что задачей Уголовно-исполнительного кодекса (УИК) является регулирование порядка и условий исполнения наказаний. В известной степени УИК является производным от Уголовного кодекса (УК). Такие важнейшие вопросы, как цели наказания, виды наказаний, их сроки, условное осуждение, условно-досрочное освобождение, амнистия, помилование и др., которые напрямую влияют на структуру осужденных по видам наказаний, соответственно, отражаются на внутренней характеристике пенитенциарной системы, имеют первичное закрепление именно в УК.

* ***Таджибаева Дилдора Абдурахимовна,*** *докторант базовой докторантуры Факультета послевузовского образования.*

В настоящее время в стране проводится обновление кодексов уголовного законодательства, среди них и Уголовно-исполнительный кодекс, который является содержательно-определяющим для уголовно-исполнительной (пенитенциарной) системы. Учитывая, что результатом реализации норм УК в большинстве случаев является отбывание преступником уголовного наказания, то и реформирование Уголовно-исполнительного кодекса, на наш взгляд, должно проходить с учетом проблем и перспектив развития действующей пенитенциарной системы.

Согласно уголовному законодательству целями наказания являются: исправление, воспрепятствование продолжению преступной деятельности, а также предупреждения совершения новых преступлений как осужденным, так и другими лицами. Анализ же действующего УИК вкупе со всей сопутствующей подзаконной нормативной правовой базой выявляет, что идея уголовно-исполнительного законодательства построена в основном на достижении одной цели – исправление осужденного лица. Соответственно, и процесс исполнения уголовных наказаний полностью ориентирован на достижение этой цели.

Вместе с тем, сегодня с учетом современных научных достижений в области психологии, педагогики и положительного опыта пенитенциарных систем зарубежных стран ставится под сомнение реальная возможность исправления человека в лучшую сторону в условиях изоляции от общества [1].

Ни для кого не секрет, что личность формируется на биологической основе благодаря освоению человеком социального и культурного опыта. Но биологическая природа человека сама по себе не может создать личность, так как ни культура, ни социальный опыт не передаются биологическим (генетическим) путем. Поэтому для превращения человека как биологического существа в социального индивида и личность необходим процесс, который обозначается понятием«социализация». Социализация – это усвоение индивидом социальных и культурных норм, а также освоение им различных социальных ролей. В ходе социализации человек осваивает множество социальных норм и социальных ролей.

Ст.7 УИК определяет исправление личности преступника: «Исправление осужденного – формирование у него правопослушного поведения, уважительного отношения к человеку, обществу, труду, нормам и традициям человеческого общежития». Основой такого исправления должно быть прежде всего его моральное перерождение в результате глубинных изменений в его сознании. В психологическом аспекте исправление вытекает из раскаяния, а раскаяние – из стыда. Так как этот процесс – сугубо внутренний и психологически сложный, то не существует внешних достоверных критериев для установления наличия и определения истинности такого результата.

Поведение человека в принудительной изоляции, вынужденного подстраиваться под правила внутреннего распорядка и требования администрации учреждения наказания, не является истинным показателем его внутреннего исправления. А как проверить позитивное отношение осужденных к труду, если большинство из осужденных сегодня не обеспечено работой? Как проверить их позитивное отношение к обществу, правилам и традициям человеческого общежития, если в период отбывания лишения свободы они от него оторваны?

В пенитенциарных учреждениях оценка, даваемая администрацией осужденному в таких нормативно-закрепленных вариациях, как «встал на путь исправления», «твердо встал на путь исправления», «доказал свое исправление» либо «не встал на путь исправления», является определяющим критерием степени его исправления.

Все это напрямую влияет на объем и характер прав осужденного, в том числе право на перевод из одних условий отбывания наказания в другие улучшенные условия внутри колонии, условно-досрочное освобождение, перевод в колонию-поселение и на многое другое.

Ученые справедливо задают вопрос и в другом ракурсе: а как быть с теми, которые не исправились, так как имеют взыскания, но у них закончился срок наказания или, наоборот, юридически своим примерным поведением «доказали свое исправление», но в соответствии с фактически отбытым сроком не могут быть освобождены условно-досрочно, не говоря уже о полном освобождении [2].

Анализ значения «исправление» в науке, законодательстве и практике показал, что, если в науке и законодательстве под этим, прежде всего, понималась конечная цель, то для практики пенитенциарных учреждений в основном это означало процесс. Как известно, основным средством исправления раньше (в советский период) был труд, соответственно, и учреждения назывались исправительно-трудовыми. Широкое привлечение осужденных к труду, особенно к оплачиваемому, в то время нивелировало многие вопросы, которые в современных условиях трансформировались в острые проблемы пенитенциарной системы.

Другая цель наказания – предупреждение совершения новых преступлений тесно связана с исправлением, так как дополняет ее в смысле желаемого результата. Однако, если обратиться к статистике, можно признать, насколько эффективность пенитенциарной системы невысока. Иными словами, все наше уголовно-исполнительное законодательство, соответственно, и практика пенитенциарной системы, нацелены на достижение такой гипотетической цели, как исправление осужденного, результаты которого в условиях принудительной изоляции объективно оценить крайне затруднительно.

Между тем в европейских странах юридическая общественность говорила о невозможности исправить человека в положительную сторону путем изоляции его от законопослушного общества. Ученые советского и постсоветского периода тоже постепенно приходили к пониманию абсурдности рассматриваемой цели [3].

Поэтому в законодательстве и практике многих зарубежных стран, далеких от догм советской пенитенциарной науки, вообще не ставится цель по исправлению преступников с помощью содержания в тюрьмах. Например, в Законе ФРГ «Об исполнении наказания в виде лишения свободы» от 16 марта 1976 года закреплено: «Исполнение наказания служит цели научить заключенного жить в будущем с социальной ответственностью без совершения преступлений». То есть цель наказания не связана с морально-психологическим «перерождением» преступника в тюрьме, а обращена в будущее и заключается в его подготовке к социально-ответственной жизни после освобождения. Иными словами, целью наказания является ресоциализация заключенного, то есть подготовка его к освобождению.

По проблеме ресоциализации правоведами публикуется все больше работ, соответственно, накапливается и больше мнений [4]. Ресоциализация раскрывается либо как система мер воздействия на осужденного, комплекс мероприятий, призванных обеспечить его правопослушное поведение, либо как процесс восстановления утраченных или ослабленных в результате отбывания уголовного наказания (изоляции) социальных связей, функций и статуса личности [5]; либо как усвоение осужденным стандартов поведения и ценностных ориентаций, осознание подчинения правовым и иным моральным нормам поведения и т. д. [6].

Отучение от старых ценностей, норм, ролей и правил поведения называется десоциализацией, а следующий за ним этап обучения новым ценностям, нормам, ролям и правилам поведения взамен старых – называется ресоциализацией.

В криминологии «ресоциализация» означает процесс повторного вживания преступника в законопослушное общество. В отличие от «исправления» термин «ресоциализация», по мнению многих учёных трактуется шире, поскольку не исключая возможности изменения сознания осужденного, он направлен на его подготовку к жизни в обществе после отбытия наказания [7]. Ведь очевидно, что даже искреннее исправление осужденного, когда он отказывается от совершения новых преступлений в силу кардинальной нравственной переориентации, еще не гарантирует возвращение в общество личности, способной адаптироваться к реалиям свободной жизни. Поэтому государство, наказывая лицо за совершение преступления, должно нацелить уголовное наказание и систему исполнения наказаний на возвращение в общество не просто законопослушного, но и подготовленного индивида. В противном случае бывший осужденный, не желающий совершать новые преступления, но не сумевший адаптироваться в обществе, вновь встанет перед необходимостью нарушить закон.

Во многих странах ближнего и дальнего зарубежья проблеме ресоциализации осужденных уделяют большее внимание. Некоторые государства на постсоветском пространстве рассматривают проблему ресоциализации в государственном масштабе, считая ее политической задачей.

Так, в Азербайджане принят специальный закон, по сути предусматривающий развитие масштабных ресоциализационных мероприятий [8].

В Грузии совместно с международными организациями запущено десять проектов по реабилитации и ресоциализации осужденных. В мае 2006 г. подписан четырехсторонний договор «О ресоциализации осужденных в Грузии» между Министерством юстиции, Министерством труда, здравоохранения и социальной защиты Грузии, представителем Миссии юридических консультантов Норвегии в Грузии (WORLAG) и представителем Норвежской службы по трудоустройству [9].

Восточный гуманитарный институт Республики Казахстан совместно с администрацией Восточно-Казахстанской области выдвигают тезис о том, что для вхождения в десятку развитых государств Казахстану придется внедрить систему ресоциализации осужденных [10]. Уголовно-исполнительный кодекс Украины в новой редакции от 11 июля 2003 г. среди задач специально выделяет задачу ресоциализации осужденных [11].

Еще более выражен уклон в сторону ресоциализации осужденных в странах дальнего зарубежья. Особое внимание к данной проблематике отмечается в странах северной Европы. Э. Сохейм пишет, что двадцатый век был не только веком войн, но в той же мере и веком тюрем и тюремных лагерей [12].

В Меморандуме о европейской модели пенитенциарной системы Ульрих Сибер говорит о трех важных социологических изменениях, положенных в его основу [13], делающих несущественным географическое нахождение преступников и жертв. Далее преступнику и жертве необязательно перемещаться в пространстве или встречаться лично.

Переход от исправления к ресоциализации полностью согласуется с нашим законодательством. Конечно, сама по себе корректировка целей наказания с включением в них ресоциализации еще не решает указанную задачу. Следующим шагом должна стать сквозная реконструкция всего уголовно-исполнительного

законодательства, чтобы подчинить ее достижению этой цели. По опыту, прежде всего, европейских стран необходимо внедрение в практику пенитенциарных учреждений индивидуальных программ по ресоциализации осужденных. Причем в реализации этих программ у них активно участвуют как социальные службы, так и аккредитованные общественные организации.

Ресоциализация осужденных должна быть персонально направленной в зависимости от психологической характеристики личности конкретного преступника, совершенного им преступления, поведения в период отбывания наказания, отношения к жертве преступления, планов осужденного на будущее и т.д. При этом в контексте восстановительного правосудия особое значение следует придавать примирению осужденного с потерпевшим. Например, в развитых пенитенциарных системах для этого в условиях тюрем на добровольной основе организуются встречи по принципу медиации преступника и его жертвы, которые позволяют в период отбывания наказания снижать степень конфликтности сторон, создают условия для обсуждения вопросов возмещения ущерба и в целом способствуют бесконфликтному возвращению осужденного в общество.

Преимущество ресоциализации над исправлением еще и в том, что ее результаты более осязаемы и легко проверяемы. Есть множество показателей, через призму которых можно судить о готовности человека к возвращению к свободной жизни: наличие/восстановление необходимых документов, получение в период отбывания наказания образования, решение вопроса о месте будущего проживания бывшего осужденного, восстановление родственных связей, решение вопроса с трудоустройством после освобождения, решение вопроса социальных пособий в случаях с инвалидами, привитие некоторых распространенных в обществе навыков (например, умение работать на компьютере), обладание информацией о порядке и механизме решения того или иного правового или социального вопроса, получение необходимого объема информации и знаний о произошедших изменениях в стране за время его нахождения в изоляции и т.п.

Объективности ради следует сказать, что определенная работа по подготовке осужденных к освобождению в наших пенитенциарных учреждениях ведется а именно: оказывается содействие в восстановлении документов, получении среднего и профтехнического образования, некоторых удается трудоустроить на оплачиваемую работу, за шесть месяцев до освобождения местные исполнительные органы информируются о предстоящем освобождении лица, проводятся и другие мероприятия. Однако эта деятельность сегодня не является критерием качества работы пенитенциарных учреждений, она бессистемна, фрагментарна, без качественного взаимодействия с местными исполнительными органами и по ряду моментов сведена к формализму, а потому ее нужно объединить единой целью и содержательно расширить.

Безусловно, организация такого подхода к исполнению наказания является очень непростой и трудоемкой, сопряжена на начальном этапе с фундаментальным пересмотром многих положений уголовно-исполнительного законодательства и переориентацией пенитенциарной системы на достижение новой цели, результаты которой, в отличие от гипотетического исправления, принесут бывшему осужденному и законопослушному обществу намного больше пользы.

Таким образом, условиями объективного исследования ресоциализации осужденных и освобожденных от этого наказания становятся: 1) учет антропологического компонента их функционирования в условиях мест

лишения свободы; 2) анализ функционирования до - правовых, правовых и иных регуляторов в условиях исправительного учреждения; 3) увязывание исследований ресоциализационных процессов с параллельным анализом социализационных процессов в постмодернистской и информационной сферах; 4) постановка проблем ресоциализации и механизма его функционирования в сферу глобальных процессов диалога культур современности.

В данном аспекте понимается и наиболее широкая трактовка дефиниции «ресоциализация». Как процесс она есть, была и будет процессом приобщения к наличной культуре, окультуривания лица, нуждающегося в этом, а как цель – получение того уровня и качества культурного состояния, которое необходимо для полноценного и бесконфликтного функционирования в рамках наличного общества. А из данного понимания ресоциализации осужденных к лишению свободы и освобожденных от этого наказания следует главное требование к процессу ресоциализации – в большей своей части он должен протекать в рамках общества, а не отдельного учреждения.

Мы считаем, что наиболее актуальна на данном этапе разработка понятия ресоциализации для применения в общественно-популярных целях, скажем, «социально приемлемое определение». Оно не должно содержать сложных объяснений и может звучать следующим образом: «под ресоциализацией понимается дополнительная социализация личности в целях оптимальной адаптации к условиям общества».

В уголовно-правовой сфере оно может звучать следующим образом: «ресоциализация осужденных есть возобновление процесса их социализации в целях включения в социально приемлемые формы жизнедеятельности»; либо что-то аналогичное. Для уголовно-исполнительного права и рассмотрения процессов ресоциализации осужденных к лишению свободы может быть приведено дополнительное определение: «ресоциализация осужденных к лишению свободы есть процесс выработки социально приемлемых форм поведения и жизнедеятельности для последующей их адаптации к условиям и нормам жизнедеятельности общества, реализуемое при помощи средств ресоциализации».

В концепциях социальной интеграции последнее означает состояние связанности отдельных дифференцированных частей в целое, а также процесс, ведущий к такому состоянию. При этом подразумевается наличие упорядоченного бесконфликтного отношения между индивидами, организациями и т. д.

Представляется, что ресоциализацию осужденного следует рассматривать как основную цель государства в отношении лица, совершившего уголовно наказуемое деяние. Правосудие в отношении осужденных должно обеспечивать их ресоциализацию.

В доктрине уголовного права предлагается расширение цели уголовного наказания. С учётом этого, автор на основе изучения взглядов учёных обосновывает вывод о том, что целью уголовного наказания должны состоять не только исправление осужденного, но и обеспечение эффективной ресоциализации осужденных. На основании этого предлагается изложить ч.2 ст.42 УК в следующей редакции: «Наказание применяется в целях исправления, ресоциализации, воспрепятствования продолжению преступной деятельности, а также предупреждения совершения новых преступлений как осужденным, так и другими лицами».

## ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА


1. *Бугреева Е.Г.* Социокультурные основы ресоциализации преступников: Дис.… д-ра юрид. наук. – М., 2001.

2. *Рыбак М.С.* Ресоциализация осужденных к лишению свободы: проблемы теории и практики. – Саратов: Изд-во Саратов. гос. акад. права, 2004.

3. *Предов Т.* Ресоциализация преступников-рецидивистов: Автореф. дис. ...канд. юрид. наук. – М., 1978.; *Шмаров И.В.* Предупреждение преступлений среди освобожденных от наказания (проблема социальной адаптации). – М.: Юрид. лит., 1974: *Яковлев А.М.* Преступность и социальная психология. – М.: Юрид. лит.,1971; Коваль М.И. Социально-правовая адаптация лиц, отбывших длительные сроки лишения свободы: Дис.... канд. юрид. наук. – Рязань, 1995.; *Шатилов С.В.* Освобождение несовершеннолетних из воспитательных колоний и их социальная адаптация: Дис. ... канд. юрид. наук. – М., 1997.

4. *Дибиров М.Т.* Проблемы социальной адаптации лиц, освобожденных из исправительных учреждений: дис. ... канд. юрид. наук. – Рязань, 2006; *Громов В.В., Крылов А.С.* Социальные связи в процессе ресоциализации осужденных // Применение наказаний, не связанных с лишением свободы. – М.,1989. –С.37.

5. *Кулебякин Е.В.* К проблеме соотношения объективного и субъективного в процессе социальной адаптации в современных условиях (макросоциологические аспекты) // Проблемы социальной адаптации различных групп населения в современных условиях: материалы науч. конф. – Владивосток, 2000.

6. *Садовникова М.Н.* Ресоциализация несовершеннолетних осужденных: Автореф. дис. … канд. юрид. наук. – Владивосток, 2011

7. *Павленко О.В.* Постпенитенциарное поведение лиц, отбывших наказание за корыстные посягательства: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Омск, 2003.

8. О социальной адаптации лиц, освобожденных от отбывания наказания из пенитенциарного учреждения: закон Азербайджанской Республики от 31 мая 2007 г. Правила участия общественности в исправлении осужденных и осуществлении общественного контроля за деятельностью учреждений, исполняющих наказания (утв. приказом министра юстиции Азербайджанской Республики за № 4-Т от 25 апреля 2006 г.). – Баку, 2007.

9. Источник:http:// www.apsny.ge. (дата обращения 10.04.2020)

10. Источник: http:// akimovko.gov.kz/news.htm?id. или https:// articlekz. com/ article/ 28265 (дата обращения 09.02.2020)

11. Источник:http:// news.uaportal.com. (дата обращения 06.05.2021)

12. См.:Предварительное заключение в регионе Балтийского моря (Министерство юстиции Норвегии, Комиссар СГБМ). Обзор с дополнительными статьями и рекомендациями. Июнь, 2003. Министерство юстиции Норвегии. Осло Норвегия. – С.90.

13. См.: там же. Имеется в виду рост важности информации, равно, как и технологий обработки и передачи ее; генерация опасности во всех областях жизни (нашу жизнь начинает определять чувство незащищенности); большая подвижность людей, капитала и информации, уменьшение значимости границ. – С.91.

***Ғ. С. Қаршиев****

# ЁШЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МАСАЛАЛАРИ

**Аннотация.** Мақолада ёшлар жиноятчилигининг барвақт олдини олиш, ёшлар тарбиясида ота-онанинг роли, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, ёшларни ватанпарварлик, фуқаролик туйғуси, бағрикенглик, қонунларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган, ҳаётга бўлган қатъий ишонч ва қарашларга эга қилиб тарбиялаш, уларни тадбиркорликка кенг жалб этиш, ёшлар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш, уларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш ва ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш каби масалалар ёритилган.

**Таянч сўзлар:** ёшлар, таълим-тарбия, жиноятчилик, олдини олиш, ёшларга оид давлат сиёсати.

## ВОПРОСЫ ПРЕДУПРЕЖДЕНИЯ ПРЕСТУПНОСТИ СРЕДИ МОЛОДЕЖИ

**Аннотация.** В статье рассматриваются вопросы раннего предупреждения преступности среди молодежи, воспитания подрастающего поколения в духе патриотизма, гражданственности, толерантности, уважения закона и национальных оющечеловеческих ценностей а также повышать правовое сознания и правовой культуры молодых людей и основы реализации государственной молодежной политики.

**Ключевые слова:** молодежь, образование, преступность, профилактика, государственная молодежная политика.

## ISSUES OF YOUTH CRIME PREVENTION

**Annotation.** The article discusses the issues of early crime prevention among young people, the upbringing of the younger generation, the role of parents in the upbringing of young people, the meaningful organization of youth leisure and the mass development of youth sports, patriotism, citizenship, tolerance, and respect. for laws, national and universal values and educating people to be persistent, have strong beliefs and views on life, involve young people in entrepreneurship, encourage reading among young people, raise the legal awareness and legal culture of young people, and implement state youth policy.

**Key words:** youth, education, crime, prevention, state youth policy

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ва ўзгаришлар қайси жабҳани олмайлик, барчаси бевосита ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш масаласи билан боғлиқ эканини кўрамиз. Ҳозир дунё мамлакатларида юзага келаётган хавф-хатар ва таҳдидлар, албатта, юртимизда униб-ўсиб келаётган ёшлар онгига таъсир этмай қолмайди. Шу боис ёшлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг оқибатларига қарши курашиш эмас, балки мазкур ҳолатларнинг барвақт олдини олиш ва профилактикасини таъминлаш сиёсатимизнинг устувор йўналишига айланмоқда. Ўтган давр мобайнида республикамизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва ёшлар билан ишлаш тизимини самарали йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Натижада ёшлар ўртасида

* ***Қаршиев Ғуломжон Сайфуллаевич,*** *юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD).*

ҳуқуқбузарликлар кўрсаткичининг салмоқли даражада камайишига эришилиб, криминоген вазият сезиларли даражада яхшиланди.

Маълумки, ёшлар жамиятнинг ижтимоий ёрдамга муҳтож, доимо эътибор ва парвариш талаб қилинадиган қатламидир. Мамлакатимизда аҳолининг 18,9 млн. нафари ёки 54 %ни ташкил этувчи 30 ёшгача бўлган ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.Хусусан, 2017–2020 йилларда ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган 50дан ортиқ қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилиниб, ёшлар муаммолари билан шуғулланувчи янги тузилмалар ташкил этилди.Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатида Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси, Олий Мажлис Сенати қошида100 нафар ва Қонунчилик палатаси қошида 250 нафар фаол ва ташаббускор ёшлардан иборат «Ёшлар парламент»лари, Қонунчилик палатасида Ёшлар масалалари бўйича комиссия шулар жумласидандир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатасига 2019 йилда ўтказилган сайловларда 9 нафар (6%) ёшлар депутат этиб сайланган бўлса, маҳаллий Кенгашлар депутатларининг 10 %ни ёшлар ташкил этмоқда. Ўтган давр ичида хорижий давлатларнинг ёшлар сиёсати бўйича илғор тажрибасини Ўзбекистон шароитида қўллаш, ёшлар ўртасида тизимли ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида 13 та хорижий ёшлар ташкилотлари билан ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилиб, 2018 йилда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Ёшлар кенгашига, 2020 йилда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ёшлар масалалари бўйича кенгашига Ўзбекистон тенг ҳуқуқли аъзо сифатида қабул қилинди.Тўрт йил ичида 134та янги мактаб қурилиб, 2 минг 965та мактаб реконструкция қилинди. Ҳозир республикада 10 мингдан зиёд давлат умумтаълим, 171та нодавлат, 18та давлат-хусусий шериклик шаклидаги мактаблар фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, 56та– математика, 28та – кимё-биология, 14та – ахборот технологиялари фанларига ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этилди. Битирувчи ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражаси 2016 йилдаги 9 %дан 2020 йилда 25 %га етди. Мазкур кўрсаткични жорий йилда 28 %га, 2030 йилда 50 %га етказиш режалаштирилган [1].

Шу ўринда ёшларни қўллаб қувватлаш, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда манфаатларини рўёбга чиқаришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар билан бирга, мазкур соҳада айрим муаммолар ҳанузгача сақланиб қолаётганини ҳам таъкидлаш жоиз. Олиб борилаётган чора-тадбирларга қарамай, афсуски мамлакатимизда ёшлар, яъни 30 ёшгача бўлганлар томонидан содир этилган жиноятлар миқдори ошиб бормоқда, хусусан 2020 йилда республика миқёсида 62 081та жиноят қайд этилган бўлиб, бу ҳар 100 минг аҳолига нисбатан ўртача 182,4 тадан тўғри келади. 2020 йилда республикада қайд этилган ҳар тўртинчи жиноят(14378 та ёки 23,2%) ёшлар томонидан содир этилган. Шундан 4 052 нафари – иш билан банд бўлмаган ёшлардир [2]. Айниқса, ёшлар орасида гуруҳлар томонидан содир этилган жиноятлар 28,5%га, маст ҳолда 98,6%га, рецидив жиноятлар 61,1%га, қизлар томонидан 5,9%га, олий ўқув юрти талабалари томонидан 36,8%га, ишламайдиган ва ўқимайдиган ёшлар томонидан 22,5%га кўпайган. Ёшлар психологиясига хос бўлган яна бир хислат мавжудки, буни бир сўз билан «кам меҳнат қилиб, энг юқори натижани кутиш мотиви» деб таърифласа, асло муболаға бўлмайди. Юқорида кўрсатиб ўтилган «интилиш»аслида бугунги тез суръатлар билан ривожланиб бораётган дунёнинг асосий мақсади бўлса-да, лекин бу мақсадга инсониятнинг қандай йўллар билан эришаётганлиги доимо диққат марказимизда бўлиши керак. Чунки бугун кам меҳнат

билан қўлга киритилаётган «натижалар»нинг аксарият қисмига наркобизнес, одам савдоси, қурол-яроғ савдоси, криптовалюта, шаҳвоний эксплуатация каби жамият тараққиётининг кушандаси бўлмиш энг оғир ижтимоий хавфли қилмишлар орқали эришилаётганлиги айни ҳақиқатдир.

Бугунги кунда ҳукуматимиз томонидан ёшлар жиноятчилигининг барвақт олдини олиш йўналиши давлат сиёсати даражасига кўтарилди, мазкур йўналишда зарур бўлган барча шарт-шароитлар босқичма-босқич таъминланди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2021 йил 27 январь куни ёшлар бандлигини таъминлаш ва бўш вақтини мазмунли ташкил этиш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам давлат раҳбари томонидан бугунги кунда республикада 18-30 ёшлилар орасида расмий ишсизлик 17 % экани қайд этилиб, ёшлар билан ишлаш бўйича янгича тизимни жорий этиш борасидаги ишлар икки муҳим йўналишда: ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, касб-ҳунарга ўқитиш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш ҳамда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш орқали амалга оширилиши зарурлиги таъкидланди. Йиғилишда, шунингдек, ушбу муаммоларни манзилли ҳал этиш учун ҳар бир туман ва шаҳар кесимидаги устувор вазифалар кўрсатиб ўтилди ҳамда ҳокимнинг иқтисодиёт, инвестициялар ва қишлоқ хўжалиги бўйича ўринбосарлари – бандлик масалаларига; солиқ идораси, савдо-саноат палатаси ва тижорат банклари раҳбарлари – ёшларни тадбиркорликка жалб қилишга; ҳокимнинг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари – ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга; туман прокурори, ички ишлар ва мудофаа бўлими бошлиқлари – уюшмаган ёшлар билан ишлаш, жиноятчиликни жиловлаш, уларда ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришга масъул бўлиши белгиланди [3].

Бундан буён вилоят, шаҳар ва туман сектор раҳбарлари маҳаллий матбуот ва ижтимоий тармоқлар орқали ёшларнинг муаммо ва масалалари юзасидан қилган ишлари тўғрисида аҳолига ҳисобот бериб бориши белгиланди. Ёшлар бандлигини таъминлашда жонбозлик кўрсатган тадбиркорлар, ташкилотчи ва раҳбарлар рағбатлантирилиши таъкидланди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан жорий йилнинг13 апрелида ёшлар бандлигини таъминлаш ва бўш вақтини мазмунли ташкил этиш борасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан ўтказилган видеоселекторда ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар олдига қатор вазифалар қўйилди [4]. Мамлакатимиз бўйича 648минг нафар ишсиз «Ёшлар дафтари»га киритилган бўлса, биринчи чоракда шундан 283мингининг бандлиги таъминланган. Хусусан, 175минг нафар ёшга 45минг гектар ер майдони ажратилган. Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида 36мингта қўшимча тўгарак ташкил этилиб, 874 мингга яқин ўғил-қиз жалб этилган. «Беш муҳим ташаббус» доирасида таълим муассасалари, кутубхона ва ўқув марказларига 97мингта санъат ва спорт инвентари, компьютерлар, 562мингта бадиий китоб етказиб берилган. Энг муҳим вазифа, аввало, ёшлар бандлигини таъминлаш, муносиб даромад олиши учун уларга шароит яратиб бериш. Бу борадаги энг катта имконият ва захирамиз бу – тадбиркорлик, айниқса, кичик ва ўрта бизнесдир. Шу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, ёшлар жиноятчилигининг олдини олиш масалаларининг қуйидаги жиҳатларига эътибор берилиши лозим деб ўйлаймиз.

– ижтимоий ҳимояга муҳтож, айниқса, ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларга кўмак, имтиёз ва имкониятлар бериш;

− ёшларни келгусида тегишли соҳада малакали мутахассис бўлиб етишишлари,

шу жумладан тадбиркорликка ўқитиш учун мамлакатимизда юқори натижаларга эришган соҳа мутахассисларини жалб этган ҳолда республиканинг турли ҳудудларида бепул ўқув машғулотлари ўтказиш;

– ёшларни тадбиркорлик ва ишбилармонликка қизиқтириш ҳамда уларга бундай фаолиятни йўлга қўйишнинг амалий жиҳатларини ўргатиш мақсадида жойлардаги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ташкилотларига бизнес саёҳатлар ташкил этиш;

– ёш тадбиркорлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида кўргазмали савдо ярмаркалари ташкил этиш;

– ёшларда замонавий тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш ва янги иш ўринларини яратиш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш;

– оилада ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этиш;

– маҳалла ва оилада ёшлар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш;

– хотин-қизлар бандлигини таъминлаш;

– ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш кабилардан иборат. Шу муносабат билан ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, ёшлар ниҳолга ўхшайди. Уларни ёшлигидан қандай тарбияласак, шундай вояга етади. Бунда албатта, оила, маҳалла, жамиятдаги муҳит алоҳида аҳамиятга эга. Оиласи, халқи маънавий илдизлари ҳақида етарли тушунчага эга бўлган фарзанд ҳеч қачон жиноят кўчасига қадам босмайди. Бу борада давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат-нотижорат ташкилотлари, корхоналар, таълим муассасалари ва бошқа муассасалар ёшларнинг жиноят содир этишига нисбатан салбий муносабатни шакллантириш бўйича ўз ваколатлари доирасида ижтимоий, ташкилий-ҳуқуқий ҳамда бошқа чора-тадбирлар мажмуини амалга оширишлари зарур.

Буюк маърифатпарвар Абдулла Авлонийнинг «Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир», деган сўзлари асримиз бошида қанчалар муҳим ва долзарб бўлганидек, ҳозирги кунда миллатимиз учун ҳам шунчалик, балки ундан ҳам муҳим ва долзарбдир [5; Б. 8.].

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Gazeta. uz/uz/2021/05/24/greeting/
2. https://m.kun.uz/news/2021/03/04/2020-yilda-ozbekistonda-qayd-etilgan-jinoyatlarning-chorak-qismini-yoshlar-sodir-etgan
3. https://www.gazeta.uz/uz/2021/01/27/youth/
4. https://president.uz/uz/lists/view/4283
5. *Фитрат А.* Оила. – Т., 1998.

*А. Т. Ачилов**

# ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ҚОНУНЧИЛИГИДА ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ БИЛАН БОҒЛИҚ БОЖХОНА ҚОНУНЧИЛИГИ БУЗИЛИШИ ЖИНОЯТЛАРИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ (МДҲ МИСОЛИДА)

**Аннотация.** Мақолада ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ божхона қонунчилиги бузилиши жиноятлари учун жавобгарликнинг ўзига хос хусусиятлари хорижий давлатлар тажрибаси МДҲ мисолида таҳлил қилиниб, ижобий жиҳатларини миллий жиноят қонунчилигига жорий этиш бўйича мулоҳазалар баён қилинган.

**Таянч сўзлар:** ташқи иқтисодий фаолият, МДҲ мамлакатлари жиноят қонунчилиги, божхона қонунчилиги бузилиши жиноятлари, контрабанда предметлари.

## ОСОБЕННОСТИ ОТВЕТСТВЕННОСТИ ЗА НАРУШЕНИЯ ТАМОЖЕННОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА СВЯЗАННОЕ С ВНЕШНЕЭКОНОМИЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬЮ (НА ПРИМЕРЕ СНГ) В ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВЕ ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН

**Аннотация.** В статье анализируются особенности ответственности за нарушения таможенного законодательства, связанные с внешнеэкономической деятельностью, опыт зарубежных стран на примере СНГ, а также комментируется целесообразность внедрения ее положительных аспектов в национальное уголовное законодательство.

**Ключевые слова:** внешнеэкономическая деятельность, страны СНГ, уголовное законодательство, нарушения таможенного законодательства, предметы контрабанды.

## FEATURE OF RESPONSIBILITY THE CRIME FOR INFRINGEMENT OF THE CUSTOMS LEGISLATION CONNECTED WITH FOREIGN TRADE ACTIVITIES (ON THE EXAMPLE OF THE CIS) IN LEGISLATIONS OF FOREIGN COUNTRIES

**Annotation.** The article analyzes the features of responsibility for violations of customs legislation related to foreign economic activity, the experience of foreign countries on the example of the CIS, and comments on the introduction of its positive aspects in national criminal legislation.

**Key words:** foreign economic activity, CIS (commonwealth of independent states) countries, criminal legislation, customs offenses, contraband items.

Хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш ҳамда уларнинг ижобий хусусиятларини миллий жиноят қонунчилигига жорий этиш жиноят қонунчилигини такомиллаштиришнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Бунинг сабаби шуки, миллий жиноят қонунчилигини хорижий мамлакатларнинг жиноят қонунчилиги билан қиёсий ўрганиш унинг афзалликларини аниқлаш ва мамлакатимиз жиноят қонунчилигини ривожлантириш истиқболларини чуқурроқ англаб етишга ёрдам беради. Шунингдек, қонун лойиҳаларини хорижий ҳуқуқий амалиёт билан

* ***Ачилов Алишер Темирович,*** *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Божхона институти махсус-ҳуқуқий фанлар кафедраси доценти.*

ҳар томонлама чуқур қиёсий таҳлил қилиш асосида уларни муҳокама этиш уларни сифат жиҳатидан янада юқори босқичга кўтаришнинг муҳим шартларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 14 май ПҚ-3723-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш Концепциясида суд-тергов амалиётида учраётган, жумладан мамлакатнинг жиноят-ҳуқуқий сиёсатини самарали рўёбга чиқаришга тўсқинлик қилаётган, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигидаги айрим нормаларнинг мукаммал эмаслиги билан боғлиқ қатор муаммо ва камчиликлар сақланиб қолаётганлиги, хусусан, халқаро ҳуқуқ ва хорижий амалиётда эътироф этилган жиноят-ҳуқуқий институтларнинг етарли даражада имплементация қилинмаганлиги ҳам алоҳида кўрсатиб ўтилган [1].

Ташқи иқтисодий фаолият (кейинги матнларда ТИФ) соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик билан боғлиқ масалалар кўпчилик хорижий мамлакатлар қонунчилигида долзарбдир. Бу факт ТИФ бугунги кунда аксарият мамлакатларнинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётидаги энг муҳим ва ўзгарувчан соҳалардан бири эканлиги билан изоҳланади. Мамлакатимиздаги ТИФ соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш борасида жиноят-ҳуқуқий нормаларни ҳар томонлама ўрганиш учун ушбу соҳадаги хорижий мамлакатлар қонунчилигини қиёсий таҳлил қилиш орқали хорижий тажрибанинг афзалликлари ва камчиликларини аниқлаш имконини беради ва келгусида уларни ўзимизга мослаштириш асосида қонунчилигимизни такомиллаштириш бўйича таклифларни шакллантириш мумкин бўлади.

Ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ божхона қонунчилиги бузилиши жиноятлари мавзусига оид нашр этилган тадқиқот ишларимизда [2], Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида «ТИФ соҳасидаги жиноят» тушунчасига таъриф берилмаган. Ушбу тушунчага ўзбекистонлик олимларнинг илмий адабиётларида ҳам алоҳида тўхталиб ўтилмаганлиги ва таҳлиллар асосида «ташқи иқтисодий фаолият олиб бориш жараёнида содир этиладиган жиноятларни ТИФ соҳасидаги жиноятлар»эканлиги тўғрисида, шунингдек, Жиноят кодексининг(кейинги матнларда ЖК) бир қатор моддаларида, жумладан, ЖКнинг 182-моддаси «Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш» жинояти бевосита ТИФ соҳасида содир этилса, ЖКнинг 175-моддаси «Ўзбекистон Республикаси манфаатларига хилоф равишда битимлар тузиш», 184-моддаси «Солиқ ва бошқа тўловлардан бўйин товлаш», 243-моддаси «Жиноий йўл билан киритилган даромадларни легализация қилиш», 246-моддаси «Контрабанда» ва бошқа ТИФ билан боғлиқ жиноятлар ҳақида илмий мулоҳазалар билдирилган эди.

Ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ божхона қонунчилиги бузилиши жиноятлари учун жавобгарлик масаласида хорижий тажрибани таҳлил қилишимиз учун МДҲ (Россия, Қирғизистон, Қозоғистон, Беларусь, Украина, Арманистон, Озарбайжон, Молдова, Тожикистон, Туркманистон) мамлакатларининг жиноят қонунчилигини ўрганишни мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик ва қуйида ушбу давлатларда ташқи иқтисодий муносабатларни жиноят-ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятларига тўхталиб ўтамиз. Кўриб чиқилаётган давлатларнинг жиноят қонунчилиги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигидан сезиларли даражада фарқ қилмайди, аммо шунга қарамай тадқиқотимиз учун қизиқарли бўлган ўзига хос хусусиятларга эга. Хусусан:

1. Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси билан бир хил ҳуқуқий тизимдаги МДҲга аъзо аксарият давлатларда «божхона тўғрисидаги қонун

ҳужжатларини бузиш» деб номланган ягона жиноят таркиби мавжуд эмас. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Россия Федерацияси, Молдова, Арманистон, Озарбайжон, Туркманистон, Тожикистон, Қирғизистон, Беларусь, Қозоғистон республикалари жиноят қонунчилигида божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш билан боғлиқ қилмишлар учун бир нечта жиноят таркиби белгиланган. Мазкур ҳолат МДҲга аъзо мамлакатлар жиноят қонунларининг 1996 йилги МДҲ мамлакатлари учун модель Жиноят кодексига [3] асосан ишлаб чиқилганлиги билан боғлиқдир.

Кўриб чиқилаётган аксарият давлатларнинг жиноят қонунларида контрабанда учун жавобгарликни ўз ичига олган норма, аввало иқтисодий муносабатларни ҳимоя қилишга қаратилган. Бунга мисол қилиб Озарбайжон Республикаси (206-м.) [4], Арманистон Республикаси (215-м.) [5], Беларусь Республикаси (228-м.) [6], Қирғизистон Республикаси (204-м.) [7], Молдова Республикаси (248-м.) [8], Тожикистон Республикаси (289-м.) [9] ва Туркманистон Республикаси (254-м.) [10] жиноят қонунларини кўрсатиш мумкин. Юқоридаги моддаларда турли хил предметларни давлат чегараси орқали ноқонуний олиб ўтиш учун жавобгарлик кўзда тутилган. Ушбу жиноятларнинг предметлари бугунги кунда ўз кучини йўқотган Россия Федерацияси (кейинги матнларда РФ) ЖКнинг 188-моддаси (РФнинг 2011 йил 7 декабрдаги N 420-ФЗ-сонли Федерал қонуни билан ўз кучини йўқотган) мазмунидан фарқ қилмайди. Уларнинг дифференцияси Жиноят кодексининг бошқа бўлим, боблари ва моддаларига мустақил ажратилмасдан фақат норманинг ўзида қисмларга ажратишда намоён бўлади.

Россия Жиноят қонунида 2011 йилдан бошлаб 188-моддасини дифференциялаш, яъни ушбу моддадаги турли хил предметлар нимага тажовуз қилишини (жиноят объекти) эътиборга олиб, бир нечта нормаларга ажратиш тенденцияси кузатилди, яъни ҳозирги кунда РФ ЖКда 200-1.(Нақд пул ва (ёки) пул воситаларининг контрабандаси), 200-2. (Алкогол ва (ёки) тамаки маҳсулотлари контрабандаси), 226-1. (Кучли таъсир қилувчи, заҳарли, заҳарловчи, портловчи, радиоактив моддалар, радиацион манбалар, ядровий материаллар, ўқотар қуроллар ёки уларнинг асосий қисмлари, портлатиш қурилмалари, ўқ-дорилар, оммавий қирғин қуроллари, уларнинг етказиб бериш воситалари, бошқа қурол-яроғлар, бошқа ҳарбий техника, шунингдек, оммавий қирғин қуроллари, уларнинг етказиб бериш воситалари, бошқа қурол-яроғлар, бошқа ҳарбий техникани яратишда фойдаланиш мумкин бўлган материаллар ва мосламалар, шунингдек, стратегик муҳим товарлар ва ресурслар ёки маданий бойликлар ёхуд қимматбаҳо ёввойи ҳайвонлар ва сув биологик ресурслари контрабандаси) ва 229-1. (Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, уларнинг прекурсорлари ёки аналоглари, таркибида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки уларнинг прекурсорлари бўлган ўсимликлар ёки қисмлари, махсус назорат остида бўлган гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган воситалар ёки мосламаларнинг контрабандаси) номли алоҳида моддаларга ажратилди [11].

Қозоғистон [12] ва Украина [13] республикаларининг жиноят қонунларида ҳам шу каби ҳолатни кўришимиз мумкин. Ушбу давлатларнинг Жиноят кодексларида контрабанда учун жавобгарлик бир нечта нормаларда келтирилган ва турли бобларда жойлаштирилган. Масалан, Қозоғистон Республикаси ЖКнинг «Иқтисодий фаолият соҳасидаги жиноий ҳуқуқбузарликлар» номли саккизинчи бобининг 234-моддасида «Иқтисодий контрабанда» жинояти жойлаштирилган, лекин ушбу норманинг ўзида жиноят предмети ёритилмаган. Ушбу контрабанданинг предметига оид тушунтиришлар Қозоғистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1997 йил 18 июлдаги 10-сонли «Контрабанда учун жиноий жавобгарлик тўғрисидаги қонун

ҳужжатларини қўллаш амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 6-бандида келтирилган [14]. Қарорнинг ушбу бандига биноан, иқтисодий контрабанда предметлари деганда, моддий дунёнинг ҳар қандай кўчар объектларини, шу жумладан валюта, валюта бойликлари, электр, иссиқлик ёки бошқа турдаги энергия ва транспорт воситаларини, шунингдек халқ мероси ҳисобланган бадиий, илмий, тарихий ва археологик аҳамиятга эга маданий бойликларни: санъат асарлари, қадимий буюмлар ва шундай аҳамиятдаги қимматли ҳисобланган бошқа предметлар, интеллектуал мулк объектлари, хавф остида бўлган ҳайвонлар, ўсимликлар турлари, уларнинг қисмлари ва ҳосилалари каби бойликларни ўз ичига қамраб олади. Кўриб турганимиздек, Қозоғистон қонунчилигига кўра, маданий қадриятларни контрабанда қилиш давлатнинг иқтисодий муносабатларига путур етказади, Россия жиноят қонунчилигида эса бундай қимматликдаги предметларни контрабанда қилиш жамоат хавфсизлигига қарши жиноят ҳисобланади.

Шунингдек, Молдова Республикаси ЖК 248-моддасида маданият ёдгорликларини республика чегарасидан ғайриқонуний равишда ўтказилиши ҳам контрабанда жинояти таркибини ташкил этиши белгиланган. Қайд этиш керакки, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 246-моддасида жиноят предмети сифатида маданият ёдгорликлари назарда тутилмаган.

Украина жиноят қонунчилигини таҳлил қилиб, контрабанда учун жавобгарлик тўғрисидаги модда (ЖК 201-м.) VII «Хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар» бўлимида келтирилганидек, иқтисодий муносабатларни ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқбузарлик деган хулосага келишимиз мумкин. Бироқ, бу ҳолатда тажовуз предметлари сифатида: маданий бойликлар, заҳарли, кучли, портловчи моддалар, радиоактив материаллар, қурол, ўқ-дорилар ва махфий маълумотларнинг махсус техник воситалари назарда тутилган бўлиб, улар мазмунан мутлақо фарқланувчи табиий элементлардан ташкил топган.

2. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, МДҲ давлатларида ТИФ билан боғлиқ божхона қонунчилиги бузилиши жиноятлари контрабанда, иқтисодий контрабанда ҳамда божхона тўловлари ва йиғимларини тўлашдан бўйин товлаш каби жиноий қилмишлар билан ифодаланган.

Масалан, Туркманистон Республикаси ЖКнинг 261-моддасида бошқа шахс, давлат муассасаси ёки ўзини ўзи бошқариш органи томонидан кўп миқдордаги божхона тўловларини тўлашдан бўйин товлаганлик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган. Кўриниб турганидек, модел Жиноят кодексида кўп миқдорда зарар етказиш жиноят таркибининг зарурий белгиси сифатида белгиланган бўлса, Туркманистонда ҳам кўп миқдордаги божхона тўловларини тўлашдан бўйин товлаш қилмишни жиноят сифатида баҳолаш учун етарли эканлиги тасдиқланган.

Россия Федерацияси ЖКнинг 194-моддасида жисмоний ва юридик шахслардан ундириладиган кўп миқдордаги божхона тўловларини тўлашдан бўйин товлаш учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, унга кўра, божхона тўловларини тўлаши лозим бўлган ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахс кўп миқдордаги божхона тўловларини тўлашдан бўйин товлаши жиноят таркибини келтириб чиқаради.

Беларусь Республикасидаги каби Украинада ҳам божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш билан боғлиқ ҳаракатлар учун контрабанда ҳамда божхона божи ва тўловларини тўлашдан бўйин товлаганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган (ЖК 355-м.). Шунингдек, Қозоғистон Республикаси ЖКнинг 236-моддасида, Молдова Республикаси ЖКнинг 249-моддасида ҳам кўп миқдордаги божхона тўловлари ва йиғимларини тўлашдан бўйин товлаганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигида эса айнан божхона тўловлари ва йиғимларини тўлашдан бўйин товлаганлик учун алоҳида нормада жавобгарлик белгиланмасдан, улар солиқ ва мажбурий тўловларнинг бир тури сифатида ЖКнинг 184-моддасидаги «Солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш» жинояти таркибига киритилган.

3. МДҲ давлатлари жиноят қонунчилигини ўрганишимиз давомида баъзи давлатлар қонунларида мамлакатимиз жиноят қонунчилигида учрамайдиган нормалар мавжудлигини, шунингдек, бир қатор нормалар фикримизча, мазмунан ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги жиноятлар ҳисобланмасада, ушбу соҳадаги жиноятлар тариқасида таснифланганини кўришимиз мумкин.

Масалан, юқорида кўрсатиб ўтилган Украина ЖКнинг 201-моддасида жиноят предмети сифатида махфий маълумотларнинг махсус техник воситаларини ноқонуний олиб ўтиш учун жавобгарлик белгиланган. Бундай қилмиш учун Россияда фақат маъмурий жавобгарлик (РФ Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексининг 16.3-моддаси [15], шунингдек бундай буюмларни ишлаб чиқариш, сотиб олиш ва сотиш учун жиноий жавобгарлик (РФ ЖК 138[1]-м.) мавжуд.

Худди шундай ҳолатни Украина Жиноят кодексининг 201[1]-моддасида кўрсатилган ёғоч маҳсулотларини божхона чегарасидан ноқонуний олиб ўтилиши билан боғлиқ жиноятда ҳам кўришимиз мумкин.

Ташқи иқтисодий нормалари бир бобда жамланган Қирғизистон Республикасининг Жиноят кодексини эътиборсиз қолдириб бўлмайди. Ушбу давлат ЖКнинг 200-моддасида мажбурий акциз солиғи солинадиган маҳсулотларни акциз маркаларисиз олиб кириш учун жавобгарлик кўзда тутилган. Ўзбекистон Республикасида эса бундай ҳаракатлар алоҳида жавобгарликни келтириб чиқармасдан, товарнинг қийматидан келиб чиқиб, ЖКнинг 182-моддаси билан тавсифланади. Маъмурий чора кўрилганидан кейин этил спирти, алкоголли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш учун эса ЖКнинг 186[1]-моддасида жавобгарлик белгиланган.

Қирғизистон Республикаси жиноят қонунчилигида 204-1.»Ноқонуний миграцияни ташкил этиш» ва 204-2. «Маъмурий чоралар кўрилганидан кейин Қирғизистон Республикасида чет эл ишчи кучини жалб қилиш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш» моддалари ташқи иқтисодий муносабатларни ҳимоя қилувчи нормалар сифатида тақдим этилганлиги биз учун қизиқарли ва тушунарсиз ҳолатдир. Таъкидлаш жоизки, Қирғизистон Республикаси ЖКнинг 204-моддаси контрабанда учун жавобгарликни назарда тутади, шунинг учун ушбу давлат қонун чиқарувчисининг нормаларини ЖКга бундай тарзда жойлаштириши мантиқан тушунарсиздир. Фикримизча, ЖКга моддаларни бундай жойлаштириш нотўғри бўлиб, агар биз ушбу давлат қонун чиқарувчисининг мантиғини эътиборга олсак, ушбу нормалар ташқи иқтисодий муносабатларга тажовуз қилади ва бу ҳолатда «шахс» жиноятнинг предмети ҳисобланади.

4. МДҲ мамлакатларининг жиноят қонунларида ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги муносабатларни бевосита ҳимоя қилмайдиган, аммо қисман муҳофаза қиладиган нормалар мавжуд.

Масалан, Қозоғистон Республикаси қонунчилигига биноан инсонни клонлаш жиноят ҳисобланади (ЖК 129-м.). Ушбу нормага асосан инсон клонланиши ва инсон эмбрионидан тижорат, ҳарбий ва саноат мақсадларида фойдаланиш билан бир қаторда, худди шу мақсадлар учун ҳужайраларини Қозоғистон Республикасидан олиб чиқиш тақиқланади. Фикримизча, ушбу норма, шахсга қарши жиноятлар бобида

бўлишига қарамай, ташқи иқтисодий жиноятчиликнинг таркибий қисмини ўз ичига олади, бу эса ушбу жиноятнинг мақсади иқтисодий фойда олиш ва инсон эмбриони ҳужайраларини Қозоғистон чегараси орқали ўтказишни назарда тутади. Биз, албатта, ушбу норманинг асосий объекти инсон ҳаёти бўлишига қарамай, ТИФнинг нормал ривожланишини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар ҳам ушбу норманинг объектларидан бири саналади деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек, ТИФ билан боғлиқ худди шундай ҳолатни Тожикистон Республикаси ЖКнинг «Пиротехника буюмларининг ноқонуний муомаласи» номли 199[1]-моддасида ҳам кўришимиз мумкин. Ушбу модда билан пиротехника материалларини Тожикистон Республикаси ҳудудига ноқонуний олиб кирганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Тожикистон Республикаси Жиноят кодексидаги нормаларнинг жойлашувидан келиб чиққан ҳолда биз ушбу моддани жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилганлигини кўриб турибмиз, аммо мамлакатга пиротехника маҳсулотларини олиб кириш мақсадларидан бири фойда олиш эканлигини инобатга олиб, ушбу норма ташқи иқтисодий элементни ўз ичига олади. Ўзбекистон Республикаси жиноий қонунчилигида ҳам худди шу каби мазмундаги норма мавжуд бўлиб, ЖКнинг 250[1]-моддасига биноан илгари маъмурий чора кўрилгандан кейин пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, жўнатиш, улардан фойдаланиш, худди шунингдек, уларни қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига олиб кириш (Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш) ёки ўтказиш учун жавобгарлик белгиланган.

Тожикистон Республикаси ЖКнинг «Тожикистон Республикасига сифатсиз, қалбаки, белгиланган талабларга жавоб бермайдиган дори-дармонларни, шунингдек муддати ўтган дори-дармонларни ноқонуний олиб кириш, ишлаб чиқариш, муомалага киритиш» номли 210[1]-моддаси ҳам юқоридаги хусусиятлар билан тавсифланади. Ушбу модданинг ҳуқуқий объекти инсон ҳаёти ва саломатлиги деб белгиланганлигига қарамасдан, жиноятни содир этиш натижасида ушбу дори-дармонларни ноқонуний олиб кириш орқали даромад қилиш назарда тутилганлиги сабабли, ташқи иқтисодий муносабатларга зиён етади. Тожикистон Республикаси ЖКнинг 210[1]-моддаси Ўзбекистон Республикаси ЖК бўйича «Сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш, шунингдек дори воситаларини дорихоналардан ва уларнинг филиалларидан ташқарида реализация қилиш» номли 186[3]-моддасига ўхшашлигини кузатамиз. Лекин, ушбу маҳсулотларни Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ноқонуний олиб ўтишда ифодаланган ҳаракатлар ЖКнинг 182-моддаси билан тавсифланади.

5. МДҲнинг аксарият давлатлари жиноят қонунчилигида контрабанда жинояти ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги муносабатларга тажовуз қилиши инобатга олиниб, ЖКнинг иқтисодий соҳадаги жиноятлар бўлимида жойлашган. Бироқ бундан айрим истисно давлатлар ҳам мавжуд.

Хусусан, ушбу ҳуқуқий муносабатларни муҳофаза қилиш масаласида Озарбайжон Республикаси ЖКнинг «Инсон ва фуқаронинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши жиноятлар» деб номланган 21-бобидаги 167-2-моддасида «Диний мазмундаги адабиётлар, аудио ва видео материаллар, товар ва ашёлар ҳамда бошқа ахборот материалларини ноқонуний ишлаб чиқариш, олиб кириш, сотиш ёки тарқатиш» учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Кўриниб турибдики, ушбу жиноятнинг асосий объектига нисбатан ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги муносабатларга тажовуз сифатида қаралмайди. Бизнинг фикримизча, ушбу

жиноятларнинг асосий ғоявий йўналишини ҳисобга олган ҳолда, улар иқтисодий муносабатларга тажовуз қилмайди, аммо ушбу муносабатлар жиноий тажовуз объектларидан бири ҳисобланади.

Худди шундай ҳолатни миллий қонунчилигимизда ҳам кузатамиз. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 246-моддасидаги контрабанда ашёлари (кучли таъсир қилувчи заҳарли, заҳарловчи, портловчи моддалар, радиоактив материаллар, портлатиш қурилмалари, қурол-яроғ, ўқотар қурол ёки ўқ-дориларни, шунингдек гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни, шунингдек ядровий, кимёвий, биологик ва оммавий қирғин қуролининг бошқа турларини, шундай қуролларни яратишда фойдаланилиши мумкинлиги аён бўлган материал ва мосламаларни, радиоактив материаллар) жамоат хавфсизлигига тажовуз қилишини инобатга олиниб, ЖКнинг «Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар» деб номланган 6-бўлимида жойлашган. Масалан, экстремистик материалларни тарқатишнинг мақсади – сиёсий, иқтисодий, диний, ирқий ва миллий муросасизликни юзага келтириш ҳисобланиб, ушбу материалларни давлат чегараси орқали ноқонуний олиб ўтиш давлатнинг ташқи иқтисодий муносабатларига тажовуз қилишга қаратилмаган. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 246-моддасидаги айрим жиноят предметлари давлат чегарасидан қонуний олиб ўтилишида бошқа ном билан декларцияланиши (масалан, гиёҳвандлик ёки психотроп моддаларни дори-дармон воситалари сифатида божхона расмийлаштирувидан ўтказилиши) оқибатида тажовуз объектларидан бири сифатида ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги муносабатлар эканлигини ҳам ҳисобга олиш керак.

6. Ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ божхона қонунчилиги бузилиши жиноятлари ижтимоий хавфлилик даражасининг юқорилиги МДҲ мамлакатлари қонунчилигида такроран содир этилганлик белгиси билан характерланади. Шундай қилиб, бу мамлакатларнинг кўпчилигида такрорийлик белгиси контрабанда жиноятини тавсифловчи таркиби ҳисобланади. Бу мамлакатлар қаторига: Озарбайжон (ЖК 206-м. 3-қ), Тожикистон (ЖК 289-м.), Туркманистон (ЖК 254-м. 2-қ,, 4-қ.), Қозоғистон (ЖК 286-м. 2-қ., 234-м.), Украина (ЖК 305-м. 2-қ.) киради.

7. Маълумки, бугунги кунда беш давлат (Арманистон, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия) Евроосиё иқтисодий иттифоқи (кейинги матнларда ЕОИИ) аъзоси ҳисобланади [16]. Аммо бу факт барча аъзо бўлган давлатлар Жиноят кодексларининг ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги муносабатларини ҳимоя қилиш нормаларида ўз аксини топмаган, бу эса ушбу мамлакатларнинг ўзаро муносабатларини тартибга солувчи қонунчиликнинг уйғунлаштирилмаганидан далолат беради. Хусусан, фақат Қозоғистон ва Қирғизистоннинг Жиноят кодексларида Божхона иттифоқининг божхона чегараси ҳақида эслатиб ўтилган, аммо бу давлатларнинг ЕОИИ таркибига кириши умуман қайд этилмаган. Бундан ташқари, Арманистон ва Белоруссиянинг жиноий қонунчилиги товарларнинг ноқонуний олиб ўтилиши учун жавобгарликни белгиламайди, уларнинг фақат давлатлар чегарасидан ташқарида ҳаракатланишлари бундан мустасно.

Шу билан бирга, ЕОИИга аъзо мамлакатларда ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги жиноятлар тўғрисидаги қарашларга турлича ёндашувлар мавжудлигини таъкидлаш лозим. Кўриниб турибдики, агар бу давлатлар мувофиқлаштирилган ёки ягона иқтисодий сиёсат олиб боришга келишиб олган бўлсалар, бу келишувларни амалга ошириш учун жиноят ҳуқуқи нормаларини бирхиллаштиришлари (унификация қилишлари) керак бўлади. Шунингдек, биз ЕОИИга аъзо бўлган барча бешта мамлакатда контрабанда учун жавобгарлик ягона норма орқали таъминланиши

керак деб ҳисоблаймиз, чунки бу иттифоқ чегаралари орқали товарларнинг олиб ўтилишини эслатувчи ягона меъёрдир.

Юқоридаги таҳлиллардан қуйидаги хулосалар ва миллий қонунчилигимизни такомиллаштиришга қаратилган ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ божхона қонунчилиги бузилиши жиноятларини жиноят-ҳуқуқий тартибга солиш борасида айрим таклифларни билдирамиз:

1.Ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги муносабатлар, биз кўриб чиққан барча МДҲ мамлакатларида жиноят-ҳуқуқий муҳофаза қилиш объекти сифатида эътироф этилади, бу эса ушбу ҳуқуқий муносабатларни иқтисодий сиёсатнинг етакчи йўналишларидан бири сифатида ҳимоя қилишнинг муҳимлиги ва зарурлигини тасдиқлайди.

Бир қатор МДҲ мамлакатларининг жиноий қонунчилигида контрабанда учун жавобгарлик, предметларнинг хусусиятига қараб бир нечта алоҳида нормаларга ажратилиб, тегишли бўлим ва бобларга жойлаштирилган. Бунга мисол сифатида Россия, Қозоғистон ва Украина Жиноят кодексларини кўрсатиш мумкин. Ушбу тажрибани миллий қонунчилигимизда ҳам қўллаб, божхона соҳасидаги жиноятлар кўп объектлилик хусусиятига эгалиги сабабли, ташқи иқтисодий фаолиятга тажовуз қилишини ҳам эътиборга олиб, таҳлиллар асосида ЖК 246-моддаси «Контрабанда» жиноятини дифференциялаш, яъни ушбу моддадаги турли хил предметлар нимага тажовуз қилишини эътиборга олиб, бир нечта нормаларга ажратиш ва айрим контрабанда ашёларига боғлиқ ЖК моддалари диспозициясига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш мақсадга мувофиқ.

2.Ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги жиноятларнинг халқаро хусусиятини инобатга олган ҳолда, юқорида айтиб ўтилган такроран содир этилганлик белгиси, фикримизча, жиноятни тавсифлашда муҳим аҳамиятга эга, чунки турли хил товарлар ва ашёлар контрабандаси билан шуғулланувчи шахслар кўпинча бир хил жиноятларни содир этганлик учун судланади. Шу боис, ушбу жиноятни такроран содир этганлик белгисини миллий қонунчилигимизда ҳам татбиқ этиш ва жавобгарликка тортиш масаласини ҳал қилишда инобатга олиш керак, деб ҳисоблаймиз,чунки бундай норма аллақачон бир қатор халқаро жиноят ҳуқуқи нормаларида ўз ифодасини топган. Ушбу институтни миллий қонунчиликда акс эттириш, албатта контрабандага қарши курашиш самарадорлигини янада оширади.

3.Хорижий давлатлар жиноят қонунчилигида иқтисодий жиноятларга оид нормаларнинг салмоғи катта бўлиб, қилмишни тақиқловчи нормалар тўғридан-тўғри кўрсатиб ўтилган. Бироқ, айрим иқтисодий қилмишлар учун миллий қонунчилигимизда бевосита, яъни тўғридан-тўғри жиноий жавобгарлик назарда тутилмаган.

Олиб борилган илмий тадқиқот ва изланишлар ноқонуний қилмишнинг жиноят қонунчилигида акс этишининг ўзи шахсларга профилактик таъсир этиши ҳамда иқтисодий ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олишига кўмаклашиши аниқланган.

Дунё мамлакатлари жиноят қонунчилигида контрабанда предметлари турларининг кўпайиш тенденцияси ҳамда ахборот технологиялари тараққиёти кузатилаётган ҳозирги даврда «яширин равишда маълумот олишнинг махсус техник воситалари» давлат назоратида бўлиши лозимлигини эътиборга олиб, миллий жиноят қонунчилигимиз доирасида яширин равишда маълумот олишнинг махсус техник воситаларини ҳам контрабанда предмети сифатида эътироф этиш орқали қонунчиликдаги мавжуд бўшлиқни бартараф қилишга эришиларди.

Худди шундай, айрим стратегик аҳамиятга эга бўлган предметларни, жумладан: халқ мероси ҳисобланган бадиий, илмий, тарихий ва археологик аҳамиятга эга маданий бойликларни: санъат асарлари, қадимий буюмлар ва шундай аҳамиятга эга бўлган қимматли ҳисобланган бошқа предметлар, интеллектуал мулк объектлари, хавф остида бўлган ҳайвонлар, ўсимликлар турлари, уларнинг қисмларини ноқонуний равишда божхона чегарасидан олиб ўтиш учун маъмурий ва жиноий жавобгарликни белгиловчи алоҳида нормалар киритилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Шунингдек, ҳозирги бутун дунё ҳамжамиятида интеграциялашув жараёни изчиллашиб ривожланиши кузатилаётган бир вақтда, меҳнат кучидан қонуний фойдаланишни муҳофаза қилиш ва бу борадаги фаолиятни ҳуқуқий тартибга солиш мақсадида ноқонуний миграцияни ташкил этиш, Республикамизга чет эл ишчи кучини жалб қилиш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш учун жавобгарликни белгиловчи нормаларни киритиш орқали Ўзбекистон Республикасининг маъмурий ва жиноий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш лозим деб ҳисоблаймиз.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикасининг жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепциясини амалга оширишдан кутилаётган натижалар жиноят қонунчилигини жаҳон ҳамжамиятининг жадал ривожланиш тенденцияларини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимояси, жамият ва давлат манфаатлари, тинчлик ва хавфсизликни таъминлашни инобатга олган ҳолда янада мукаммал ҳолга келтиришдан иборатдир.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР


1. http://lex.uz/docs/3735818
2. А.Ачилов. «Ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ божхона қонунчилиги бузилиши жиноятларини жиноий-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш». Монография. – Т., 2020.
3. Модельный Уголовный кодекс для государств-участников СНГ // Правоведение, – 1996.– №1.
4. Уголовный кодекс Республики Азербайджан.URL: http://online.zakon.kz/Document/?doc_id=30420353
5. Уголовный кодекс Республики Армения.URL:http://www.parliament.am/legislation.php?sel=show&ID=1349&lang=rus#22
6. Уголовный кодекс Республики Беларусь. URL: http://pravo.kulichki.com/vip/uk/
7. Уголовный кодекс Республики Кыргызстан. URL: http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ruru/568
8. Уголовный кодекс Республики Молдова. URL: http://lex.justice.md/ru/331268/
9. Уголовный кодекс Республики Таджикистан. URL: http://mmk.tj/ru/legislation/legislationbase/codecs/
10. Уголовный кодекс Республики Туркменистан. URL:http://online.zakon.kz/Document/?doc_id=31295286
11. Уголовный кодекс РФ.URL: http://pravo.gov.ru/proxy/ips/?docbody&nd=102041891
12. Уголовный кодекс Республики Казахстан. URL: http://adilet.zan.kz/rus/docs/K1400000226
13. Уголовный кодекс Украины.URL:http://search.ligazakon.ua/l_doc2.nsf/link1/T012341.html#253
14. О практике применения законодательства об уголовной ответственности за контрабанду: постановление Пленума Верховного Суда Республики Казахстан от 18 июля 1997 года № 10. URL:http://www.keden.kz/ru/zakon.php?id=14776
15. Кодекс РФ об административных правонарушениях http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_34661/
16. Евроосиё Иқтисодий комиссиясининг расмий сайти http://www.eurasiancommission.org/ru/Pages/default.aspx

*С. Д. Джолдасова**

# МИГРАЦИЯНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРИ (ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР МИСОЛИДА)

**Аннотация.** Мақолада миграция масалалари, хусусан инсон, қочоқ, меҳнаткаш, мигрант ва уларнинг оила аъзолари, мигрант болаларнинг ҳуқуқлари билан шуғулланувчи халқаро ташкилотлар фаолияти, шунингдек уларнинг давлат бошқаруви, жумладан COVID-19 пандемияси шароитида самарадорлигини ошириш масалалари кўриб чиқилади ва таҳлил қилинади.

**Таянч сўзлар:** мигрант, халқаро ташкилотлар, инсон ҳуқуқлари, меҳнат мигранти, миграция сиёсати.

## ИНСТИТУЦИОНАЛЬНЫЕ ОСНОВЫ ПРАВОВОЙ РЕГЛАМЕНТАЦИИ МИГРАЦИИ (НА ПРИМЕРЕ МЕЖДУНАРОДНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ)

**Аннотация.** В статье рассматривается и анализируется деятельность международных организаций, занимающихся вопросами миграции, в частности, касающихся прав человека, беженцев, трудящихся, мигрантов и членов их семей, детей мигрантов, а также роль таких международных организаций в повышении эффективности государственного управления, в том числе в условиях пандемии, связанной с COVID-19.

**Ключевые слова:** миграция, международные организации, права человека, трудящийся-мигрант, миграционная политика.

## INSTITUTIONAL BASES OF THE LEGAL REGULATION OF MIGRATION (ON THE EXAMPLE OF INTERNATIONAL ORGANIZATIONS)

**Annotation.**The article examines and analyzes the activities of international organizations dealing with migration issues, in particular those related to human rights, refugees, workers, migrants and their families, children of migrants, as well as the role of such international organizations in improving the effectiveness of public administration, including in the context of the COVID-19 pandemic.

**Key words:** migration, international organizations, human rights, migrant workers, migration policy.

Миграция соҳасидаги халқаро ташкилотлар миграцияни ҳуқуқий тартибга солишнинг асосий институтлари ҳисобланади.

Халқаро ташкилотларнинг глобал миграция сиёсатини ишлаб чиқишдаги ўрнини аниқлашда БМТнинг собиқ Бош котиби Пан Ги Муннинг 2007 йил 10 июлда Брюссель шаҳрида бўлиб ўтган Миграция ва ривожланишнинг глобал форумига йўллаган мурожаатига эътибор қаратиш ўринли, яъни Бош котиб «миграцияни ривожланиш учун фойдаланиш, шу жумладан сифатли миграцияни ривожлантириш» масаласини кутарар экан «ривожланган давлатлар фаровонлигини таъминлаган дунёдаги етакчи компаниялар ҳисобланган «eBay», «Google», «Intel»нинг асосчилари мигрантлар ҳисобланиши»ни эслатиб ўтди. Шу ўринда, «миграция» тушунчаси нафақат бойлик ва камбағаллик билан боғлиқ, балки қандай жамиятда яшашни хоҳлашимиз ҳақида

* ***Джолдасова Сахипжамал Джолгасовна,*** *юридик фанлар номзоди, доцент.*

тасаввур бериши [1] ҳақида сўз юритар экан, ушбу соҳада халқаро ташкилотларнинг роли муҳим экани ҳақида далолат беради.

Халқаро миграция ташкилоти (кейинги ўринларда – ХМТ). 1951 йилда ташкил этилган бўлиб, дастлаб Европада, кейинчалик Иккинчи жаҳон уруши натижасида пайдо бўлган мигрантларнинг йирик оқимини тартибга солиш учун ташкил этилган ҳукуматлараро ташкилот мақомида фаолият юртган. Шу сабабли, илк бор у Европа миграция бўйича ҳукуматлараро ташкилот деб номланган, кейинчалик 1989 йил 14 ноябрдан Халқаро миграция ташкилотига айлантирилган. 2016 йилда БМТ ва ҲМТ ўртасида ўзаро муносабатлар тўғрисида битим (A/70/976) тузилганидан сўнг, мазкур ташкилот БМТнинг махсус муассасаси ҳисоблана бошланди. Ҳозир 173 та давлат ушбу ташкилотга аъзо.

ХМТ ўз фаолиятини Халқаро миграция ташкилоти Конституциясига мувофиқ олиб боради. Ташкилотнинг мақсади мигрантларнинг келиб чиқиши, миллати, ирқи, диний эътиқодидан қатъи назар, давлатлар уларга бўлган муносабатида тенгликни таъминлашдан иборат. Ушбу мақсадларни амалга оширишда ХМТ қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

– чет элда иш билан таъминланишда ёрдам кўрсатиш. Бунда нафақат меҳнат мигрантларининг, балки уларни қабул қилувчи давлатларнинг манфаатлари ҳам инобатга олинади, яъни ушбу давлатларга ишчи кучининг қонуний кириб келишига ёрдам кўрсатилади;

– одам савдосига қарши курашиш. Одам савдоси жабрланувчисига айланиб қолиш эҳтимоли бўлган шахсларга нисбатан алоҳида тушунтириш ишлари олиб борилади, ушбу фаолиятдан жабрланганларга ватанига қайтиш бўйича дастурлар ишлаб чиқилади, уларнинг психологик реабилитацияси амалга оширилади, ҳуқуқ соҳасида бошқа давлатларнинг ҳукуматлари билан ҳамкорлик ишлари олиб борилади;

– муҳожирларнинг соғлиғини сақлаш, кўчиб келган шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш, вакцинация ишларини олиб бориш ва шу каби соғлиқни сақлаш соҳасида хавфсизликни таъминлаш ишлари олиб борилади;

– мигрантларнинг давлатлараро кўчиб юриш жараёнида ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш;

– турли давлатларда яшовчи оилаларга уларни бирлаштиришга ёрдам кўрсатиш;

– мажбурий муҳожир, қочоқларга ёрдам кўрсатиш;

– миграция ва бошқа масалаларда изланишлар ва таҳлилий ишларни олиб бориш.

Ҳозирги кунда ХМТ томонидан миграцияни бошқариш ишлари тўртта асосий йўналишда олиб борилмоқда. Булар: миграция ва ривожланиш, миграцияга ёрдам, миграцияни тартибга солиш ва мажбурий миграция йўналишларидир.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунга келиб, ХМТ миграция соҳасида кенг қамровли ваколатларга эга халқаро ташкилот ҳисобланади. Ҳар қандай давлат мазкур халқаро ташкилотнинг аъзоси бўлиши учун Халқаро миграция ташкилоти Конституциясини қабул қилиши лозим.

2018 йил 19 декабрда Ўзбекистон парламенти «Халқаро миграция ташкилоти конституциясини (Брюссель, 1953 йил 19 октябрь) ратификация қилиш тўғрисида»ги қонунни қабул қилди.

2018 йили ХМТнинг 109-сессиясида Ўзбекистоннинг ташкилотга аъзолиги қўллаб-қувватланди ҳамда мамлакатимиз унинг 173-аъзоси сифатида қабул қилинди [2].

Маълумот ўрнида таъкидлаш жоизки, ХМТ БМТнинг ҳукуматлар, иш берувчилар ва ишчиларни бирлаштирувчи ягона уч томонлама муассасаси ҳисобланади. У 1919 йилда Версаль шартномаси доирасида ташкил топган ва 187 та давлат унинг аъзосидир. Ўзбекистон 1992 йилнинг март ойида ХМТнинг тўлақонли аъзо бўлди. Бугунги кунга қадар унинг 13 та конвенциялари ратификация қилинган.

ХМТнинг миграция соҳасидаги фаолияти меҳнат мигрантларининг меҳнат ҳуқуқлари билан боғлиқ. Зеро, ушбу ташкилотнинг халқаро меҳнат мигрантларига нисбатан глобал баҳо беришда, 2017 йилга келиб халқаро мигрантлар сони 258 млн. га етган бўлса, шулардан 164 миллиони (глобал меҳнат фондининг 4.7%)ни меҳнат мигрантлари ташкил этиши кўрсатилган [3; P.9.]. Ушбу халқаро ташкилот меҳнат миграциясини бошқариш, меҳнат мигрантларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ишларини олиб бориш билан бир қаторда меҳнат миграциясидан унинг иштирокчилари максимал даражада фойда олиш сиёсатини шакллантириш устида ҳам фолият юритади.

Бугунги кунда ХМТнинг меҳнат миграцияси масалалари бўйича сектори COVID-19 пандемияси таъсири билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш учун восита ва кўрсатмалар ишлаб чиқмоқда. Сабаби, меҳнат мигрантлари ушбу даврда энг эҳтиёжманд қатлам ҳисобланиб, уларга нисбатан камситиш ва ксенофобия даражасининг ўсиши, меҳнат шароитларининг ёмонлашиши, шу жумладан, меҳнатга ҳақ тўлашнинг камайиши ёки тўланмаслиги, чекловларнинг ортиши каби ҳолатлар кўпаймоқда. Аксарият ҳолларда уларни вирус ташувчиси сифатида қабул қилиш натижасида камситилишига олиб келмоқда. Натижада, улар ишсиз ва даромад манбаидан маҳрум бўлиб, кейинчалик виза муддатини узайтириш ва ҳужжатларини қайта расмийлаштириш учун имкониятнинг йўқлиги сабабли, улар ноқонуний мигрантларга, одам савдоси ва мажбурий меҳнатга жалб қилишнинг биринчи объектига айланиб қолмоқда.

ХМТнинг 2020 йил апрель ойида тақдим этган давлат ҳукуматлари ва манфаатдор тарафларга COVID-19 пандемияси даврида меҳнат мигрантларини ҳимоя қилиш бўйича тавсияларида айрим давлатларнинг ушбу даврда қилган ижобий ишлари намуна сифатида кўрсатиб берилган.

Хусусан, Катар, Саудия Арабистони ва Малайзия давлатларида меҳнат мигрантларига миллий тиббий хизматлардан фойдаланиш имконияти яратилган, шу жумладан вирусни аниқлаш учун бепул тестдан ўтиши белгиланган. Шунингдек, меҳнат мигрантлари учун қулайликлар яратувчи махсус чоралар қабул қилинган, хусусан, виза муддатини узайтириш, яшаш гувоҳномалари ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтиш тизими соддалаштирилган [4].

Шу ўринда COVID-19 пандемияси даврида мамлакатимизда ҳам мазкур масала бўйича бир қатор чоралар кўрилаётганини кузатиш мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2020 йил 19 март ПФ–5969-сон фармони қабул қилинганлиги ва шу асосда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни рўйхатга олиш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2020 йил 28 сентябрь 593-сон қарори билан Ўзбекистон Республикасига маълум муддатга визасиз, электрон ва туристик виза билан келиб, шу муддат ичида бахтсиз ҳодиса (жароҳат олганлиги ёки бошқа оғир касаллик) сабабли даволаш муассасаларига жойлаштирилган ва белгиланган муддатда республика ҳудудидан чиқиб кетиш имкони бўлмаган хорижий

фуқароларга ички ишлар органлари томонидан ҳар бир ҳолат бўйича тегишли даволаш муассасаси хорижий фуқаронинг даволаниш муддати кўрсатилган ҳолда берган хулосасига асосан, маъмурий чоралар қўлланилмасдан «чиқиш» (EXIT) визаси расмийлаштириш, шунингдек алоҳида ҳолларда, эпидемия (пандемия) муносабати билан карантин жорий этилган ҳудудда вақтинча бўлиш муддати тугаган хорижий фуқароларга, шунингдек, уларни қабул қилган уй-жой эгалари ва мансабдор шахсларга нисбатан карантин муддати тугагунига қадар ҳудудда бўлиш қоидаларини бузганлик учун маъмурий чоралар қўлланилмаслиги тартиби жорий этилди [5].

Қолаверса, чет элда истиқомат қиладиган (асосан меҳнат мигранти мақомига эга) ватандошларни ушбу даврда Ўзбекистонга қайтариш ва коронавирус билан касалланганлигини аниқлаш учун вақтинча карантинга жойлаштириш, касаллик аниқланганларни давлат ҳисобидан даволаш ишлари олиб борилмоқда.

Навбатдаги халқаро ташкилотлардан бири бу – Барча меҳнат мигрантлари ва улар оила аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қўмитадир.Ушбу қўмита барча меҳнат мигрантлари ва улар оила аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро конвенцияга аъзо давлатларнинг унга риоя этилиши устидан кузатувни олиб борувчи мустақил экспертлардан иборат орган ҳисобланади.

Барча аъзо давлатлар ушбу Конвенцияга риоя этилиши ҳолати юзасидан ҳар беш йилда бир маротаба ҳисобот бериш мажбуриятига эга. Қўмита ҳисоботни ўрганади ва «хулоса эътирозлари» шаклида тегишли аъзо давлатга ўзининг фикр-мулоҳазаси ва тавсияларини тақдим этади.

Шу билан бирга, Қўмита алоҳида шахслар томонидан уларнинг ҳуқуқларини бузиш ҳолати юзасидан берилган якка тартибдаги ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш ваколатига эга [6].

Қочоқлар ишлари бўйича БМТнинг Олий комиссари бошқармаси. 1951 йил 1 январдан буён фаолиятни амалга ошираётган ушбу халқаро ташкилот бутун дунёда қочоқларга нисбатан ҳуқуқий ҳимоя ва ёрдамни амалга оширади. Ташкилот ҳар бир инсонга бошпана олиш ҳуқуқини олиш ҳамда кейинчалик уйига ихтиёрий қайтиш имконияти билан бошқа давлатдан хавфсиз бошпана топиш, ҳудудда жойлашиш ёки учинчи давлатга кўчиб ўтишини амалга оширишни таъминлайди. Мазкур ташкилот ўз фаолиятини жамоат ташкилотлари билан бевосита амалга оширади.

У ўзининг 50 йилдан ошиқ фаолияти давомида 116 давлатда 50 млн.дан ортиқ одамларга ёрдам кўрсатди. Натижада БМТнинг мазкур ташкилоти 1954 йилда тинчликни таъминлаш йўлида «Қочоқларга ёрдам бериш ва ҳукумат эътиборини уларнинг эҳтиёжларига жалб қилишда тинимсиз ва кўпинча натижасиз уринишлари учун» Нобель мукофотига сазовор бўлди.

БМТнинг Аҳоли бўлими. Иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича департамент таркибидаги ушбу бўлим 1946 йили ташкил этилган бўлиб, ўз фаолиятида дунёда аҳолининг ўсиш тенденцияси ва сиёсатини (туғилиш, ўлим, миграция ва урбанизация, аҳоли сони ва тузилиши) кузатиб боради ҳамда таҳлилини юритади. Аҳоли бўлими ходими Халқаро миграция бўйича глобал гуруҳнинг аъзоси ҳисобланиб, Бош котибнинг Халқаро миграция ва ривожлантириш масалалари бўйича махсус вакилига дастурий ёрдам кўрсатади.

Халқаро миграция бўйича глобал комиссия. БМТ Аҳоли бўлимининг таклифи билан 2003 йили ташкил этилган комиссия жаҳон мустақил комиссияси ҳисобланиб, унинг мақсади жаҳон миграция жараёнига кенг қамровли баҳо бериш, миграция

соҳасида бўлиб ўтадиган муҳокамаларга йўналишлар бериш ва жаҳон ҳамжамияти томонидан тўғри изчил жавобни шакллантиришдан иборат.

2005 йилда Глобал комиссиянинг «Ўзаро боғланган дунёда миграция: ҳаракатларнинг янги йўналишлари» деб номланган маърузасида миграцияни тартибга солишнинг замонавий тизимига нисбатан хулосалар ҳамда янада самарали тартибга солиш учун қатор кўрсатмалар берилган [7].

Глобал комиссиянинг 2005 йилги тавсияларидан 2006 йилда Миграция бўйича олий даражадаги диалогни ўтказишда фойдаланилди ҳамда 2005 йил 31 декабрда у ўз фаолиятини тугатди.

Глобал миграция муаммолари бўйича гуруҳ Халқаро миграция бўйича глобал комиссиянинг тавсиялари асосида БМТнинг Бош котиби томонидан 2006 йилда ташкил этилган бўлиб, унинг мақсади миграция масалалари бўйича барча тегишли халқаро ва минтақавий воситалар ҳамда нормаларни кенг қўллаш ҳисобланади. Гуруҳ аъзолари олий даражадаги ташкилотларнинг раисларидан иборат (ХМТ, Халқаро миграция ташкилоти, Савдо ва ривожланиш бўйича БМТнинг конференцияси, БМТнинг Ривожланиш дастури, БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича департаменти, БМТнинг Аҳоли фонди, Инсон ҳуқуқлари бўйича БМТнинг Олий комиссари бошқармаси, Қочоқлар масалалари бўйича БМТнинг Олий комиссари бошқармаси, Наркотик ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича БМТнинг бошқармаси ҳамда Жаҳон банки).

Глобал гуруҳда бўлиб ўтадиган муҳокамаларнинг бош мақсади миграция масалалари бўйича халқаро муҳокамалар ўтказиш, миграция ва ривожланиш ўртасида ўзаро боғлиқликни ўрганиш, камбағалликни қисқартириш, миграциядан ривожланиш мақсадида фойдаланиш амалиётини кенг тарғиб қилиш, мигрантларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мигрантларнинг эксплуатациясига барҳам бериш, мигрантларни ноқонуний олиб чиқиш ва одам савдоси каби жиноятларга қарши курашиш ҳисобланади [8].

Миграцияни бошқариш соҳасидаги ишларни кўпгина бошқа халқаро ташкилотлар ўз вазифаларидан келиб чиқиб олиб борадилар. Хусусан, иқтисодий ривожлантириш ва режалаштириш (БМТнинг Ривожланиш дастури, БМТнинг Аҳоли фонди, Жаҳон банки) ҳамда жиноятчиликка қарши курашиш (Наркотик ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича БМТнинг бошқармаси). Биринчиси, миграциянинг самарали натижасини таҳлил қилса, иккинчиси, одам савдоси, асосан аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ва барҳам бериш, мигрантларни қуруқлик, денгиз ва ҳаво орқали ноқонуний олиб ўтишга қарши курашиш ишларини олиб боради [9; Б.78–109.].

Миграцияни бошқариш соҳасида халқаро ташкилотларнинг қуйидаги асосий функцияларини, яъни миграция соҳасида халқаро ҳамкорликнинг кун тартибини шакллантириш, миграция соҳасида халқаро-ҳуқуқий асосни ташкил этувчи кўп томонлама ҳужжатларни ишлаб чиқиш, халқаро оқимлар, миграция сиёсати, мигрантларнинг пул ўтказмалари ва халқаро миграциянинг бошқа жиҳатлари тўғрисида маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилишни белгилаб ўтиш мумкин.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, юқорида қайд этилган халқаро ташкилотларнинг миграцияни тартибга солишда асосий институтлар сифатида олиб қарар эканмиз, мазкур ташкилотлар авваламбор миграция жараёнига ижобий ёндашиш, хусусан, миграцияга инсониятнинг ривожланиши сифатида қарашни шакллантиришга чорлайди. Шунингдек, ўз ваколати доирасида жаҳонда миграция жараёнини назорат

қилиш, жумладан давлатга кириш ва чиқишнинг ягона тартибни ишлаб чиқиш орқали миграцияни қонуний бўлишига хизмат қилади, шунингдек қабул қилувчи давлат учун мигрантлардан ҳар қандай зарар етказилишининг олдини олишга ёрдам беради.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР


1. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг 2007 йил 10 июлда Миграция ва ривожланиш бўйича Глобал форумнинг очилиш муносабати билан йўллаган мурожаати. www.un.org.

2. Батафсил шу ерда ўқинг: www.asianforum.uz

3. ILO Global Estimates on International Migrant Workers – Results and Methodology. 2nd ed. International Labor Office – Geneva: ILO, 2018.

4. ILO Brief. Protecting migrant workers during the COVID19 pandemic. Conditions of Work and Equality Departament of the International Labor Organization. www.ilo.org/wcms_743268.pdf.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни рўйхатга олиш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2020 йил 28 сентябрь 593-сон қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.09.2020 й., 09/20/593/1340-сон.

6. The International Convention on Migrant Workers and its Committee. Fact Sheet No. 24 (Rev.1) // www.ohchr.org/RU/HRBodies/CMW/Pages/CMWIntro.aspx.

7. Global Migration Group: Involvement of Participating Agencies in the Preparations for the First Meeting of the Global Forum on Migration and Development, Brussels, 9-11 July 2007 // http://www.globalmigrationgroup.org/pdf/gmg_input_gmfd_ final.pdf.

8. Global Forum on Migration and Development, Athunes, 2-3 November 2009 // http:// www.gfmd2009.org.

9. *Зинченко Н.Н.* Миграция населения: теория и практика международно-правового регулирования: монография. – М., 2003.

*Б.Т. Куйлиев**

# ИНТЕРНЕТДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ЗАМОНАВИЙ СИЁСИЙ МАНИПУЛЯЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

**Аннотация.** Мақолада Интернет тармоғида кенг қўлланиладиган сиёсий манипуляция технологиялари таҳлил қилинади ва уларни амалга ошириш алгоритми ҳамда усуллари батафсил кўриб чиқилади. Бунда замонавий Интернет сиёсий манипуляция технологияси ҳисобланган Sockpuppet технологиясининг амалга ошириш усулларига алоҳида урғу берилади.

**Таянч сўзлар:** Sockpuppet, резаморф технологиялар, «дудланган балиқ» технологияси, «лой чаплаш» технологияси, туннел онгига кириш, вектор манипуляция гуруҳи, махфийлик технологияси.

## СОВРЕМЕННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ ПОЛИТИЧЕСКОЙ МАНИПУЛЯЦИИ, ПРИМЕНЯЕМЫЕ В ИНТЕРНЕТЕ

**Аннотация.** В данной статье анализируются технологии политической манипуляции, применяемые в социальных сетях, рассматриваются методы и алгоритмы их выполнения. Уделяется особое внимание технологии политической манипуляции Sock puppet на современных Интернет-платформах.

**Ключевые слова:** Sock puppet, резаморфные технологии, технология «копчёной рыбы», технология «грязевых брызг», входа в туннель сознания, группа векторной манипуляции, технология секретности.

## THE MODERN TECHNOLOGIES OF POLITICAL MANIPULATION APPLIED ON INTERNET

**Annotation.**This article analyzes the most widely used technologies of political manipulation on the internet. The algorithm and methods of their implementation will also be discussed in detail. Particular attention is paid to the methods of implementation of Sock puppet technology, which is a modern technology of political manipulation on the internet.

**Key words:** Sock puppet, resamorphic technology, smoked fish technology, mud spraying technology, tunnel access to consciousness, vector manipulation group, privacy technology.

Бугунги кунда Интернет коммуникациялари сиёсий воқеликни ҳам реал, ҳам виртуал тарзда яратиш ва талқин қилишнинг ўзига хос воситаси сифатида намоён бўлмоқда. Кўп ҳолларда виртуал оламда яратилган медиа конструкторлар виртуал макон чегараларини бузгани ҳолда, реал воқелик соҳасига қадар кириб бориб, у ерда реал сиёсий акторларнинг кучли рақобатчиларига айланади [1; С.129.]. Мазкур

* ***Куйлиев Бобур Тўлқинович,*** *ЎзМУ фуқаролик жамияти ва ҳуқуқ таълими кафедраси докторанти, ТошПТИ фалсафа кафедраси ассистенти.*

жараёнда сиёсий манипуляциялар ҳал қилувчи ўрин тутади.

Шу боис мазкур ўринда Интернет тармоқларида кенг қўлланиладиган замонавий сиёсий манипуляция технологиялари таҳлил қилинади. Бунда санаб ўтиладиган технологиялар илмий ва публицистик манбалар таҳлили асосида танлаб олинади. Илгари кўриб чиқилган технологияларнинг замонавий Интернет коммуникация шароитига мослашувчанлик хусусияти, мазкур технологияларни танлаб олиш мезони бўлиб хизмат қилади.

Мақсадимиз танлаб олинган манипуляция технологиялари орасидан резаморфларини ажратиб кўрсатишдан иборат.

Резаморф технологияларнинг мезони эса қуйидагилардан иборат:

1) аниқ намоён бўлувчи манипуляция субъектининг мавжуд эмаслиги;

2) манипуляция объектининг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий идентификаторларининг мавжуд эмаслиги;

3) сиёсий манипулятив контентни ижтимоий тармоқларда ҳосил қилиш ва кенг тарқатиш жараёнида кўплаб Интернет фойдаланувчиларининг иштирок этиши;

4) ахборот тарқатишнинг хаотик хусусият касб этиши.

Мазкур тадқиқот иши мантиғи нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда, Интернет тармоғида қўлланиладиган сиёсий манипуляция технологияларини уч катта гуруҳга таснифлаш мумкин:

1. Вектор сиёсий манипуляциялар.Мазкур йўналишга кирувчи технологияларда субъект манипуляция объектига тўғридан-тўғри таъсир ўтказгани ҳолда, манипуляция субъекти ва объекти аниқ намоён бўлади. Бунда манипулятив контентнинг шакли ва мазмуни объектнинг ижтимоий-маданий, сиёсий, иқтисодий хусусиятларидан келиб чиқиб, мақсадга мувофиқ тарзда танлаб олинади.

2. Резоморф сиёсий манипуляциялар. Мазкур манипуляция турида объект ва субъект ўртасида қатъий чегара ҳамда муайян йўналиш мавжуд бўлмагани ҳолда, кенг қамров касб этади. Бундай манипуляцияга мўлжалланган Интернет контентлари муайян мақсадли аудитория хусусиятларини назарда тутмаган ҳолда ўз-ўзича импульсив тарзда ҳосил қилинади ва тарқатилади.

3. Конвергент ёки гибрид сиёсий манипуляция.Бу гуруҳга кирувчи сиёсий манипуляция технологиялари ўзида вектор ва резоморф манипуляциялар хусусиятларини синтез қилади.

Юқорида таъкидланганидек, биринчи гуруҳ сиёсий манипуляциянинг вектор технологияларини ўз ичига олади. Гарчи, бундай технологиялар эски авлод «медиамаконида» кенг қўлланилганлигига қарамай, уларнинг айримлари бугунги кунда ҳам муайян аҳамият касб этади.

1. Туннел онгига кириш ёки қутблиликка кириш технологияси.

«Туннел онг» чегаралари фреймлар («ингл. – рамка, кадр, қолип» [2] – мазкур ўринда бу сўз бир нечта маълумотлардан ташкил топган тузилмани билдиради) томонидан белгилаб қўйиладиган,инсон онгининг бирор ғоя ёки ғоялар соҳасига йўналганлигини англатувчи феномен ҳисобланади. Туннел онг ҳолатидаги инсон унинг чегараларидан ташқарида рўй бераётган ҳодисаларга эътиборсиз бўлади. Бундай ҳолатда эса кишининг дунёқараши манипулятор учун фойдали бўлган даражада тораяди.

Мазкур технология икки босқичда амалга оширилади. Бу босқич ахборот муҳитида манипулятор томонидан йўналтирилган ҳар бири яхши- ёмон, эзгу-ёвуз кўринишидаги ҳиссий ахлоқий баҳога эга ўзаро икки қутбли нуқтаи назар касб этувчи

объект яратишдан иборат. Иккинчи босқичда, объектдаги салбий позиция турли усуллар билан сиқиб чиқарилади. Жумладан, жамоатчилик онгига мурожаат қилган ҳолда салбий позициянинг нотўғри эканлиги исботланади. Бу эса, манипулятор мақсадлари нуқтаи назаридан ижобий деб ҳисобланувчи позициянинг рост эканлиги борасидаги хулосага олиб келади. Натижада манипуляция объектининг диққати тўла-тўкис ижобий позицияга қаратилади. Манипуляция объектининг истиқболдаги дунёқараши ва хулқ-атвори манипулятор мақсадларига хизмат қилувчи шу позиция устига қурилади.

Вектор манипуляция гурухига кирувчи «негатив прогнозлаш технологияси»нинг табиати ва татбиқ қилиш алгоритми ҳам юқоридаги технология билан ўхшашлик касб этади.Ушбу технологиянинг туннел онг технологиясидан фарқли жиҳати шундаки, унда нафақат шунчаки нуқтаи назарлар таклиф қилинади, балки воқеалар ривожининг истиқболдаги вариантлари ҳам назарда тутилади. Манипулятор томонидан таклиф қилинган истиқболдаги воқеалар ривожининг негатив прогнозидан келиб чиққан ҳолда,воқеаларнинг «ижобий» ривожи учун муайян чора-тадбирларни қўллаш зарурати таъкидланади [3; С. 158.].

2. Маълумотни махфий манбалардан сиздириш технологияси.

Бу технология тақдим этилаётган ахборотга фавқулодда муҳимлик хусусияти бахш этувчи танқислик тамойили асосида амалга оширилади [4; С. 223.]. «Махфийлик» туси берилган хабар манипуляция объекти томонидан тақиқланган маълумот сифатида қабул қилинади. Натижада маълумотни қабул қилаётган инсон манипулятив контент мазмунига нисбатан катта қизиқиш ҳис қилиб, беихтиёр унинг ташувчисига айланиши ва шу асосда ўзини «махфий хабар ташувчи» каби референт гуруҳ аъзоси сифатида кўрсатиб, мавқеини оширишга интилиши мумкин.

Махфий манбалардан маълумот сиздириш технологиясида янгиликларга нисбатан жамоатчилик фикрини ўрганиш ҳамда сиёсий воқеликда рўй бераётган муҳим жараёнлардан аҳолининг диққатини чалғитишда унумли фойдаланилади.

3. Ёлғон статистика.

Мазкур технологияда Интернет сўровномаларидан фойдаланган ҳолда, жамоатчилик фикрига мурожаат қилиб, манипулятор позициясини тасдиқлашда фойдаланилади. Мазкур технологияни татбиқ қилишда ёлғон Интернет сўровномалари ҳамда овоз бериш натижаларини сохталаштириш орқали манипулятив самарага эришилади.

4. Ёлғон ҳодисалар яратиш технологияси.

Мазкур технологиянинг моҳияти виртуал маконда реал воқеликда рўй бермаган ғайриоддий ҳодиса ҳақида хабар тарқатишда намоён бўлади. Тақдим этилган маълумотнинг ростлигини манипулятив воситалар орқали исботлашга уринилади. Жумладан, авторитетлар ёки ёлғон авторитетларга ҳаволалар қилинади. Манипуляторлар мазкур технологияни қўллашда ўзларининг ижтимоий тармоқлар, ахборот порталлари, сайтларда шахсий саҳифаларидаги иштирокчилар ҳамда обуначилар миқдорини оширишда фойдаланадилар.

Бунда манипуляторлар манипуляция объектининг дунёқараши тизимини бузиш ҳамда уни тақдим этилган ахборот нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқишга ундашни мақсад қилиб қўядилар [5]. Бундан ташқари, мазкур технологияни қўллаш, сиёсий виртуаллик ва сиёсий реаллик ўртасидаги фарқнинг кескинлашувига олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, жамиятдаги турли ижтимоий гуруҳлар ўртасида кескин зиддият ва тўқнашувларни юзага келтиради [6; С. 296.].

5. «Дудланган балиқ» технологияси (red herring).

Мазкур технология, ўз навбатида, мумтоз тарғибот технологиялари сирасига ҳам киради [7; С. 21.]. Технологияни амалга ошириш алгоритмига кўра, манипулятор учун фойдасиз бўлган материални ўрганишдан чалғитиш мақсадида манипуляция объектининг ахборот майдонига «сенсацион», жозибадор ахборотлар ташланади [7; С. 93.].

Ушбу технология, асосан мухолифатдаги ҳаракатларнинг Интернет коммуникацияларида кенг қўлланилади. Уларнинг ижтимоий тармоқлардаги ҳамжамиятлари ва саҳифаларида мамлакатда рўй бераётган жараёнлар салбий бўёқлар билан тасвирланиб, ижобий ҳодисалар эътиборсиз қолдирилади.

«Дудланган балиқ» технологиясини суиистеъмол қилиш «Стрейзанд эффекти»нинг рўй беришига олиб келади. Аудиториядан муайян маълумотни мунтазам равишда яширишга уриниш, манипулятор томонидан махфийлаштирилган маълумотларга бўлган қизиқишнинг ортишига олиб келади [8].

6. «Мияни ювиш» технологияси.

Бу технологиянинг моҳиятини Роберт Жим Лифтон «Хитойнинг тафаккурни тузатиш» борасидаги тажрибасини ўрганиш асосида ёзилган асарларида батафсил очиб берган. Мазкур тадқиқотда «мияни ювиш» технологияси юқори даражада таҳқирловчи потенциалга эга коммуникатив майдон сифатида талқин қилиш мумкин бўлган сиёсий тармоқ ҳамжамиятларининг ишлаш механизми мисолида кўриб чиқилади [9]. Ушбу технологияни татбиқ қилиш алгоритми бир неча босқичларда амалга оширилади:

1. Контент локал Интернет маконнинг ахборот муҳитини тармоқ ҳамжамиятининг сиёсий йўналганлигига мувофиқ тарзда тўлдириш. Бу босқичда ҳамжамият аъзолари томонидан фикр юритилиши лозим бўлган ахборот тузилмалари тақдим этилади.

2. Ҳамжамият аъзоларида муайян қолипга солинган хулқ-атвор намуналари манипулятив воситалар орқали сунъий равишда мақсадга мувофиқ тарзда шакллантирилади. Масалан, бундай сунъий хулқ-атвор шакллари гуруҳнинг модератори ёки сиёсий етакчилари томонидан эмас, балки унинг оддий аъзолари томонидан ёзилган мақолалар, чиқишлар орқали ҳосил қилинади. Бундан кўзланган мақсад контент фойдаланувчисининг ўзини манипулятор қўлидаги қурол эмас, балки мустақил шахс сифатида ҳис қилишга эришиш [10; С.499.].

3. Сиёсий оламни қутблаштириш: мазкур босқичда сиёсий режимлар, сиёсий институтлар ва сиёсий арбоблар «мутлақ ижобий» ва «мутлақ салбий» кўринишдаги икки қарама-қарши қутбларга ажратилади.

4. Кўпчиликнинг фикрига зид нуқтаи назарни билдирган фойдаланувчини кучли босим остида қолдириш орқали ўзининг ноҳақлигини тан олишига эришилади.

5. Ауранинг қўллаб-қувватланиши; бунда ўз атрофида ҳамжамиятни бирлаштирган марказий қисм атрофи етиб бўлмас даражада ва ўта қадрли кўринишда сақланади. Қолаверса, «нотўғри позициядан» туриб фикр билдирган ҳамжамият аъзоларининг қарашлари манипулятор мақсадларига мувофиқ «тузатилади» ва «такомиллаштирилади».

6. Тармоқ ҳамжамиятининг мавжудлигини таъминловчи ҳамда унинг бош ғоясига мувофиқ келувчи қарашлар билан мазкур қарашларга номувофиқ, шунингдек ҳамжамият мавжудлигига жиддий таъсир кўрсатмайдиган фикрлар ўртасида аниқ чегара ўтказилади.

Юқорида таҳлил қилинган технологиялар виртуал сиёсий оламда манипуляторлар томонидан кенг қўлланилади. Бундай технологиялар сиёсий жараёнлар акторлари томонидан сайловолди кампанияларида кенг қўлланилиб, уларнинг алгоритмлари вақт синовидан ўтган бўлиб, содда ҳамда тушунарли тарзда амалга оширилади.

Қуйида виртуал оламда кенг қўлланиладиган резаморф гуруҳга кирувчи сиёсий манипуляция технологиялари кўриб чиқилади. Бундай технологияларни бирлаштирувчи хусусият сифатида уларни аниқлаш жараёнининг мураккаблигини кўрсатиш мумкин. Қолаверса, мазкур технологиялар чуқур ўрганилган тадқиқотлар ҳам бирмунча кам учрайди.

1. Sockpuppet (пайпоқ қўғирчоғи) технологияси.

Sockpuppet технологияси АҚШ «самимий овоз» лойиҳасининг элементларидан бири ҳисобланади. Дастлаб мазкур технология Ироқдаги коалицияга қарши психологик хуружларни амалга оширган Ал-Қоида ва бошқа ҳарбий гуруҳлар билан курашда қўлланилган [11; С. 41.]. Мазкур технологияда бир фойдаланувчи ўнлаб аккаунтларни тузиш ва бошқариш имкониятига эга бўлган дастур мужассамлашган бўлади [11; С.157.]. Ушбу технология реал фойдаланувчилар диққатини муайян муаммога жалб қилган ҳолда, кун тартибини ўзгартиришни назарда тутади. Бу мақсадни бир неча усуллар орқали амалга ошириш мумкин.

Биринчи усулга кўра, оддий Интернет фойдаланувчилари турли баҳсларда қатнашиш учун иғво қилинади. Бундай баҳслар аслида бир одам томонидан бошқариладиган бир нечта фейк аккаунтлар ташаббуси билан сунъий тарзда ҳосил қилинади. Дастлаб муайян мавзу ҳамда унинг атрофидаги баҳс аниқ субъектлар томонидан юзага чиқарилади. Кейинги босқичда эса мазкур баҳс муҳокаманинг реал иштирокчилари, аниқроғи, ҳақиқий Интернет фойдаланувчилари томонидан амалга оширилади. Баҳснинг натижаси ва келажакда бурилиб кетиши мумкин бўлган йўналишларини амалий жиҳатдан назорат қилиш имконсиз. Мазкур хусусияти туфайли мазкур технологияни резаморф технологиялар қаторига киритиш мумкин.

Sockpuppet технологиясини қўллашнинг усулларидан яна бири фейк хабарларни репост қилиш ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида, ижтимоий тармоқда қайта-қайта репост қилинган янгилик нуфузининг ошиши ва аудитория қамровининг кенгайишига хизмат қилади. Қолаверса, ушбу репост механизми тармоқ фойдаланувчиларини манипулятив янгилик билан кенг таништириб уларни бу ахборотнинг ташувчиси ва тарқатувчисига айлантириши мумкин.

Оммавий тарзда фейк аккаунтлар орқали ахборот хуружларини амалга ошириш йўли билан ҳам Sockpuppet технологиясини қўлланилади. Мазкур ахборотнинг таъсири турли оқибатларга олиб келиши мумкин. Жумладан, у фойдаланувчиларда муросасозлик ва номуросасозлик кайфиятини уйғотиб, уларнинг ҳиссий, эмоционал мувозанатини издан чиқаргани ҳолда ўзларининг сиёсий позицияларига нисбатан шубҳа уйғотиши мумкин. SockPuppet технологиясини амалга оширишнинг мазкур йўлига Интернетда, хусусан, виртуал сиёсий маконда, «Мен ҳеч қачон сайловларда қатнашмаганман. Лекин бу сафар халқ номзоди бўлган «Н».га овоз бериш учун албатта қатнашаман!» кўринишидаги изоҳлар мисол бўла олади. Бугунги кунга келиб бундай мулоҳазалар мемлар кўринишини касб этмоқда. Кўпчилик фойдаланувчилар бу мулоҳазага жиддий эътибор қаратмаган бўлсаларда, сайловолди кўпчиликка таниш бўлмаган «Н» шахси ғоятда машҳур бўлади. Манипуляторнинг мақсади ҳам айнан «Н» шахсиятини оммалаштиришдан иборатдир.

«Лой чаплаш» [13; С.131.], манипуляция жараёнида кенг қўлланиладиган деструктив технологиялардан бири саналади. Унга кўра, нутқ мавзуига кескин ахлоқий нуқтаи назардан салбий хусусият берувчи эпитетлар ва атамалар ишлатилади. Ушбу метод энг қўпол тарғибот услубларидан бири бўлишига қарамай, жорий сиёсий курашлар жараёнида кенг татбиқ этилади.

Шунингдек, сиёсий онгни манипуляциялаш жараёнида семантик методдан ҳам фойдаланилади. Мазкур метод қўлланилганида кишилар онгида ижобий ёки салбий ассоциацияларни уйғотувчи сўзлар усталик билан танлаб олиниб, идрок қилиш жараёнига таъсир кўрсатилади. Бунда мисол учун, «биз одамимизни разведкачи деб атаймиз, улар эса айғоқчи. Биз озодлик кучларимиз, улар мустамлакачилар. Биз миллий озодлик курашчиларимиз, улар эса жангарилар. Бизда қўшин бўлса, уларда ноқонуний қуролли тўдалар мавжуд» каби ифодалардан фойдаланилади.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. *Володенков С.В.* Медиатизация и виртуализация современного пространства публичной политики // Коммуникология. – 2016. – №4.

2. Фрейм Материал из Википедии — свободной энциклопедии// URL:https://clck.ru/TpMAW(мурожаат вақти: 19.03.2021)

3. *Соскина С.Н.* Специфика использования манипулятивных приемов с целью воздействия на общественное мнение (на материале президентских предвыборных кампаний США 2012 года) // Вестник Балтийского федерального университета им. И. Канта. – 2015. – №2.

4. *Чалдини Р.* Психология влияния. – СПб.: Питер, 2006.

5. *Holiday R.* What is Media Manipulation?--A Definition and Explanation/ Ryan Holiday // URL:https://clck.ru/TqGg4 (мурожаат вақти: 19.03.2021 й.)

6. *Володенков С.В.* Социальные медиа как инструмент современной публичной политики: особенности и перспективы применения // Политическая наука. – 2017. – №8.

7. *Соловей В. Д.* Абсолютное оружие. Основы психологической войны и медиаманипулирования. – М.: Издательство «Э», 2015.

8. Эффект Стрейзанд. Шило в мешке как оружие интернет-сопротивления // Аргументы и Факты// URL:https://clck.ru/TqGfF (мурожаат вақти:19.03.2021 й.)

9. Эффект Стрейзанд. Шило в мешке как оружие интернет-сопротивления //АргументыиФакты// URL:http://www.aif.ru/techno/web/effekt_streyzand_shilo_v_meshke_kak_oruzhie_internet-soprotivleniya?utm_source=aifrelated&utm_medium=click&utm_campaign=aifrelated (мурожаат вақти:31.03.2021 г.)

10. *Роберт Джей Лифтон.* Технология промывки мозгов. – СПб.: «прайм-ЕВРО-Знак»,2005.

11. *Беспалова В.П.* Роль СМИ в изменении общественного мнения. Использование СМИ как идеологического оружия // Журнал TheRussian Academic Journal. – 2013. – № 1.

12. *Коровин В.* Третья мировая сетевая война. – СПб.: Питер, 2014.

13. Манипулирование массовым политическим сознанием (Анализ репрезентации проявлений, разновидностей и технологий) /В.И.Елева. – Ростовский государственный университет, 2003.

*Д. А. Алаутдинов**

# ЁШЛАР ТАРБИЯСИ – ВАТАН МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА ҲАЛОЛ ХИЗМАТ ҚИЛИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

**Аннотация.** Мақолада ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг зарурати, тарихий даврларда тутган ўрни, ёшлар дунёқарашининг шаклланиши ва ўзига хослиги, ватанпарварликнинг қадрият сифатида инсон тақдирига таъсири таҳлил қилинган.

**Таянч сўзлар:** ватанпарварлик, қадрият, терроризм, экстремизм, ифтихор, шон-шараф, иймон, фидойилик, оила, бурч, масъулият.

## ВОСПИТАНИЕ МОЛОДЕЖИ – ВАЖНОЕ УСЛОВИЕ ЧЕСТНОГО СЛУЖЕНИЯ ИНТЕРЕСАМ РОДИНЫ

**Аннотация.** В статье анализируются необходимость патриотического воспитания молодежи, его место в различных периодах истории, специфика формирования мировоззрения, его влияние на судьбу человека.

**Ключевые слова:** патриотизм, ценность, терроризм, экстремизм, гордость, слава, вера, самоотверженность, семья, долг, ответственность.

## EDUCATION OF YOUTH IS AN IMPORTANT CONDITION FOR HONEST SERVICE IN THE INTERESTS OF MOTHERLAND

**Annotation.** The article analyzes the necessity of training youth in patriotical spirit, its role in historical periods, the formation of the specific world view of youth and the influence as a value of human destiny.

**Key words:** patriotism,value,terrorism, extremism, pride, fame, faith, sacrificial, family, duty, responsibility.

Бугунги мураккаб, синовларга бой даврда, турли тўсиқлар ва COVID-19 пандемияси қийинчиликларига қарамай, Ҳаракатлар стратегияси йўналишида мустақил тараққиётимизнинг 30 йиллик тарихи мобайнида ўтказилаётган оқилона сиёсат туфайли Ўзбекистонда инсоннинг тўлақонли ҳаёти учун ниҳоятда зарур бўлган мактабгача таълим, умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар, мусиқа мактаблари, театрлар, музейлар, спорт иншоотлари, соғлиқни сақлаш муассасалари, дам олиш уйлари ва бошқа маданият ўчоқларини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, «ёшларни тарбиялаш халқни тарбиялаш деганидир».

Бугун яна шуни қайд этиш ўринлики, ёшларимиз ўз ҳаёти, ўз тақдирини янги Ўзбекистон билан чамбарчас боғламоқда. Янги Ўзбекистон барча соҳалардаги эришаётган ютуқларидан фахрланиш ҳисси билан яшамоқда. Мамлакатимиз, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб бормоқда, ишлаб чиқариш ва саноат жадал суръатларда ривожланмоқда, унинг таркиби тубдан янгиланмоқда,

* ***Алаутдинов Дилмурод Алаутдин ўғли,*** *Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ҳарбий тайёргарлик кафедраси катта ўқитувчиси.*

юқори технологияларга асосланган замонавий корхоналар ишга туширилиб, ишлаб чиқариш модернизация ва диверсификация қилинмоқда, иқтисодиётимизнинг рақобатдошлиги ошмоқда. Барча соҳалар рақамлаштирилмоқда.

Бу ўзгаришлар ёшларимизга янада катта куч ва мадад бермоқда. Дунёдаги тенгдошлари орасида ҳеч кимдан кам бўлмайдиган имкониятлар ва шароитлар яратилганлигини ёшларимиз чуқур англамоқда. Уларнинг мамлакатимизни замонавийлаштиришда «менинг ҳам оз бўлса-да ҳиссам бор» деб, эртанги кунига қатъий ишонч ҳосил қилган ҳолда янги марралар сари интилишларини кўриб, ҳар бир ота-она бахтиёр,фахрланиш туйғуси билан яшамоқда. Бундай бахтиёрлик туйғуси бўлган инсонда ўз Ватанини севиш, эл-юрт олдидаги масъулият ҳисси кучли бўлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йилнинг 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида нутқ сўзлаб, дунё аҳлини қуйидаги ўта долзарб масалаларга қаратди:

а) дунёда терроризм таҳдидлари айниқса, сўнгги йилларда кучайиб бораётгани;

б) терроризмга қарши кураш асосан куч ишлатиш йўли билан амалга оширилаётгани ва бу кураш усули ўзини оқламаётганлиги;

в) кўп ҳолларда таҳдидларни келтириб чиқараётган асосий сабаблар билан эмас, балки уларнинг оқибатларига қарши курашиш билангина чекланиб қолинаётгани;

г) халқаро терроризм ва экстремизмнинг илдизини бошқа омиллар билан бирга, жаҳолат ва муросасизлик ташкил этиши;

д) одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифа эканлиги;

е) экстремистик фаолият ва зўравонлик билан боғлиқ жиноятларнинг аксарияти 30 ёшга етмаган ёшлар томонидан содир этилиши;

ж) бугунги дунё ёшлари – сон жиҳатидан бутун инсоният тарихидаги энг йирик авлодлиги, улар 2 миллиард кишини ташкил этиши;

з) сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқлиги;

и) бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси «вируси» тарқалишининг олдини олиш [1].

Бугунги кунда дунё жамоатчилиги Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг мазкур нутқидаги радикализм, терроризм, экстремизм ва наркотик моддалар тарқалиши хавфига қарши курашда бир ёқадан бош чиқариш, собитқадам бўлиш борасидаги чақириғини чуқур англамоқда.

Ватанини, юртини, виждонини сотган қабиҳ кучлар намояндалари демократик тараққиёт йўлидан бораётган давлатларни халқаро муносабатлардаги обрўсини тўкиш, давлатнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузиш, хавфсизлигига путур етказиш, уруш ва қуролли можаролар чиқариш, мамлакатларда ижтимоий-сиёсий вазиятни издан чиқариш, аҳолини қўрқитиш мақсадида ҳаракат қилмоқдалар.

Ёвуз кучларнинг қилган хунрезликлари, мусулмон мусулмонни ўлдириши, мусулмон мусулмонга қўл кўтариши гуноҳи азим ҳисобланиб, инсонпарвар динимизни, муқаддас китобимиз бўлган Қуръони Карим оятларини поймол қилиш билан баробардир.

Тинчлик, осойишталикнинг қадрига етишга оид жойларда ўтказилаётган тадбирларда, айниқса, мамлакатимиз келажаги бўлган ёшларимизни тарбиялашда ўз ҳаётини таълим-тарбияга бағишлаган мураббийлар жонбозлик кўрсатишлари зарур.

Инсоннинг энг устувор ва муқаддас ҳуқуқларидан бири – тинч яшаш ҳуқуқидир. Давлат ва жамиятнинг бурчи ана шу ҳуқуқни барча қонуний воситалар билан

кафолатлаб беришдан иборат. Бу ҳуқуқни амалга ошириш – давлат ва жамиятни демократлаштиришнинг энг муҳим шартидир. Демократиянинг инсонпарварлиги ҳам, биринчи навбатда, ана шу мезон билан ўлчанади. Бу осуда ҳаётни таъминлаш жуда катта мажбурият ва масъулият талаб этишини ҳам назарда тутади.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида «осуда» сўзи тинч, беташвиш, хотиржам деган маъноларга эгалиги қайд этилган.

«Хотиржамликдан кўра гўзалроқ яхши нарса йўқ», дейилади муборак ҳадислардан бирида. Дунёнинг фалсафий, залворли китоблари – тафаккур дурдоналарининг қайси бирини ўқиманг, барчасида осойишталик, сокинлик, хотиржамлик, тинчликдан ўзга бахт-иқбол йўқлиги эътироф этилганини ҳис этамиз.

Асосий қонунимизнинг 24-моддасида «Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноят» эканлиги белгилаб қўйилган. Ушбу моддага мувофиқ, мустақиллик йилларида мамлакатимизда яшаш ҳуқуқини таъминлаш учун давлат идоралари ва жамият тузилмалари, жумладан, ички ишлар, мудофаа ва хавфсизлик тузилмалари кенг кўламли фаолият олиб бораётганлигини эътироф этиш лозим.

Бугун мамлакатимизда жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш, миллатлараро тотувликни таъминлаш, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни қарор топтиришга конституциявий тузумга эришиш калити сифатида қаралмоқда.

Ҳаракатлар стратегиясида Асосий қонунимиз талабларидан келиб чиққан ҳолда миллий маданиятимизнинг ўзига хослигини тиклашга, таълим-тарбияни сифат босқичига кўтаришга алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг юз бериши мумкин бўлган таҳдидлар ҳақидаги қарашлари аввалбошданоқ, илм-фан, таълим-тарбия масаласига қаратилгани бежиз эмас: «Ҳаммамизга аёнки, тараққиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган куч ҳам бу – илм-фан, таълим ва тарбиядир. Эртанги кунимиз, Ватанимизнинг ёруғ истиқболи, биринчи навбатда, таълим тизими ва фарзандларимизга бераётган тарбиямиз билан чамбарчас боғлиқ.

Буюк юнон олими Аристотелнинг «Ватан тақдирини ёшлар тарбияси ҳал қилади», деган сўзлари бор.

Қаранг, бу фикрлар милоддан аввал айтилган. Демак, инсоният онгли ҳаёт кечира бошлаган даврдан буён таълим ва тарбия масаласи доимо долзарб аҳамият касб этиб келмоқда» [2].

Бугун олимларимиз, таълим-тарбия даргоҳларининг тарбиячилари, ўқитувчилари Ўзбекистонга бўлган хавф ва таҳдидларни тўғри таҳлил қилиб, фарзандларимиз тақдири учун биринчи навбатда, фидойилик билан, ёниб ҳаракат қилишлари, уларни бундай ёвуз хавф-хатарлардан ҳимоя қилишлари керак. Тарбиячилар, олимлар, ўқитувчилар томошабин бўлиб ўтирмаслиги лозим. Фарзандларимизни ким тўғри йўлга солади, ким уларнинг онгини тозалайди, ким уларга ҳақ гапларни гапириб, ҳаётда ўз эътиқодига суяниб яшашни ўргатади, тарбиялайди? Ёшларнинг тўғри йўл танлашида ким биринчи бўлиб ёрдам бериши керак, уларга ким таянч бўлиши лозим?»

Хабарингиз бор, масаланинг дунёвий аҳамиятга эгалигини инобатга олиб, Президентимиз Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида сўзлаган нутқида бошқа кўпгина муҳим масалалар қатори Ёшлар ҳуқуқлари бўйича халқаро конвенцияни қабул қилишга оид Ўзбекистон ташаббусига яна бир бор жаҳон ҳамжамияти эътиборини қаратди.

Ёшлар ҳуқуқи деганда, биз, биринчи навбатда, уларнинг тинч ва соғлом яшаш ҳамда таълим олишга бўлган тўлақонли ҳуқуқини тушунамиз. Шу боис униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизнинг баркамол бўлиб вояга етиши, сифатли ва мукаммал таълим олишини таъминлаш биз учун ҳамиша устувор вазифа ҳисобланади [2].

Сўнгги тўрт йил мобайнида Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ва Қуролли Кучлар тизими ислоҳ қилинди.

Ҳарбий соҳадаги ислоҳотларимизнинг самарасини ошириш мақсадида «Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси тўғрисида»ги 2018 йил 9 январь қонуни қабул қилиниши муносабати ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 26 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни»ни нишонлаш арафасида 2018 йилнинг 10 январь куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигидаги Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлиси Ўзбекистон Қуролли Кучлари академиясида бўлиб ўтди. Унда Президентимиз «Қуролли Кучларимиз – мамлакатимиз барқарорлиги ва тараққиётининг мустаҳкам кафолатидир» мавзусида нутқ сўзлади.

Президентимиз нутқида Ўзбекистон Қуролли Кучлари академиясида ташкил этилган – замонавий ситуацион марказ фаолиятига баҳо берилиб, эришилган ютуқ ва ижобий мисоллар баробарида мамлакатимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш соҳасида ҳали анча муаммолар борлиги ҳам қайд этилди. Булар – кадрлар масаласи, қўшинларни замонавий қурол-яроғлар билан таъминлаш, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ёшлар ва ҳарбий хизматчиларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашга тааллуқли муаммолардир. (ҳарбий кадрлар тайёрлаш масаласига жиддий эътибор қаратмаганлиги, ҳарбий кадрлар фаолиятини аниқ баҳолашнинг рейтинг тизими мавжуд эмаслиги, мустақил қарор қабул қилишда қатъият етишмаслиги, ёшларни, умуман, мамлакатимиз аҳолисини ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларига Мудофаа вазирлиги ва бошқа дахлдор идоралар томонидан етарли аҳамият берилмаганлиги, авлодлар ўртасида узвийлик ва устозлик анъаналари йўқолгани ҳам ўткир муаммо бўлиб қолаётганлиги). Энг ачинарлиси, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик ва маънавий-ахлоқий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш ва ўқитиш, навқирон авлодимизни халқимизга мутлақо бегона бўлган бузғунчи ғоялардан ҳимоя қилиш масалаларига зарур даражада эътибор қаратилмаётганлиги» ҳақида фикр билдириб, йўл қўйилган қуйидаги камчиликларга тўхталди:

Айниқса, диний экстремизм ғояларига берилиб, йўлдан адашган ёшларни соғлом турмуш тарзига қайтаришда биз Қуролли Кучлар сафида хизмат қилаётган аскар ва офицерларимизнинг салоҳиятидан фойдалана олмаяпмиз.

Ҳолбуки, Ватан ҳимоясида тобланган мард ўғлонларимиз, ўзининг мардлик ва жасурлик фазилатлари, юксак ватанпарварлик туйғуси билан обрў-эътибор қозонган ҳарбий хизматчиларимиз ёшларга ҳар томонлама ибрат ва ўрнак намунаси бўлиши мумкин.

Бир фикрни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак: армияни моддий жиҳатдан барча замонавий зарур техника ва жиҳозлар, қурол-яроғлар билан таъминлаш мумкин. Аммо шахсий таркиб маънавий жиҳатдан заиф бўлса, яъни аскар ва офицерларимизда жанговар руҳ, Ватанга меҳр ва садоқат, унинг тақдири учун масъулият бўлмаса ёки уларнинг ўртасида бепарволик ҳукм сурса, бундай ҳолат ниҳоятда нохуш оқибатларга олиб келиши мумкин».

Президентимиз Шавкат Мирзиёев: «Бугунги йиғилишнинг барча иштирокчилари ва жойлардаги давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари ушбу масалани улкан

ҳаётий аҳамиятга эга, мамлакатимиз ва фуқароларимиз хавфсизлигига, миллий армиямизнинг мудофаа қобилиятига бевосита таъсир кўрсатадиган ўта муҳим вазифа сифатида қабул қилсин», деб қатъий таъкидлади.

Шунингдек, Президентимиз ўз нутқида: «Ҳозирги вақтда минтақамизда ва дунёда ҳукм сураётган, олдиндан айтиб бўлмайдиган мураккаб шароитда мамлакатимиз хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлаш, жамиятимизда тинчлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш қанчалик катта аҳамиятга эга эканини барчамиз чуқур англаймиз. Бу эса ўтган давр мобайнида эришган ютуқларимиз ва йўл қўйган камчиликларимиз, тўпланиб қолган муаммоларни чуқур таҳлил қилиш, бугун ҳаётнинг ўзи илгари сураётган талабларни ҳисобга олишни тақозо этмоқда.

Биз айни шу асосда мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлашни Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб олдик. Стратегияга биноан 2017 йилда бошқа соҳалар қаторида ҳарбий қурилиш борасида ҳам кенг кўламли ўзгаришлар амалга оширилди. Қисқа муддатда дастлабки аниқ натижаларга эришдик ва янгиланаётган Қуролли Кучларимиз бўйича стратегик ёндашувни ишлаб чиқдик.

Биринчидан, ташқи сиёсатимизнинг мослашувчанлик ва очиқлик принципларига, энг асосийси, қўшни давлатлар билан дўстона ва амалий муносабатларни ривожлантириш, Ватанимиз суверенитети ва мустақиллигини мустаҳкамлашдек биз учун устувор бўлган тамойилларга таянган ҳолда, мамлакатимиз Мудофаа доктринаси сифат жиҳатидан янгиланди. Бу доктринанинг маъно-мазмуни биринчи марта очиқлик хусусиятига эга бўлди. Бу эса мудофаа сиёсатимизнинг очиқлигини намойиш этмоқда. Доктринада Ўзбекистоннинг мудофаа соҳасидаги сиёсати бўйича принципиал ёндашувлар, уларни қўллаш асослари, Қуролли Кучлар олдида турган вазифалар, шунингдек, миллий армиямиз қурилиши ва ривожланишини давом эттириш бўйича истиқболли йўналишлар белгилаб берилди...

Иккинчидан, Мудофаа доктринаси қоидалари ва мамлакатимизнинг геостратегик жойлашувини ҳисобга олган ҳолда,ҳарбий округларнинг таркибий тузилиши ва вазифалари тубдан қайта кўриб чиқилди.

Хусусан, Мудофаа вазирлигининг барча бирлашма ва қисмлари-нинг таркибий тузилмаси тўлиқ янгиланди. Биз бўлинмаларга жанговар тайёргарлик билан тўлақонли шуғулланиш, ҳарбий хизматчиларнинг касбий малакасини ошириш ва ўз йўналиши бўйича вазифаларни аниқ бажариш учун тайёр бўлишига алоҳида эътибор қаратдик. Бунга имкон бермаган тузилмалардан бутунлай воз кечдик.

Шундан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир офицер ва сержант эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар, ўз фаолиятига танқидий баҳо бериши керак. Улар «Мен келгусида хизматни давом эттиришга муносибманми ёки йўқми?» деган саволга жавоб бериши шарт.

Мен ҳарбий хизматчиларимизнинг жисмоний ва руҳий тайёргарлиги билан боғлиқ бир қатор муаммоларга эътибор қаратмоқчиман. Нега деганда, жисмоний тайёргарлик ҳарбий хизматчилар учун хизмат фаолиятида, ҳарбий карьерасида ва умуман, турмуш тарзида ҳал қилувчи омиллардан бири бўлиши зарур.

Ҳарбий хизматчиларнинг руҳий жиҳатдан чидамли бўлиши ҳақида гапирганда, кейинги пайтда дунёнинг турли минтақаларида содир бўлаётган қуролли тўқнашувларда кўзга ташланаётган бир ҳолатга эътиборингизни қаратмоқчиман. Яъни жанговар ҳаракатлар давомида шахсий таркиб ўртасидаги йўқотишларнинг асосий қисми кучли руҳий таъсир ва зарбалар билан боғлиқ экани маълум бўлмоқда.

Бундай руҳий жароҳатларни ҳатто тинч ҳаёт шароитида ҳам даволаш жуда мураккаб масаладир» [3].

Инсоннинг шахсий масъулияти, ташаббускорлик ҳамда фидойилик фазилатлари эса Ватанни чин дилдан севишдан, ватанпарварликдан куч олади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев китоб мутолаасини ривожлантириш масаласини давлат сиёсати даражасига кўтарди. Улуғ аждодларимизнинг эзгу ғоялари, ўгитлари, битиклари асосида таълим-тарбия соҳасидаги туб ислоҳотларни юксак босқичга олиб чиқиш, юрт келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган янги авлодни вояга етказиш бўйича ишларни изчил ва қатъият билан давом эттириш зарурлиги мунтазам уқтириб келинмоқда.

Мустақиллик боис ҳаётимизнинг барча соҳа ва тармоқлари, жумладан, маънавий тикланиш ва юксалиш, миллий ўзликни англаш масалаларига ҳам давлат миқёсида катта эътибор берилмоқда.

Инсон маънавий оламининг кучи, қудрати унинг Ватан олдидаги бурчи, масъулиятини чуқур англаб тушунишида намоён бўлади.

Шу боис Президентимиз таъкидлаганидек: «Биз кенг кўламли демократик ўзгаришлар, жумладан, таълим ислоҳотлари орқали Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишни ўзимизга асосий мақсад қилиб белгиладик. Бу ҳақда гапирар эканмиз, аввало, учинчи Ренессанснинг мазмун-моҳиятини ҳар биримиз, бутун жамиятимиз чуқур англаб олиши керак» [2].

Давлатимиз раҳбари юқорида Аристотелнинг фикрларини эслаганлари бежиз эмас: «Ҳаммангизга яхши маълум, антик даврда Юнонистонда ёнган илм машъаласи тўққизинчи – ўн иккинчи асрларда Марказий Осиё ҳудудида қайта порлади. Бу даврда юртимиз ҳудудида биринчи Ренессанс юзага келди ва у бутун дунё тан оладиган машҳур даҳоларни етиштириб берди. Хусусан, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Замахшарий сингари ўнлаб буюк алломаларимизнинг жаҳоншумул илмий-ижодий кашфиётлари умумбашарият тараққиёти ривожига беқиёс таъсир кўрсатди» [2].

Дарҳақиқат, бугун мустақиллик дунё аҳлига муаллим бўлган, замонавий илм-фаннинг тамал тошини қўйган, соф инсоний маданият таълимотини яратган улуғ алломаларимиз, юртнинг шаъну шавкатини юксалтирган жаҳонгирлар, фотиҳларимизни дунёга танитди. Бугун ҳамма жойда – Осиё, Африка, Европа ва Америкада ана шу тараққиётнинг нишоналарини кўришимиз мумкин. Бугун Ибн Сино деса ким танимайди? Ал-Хоразмий бўлмаганда, инсоният яна қанча вақт саноқдан адашиб юришини бугун барча тан олмоқда. Араблар Замахшарий бўлмаганда ўзларининг грамматикасини ўзлаштира олмасликларини бот-бот тан оладилар.

Донишманд халқимиз ҳар икки Ренессанс даврида жаҳоннинг энг илғор, тараққий этган халқлари қаторида бўлгани барчамизга улкан ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Ҳақиқатан ҳам, Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: «Бир ўйлаб кўрайлик, аждодларимиз бундай юксак чўққиларга қандай эришганлар? Улар, энг аввало, жаҳолатга қарши маърифат байроғини баланд кўтариб, ўз ақл-заковати ва салоҳиятини башарият яратган илм-фан ютуқларини чуқур ўрганиш ва бойитишга бағишлаганлар» [2].

Президентимизнинг«Ватанни севиш масъулияти миллий ғоя» эзгу фикрининг яна бир жиҳати шунда кўринадики, ўсиб-униб келаётган ёш авлод қалби ва онгида ВАТАНПАРВАРЛИККА оид мафкуравий иммунитет асослари шакллантирилади. Шунингдек, ушбу мавзуни ўқитиш тажрибаси шуни кўрсатдики, глобаллашувнинг

чуқурлашиб бораётганлиги шароитида ёшларимизни жамиятимизга ёт ва бегона, бузғунчи ва зарарли ғояларга қарши курашишга ўргатади. Уларда огоҳлик ва ҳушёрлик кўникмалари ҳосил бўлишига кўмаклашади.

Хулоса қилиб айтганда, ёшларда ватанпарварлик, адолат, ҳалоллик, эл-юртга, қасамёдга садоқат, жасурлик, довюраклик ва мардлик фазилатларини камол топтириш, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари фаолиятининг асосий мезони эканлигини инобатга олиниб, уларнинг дунёқараши ва маънавиятини юксалтириш, ҳозирги замон талаблари асосида халқимизга муносиб хизмат қиладиган ҳамда жамиятда тинч яшаш ҳуқуқини, адолат ва қонун устуворлигини таъминлайдиган фидойи касб эгалари этиб тарбиялаш давр талабидир. Чунки ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларидан нафақат касбий билимларни чуқур эгаллаш, балки ватанпарвар, халқпарвар бўлиш, халқ ишончини оқлаш, мамлакатимизнинг маънавий хавфсизлигига таҳдид солаётган иллатларга муросасиз бўлиш талаб этилади.

Ватанпарварлик туйғусини тарбиялашнинг мақсади – жамиятда юқори ижтимоий фаолликни, фуқароларнинг жавобгарлигини ошириш, фуқароларда чин инсоний фазилатларни қарор топтириш ва уларни Ватан манфаатлари йўлида ҳалол хизмат қилишга сафарбар этиш.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. *Мирзиёев Ш.М.* Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи (Нью-Йорк шаҳри, 2017 йил 19 сентябрь) / http://www.pv.uz

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // Халқ сўзи. – 2020. – 1 окт.

3. *Мирзиёев Ш. М.* Қуролли Кучларимиз – мамлакатимиз барқарорлиги ва тараққиётининг мустаҳкам кафолатидир // Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Т., 2018.

*Н. Т. Тургунова**

# ЁШЛАР СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР

**Аннотация.** Мақолада ёшлар сиёсатини амалга ошириш билан боғлиқ турли тенденциялар, ушбу жараённинг ўзига хос хусусиятлари тадқиқ этилган. Бу борада илғор хорижий давлатлар тажрибаси, замонавий ёндашув ва қарашларнинг асосий жиҳатлари очиб берилган.

**Таянч сўзлар:** патернализм, тараққиёт, барқарорлик, ривожланиш, фуқаролик позицияси.

## СОВРЕМЕННЫЕ ПОДХОДЫ К РЕАЛИЗАЦИИ МОЛОДЕЖНОЙ ПОЛИТИКИ

**Аннотация.** В статье рассматриваются различные тенденции, связанные с реализацией молодежной политики. Раскрываются основные особенности зарубежного опыта, современного подхода и методов в этой сфере.

**Ключевые слова:** патернализм, развитие, стабильность, улучшение, гражданская позиция.

## MODERN APPROACHES TO THE IMPLEMENTATION OF YOUTH POLICY

**Annotation.** The author deals with the different tendencies related to the realization of youth policy and its specifics in the article. The main specifics of foreign state experience, modern approach and methods are revealed in this view.

**Key words:** paternalism, development, stability, improvement, citizens position.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, юксак тараққиётга эришишни мақсад қилган ҳар қандай жамият ва давлат ёш авлодни қўллаб-қувватлайди. Зеро, бунинг натижасида жамият, давлат ва ёшларнинг ривожланиши учун ҳам қулай муҳит яратилади. Бу, ўз навбатида, аниқ стратегияга асосланган ёшларга оид давлат сиёсатини тақозо этади.

Бунда, ёшлар ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий жараёнларнинг реал субъекти сифатида юзага чиқади. Бугун даврнинг ўзи ҳар бир мамлакат олдига фақатгина ёшлар салоҳияти ва заковатини ошириш масаласини тақозо этадиган бир қанча талабларни қўймоқда жумладан, ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши, компьютерлаштириш, рақамлаштириш ва ҳ.к. Ушбу янгиликларни ўзлаштирмай ва чуқур ўрганмай туриб, бугунги глобаллашув даврида тараққиётга эришиш қийин. Бу борада катта ёшдагиларга нисбатан ёшларнинг замонавий техника ва технологияларни жадал ўзлаштириши ва амалга ошириши аҳамиятли эканлигини инкор қилиб бўлмайди.

Тарихдан маълумки, ёш авлодга жамият тараққиётини таъминловчи, ҳаракатлантирувчи куч сифатида ёндашув турли мамлакатларда ёшларга оид давлат сиёсатини ишлаб чиқишни тақозо этганди. Бу жараёнда БМТ муҳим рол ўйнади. Хусусан, ўтган XX асрнинг 60–80 йилларида БМТ томонидан ёшлар қатламига бўлган

* ***Тургунова Насиба Туйчиевна,*** *Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси хизмат фаолияти психологияси кафедраси ўқитувчиси.*

муносабатнинг янгича принципларини белгилаб берувчи бир қатор ҳужжатлар қабул қилинди.

Хусусан, 1965 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг «Ёшлар ўртасида тинчлик ғоялари, миллатлараро ўзаро ҳурмат ва тушунишни тарғиб этиш тўғрисидаги Декларация»си эълон қилиниши билан ёшларнинг ижтимоий муаммолари ташкилот вазифаларидан бирига айланди.

Шунингдек, ЮНЕСКО томонидан ёшлар муаммоларига оид юздан ортиқ ҳужжат қабул қилиниб, жумладан, ушбу ташкилот ташаббуси билан 1985 йилдан бошлаб Ёшлар масалалари бутунжаҳон конгресси фаолият юрита бошлади ва шу йилни БМТ томонидан «Халқаро ёшлар йили» деб эълон қилинди [1].

Шу билан бирга, 1998 йилда ёшлар сиёсатига доир Лиссабон декларацияси қабул қилинди [2]. Бундан ташқари, БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар томонидан ёшлар муаммолари ва сиёсатига дахлдор яна бир қанча ҳужжатлар ишлаб чиқилган ҳамда қабул қилинган [3].

Ёшлар билан боғлиқ масалаларнинг алоҳида сиёсат даражасига кўтарилиши бир қанча ижобий тенденцияларни келтириб чиқарди. Жумладан:

а) ёшлар ўзларининг интеллектуал ва инновацион салоҳиятини янада тўлароқ намойиш эта бошлади;

б) ёшлар ўртасида ўз тақдирига масъулият билан ёндашиш кучайди;

в) ташаббускорлик, ижодкорлик хусусиятлари янада ривожланди;

г) спорт, маданият, санъат соҳасида кўплаб иқтидорли ёшлар етишиб чиқа бошлади;

д) ёшларнинг жамият ва давлат ишларида фаол иштироки кузатилди ва ҳ.к.

Фикримизча, бугунги замонавий сиёсатда ёшлар билан ишлашда «оталиқ ёки васийликка олиш» (патернализм) услубидан воз кечиш лозим. Аксинча, уларга доимий рағбат ва мустақил қарор қабул қилишга асосланган қулай муҳит яратиш муҳимроқдир. Агар ёшлар билан ишлаш фақатгина уларга қандайдир имтиёз ва енгилликлар беришга асосланса, улардаги фаоллик сусайиши ва боқимандалик кайфияти юзага келиши мумкин. Шу ўринда, ёшлар билан ишлаш – бу, аввало, ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ва уларнинг ўзлари томонидан амалга ошириладиган аниқ манзилли ва тизимли инвестиция киритишни назарда тутувчи жараён эканлигини ҳам ёдда тутишимиз жоиз.

Аксарият давлатларда ёшларга оид сиёсатини амалга оширишда ўрта ва узоқ муддатларга мўлжалланган стратегия ва дастурларни ишлаб чиқиш тажрибасидан кенг фойдаланилади. Стратегия қабул қилинишидан олдин ёшлар ўртасида турли тадқиқотлар ўтказилиб, мавжуд ҳолат ва муаммолар аниқланади ҳамда уни бартараф этишга оид тегишли чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилади. Стратегия тасдиқланганидан сўнг белгиланган вазифалар ижроси мунтазам равишда мониторинг қилиб борилади. Бу, ўз навбатида, муайян муддатларда унинг самарадорлигини баҳолаб бориш, таҳлил қилиш ва зарур ҳолларда тегишли ўзгартиш ва тузатишлар киритиш имконини беради. Шу нуқтаи назардан, ушбу ёндашувнинг турли вазиятларга мослашувчанлигини ҳам эътироф этиш лозим.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДҲ) ташкилотига аъзо айрим давлатларда ёшларга оид давлат сиёсати борасида муҳим ҳужжатлар қабул қилинган. Жумладан, Молдовада ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда бугунги кунга қадар 3 та стратегия ишлаб чиқилган:

1) «2009–2013 йилларда ёшлар масалалари бўйича миллий стратегия»;

2)»Молдова-2020» миллий ривожланиш стратегияси»;

3)»2020 йилгача Ёшлар секторини ривожлантиришнинг миллий стратегияси» [4].

Ушбу Стратегияни амалга оширишда Ёшлар ва спорт вазирлиги масъул этиб белгиланган. Шунга ўхшаш ҳужжат Арманистонда ҳам ишлаб чиқилган бўлиб, у «2013–2017 йилларда ёшларга оид давлат сиёсати Стратегияси» [5] деб номланади. Стратегияни ҳаётга татбиқ этишга масъул давлат органи сифатида Ёшлар ва спорт вазирлиги белгиланган. Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда алоҳида вазирлик ташкил этган давлатлардан яна бири Озарбайжондир. Мазкур давлат ёшлар сиёсатини амалга оширишда стратегиялар билан бир қаторда дастурий сиёсий технологиялардан фойдаланишга катта эътибор қаратган. Қолаверса, бунда ёшларнинг имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш,уларни иш билан банд қилиш ҳамда давлат бошқарувидаги иштирокини таъминлаш назарда тутилган. Жумладан:

2005–2009 йилларда Озарбайжонда ёшларга оид давлат Дастурини тасдиқлаш тўғрисида»;

«2006–2010 йилларда алоҳида иқтидори бўлган болаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш бўйича давлат Дастури»;

«2007–2012 йилларда Озарбайжон Республикасида профессионал-техник таълимни ривожлантириш бўйича давлат Дастури»ва «2007–2015 йилларда озарбайжонлик ёшларни хорижда таълим олишини таъминлаш бўйича давлат Дастури» каби муҳим ҳужжатлар қабул қилинган.

Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда дастурий технологиялардан фойдаланиш бўйича Беларусь Республикасида ҳам бир қатор ҳужжатлар ишлаб чиқилган. Хусусан, 2016–2020 йилларга мўлжалланган «Таълим ва ёшлар сиёсати», «Беларусь Республикасида халқ саломатлиги ва демографик хавфсизлик», «Беларусь Республикасида болалар ва ёшларнинг узлуксиз таълими», «Аҳолининг ижтимоий ҳимояси ва бандлигини таъминлаш» каби давлат Дастурлари орқали мамлакатда ёшларга оид давлат сиёсати амалга оширилмоқда. Шунингдек, Белоруссияда мамлакат иқтидорли ва истеъдодли ёшларининг маълумотлар банки шакллантирилган. Мазкур рўйхатга мамлакатнинг 7 мингга яқин иқтидорли ва истеъдодли ёшлари киритилган. Ҳар 10 минг нафар аҳолига тўғри келадиган талабалар сони бўйича Беларусь МДҲ давлатлари орасида 1-ўринни эгаллаган (10 минг аҳолига 330 нафар талаба). Ундан кейинги ўринларни Украина (321 нафар) ҳамда Арманистон (310 нафар) эгаллаган. Мамлакатда ёшларнинг замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиши учун қулай шарт-шароитлар яратилган. Статистик маълумотларга кўра, 14–30 ёшлиларнинг Интернетдан фойдаланиши 98,5% ни ташкил қилади.

Россия Федерациясида ҳам 2025 йилга мўлжалланган ёшларни ривожлантириш Стратегияси ишлаб чиқилган. Стратегияни амалга ошириш 2 та босқични ўз ичига олади: биринчи босқич – 2015–2020 йиллар; иккинчи босқич – 2021–2025 йиллар. Ҳар бир босқичда бир қатор вазифаларнинг амалга оширилиши белгилаб қўйилган [6].

Шу ўринда хорижий давлатларда «ёшлар сиёсати» тушунчасига турлича ёндашув қўлланишини қайд этиш зарур. Бу муҳим жиҳат бўлиб, муайян ҳудудда ёшлар билан боғлиқ турли дастур ва стратегик йўналишларни ишлаб чиқишнинг концептини белгилаб беради.

Нидерландияда ушбу сиёсат борасида ёшларнинг ижтимоийлашуви билан боғлиқ омиллар тушунилади. Нидерландияда ёшлар тоифасига 25 ёшгача бўлганлар киритилади [7]. Люксембург ёшлар сиёсати асосан ўтиш ёшидаги ёшларга йўналтирилган бўлиб, уларни ижтимоий-иқтисодий мустақиллигини таъминлашга

қаратилган. Мамлакатда ёш чегараси 12–25 қилиб белгиланган [8]. Бельгия ва Франция давлатларидаги ёшлар сиёсати кўпроқ уларни ижтимоий ҳимоя қилишни назарда тутади, масалан бандлик, соғлиқни сақлаш, уй-жой билан таъминлаш ва ҳ.к [9,10].

Норвегияда эса ёшлар сиёсати тушунчаси 12 ёшдан 29 ёшгача бўлган фуқаролар учун хавфсиз шарт-шароитларни яратишни назарда тутади [11]. Швецияда бу борада давлат ташкилотларининг ёшлар учун муносиб яшаш шароитларини яратиш билан боғлиқ масалалар тушунилади [12].

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, Европа давлатларида ёшларга оид давлат сиёсати ўзининг пухта ишлаб чиқилганлиги ва самарадорлиги билан ажралиб туради. Уларнинг аксариятида ёшлар сиёсати 3 та даражада амалга оширилади:

1) қонунчилик базаси ва уни амалга оширишнинг умумий йўналишлари марказий ташкилотлар даражасида ишлаб чиқилади;

2) ҳукумат ҳудудий ва маҳаллий идоралар кесимида вазифаларни тақсимлайди;

3) ёшлар ташкилотлари ёшлар сиёсатини амалга оширишда асосий ролни бажаради.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Исторические аспекты становления молодежной политики и ее особенности в ряде стран: Германия, Канада, Великобритания, Франция // www.docsity.com/ru/istoricheskie-aspekty-stanovleniya-molodezhnoy-politiki-i-ee-osobennosti-v-ryade-stran-germaniya-kanada-velikobritaniya-franciya/1799620/

2. Лиссабонская Декларация по молодежной политике и Брагский план действий в интересах молодежи // www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/pdf/lisbon.

3. Молодежь в ООН // www.un.org/youth.html

4. Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш стратегияси: мавжуд вазият ва ривожлантириш истиқболлари: Илмий-амалий конференция мақолалар тўплами. – Т., 2019. – 128 б.

5. Стратегия государственной молодежной политики Республики Армения на период 2013-2017гг.//www.arlis.am/documentview.aspx?DocID=80598

6. Стратегия развития молодежи Российской Федерации на период до 2025 года //https://fadm.gov.ru/ mediafiles/documents/document/98/ae/98aeadb5-7771-4e5b-a8ee-6e732c5d5e84.pdf

7. Nissen C. Youth Policy in the Netherlands: A Report. – Strasbourg, 2000. – P. 17– 18.

8. Demanuele J. Youth Policy in Luxembourg: Report by an International Panel of Experts Appointed by the Council of Europe. – Strasbourg, 2002. – P. 15– 17.

9. Pudar G., Suurpaa L., Williamson H., Zentner M. Youth policy in Belgium. – Strasbourg, 2014. P.22-23.

10. Les jeunes, cogneursousouffre-douleurs?/Rapport de la Commission federale de la jeunesse. – Paris, 1998. P. 15.

11. Wolf M. Youth Policy in Norway: Report by the Interna-tional Team of Experts Appointed by the Council of Europe. – Strasbourg, 2004. P. 19.

12. Introduction to Youth Policy: Swedish and Turkish Perspectives. – Oslo, 2009. P. 5–7.

*К. Қ. Қодиржонов**

# ЁШ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШДА ҲАРБИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК – ИНСОН ФАЗИЛАТИНИНГ МУКАММАЛ ШАКЛИ

**Аннотация.** Мақолада ёшларда ҳарбий ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш ва мустаҳкамлашда таълим ва тарбиянинг ўрни, миллий қадриятларнинг роли ҳақидаги мулоҳазалар илгари сурилган. Миллий маънавиятимизга хос бўлган иймон эътиқод, инсоф, диёнат, ибо-ҳаё, ор-номус, ғурур, садоқат, лафз, ҳалоллик, поклик каби инсоний фазилатларнинг жамият тараққиётидаги аҳамияти ҳақида фикр юритилган.

**Таянч сўзлар:** Ватан, ҳарбий ватанпарварлик, фазилат, иллат, жасорат, адолат.

## ВОЕННЫЙ ПАТРИОТИЗМ В ВОСПИТАНИИ МОЛОДОГО ПОКОЛЕНИЯ КАК ИДЕАЛЬНЫЙ ПОКАЗАТЕЛЬ ЧЕЛОВЕЧЕСКИХ КАЧЕСТВ

**Аннотация.** В статье рассматривается роль воспитания и обучения в формировании и укреплении чувства военного патриотизма у молодежи, роль национальных ценностей в этой сфере. Даны представления о важности таких человеческих качеств, как вера, совесть, порядочность, достоинство, гордость, верность, честность, присущих нашей национальной духовности, в развитии общества.

**Ключевые слова:** Родина, военный патриотизм, качества, недостатки, храбрость, справедливость.

## MILITARY PATRIOTISM IN UPBRINGING THE GROWING GENERATION – PERFECT FORM OF HUMAN DIGNITY

**Annotation.** The article examines the role of education and training in the formation and strengthening of the feeling of military patriotism among young people, the role of national values. The ideas about the importance of such human qualities as faith, conscience, decency, dignity, pride, loyalty, honesty, purity, inherent in our national spirituality, in the development of society are given.

**Key words:** Homeland, military patriotism, qualities, shortcomings, courage, justice.

Республикамизда таълим-тарбия тизимининг тубдан ислоҳ қилиниши натижасида фан-техника, маънавият ва маърифатни юксалтиришга, болаларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга катта эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги кунда ҳаётнинг ўзи олдимизга соғлом ва ҳар томонлама етук авлодни тарбиялашдек муҳим ва янги вазифаларни қўймоқда. Узлуксиз таълим тизимида баркамол авлодни тарбиялаш жараёни таълим босқичлари ҳамда таълим соҳалари ўртасида узвийлик принципига амал қилган шароитда самарали кечади. Қолаверса, таълим ва тарбиянинг узвийлиги баркамол авлод тарбиясининг муҳим шартларидан биридир.

Таълим – билим бериш, малака ва кўникмалар ҳосил қилиш жараёни, кишини ҳаётга ва меҳнатга тайёрлашнинг асосий воситаси. Таълимнинг мазмуни ва моҳияти жамиятнинг моддий ва маданий тараққиёти даражаси билан белгиланади [1].

Тарбия – ўзига хос хусусиятга ва бошқа педагогик тоифалар ва жараёнлардан нисбий мустақилликка эга бўлган мураккаб педагогик ҳодиса. У қуйидаги муҳим

* ***Қодиржонов Камол Қахрамонович,*** *Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ҳарбий тайёргарлик кафедраси ўқитувчиси.*

таркибий қисмларни ўз ичига олади: мазмуни, ташкил этилиши, методикаси, педагогик раҳбарлик ва бошқалар. Уларнинг барчаси бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир [2].

Ота-она фарзандига таълим-тарбия, ахлоқ-одоб ва яхши хулқдан кўра афзалроқ, фойдалироқ нарса бериши мумкинми?

Шунинг учун ҳам доимо фарзанд тарбияси тўғрисидаги кўрсатма ва тавсиялар биринчи ўринда ота-оналарга қаратилган бўлади.

Пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в.: «Авлодларингизни Аллоҳни севадиган, унга шукр айтадиган қилиб тарбияланглар...» деганлар [3].

Ўзбекистон Республикасининг «Ёшлар оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонунида ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири этиб ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, уларнинг маънавий, интеллектуал, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан камол топишига кўмаклашиш кўрсатиб ўтилган [4].

Мамлакатимизда мустақиллик йиллари миллий тарбияни ривожлантиришга катта эътибор берилди. Янги-янги миллий-маънавий меросларимиз қайтадан ўз табиатини намоён эта бошлади. Амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самараси ўлароқ, республикамиз шаънига муносиб, жаҳон миқёсида эътироф этилган буюк алломаларимизнинг номлари халқимиз, айниқса ўсиб келаётган ёш авлод қалбини ўтмиш билан фахрланиш, миллий ғурур, ифтихор туйғусига тўлдирмоқда. «Барчамизга яхши маълумки, ватанпарварлик ҳар бир давлат ҳаётининг маънавий асоси ҳисобланади ва жамиятни ҳар томонлама ривожлантириш борасида энг муҳим сафарбар этувчи куч сифатида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам фуқароларимизда бизга мутлақо ёт бўлган зарарли таъсирларга қарши мустаҳкам иммунитетни шакллантириш ва Ватанимиз тақдири учун масъулият туйғусини мустаҳкамлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни кўришимиз шарт. Ана шу мураккаб ишда армия сафларида мардлик ва матонат, Ватанга садоқат билан хизмат қилиш мактабини ўтаган навқирон ўғлонларимиз ишончли таянч ва суянч бўлиб хизмат қилади [5].

Ёшларимизни истиқлол шароитида ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда миллий қадриятлар, шунингдек миллий мафкура асосий пойдевор бўлиб хизмат қилади. Ёшларни мафкуравий тушунчалар билан тарбиялар эканмиз, уларда дастлаб ватанпарварлик руҳини шакллантирмоқ муҳим. Зеро, миллий қадриятлар халқимизнинг азалий анъаналари, удумлари, она тили, руҳиятига асосланиб, эртанги кунига ишонч уйғотади. Инсонлар ўртасида меҳр-оқибат, инсоф, диёнат, адолат, маърифат, ватанпарварлик туйғуларини пайдо қилади. Ватанпарварлик тарбиясини шакллантириш ва такомиллаштириш инсоннинг туғилишидан умрининг охиригача давом этадиган жараёндир. Чунки ватанпарварлик тарбияси, аввало, оиладан бошланади. Бунда ота-она ўз фарзандларига аждодларимиз тарихи, уларнинг қаҳрамонлиги, жамиятдаги обрў-эътибори ҳақида ҳиссиёт билан гапириб бермоғи, шу асосида ёш авлодда Ватан туйғусини уйғотмоғи керак.

«Намунавий муслима» китобининг муаллифи Муҳаммад Алий ал Ҳошимий шундай ёзади: «Муслималар ҳеч қачон фарзанд тарбияси ва унинг хулқ-атворининг шаклланишида онанинг мажбуриятлари отаникига қараганда кўплигини унутмаслиги керак... Фарзандлар одатда онага яқин бўлади ва кўпроқ вақтини айнан онаси билан ўтказади» [6].

Шунингдек Ислом тарихида фарзандларини ёлғиз тарбиялаб, уларни таниқли шахс қилиб етиштирган аёллар жуда кўп учрайди. Улар ўз фарзандларига энг яхши

сифатлар ва исломий тарбияни сингдириб, оналарга хос жасурлик намуналарини инсоният тарихида ўрнак қилиб қолдирдилар. «Тарихда улуғ кишиларнинг вояга етишида оқил оталарга қараганда оқила оналарнинг ҳиссаси кўпроқ. Шу сабабдан бўлса керак, Ислом уммати орасида ўз онасидан миннатдор ва унинг олдида қарздор бўлмаган бирорта фозил кишини тополмайсиз. Бундан келиб чиқадики, тарихий жараёнларнинг ривожланишига айнан оналар ўз фарзандлари орқали билвосита ҳисса қўшиб туришган» [7], деб ёзади Ҳошимий.

Дарҳақиқат, ҳақиқий севиш, ватанпарварлик – шу улуғ Ватанни севиш, халқ учун хизмат қилиш, жонини фидо этишдир. Қаерда бўлса ҳам Ватан, халқ манфаатлари учун фидокорона курашувчи кишигина ҳақиқий ватанпарвардир. Ҳақиқий ватанпарвар инсон такаббурликка, фақат ўз манфаатини ўйловчи шахс бўлишга мутлақо йўл қўймайди ва халқидан ўз манфаатини устун тутмайди, ҳамма вақт халқ билан бир жон, бир тан бўлади. Агар ҳарбий хизматчилар ўз она Ватанини севмаса, унга садоқат билан қарамаса, ҳақиқий баркамол инсон бўла олмайди. Инсонийликнинг энг муҳим фазилати ҳам ватанпарварликдир. Тарбия олдида турган асосий мақсад ўсиб келаётган авлод онгида кекса авлод доно тажрибасини сингдириш, инсоний фазилатларни шакллантириш ва ривожлантириш, Ватан ва миллат олдидаги бурч ва масъулиятни ҳис қилишга ўргатиш, қонунларга риоя этиш фазилатларини қарор топтиришдан иборатдир. Чунки Ватанга содиқлик, ватанпарварлик ўзининг қудратли илдизлари билан оила, авлод-аждодларнинг ор-номусига чуқур эҳтиром билан қарашга, инсоннинг ўз виждони ва бурчига садоқатига бориб тақалади. Ўзбек халқининг юксак миллий қадриятлари ватанпарварлик, миллий ғурурни маънавий юксалтириш жамият равнақи йўлидаги қийинчиликларни енгиб ўтишда ёрдам беради. Ватанпарварликнинг муҳим хусусиятларидан бири – миллийлигимиздир. Миллий тарбия асосан оила ва маҳаллада миллий қадриятлар, урф-одатлар, турмуш тарзидаги ахлоқ меъёрлари мужассамлигида шаклланади. Бизнинг миллий маънавиятимизда иймон эътиқод, инсоф, диёнат, ибо-ҳаё, ор-номус, ғурур, садоқат, лафз, ҳалоллик, поклик каби инсонга хос фазилатлар халқимизнинг турмуш тарзида қонун каби мустаҳкам ўринга эга.

Ёш авлоднинг ижтимоийлашуви аввало юқорида келтирганимиздек оиладан бошланишини мазкур олимлар ҳам асослаганлар. А.П.Ганичева, О.Л.Зверева, С.В.Куприяновалар оилавий тарбия асосида болаларнинг ижтимоийлашуви таъминланишини тасдиқлайдилар. Назарий таҳлиллар шуни кўрсатадики, болаларнинг ижтимоийлашуви педагогик таъсир асосида амалга ошади, оила аъзолари ва тарбиячилар боланинг ўйин, меҳнат, мустақил фаолият жараёнида акаси, укаси, опаси ва тенгдошлари билан мулоқот қилишларини ташкил қилади [8].

Ҳарбий ватанпарварлик тўғрисида сўз юритар эканмиз, ҳарбий бўлишни орзу қилган ёшларимиз, миллий тарбиянинг фаол омили бўлган тўртта инсоний фазилатга эга бўлишлари илмий тадқиқотлар натижасида асослантириб берилган. Булар ҳикмат, шижоат, ор-номус ва адолатдир. Ҳикмат бу инсон қудрати доирасида эзгу амаллар билан яхши хулқларни ўзига одат қилишидир. Бу эса унинг атрофидаги воқеа-ҳодисаларга эътиборли бўлиш, теран ўрганиш ва мантиқий фикрлаш натижасида ўзининг сезгирлиги билан билиб бўлмайдиган айрим нарсаларни онгли равишда англай олиши таҳлиллари ила келажакни кўра билиш, яқин келажакдаги тўсиқ ва жумбоқларнинг оқилона ечимини топа олиш ҳамда йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоларнинг олдини олиш орқали тўғри йўлдан боришидир. Шижоат бу ҳар қандай вазиятда ҳам тўғри йўл ва асл мақсаддан чекинмаслик, эзгулик йўлида учраган

қийинчилик ва машаққатларни енгишда ғазабини жиловлай олиш ҳамда олий ҳимматлилик билан мардона қадам ташлашдир. Ҳар бир инсоннинг ор-номусли бўлиши, аввало ўз нафсини жиловлай олишидадир. Хиёнат кўчасига нафс сўқмоғидан борилади. Хиёнат сўзи ҳарбий касб эгалари учун мутлақо бегона бўлиши кераклиги, уларнинг сўнгги нафаси қолгунча Она Ватанининг садоқатли фарзанди бўлиб қолишга, аждодлари руҳи олдида қилган қасамёдларида муҳрланиб қўйилган. Адолат эса ҳаммани тенг кўриб бирдай муносабатда бўлишдир. Адолатнинг негизи шундаки, ҳар ким ўзига раво кўрганни ўзгага раво кўриб, ўзига раво кўрмаганни ўзгага ҳам раво кўрмаслиги, инсонийликнинг фазилат ва иллатлари ўртасидаги тарозиси бўлиб, ушбу тарозининг икки палласидаги мувозанат ҳамда одамзоднинг дили ва тилидаги мақсадлари бир хил бўлишида намоён бўлади. Улуғ соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг «Куч – адолатдадир» деган ҳикматининг мазмун-моҳияти ҳам шундадир. Миллатнинг энг зўр ҳимояси – миллий фазилатлардир. Адолат, шижоат, меҳр-оқибат, ор-номус, ғурур, ибо, ҳаё каби фазилатлар миллатимиз руҳини тутиб турган устунлардир. Уларсиз миллат руҳи тўкилиб кетиши муқаррар. Айни шу фазилатлар униб-ўсаётган ёш кўнгилиларни турли бегона иллатлардан сақлаб қола олади. Ватанимиз тараққиёти, халқимизнинг бахт-саодати йўлида ёшларимизни илму фан ва касбу ҳунар соҳиблари бўлиб етишлари учун давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрлик билан бирга ота-оналар ҳам фарзандларни ёшлигидан одоб-ахлоқли, динига, ватанига садоқатли этиб тарбия қилишлари зарур. Мирзо Бедил ҳазратлари айтадилар: «Аввал ғиштни қийшиқ қўярсан меъмор, Осмонга етса ҳам, қийшиқдир девор». Ёшларимизнинг ахлоқий масъулиятини ҳис қилишлари бевосита оиладаги тарбияга боғлиқ. Ахлоқий тарбия натижасида шаклланган яхши фазилатлар инсонда онгли фаолият юритишни талаб қилади. Инсонларнинг одоби, ахлоқи, ақл-идроки, ҳалол меҳнати давлатнинг кучига куч қўшади. Ахлоқий тарбияга эътиборсиз қараган жамият моддий жиҳатдан нечоғлик бой бўлмасин, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий, ҳуқуқий ютуқларга эриша олмайди. Бугунги кунда ҳарбий қисмларда ҳарбий ватанпарварлик, маънавий-ахлоқий тарбия ва ёшлар билан ишлаш йўналишига алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 25 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табригида ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича Ўзбекистонда олиб бориладиган ишлар биз учун долзарб аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаган эдилар. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши ҳамда Мудофаа вазирлиги ўртасида мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларда ёш ҳарбий хизматчиларнинг фаол иштирокини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ўзаро англашув меморандумининг имзоланиши ҳам юқоридаги сўзларимиз исботидир [9]. Ҳозирги мураккаб ва глобаллашув замонида мамлакатимизни турли ички ва ташқи хавфлардан асраш, ижтимоий-иқтисодий соҳаларни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш билан боғлиқ мақсадларимизга уйғун ва ҳамоҳанг равишда ҳаётнинг ўзи олдимизга янгидан-янги вазифаларни қўймоқда. «Ватанпарварлик – бу шундай нозик, теран бир туйғуки, у фақат она сути билан кириши ва жон билан чиқиши мумкин» [10].

Ўз киндик қони тўкилган, ота-боболари хоки ётган она юртни дунёга тенгсиз, муқаддас Ватан деб биладиган баркамол авлоднинг мақсад-муддаолари аниқ, ғурур ва ифтихори юксак бўлади. Шунинг учун ҳам ҳар қайси фуқаро ўз мамлакатини

дунёнинг энг ривожланган бадавлат давлатлари қаторига кўтарилишидан манфаатдор эканлигини ҳис қилмоғи, тушуниб етмоғи лозим. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг пировард мақсади, халқимизнинг ана шундай орзу-умидларини рўёбга чиқариш, унга ҳар томонлама муносиб турмуш шароитини яратиб беришдан иборат.

Бу мақсадга эришишга барча имкониятлар етарли: табиий бойликлар, унумдор ерлар, катта иқтисодий, ҳуқуқий, илмий-техникавий ва маънавий салоҳият. Энг асосийси, бу заминда ана шу фаровон ҳаётни ўз кучи ва ақл-заковати билан барпо этишга қодир бўлган меҳнатсевар ва истеъдодли халқ яшайди.

Хулоса ва таклифлар юқорида қайд этилган тушунчалар мазмуни ва моҳиятидан маълумки, таълим бериб, тарбияга эътибор берилмаса ёки яхши тарбиялаб, сифатли таълим бериш, ўқитиш ташкил этилмаса, кадрлар тайёрлашдан кўзланган натижага эришиб бўлмайди. Ички ишлар органлари назорат фаолиятини амалга ошириши жараёнида бу масалага эътиборини янада кучайтириши керак. Чунки мазкур муҳим масала бевосита республикамизнинг турли соҳалар бўйича янада ривожланиши, халқаро майдонда эса ўз ўрнига эга бўлишида асосий роль ўйнайди.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР


1. *Мирзиёев Ш.М.* Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 25 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табриги // Халқ сўзи.– 2017. – 14 янв.

2. *Каримов И.А.* Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т., 2015. – Б. 75.

3. Ватанпарварлик ва шижоат // Халқ сўзи. – 2017. – 16 нояб.

4. *Исхоқжон Муҳаммаджон ўғли.* Таълим ва тарбия. – Т., 2018. – Б. 480–482.

5. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 8-жилд. Солнома – Тўйтепа - / Таҳрир ҳайъати А.Азизхўжаев, М.Аминов, Т.Даминов. – Т., 2004. – Б. 95.

6. Замонавий узлуксиз таълим муаммолари: инновация ва истиқболлар // Халқаро илмий конференция I том. – Т., 2018. – Б. 489.

7. *Старостин В.Г.* Задачи и уровни организации воспитательной работы в вузе МВД РФ // Вестник Московского университета МВД России. – 2015. – №1. – URL: https://cyberleninka.ru/artile/n/zadachi-i-urovni-organizatii-vospitatelnoy-raboty-v-vuze-mvd-rf/viewer.

8. URL: https://kuef.kz/ru/cooperation/mobility/.

*К. М. Рахимов**

# ЙЎЛЛАРДА ҲАРАКАТЛАНИШ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИЖТИМОИЙ ЗАРУРАТИ

**Аннотация.** Мақолада йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлашнинг инсон ҳаёти ва соғлиғи, атроф-муҳитни ҳимоя қилишдаги аҳамияти, унинг меҳнат бозоридаги ўрни кўриб чиқилган. Йўл-транспорт ҳодисалари сабабли юзага келадиган иқтисодий-ижтимоий йўқотишлар ва харажатларни камайтириш, уларнинг олдини олишнинг ижтимоий зарурлиги баён қилинган.

**Таянч сўзлар:** йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш, йўл ҳаракати хавфсизлиги, йўл-транспорт ҳодисаси, иқтисодий, ижтимоий зарурат.

## СОЦИАЛЬНАЯ ПОТРЕБНОСТЬ В ОБЕСПЕЧЕНИИ БЕЗОПАСНОСТИ ДОРОЖНОГО ДВИЖЕНИЯ

**Аннотация.** В статье рассматривается необходимость обеспечения безопасности дорожного движения как основа защите жизни и здоровья человека, охраны окружающей среды. Описываются социально-экономические потери и издержки, вызванные дорожно-транспортными происшествиями, а также социальная необходимость их снижения и предотвращения.

**Ключевые слова:** безопасность дорожного движения, дорожно-транспортное происшествие, экономическая, социальная необходимость.

## SOCIAL REQUIREMENT FOR MAINTENANCE OF ROAD SAFETY

**Annotation.** The article examines the role of road safety in protecting human life and health, the environment, and the labor market, its social need through economic and social losses caused by road accidents, as well as the need to reduce and prevent costs.

Keywords: road safety, traffic accident, economical, social necessity.

Маълумки, ҳозирги кунга келиб, замонавий компьютерлар асосида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг турли бошқарув ва назорат тизимлари ишга туширилмоқда. Айниқса, транспорт воситалари ва йўллар, тартибга солиш техника-ускуналарини ишлаб чиқариш, умуман, илмий ва технологик тараққиётнинг энг сўнгги ютуқларидан фойдаланиб, «шахс – автомобиль – йўл» тизимининг узлуксиз фаолиятини муносиб таъминлашни давр тақозо этмоқда. Чунки ЙҲХТ ҳолати мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини белгилашга ғоят салмоқли ҳисса қўшади.

* ***Рахимов Камолиддин Мухамаджонович,*** *Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти бошлиғининг ҳуқуқий масалалар бўйича ёрдамчиси, мустақил изланувчи.*

Айтиш жоизки, ЙТҲ орқали ўлим хавфи кам даромадли давлатларда юқори даромадли мамлакатларга нисбатан уч баравар юқори. Дунё транспорт воситаларининг фақат 54% ривожланаётган (кам даромадли) мамлакатларда бўлса-да, жаҳондаги ЙТҲ орқали ўлим даражасининг 90% ушбу мамлакатларда содир бўлади [1].

Йўлларда ҳаракатланишнинг ижобий жиҳатларига қарамай, унинг салбий жиҳатларини эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Жамиятда транспорт воситаларига нисбатан кундан-кун ўсиб бораётган эҳтиёжнинг табиий зарурият эканлиги билан бир қаторда унинг салбий оқибатлари мавжудлигини ҳам унутиб бўлмайди. Жумладан, ЙТҲ сонининг ортиши, ўнлаб ва минглаб одамларнинг жароҳатланиши ва вафот этиши, йўл инфратузилмаси ва атроф-муҳит (табиат)га зарар етиши, айрим шаҳар ва аҳоли пунктларида яшаш шароитининг қийинлашишига олиб келади. Бу эса ЙТҲ ва йўллардаги бошқа қоидабузарликларнинг сабаблари, шарт-шароитларини ўрганиш ва оқибатларини бартараф этиш масаласини кун тартибига қўяди.

Инсоннинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлат зиммасидаги энг асосий мажбурият ҳисобланади. Инсоннинг табиий (яшаш) ҳуқуқи ва уни ҳимоя қилиш давлат ҳамда барча жамоат тузилмалари фаол ҳаракатларининг кенг доирасини, ҳар бир инсон турмушининг хавфсиз ижтимоий ва табиий муҳитини, турмуш шароитини ўз ичига олади [2]. Автомобилнинг кашф этилиши ва унинг инсоният ҳаётига кириб келиши, жуда кўплаб енгилликлар олиб келган бўлса, бугунги кунга келиб унинг салбий оқибатларидан жабр чекаётганлар сони кўпайиб бормоқда. Автомобиллашув аниқ иқтисодий фойда билан бирга, кўплаб харажатлар ва салбий муаммоларни келтириб чиқарди. Улардан энг жиддийси – ЙТҲ муаммосидир.

Маълумотларга кўра, республикамизда йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида ҳалок бўлган йўловчи ёки пиёдалар сони кўплаб ривожланган мамлакатларга нисбатан юқорилигича қолмоқда. Масалан, ҳар 100 минг кишига тўғри келадиган инсон ўлими билан якунланувчи ЙТҲлари сони Германияда ўртача 4,8, Швецияда 5,2 ҳолатни ташкил этса, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 8,3 га тенг [3].

Дунёда автомобиль, мотоцикл, велосипед ва пиёдалар иштирокидаги ЙТҲларидан бир кунда ўртача 3400 киши (жумладан, 500дан зиёд бола), бир йилда 1,3 миллионга яқин инсон ҳалок бўлади. Ҳар йили бунга қўшимча 20–50 млн одам турли даражада шикастланади [4].

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, «йўлларда ҳаракатланишдан жабрланиш» дунёда ўлимга олиб келувчи сабаблар рўйхатида 8-ўринда туради ва 15–29 ёшдаги шахслар орасида ўлимнинг асосий сабаби ҳисобланади. Ҳозирги башоратларга кўра, ЙТҲда 2030 йилга келиб бу кўрсаткич 5-ўринга чиқади [5]. Айниқса, автомобилнинг атроф-муҳитни ифлослантиришидан тортиб, ҳар йили йўлларда минглаб одамларнинг нобуд этишигача бўлган салбий оқибатлари «йўл эпидемияси» шаклини олди, десак хато бўлмайди.

Йўл қатновининг ҳалокатли муаммолари ва йўл ҳаракати иштирокчиларининг мослашувчанлиги (кўникма ҳосил қилиши) бунинг асосий сабабчиси инсон омили билан боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда кейинги йигирма йил ичида бу масалалар транспорт психологлари, конструктор-эргономистлар, йўл ҳаракати ташкилотчилари, инженер-механиклар, педагог ва шифокорлар каби аҳолининг зиёли қатлами вакилларини ташвишга солмоқда.

Аслида, бир инсоннинг йўл-транспорт ҳодисаси натижасида ҳаётдан барвақт кўз юмиши ёки тан жароҳати олиб, бир умр ногирон бўлиб қолиши катта фожиа.

Айниқса, ЙТҲ сабабли болаларнинг шикастланиши ёки ҳалок бўлиши фавқулодда ҳодиса ҳисобланади.

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияда ҳар бир бола ўз фаровонлиги учун зарур ҳимоя ва ғамхўрликка эга бўлиши лозимлиги таъкидланган. Ушбу Конвенция БМТ Бош Ассамблеясининг 44/25-сон резолюцияси билан 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган ва 1990 йил 2 сентябрда кучга кирган. Ўзбекистон Конвенцияга 1994 йил 29 июнда қўшилган. Мазкур Конвенциянинг 3-моддасида иштирокчи давлатлар болалар ҳақида ғамхўрлик кўрсатиш ёки уларни ҳимоя қилиш учун масъул бўлган муассасалар, хизматлар ва органлар ваколатли органлар томонидан хавфсизлик ва соғлиқни сақлаш соҳасида белгилаб қўйилган нормаларга қатъий риоя қилишлари белгиланган [6]. Бу муҳим нормани таъминлашнинг энг асосий усулларидан бири эса, дунёдаги болаларнинг ЙТҲ туфайли йўлларда ҳалок бўлишларини бартараф этишдир.

Норвегия мактабларида 6–12 ёшдаги болаларга йўл ҳаракати қоидалари, йўлни тўғри кесиб ўтиш, велосипедда сайр қилишда хавфсизлик қоидаларига риоя этишни ўқитиш йўлга қўйилган. Бу тадбир натижасида болалар иштирокида йўлни кесиб ўтиш вақтида содир бўладиган ЙТҲ сони 13% га, велосипедда сайр қилишда содир бўладиган ЙТҲ 6 % га камайган. Мазкур тажрибани инобатга олган ҳолда республикамизнинг барча ҳудудларида болаларни мактабларда йўл ҳаракати қоидалари бўйича ўқитишни тизимли равишда йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ [7].

Бундан ташқари, пиёда ва велосипедчилар учун тунги вақтларда ёруғлик қайтарувчи нимчалардан фойдаланиш амалиётини жорий этиш лозим. Мавжуд маълумотларга кўра, Норвегия ва Финландия давлатларида мазкур талабни жорий этиш орқали пиёдалар иштирокида тунги вақтда содир бўладиган барча ЙТҲнинг 85%га камайишига эришилган [7].

ЙТҲ сабабли, энг аввало, инсон яшаш ҳуқуқидан маҳрум бўлмоқда. БМТ Бош Ассамблеянинг 1948 йил 10 декабрдаги 217А (III)-сонли резолюцияси билан қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»нинг 3-моддасида ҳар бир инсон яшаш, эркин бўлиш ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларига эгадир [8], деб белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24-моддасида яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир [9], деб кўрсатилган. ЙТҲ инсонни яшаш ҳуқуқидан маҳрум қилаётган сабаблардан бири бўлса-да, афсуски шахс у билан ёнма-ён яшашга ва кундалик ҳаётий эҳтиёжларини қондириш учун автотранспорт воситаларидан фойдаланишга мажбур бўлмоқда. Автомобилларни мажозий маънода одамларнинг «хавфли ёрдамчиси» дейиш мумкин. Инсоннинг ҳаётий муҳим манфаатларини ҳимоя қилиш давлат зиммасидаги вазифалардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Шунигдек, 28-моддага мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқароси Республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуқига эга [9].

Ўзбекистон Республикасида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ҳуқуқий асос «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги қонун ҳисобланади. Мазкур қонунда давлатнинг ЙҲХТ, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини сақлаш, мулкини

ҳимоя қилиш, ЙҲХ соҳасидаги асосий тамойиллар, вазифалар ва уларни амалга ошириш усул ва шакллари белгиланган.

Қонуннинг 3-моддасида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш – йўл-транспорт ҳодисалари юзага келиши сабабларининг олдини олишга, бундай ҳодисалар оқибатларининг оғирлигини камайтиришга қаратилган фаолият эканлиги кўрсатилган. Қолаверса, қонуннинг 4-моддасида фуқаролар ҳаёти ва соғлиғи муҳофазасининг, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, шунингдек атроф-муҳит ҳимоясининг устуворлиги йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг асосий принципларидан бири сифатида белгиланган.

Ўзбекистон Республикасида йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасини тартибга солувчи 20 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинган [6]. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 11 июль ПҚ-3127-сон қарорига мувофиқ йўл ҳаракати хавфсизлигини ишончли таъминлаш соҳасида комплекс ташкилий-амалий чора-тадбирлар амалга оширилган ҳолда салмоқли ишлар қилинди.

Жумладан, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисалари профилактикаси тизимини такомиллаштириш, назоратнинг юқори самарадорлигини, ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга барҳам беришни таъминлайдиган йўл ҳаракатини автоматлаштирилган тартибга солиш тизимини кенгайтириш бўйича ички ишлар органлари ишини ташкил этишнинг сифат жиҳатидан янги тартиби белгиланди.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш, йўл инфратузилмасини тубдан яхшилаш, йўллар сифатини ошириш, шунингдек, йўл ҳаракати барча иштирокчиларининг хавфсиз ҳаракатланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 майда «Ўзбекистон Республикаси йўл хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 377-сон қарори қабул қилинди ва унга мувофиқ 2018–2022 йилларда Ўзбекистон Республикасида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш концепцияси ҳамда 2018–2022 йилларда Ўзбекистон Республикасида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш концепциясини 2018-2019 йилларда амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» тасдиқланди.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, йўлларда хавфсизликни таъминлашга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга ошириб келинаётган бўлсада, лекин мазкур соҳадаги ҳуқуқбузарликлар ортидан йўл-транспорт ҳодисаси юз бериши натижасида фуқароларимизнинг ҳалок бўлиш ҳолатлари ҳанузгача ташвишланарли.

Хусусан, Ўзбекистонда 2020 йил январь ойидан август ойигача 3.596 та йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган. ИИВ ЙҲХББ маълумотига кўра, ЙТҲлар сони 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 12,6 фоизга ёки 520 тага камайган (ўтган йил январь–август ойларида 4.116 та ЙТҲ содир бўлган).

2019 йилнинг январь–август ойларида оқибати ўлим билан тугаган 1.196 та ЙТҲ юз берган бўлса, 2020 йилнинг ҳисобот даврида бу кўрсаткич 17,1 фоизга камайиб, 991 тани ташкил қилди. 2020 йилда1 сентябрга қадар 2.605 та ЙТҲда фуқаролар тан жароҳати олган (ўтган йилга нисбатан 10,8 фоиз, 315 тага кам) [10].

Маълумотларга кўра, ЙТҲ болалар ва ёшлар орасида ўлимнинг асосий сабаби бўлишидан ташқари, катта ижтимоий ва иқтисодий оқибатларга олиб келади, бунинг

натижасида кўпчилик мамлакатларда иқтисодий зарар ялпи ички маҳсулотнинг 5 фоизигача етади [11].

ЙТҲ сабабли вужудга келаётган зарарнинг ижтимоий-иқтисодий ўлчови қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

– одамларнинг ўлими ва жароҳатланиши натижасида етказилган зарар;

– транспорт воситаларининг шикастланиши натижасида етказилган зарар;

– юкнинг шикастланиши натижасида етказилган зарар;

– йўлларнинг шикастланиши натижасида зарарланиш.

Ўлим ва шикастланиш натижасида етказилган зарар ЙТҲ натижасида етказилган зарарнинг энг катта қисми бўлиб, қуйидаги ижтимоий-иқтисодий параметрларни ўз ичига олади:

– инсоннинг ишлаб чиқариш соҳасидан пенсияга чиқиши туфайли иқтисодий йўқотишлар;

– ногиронлик ва омон қолган шахсларга пенсияларни тўлашда, шунингдек, шифохонада даволаниш ва вақтинчалик ногиронлик нафақасини тўлашда давлатнинг ижтимоий-иқтисодий йўқотишлари;

– болалар ўлими туфайли ижтимоий-иқтисодий йўқотишлар [12].

Юқорида кўрсатилган зарар ва йўқотишлар ЙТҲ натижада вужудга келган реал воқелик, иқтисодий кўрсаткичлар ҳисобланади. ЙТҲ натижасида вужудга келган зарар миқдори бевосита ва билвосита иқтисодий йўқотишларни ҳисоблаш асосида баҳоланади. Бироқ бир шахснинг ЙТҲ сабабли маънавий зарари, яъни психологик жароҳатларининг ўлчови мавжуд эмас.

Бевосита, тўғридан-тўғри йўқотишлар сифатида автомобиль транспортининг эгаси, йўлларга хизмат кўрсатувчи идораларнинг ЙТҲ оқибатларини бартараф этиш учун сарфлаган харажатлар, ЙҲХ хизмати, тергов ва суриштирув органларининг ҳодиса бўйича терговга қадар текширув, тергов қилишдаги харажатлар ҳамда ишни судда кўриш чиқимлари, тез тиббий ёрдам, жабрланганларни даволаш учун тиббиёт муассасалари, қутқарув хизмати, ходимлар бахтсиз ҳодиса қурбони бўлган корхоналарнинг (меҳнатга лаёқатсизлик таътили, нафақа бериш, маросимлар учун тўловлари) харажатлари, суғурта тўловларини киритиш мумкин.

Билвосита йўқотишларга инсоннинг ишлаб чиқариш соҳасидан вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик таътили вақтидаги тўлов ёки тўлиқ пенсияга чиқиши, тажрибали, малакали ходимларнинг йўқотилиши сабабли ва маънавий йўқотишлар туфайли миллий иқтисодиётнинг йўқотишлари киради.

ЙҲХТ ва ушбу тизимдаги хавфсизлик омиллари ва ЙТҲ сабабларини ўрганиш, тадқиқ этиш мазкур йўқотишларни, харажатларни камайтириш, уларнинг олдини олиш илмий-амалий аҳамиятга эга ва долзарб ҳисобланади.

ЙҲХТ орқали одамлар ва товарларни макон, ҳудуд бўйлаб ҳаракатланишдек муҳим эҳтиёжларидан бирини сифатли қаноатлантириш мумкин. Бунинг учун йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимини сифатли, хавфсиз ва аниқ ташкил этиш зарур.

Назаримизда, ЙҲХТ тизимнинг таркибий элементлари сифатида бунда қуйидагиларга алоҳида урғу бериш керак:

нафақат бўлажак ҳайдовчилар, балки пиёдаларга мактабгача ёшдан бошлаб, оилада, ижтимоийлашув жараёнида йўл ҳаракати қоидаларини ўз вақтида ва сифатли ўргатиш;

ЙҲХ ходимлари ҳамда йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш;

ЙТҲларининг олдини олиш ва профилактикасини таъминлаш;

йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини узлуксиз назорат қилиб бориш.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизими кенг қамровли ўзига хос мураккаб жараён бўлиб, унда инсон, инсон-техника ва муҳит (йўл, табиий шароит) омиллари иштирок этади. Уларнинг йўл ҳаракати жараёнидаги иштирокини тартибга солиш, ушбу тартибни таъминлаш ЙҲХТнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Бунда қуйидаги хусусиятларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

ҳуқуқ нормалари – мақсади йўл ҳаракати қатнашчилари хавфсизлигини таъминлашни назарда тутувчи қоидалар;

муносабат субъектлари – турли роль ва мавқега эга бўлган йўл ҳаракати қатнашчилари: ҳайдовчи, пиёда, йўловчи, ЙҲХХ ходими;

моддий инфратузилма – транспорт воситалари, йўл тармоғи ва унга техник хизмат кўрсатиш.

ЙҲХТнинг муҳим ижтимоий ва иқтисодий зарурати шундан иборатки, транспортда йўлларда ҳаракатланишнинг хавфсиз ва тартибли ташкил этилиши мамлакат иқтисодий ўсишини таъминловчи муҳим омиллардан биридир. Масалан, логистика хизматидан фойдаланиш, туризмни ривожлантиришда, мамлактлараро юкларни ташишда транспорт имкониятидан фойдаланиш давлатнинг халқаро майдондаги нуфузини ошириб, транспорт салоҳиятини юксалтириш ва экспорт имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилади.

Республикамизда халқ хўжалиги юкларининг 80 фоизи, йўловчи ташиш хизматининг 85 фоизи автомобиль транспорти соҳасига тўғри келади [13]. Демак, ЙҲХТ шахс, жамият ва давлат манфаатларига бирдек таъсир кўрсатиши мумкин бўлган, тартибга солиниши жиддий назорат остидаги соҳа ҳисобланади. Йўлларда хавфсизликнинг таъминланмаслиги ушбу юкларни ўз вақтида, бутун ва сифатли етиб боришини шубҳа остида қолдиради. Йўллардаги тартибсизлик тадбиркорлик субъектларининг, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш каби иқтисодиёт бошқа тармоқларининг иш самарадорлигига салбий таъсир этади.

Мавжуд маълумотлар таҳлилига кўра, ЙТҲларининг асосий қисми давлат аҳамиятидаги (минтақалараро) йўлларда содир бўлаётганлиги сабабли, мазкур йўлларда хавфсизликни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасида халқаро аҳамиятга молик автомобиль йўллари узунлиги 3.993 км, давлат аҳамиятига молик автомобиль йўллари узунлиги 14.203 км, маҳаллий аҳамиятга молик автомобиль йўллари узунлиги 24673 км.ни ташкил этади [14].

2020 йилнинг 8 ойида содир бўлган йўл-транспорт ҳодисаларининг деярли ярми ёки 48,9 фоизи давлат аҳамиятидаги (минтақалараро), 28,2 фоизи маҳаллий ва 22,9 фоизи халқаро аҳамиятга эга бўлган йўлларда юз берган [15].

Маълумотларга кўра, ЙТҲларнинг келиб чиқишига сабаб бўлаётган автомобиль йўлларини зарур даражада таъмирлашга эътибор қаратилмагани оқибатида 2019 йилда ва 2020 йилнинг 8 ойи давомида 532 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилиб, уларда 511 нафар фуқаро жароҳатланган ва 191 нафар фуқаро ҳалок бўлган [15].

ЙҲХТ ва йўл ҳаракати шахсий ва иқтисодий эркинликларнинг ташувчиси сифатида аҳоли бандлигини таъминлаш соҳасидаги вазиятни ўнглашда жуда муҳим

роль ўйнайди. Йўлларда ҳаракатланишни хавфсиз ташкил этиш соҳаси кўплаб иш ўринлари яратиши мумкин бўлган йўналиш ҳисобланади.

Мавжуд маълумотларга кўра, Республикамизда 2015 йилда иш билан банд аҳолининг 5,4% транспорт ва алоқа соҳасига тўғри келган [16]. ЙҲХТ йўналиши инсон меҳнат қилиши мумкин бўлган соҳа, иш ўрни сифатида хавфсиз бўлиши лозим. Бу эса мазкур соҳада хавфсизликни таъминлаш яна бир ижтимоий заруратлардан бири эканлигини англатади.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимини тартибга солишнинг яна бир муҳим жиҳати унинг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтириш ва олдини олиш ҳисобланади. Автотранспорт воситаларининг мунтазам ҳаракати натижасида атмосфера ҳавоси, сув ҳавзалари, тупроқ қоплами ва автомобил йўллари яқинидаги шовқиннинг юқорилиги атроф-муҳитга зарар етказмоқда. Хусусан, автотранспорт воситалари мунтазам ҳаракатланадиган ҳудудларда ҳавонинг таркибида зарарли моддаларнинг ортиши, ҳароратнинг кўтарилиши, ультрабинафша нурларининг 30%гача пасайиши, кўришнинг пасайиши, булутлар ва ёғингарчиликнинг кўпайиши ва ҳаво айланишининг ўзгариши кузатилмоқда [17]. Шунингдек, 2016 йилда дунё аҳолисининг 91% ифлосланиш даражаси Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳаво сифати тавсияларида белгиланган қийматлардан ошиб кетган ҳудудларда яшаган, 2012 йилда дунё бўйлаб ҳавонинг ифлосланиши оқибатида шаҳар ва қишлоқларда тахминан 4,2 миллион бевақт ўлим содир бўлган [18]. Атмосферани ифлослантирувчи асосий омиллардан бири завод ва фабрикалар бўлса, иккинчиси автомобиль транспортидан фойдаланишдир.

Автомобиль транспортидан атроф-муҳитга етказилаётган зарар миқдорини камайтириш учун йўл ҳаракати ва транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларини такомиллаштириш, амалдаги қоидаларга риоя этилишини мунтазам назорат этиш, қоидабузарларга нисбатан жазо муқаррарлигини таъминлаш лозим. Жумладан, транспорт воситаларининг атроф-табиий муҳитга чиқараётган тутунининг зарарлилик даражасини мунтазам назорат қилиш, тезликни белгиланган чекловдан оширувчи ҳайдовчиларни аниқлаш, чегарадан ортиқ миқдорда юк ортиш ҳолатларига чек қўйиш лозим.

Шунингдек, аҳоли пунктларида автотранспорт воситаларининг ҳаракат тезлигини чеклаш (30-50 км/с) автоҳалокатларнинг оғир оқибатларини ва зарарини камайтириш билан бирга шаҳар экологиясига транспорт воситаларидан чиқаётган зарарларни ва шовқин миқдорини камайтиришга хизмат қилади. Автомобил йўлларидаги рухсат этилган ҳаракатланиш тезлигининг 5 % камайтирилиши, одам ҳалок бўлиши билан содир бўладиган йўл-транспорт ҳодисалари миқдорини 30 % га камайишига олиб келиши мумкин. Маълумотларга қараганда, дунё аҳолисининг 13% ни ташкил этувчи фақат 47 мамлакат шаҳарда тезликни сақлаш бўйича энг яхши амалиётларга жавоб берадиган (≤50 км соатига) қонунларга эга экан [19].

Юқоридагиларга асосан, юртимиз табиий муҳитини асраб-авайлаш, фуқаролар ҳаёти ва соғлиғини сақлаш мақсадида «экологик тоза» транспорт воситаларидан фойдаланишни йўлга қўйиш, уни қўллаб-қувватлаш мақсадга мувофиқ. Жумладан, табиатга зарари кам бўлган автотранспорт воситалари (масалан, электромобиллар) нинг республикамизга олиб кирилишини рағбатлантириш лозим. Фуқароларнинг соғлиғи учун пиёда юриш, велосипедда ҳаракатланиш, электрда юрувчи жамоат транспортидан фойдаланишнинг афзалликлари ҳақида кенг тарғибот ишларини олиб бориш керак. Бундан ташқари, табиатга чиқараётган тутунни меъёридан оширган

транспорт воситаси ҳайдовчиларига нисбатан жазо чораларини кучайтиришни назарда тутувчи қонун лойиҳасини тайёрлаш, аҳоли пунктларини илмий соҳа мутахассислари билан ҳамкорликда ўрганиб чиқиб, ушбу ҳудудларда ҳаракат тезлигини 50-30 км/с гача чеклаш лозим.

Демак, йўлларда ҳаракатланиш тартибсиз жараён эмас, бу алоҳида индивиднинг эмас, балки давлатнинг йўл-транспорт тизими жараёни, онгли ва бошқариладиган фаолият натижаси. Йўлларда ҳаракатланиш иштирокчиларининг йўл ҳаракатидаги «интизоми» мазкур соҳа сабабли келиб чиқаётган иқтисодий-ижтимоий зарар ва харажатларнинг олдини олишга, камайишига хизмат қилади.

Юқорида қайд этилган маълумотлар таҳлилидан келиб чиқиб, назаримизда, ЙҲХТнинг ижтимоий зарурати сифатида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

фуқаролар, айниқса, болаларнинг ҳаёти ва соғлиғини сақлаш, хавфсизлигини таъминлаш;

ЙТҲ сабабли вужудга келаётган иқтисодий-ижтимоий йўқотиш ва зарарларни камайтириш, олдини олиш;

мамлакатнинг транспорт, экспорт, транзит, туризм салоҳиятини ошириш;

жамиятнинг транспорт воситасидан хавфсиз фойдаланиш эҳтиёжини қаноатлантириш;

меҳнат бозорида аҳоли бандлигини таъминлашда хавфсиз иш ўринлари яратиш;

автотранспорт воситаларининг ҳаракати сабабли атроф-табиий муҳитга етаётган зарарни камайтириш, табиатни асраш;

йўлларда транспорт воситаларидан фойдаланиш билан боғлиқ бошқа ижтимоий муносабатларни тартибга солиш.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР


1. https://wwwnc.cdc.gov/travel/yellowbook/2020/travel-by-air-land-sea/road-and-traffic-safety
2. Инсон ҳуқуқлари: Ўқув қўлланма /Ҳ.Б. Бобоев, А.Х. Саидов, Ш. Ш. Шораҳметов ва бошқ. – Т.,1997.
3.Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. – 2019. – №1.
4. https://wwwnc.cdc.gov/travel/yellowbook/2020/travel-by-air-land-sea/road-and-traffic-safety
5. https://cyberleninka.ru/article/n/bezopasnost-i-kultura-dorozhnogo-dvizheniya)
6.Lex.uzсайти.
7.Транспорт Российской Федерации. – 2010. – №4(29).
8.Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси, 10.12.1948 йил. Norma электрон қонун ҳужжатлари базаси.
9. Lex.uz сайти. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
10. Дарё.уз сайтидан олинди.
11.Senat.uz сайтидан олинди.
12.Методика оценки и расчета нормативов социально-экономического ущерба от ДТП.Р 3112199-2502-00
13. Янги Ўзбекистон. – 2020. – 7 фев.
14. Lex.uz сайти. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 5 августдаги 169-сон қарори
15.https://daryo.uz сайтидан олинди.
16. Mineconomy.uz сайтидан олинди.
17.https://files.stroyinf.ru/Data1/56/56234/index.htm
18.https://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail/ambient-(outdoor)-air-quality-and-health
19. https://wwwnc.cdc.gov/travel/yellowbook/2020/travel-by-air-land-sea/road-and-traffic-safety